П. Ш. Зоҳидов

МЕЪМОР ОЛАМИ

Қомуслар Бош таҳририяти
Тошкент

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тақризчилар:

Тарих фанлари номзоди **ХАЙРУЛЛА СУЛТОНОВ**

Архитектура номзоди **ҲАМИДУЛЛА САЛОҲИДДИНОВ**

Истиқлолга эришишимиз туфайли халқимизнинг ўтмишига, қадимда бунёд топган меъморий обидалар ва уларнинг яратилиш тарихига бўлган қизиқиш кучайди. Мазкур китобдан ўрин олган меъморий луғат, меъморий обидалардан намуналар, уларнинг қисқа таъриф-тавсифи, меъмор-усталар ҳақида маълумотлар, маҳаллий атамалар меъморлик оламига бўлган эътиборни янада оширади. Китоб талабалар, меъморлик соҳасида ишловчи усталар ва умуман меъморлик билан қизиққан барча китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ИБ № 146

М $\frac{4905000000}{358}$

ISBN 5-89890-116-7

© Қомуслар бош таҳририяти, 1996

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУҚАДДИМА

Ўтмиш қадриятлари халқнинг бебаҳо маданий мероси. Уларда асрлар тажрибаси жамланган, боболаримиз ижодий меҳнати мужассам топган.

Ўтмишнинг бирор ёрқин «зиё» зарраси асрлар зимистонини ёритиши мумкин. Мустақилликка эришган халқимиз санъатшуносларидан маданий мерос хазинасига муносиб ёдгорлик ёки ёдномаларни излаб топиш, уларни чуқур ўрганиб мағзини чақиш, улар ташкил этган ижод пиллапояларидан кўтарилиб янги замон маданияти равнақига хизмат этиш каби ғоят масъул ва эътиборли ишлар кўлами кутиб турибди.

Ўзи бир олам бўлган меъморлик санъати ва у билан чамбарчас боғлиқ халқ амалий санъати, хусусан нақкошлик, ўймакорлик, ганчкорлик, кандакорлик каби соҳалардаги ижод намуналарини ўрганиш йўлида анчагина самарали тадқиқотлар мавжуд. Кўп йиллик изланишлар натижасида табиийки халқ меъморлари, халқ усталари таомилига хос анчагина сўз ва атамалар йиғилиб қолган.

Меъмор санъатига доир тадқиқотларда меъмор, муҳандис, бинокор, ганчкор, нажжор, нақкош каби жуда кўп соҳа усталари ижодий фаолиятига алоқадор турли сўз ва атамалар эълон қилинган. Баъзи китобларга эса қисқа меъморий луғатлар ҳам илова этилган. Лекин илгарилари мақсад давр тақозоси билан асосан русзабон китобхонни баъзи маҳаллий атамалар билан таништириш бўлган, холос. Ўзбек китобхонига мўлжаллаб чоп этилган махсус меъморий китоблар ниҳоятда кам нусха, жуда оз бўлгани маълум. Ҳатто бўлғуси мутахассислар — меъмор ва бинокор талабалар учун ҳам махсус адабиёт етишмас эди.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганидан сўнг, ўзбек тилининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида кенг кўламда қўлланиши учун яхши имкониятлар яратилди. Шу боис архитектура — меъморлик ва бинокорлик соҳасида маҳаллий атамаларга бўлган қизиқиш ва зарурат яна ҳам кенгайди, хусусан шу соҳада изоҳли луғатлар деярлик йўқлиги жуда аниқ сезилиб қолди. Меъморлик соҳасидаги маҳаллий атамаларни дуруст билмай туриб, ҳозирги замон меъморлиги ва бинокорлиги талабларига муносиб улгайиш қанчалик қийин ва мураккаблиги кўриниб турибди.

Қўлингиздаги китоб меъморлик соҳасида пайдо бўлган дастлабки терминологик ташналикни бироз босади деган умиддамиз. Қадимий қадриятларимиз, осори атиқани, меъморий ёдгорликларни синчиклаб ўрганиш, ўтмишга боғлиқ давр ҳужжатларини, вақфнома, воқеанома каби тарихий ва бадиий адабиётларни таҳлил этиш жараёнида учраган, қолаверса кўп йиллар давомида ижодкор халқ усталари билан бўлган сон-саноқсиз шахсий мулоқотлар натижасида меъмор бисотида йиғилиб қолган халқ усталари таомилидаги меъморий кошонани бунёд этишда, уни таъриф-тавсифлашда зарур бўлган сўзлар хазинаси эшигини бироз очмоқчимиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Урхун — Енисей тош битиклари, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарлари каби қадимги ноёб туркий манбалардан, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Жаъфар Наршахий, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур каби аллома ижодкорларнинг адабий меросидан териб олинган меъморий санъат билан боғлиқ сўз-атамалар билан замондошимизни таништирмоқчимиз. Халқ усталарининг сўз бойлиги хазинасини ғалвирдан ўтказиб ҳозирги замон ўзбек тилидаги мавжуд архитектура ифодаси, таъриф-тавсифи учун зарур бўлган сўзларни қўшдик. Шуни эътиборга олиш керакки, йиғилган атамалар ҳали мукаммаликдан анча йироқ. Дастлабки қадам кетидан дадилроқ интилиш бўлиб, меъморий луғатни мукаммаллаштирсак ажаб эмас.

Мазкур китоб уч бўлимдан иборат.

Биринчи бўлимда қисқа меъморий луғат берилди. Асосий атамаларнинг қадимият ёдгорликларидаги шаклу шамойили тасвири, чизмасидан намуналар келтирилган. Тасвирларда меъморий ёдгорликларнинг ноёб намуналаридан дарак беришга ҳаракат қилдик.

Иккинчи бўлимда меъморий обидалардан намуналар, уларнинг қисқа таъриф-тавсифи, чизмаси ва расми келтирилган, меъмор-усталар ҳақида маълумот берилган.

Учинчи бўлимда меъмор оламида ишлатиладиган, меъмор, муҳандис, бинокор усталар таомилидаги сўз билан боғлиқ тарихий муаммодек хабар, воқеалар таҳлил этилган. Бобокалонларимиз Абу Наср Форобий, Абу Жаъфар Наршахий, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур каби алломалар кафолати, қалб сўзи, тафаккур нурлари ёритган меъморликнинг турли жиҳатларига пойдор, ниҳоятда қадрли, ноёб, серқирра, сермазмун қисқа хабарлар билан танишамиз, қолаверса, тарих қаъридаги меъморий чалкашликларнинг баъзи сўз билан тўсатдан ярқ этиб нурафшон бўлиб кетиши, қирралари билан ранг-баранг товланишини кузатамиз.

Меъморий луғат тузиш кўп тадқиқотларни талаб этади. Ҳали халқ бисотидаги меъморлик, бинокорлик, шаҳарсозлик билан боғлиқ сўзлар хазинаси тўлиқ очилгани йўқ. Меъморий луғат биносига ҳали сўзлардан иборат жуда кўп «ғиштлар» етишмаслиги кўриниб турибди.

Умид қиламизки, бу соҳадаги дастлабки қадам меъморлик оламига бўлган эътиборни ошириб боради, унут бўлган сўзларнинг дурру жавоҳирлари тарих қаъридан тортиб олинади.

Мазкур китоб ёшларда меъморлик бунёдкорлигига бўлган қизиқишни улғайтиб, бўлғуси бир даҳо меъморнинг дастлабки қадамларига раҳнамо бўлса, уни ижод кошонасига бошласа айни муддао бўларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi



МЕЪМОРИЙ ЛУҒАТ

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Ки қилиб ҳар бири бино бир қаср,

Ҳар бири зеб ичинда зийнати аср...

Чун муҳандислар эҳтимом этти,

Ҳар бир ўз қасрини тамом этти».

Алишер НАВОИЙ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

А

АБАД — мангулик, қадимият, умрбод.

АБД — қул. Амир Темур меъморий ҳазирасининг дарвозахонаси пештоғида бош меъморнинг дастхати чекилган. Меъмор ёзувни «Амал ал-абд...» сўзлари билан бошлаган, яъни «Мангуликка бунёд этганим» маъносида.

АБДОЛ — ҳароба, вайрона, ташландиқ биноларга, уй қолдиқларига нисбатан бериладиган таъриф. Абдол уй, абдолхона, абдолтепа каби.

АБЖАД — араб алифбосидаги ҳарфларнинг сон қиймати асосида тузилган саноқ тартиби: АБЖД (1, 2, 3, 4), КЛМН (20, 30, 40, 50), ҚРШТ (100, 200, 300, 400) ва ҳ. к. Меъморий обидаларда қурилиш ёки таъмирга оид тарихий санани абжад ҳисобида бериш анъанаси бор. Хивадаги Полвон дарвоза деворига ўрнатилган мармар тахтада тарих сифатида «Шаҳри Хейвақ» сўзлари келтирилган. Абжад ҳисоби билан 1221 ҳижрий (1806 милодий) йилни билдиради.

АВЖ — 1) гумбаз, равоқнинг энг баланд нуқтаси; 2) нақ-қошликда рангнинг ниҳоятда ёрқин, очиқ даражада берилиши. Нақшда қизилнинг авжи баланд.

АВЛИЁ (валий сўзининг кўплиги) — азиз, билимдон, ўқимишли, ҳурматли одам. Авлиёлар мозори аҳоли орасида тавоф этилиб, муқаддас зиёратгоҳ сифатида қадрланиб келинган. «Авлиё» сўзи шаҳар, жой номлари таркибига сингиб кетган. Марказий Осиёда тарихий, афсонавий авлиёлар зиёратгоҳлари жуда кўп. Авлиёота (ҳозирги Жамбул шаҳри) ана шундай авлиё мақбарасига нисбатан жой номига айланган. Хивада Уч авлиё номли меъморий мақбара мавжуд.

АВРА — бинонинг ташқи безаги. Пештоқ авра либоси кошинкори.

АВРАНГ — тахт, подшоҳ саройи. Классик адабиётда тарихий-меъморий иморатларга ишора бор.

АДАН, о б д о н (об-сув, дон-ўрин) — сув йиғиладиган

www.ziyouz.com kutubxonasi





Адан

махсус ўра, чуқур жой. Хоразмда ҳовли саҳнидаги кир ўрани, хона пойгоҳидаги қўл ювиладиган махсус жой (ташнов, ханик)ни айтилади.

АДИЛ — тўғри, тик, эгилмаган, букилмаган. Улуғ минора (Минораи Калон, Бухоро) шаҳар марказида хитоб аломатидек адил турибди.

АЖДАР — афсонавий илонсифат ҳайвон; ёмон кўздан асровчи тумор каби рамзий маънога эга. Аннов (Обинов) шаҳристонидаги жоме масжиди қаносларида кошинкори икки аждар тасвири бўлган. Шаҳрисабзда Малик Аждар номли меъморий манзил (масжид, мадраса) сақланиб қолган. Марказий Осиё монументал ва халқ амалий санъатида учрайдиган аждар тасвири мазмун эътиборига кўра қадимий халқ оғзаки ижоди анъаналарига бориб тақалади.

АЗИМ — ғоят катта, улкан, улуғвор: азим пештоқ, азим минора.

АЗИМКОР УСТА — ижодий ва амалий ишларининг миқёси кенг, кўлами баланд меъмор, муҳандис, уста.

АЙВОН — уч томони девор билан ўралган олди очиқ хо-



1



2

1. «Қашқарча» усулидаги айвон. 2. Кўшк айвон.

www.ziyouz.com kutubxonasi



3. Шоҳайвон. 4. Оддий айвон.

на. Тузилиши жиҳатдан айвоннинг уч хил тури учрайди: даҳлиз — айвон, устунли айвон, равоқли айвон. Асосий хона олдига қурилиб, соябон вазифасини бажарадиган айвон пешайвон деб аталади. Пештоқ равоқли айвон асосан йирик биноларда кенг қўлланилади. Пештоқ ичкарисидаги айвон (баланд жой)га нисбатан суфа (супа) атамаси қўлланилади.

АЙЛАНА, доира, давра — 1) паргар ёрдамида чизилган доира чизиқ; 2) айлана шаклидаги меъморий қисм: айлана зина, айланма зина ва б.

АЙЛАНМА ИСЛИМИ — доира, айланма шакллар асосида тузилган ўсимликсимон нақш тури.

АЙН ЖОЙИ (айн-кўз) — боғ, бино каби жойларнинг режасини тортишда қозиқ (чўбин, таёқ, устун) билан белгиланган марказий нуқта, асосий марказ; композиция маркази. Заҳириддин Бобур боғнинг энг эътиборли жойини шундай атаган.

АЙНИ, айнан — айнан ўхшашлик, бир хиллик; инъикоси, муқобиласи, акси. Қўш услубида қурилган бинолар ўхшашлиги. Композицияда симметрик ўхшашлик. Гириҳ тақсимлари айнийт асосида композиция ташкил этади.

АЙРИ ПАРГАР — 1) катта паргар, бинокорликда ер ўлчаш учун ишлатиладиган асбоб; 2) нақшлар ахтасини, гириҳлар асосини чизишда, масофа ўлчашда қўлланилади.

АЙШГОҲ — ишратхона, *тарабхона* каби базму ишрат биноларининг номи; истироҳат жойи.

АКАНТ — катта барг, айиқтовон гул баргига ўхшаш нақш. Иншоот (девор, фриз, шип, устун бошаси ва б.)ни безашда қадимдан қўлланилган. Тош, ёғоч, ганч ва сополдан ишланган акантлар Миср, Юнонистон, Рим меъ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

морий безакларида кенг тарқалган. Марказий Осиёда акант нақшлари Мунчоқтепа, Айритом ва бошқадан топилган.

АКС-САДО — товуш товланиши; меъморликда муҳим аҳамиятга эга. Катта гумбазли хонақоҳларда (масалан, Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси олдидаги жамоатхонада) қироат билан ўқилган ваъз, ҳатми қуръон товушлари акс-садо натижасида янада илоҳий тус олади.

АЛАМ — байроқ, туғ. Қадимги зиёратгоҳларда учрайдиган туғ ва унга боғланган мато. Марказий Осиё шаҳарларида Аламбардор (яъни байроқдор) номли муқаддас мақбаралар сақланиб қолган. Тошкентнинг Камолон дарвозаси ташқарисида Аламбардор мақбараси бор.

АЛАНГА, тарғил — наққошликда гуллар ичини тўлдиришда ишлатиладиган гулхан алангасини эслатувчи шакл.

АЛАЧА, олача — дастгоҳда тўқилган йўл-йўл мато; тураржой хоналари заминига тўшаб, деворларига осиб, хона ичини безатишда кенг фойдаланилган. Қадимда саропарда ва қалъапарда каби улкан хиргаҳларда кенг фойдаланилган.

АЛИН, пешона — қ. *Бўғот.*

АЛҚОРШОҲ — меъморликда ёввойи тоғ қўйининг шохига ўхшаш гажакдор шакл. Бошанинг икки тарафга қайрилган гажакли қисми.

АМАД — ёғоч устун.

АМАЛ — кўпинча эски иморатларда меъмор ёки устанинг дастхати шу сўз билан бошланади: «Амали усто...» каби.

АМАЛИЙ САНЪАТ — халқ ижодиётининг муҳим соҳаси; кундалик турмушда кенг қўлланиладиган уй-рўзғор буюмлари ва бошқаларни шакл ва бадиий жиҳатдан санъат даражасида, юксак маҳорат билан бунёд этилиши. Амалий санъатнинг турли соҳалари (наққошлик, ўймакорлик, ганчкорлик ва ҳоказо) меъморлик билан чамбарчас боғлиқ равишда ривожланиб келган. Хусусан рўзғор асбоблари, уй-жой жиҳозлари орасида бадиий етук санъат намуналарини учратиш мумкин.

АНГ — сопол қувур; мўри.

АНГОБ — 1) қизил кесакдан тайёрланган бўёқ; 2) сополга, девордаги ғишт устига суртилган рангли пардоз; 3) кўчма маънода — ғишт девор чокларини текислаб пардоз бериш. Усталар барнои деб ҳам аташади.

АНГОРА — қоралама, дастлабки чизма, мусаввада хомаки, хомчўт.

АНДАВА — суворчиликда ишлатиладиган таги силлиқ, дастали темир ва ёғоч асбоб, у билан том ёки деворга чапланган лой юзаси текисланади.

АНДАЗА — намуна, нусха, улги, ахта. Халқ усталари бино пардозида турли шаклдаги безак андазаларидан фойдаланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АНДОМ — ташқи кўриниш; бинонинг бирор қисми кўриниши. Пештоқнинг андоми хушқад.

АНЖУМАН — бинолар ансамбли, мажмуаси.

АНЖИР — наққошликда анжир мевасига ўхшаш шакл.

АНОР — наққошликда анор мевасига ўхшаш гул шакли. Анор шакли қадимдан тўқчилик, мўлчилик, серпуштлик, серҳосиллик нишонаси, рамзи сифатида талқин этилади.

АНТИҚА — қадимдан қолган, қадимий, кўҳна; ноёб, нодир.

АНЪАНА — асрлар оша авлоддан авлодга, устадан устага ўтиб келган қоида, тартиб, одат, расм-русум, йўл-йўриқ. Меъморлик тараққиёти давомида жамланган, тажрибадан ўтиб одатий шакл олган тартиблар меъморий анъана асосини ташкил этади.

АНҚО — ниҳоятда гўзал ва топилмас, ноёб афсонавий қуш. Тасвири халқ амалий санъатида, меъморий безакларда кўп учрайди. Афросиёбдан топилган қадимги Самарқанд ҳокими саройининг деворий безакларида тумшуғида яхшилик (хайр-эҳсон) уруғини тарқатаётган анқо қуш тасвири бор.

АНҲОР (бирлиги наҳр), к а н а л — суғориш учун махсус қазилган катта ариқ.

АРАВА — юк ташиш воситаси. Маҳаллий бинокорликда арава асосий юк ташувчи восита бўлган. Тош бўлакларини тош конидан, ғиштларни хумдондан арава ёрдамида ташиб келтирилган.

АРАЛАШМА — қ. *Қоришма.*

АРАШ — қадимги ўлчов бирлиги; 1 араш 50—60 см.

АРАҚИ — шип билан девор орасидаги горизонтал тахта. У кўпинча безакдор ва бошқа ҳошияларга нисбатан эни кенгроқ бўлади. Арақи юзаси девор сатҳига қараб эгик (наво) ёки текис бўлиши мумкин.

АРАҚИ САРРОВ — хона тепасидаги деворга туташ асосий сарровнинг арақи кўринишида ишланиши.

АРЗ — кенглик, энлик. Хона кенглиги, ғишт эни.

АРЗИҚ, г а н ч — маҳаллий ганч (алебастр)нинг Фарғона водийсида кенг тарқалган тури ҳамда унинг номи.

АРЗИҚЛАМБА, а р з и қ л а м м а — ганч билан пардозланган текис шип; қамиш чий устидан тортилган ганчсувоқ.

АРИҚ — 1) сунъий сув йўли, кичик оқар сувнинг ўзани; 2) нақш ва безакда ўймакор йўл, чизиқ.

АРИҒ — ўтов, капа ёпинчиғи. Клавихо Конигилдаги (Самарқанд) Амир Темур ўрдасини тасвирлар экан саропарда ва қалъапарда тепалари ранг-баранг ариғ билан гумбаз шаклида беркитилганини таъкидлайди.

АРК — шаҳар марказидаги қалъабанд ўрда; қадимда шаҳар ҳукмдорлари жойлашган. Ёзма манбаларда кўҳан-

www.ziyouz.com kutubxonasi

диз, коҳ, қаср номлари билан тилга олинади. Табиий дўнг-лик ёки махсус яратилган баланд супа устига қурилиб, атрофи мустаҳкам девор билан ўралган, бир ёки икки дарвозаси бўлган. Арк ичида подшоҳ ва амирларнинг, амалдор ва лашкарбошиларнинг уйлари, девон, зарбхона ва зиндон жойлашган. Бухоро Арки, Қўқон Ўрдаси, Хива Кўҳна Арки ташқи қалъабанд деворлари, ичкаридаги баъзи сарой бинолари билан сақланиб қолган.

АРРА — ёғоч каби қаттиқ нарсаларни кесиш, қирқиш учун ишлатиладиган тишли металл асбоб. Бинокорлик (дурадгорлик, нажжорлик, чўпкорлик ва б.)да, хусусан чўпкори бинолар қурилишида ишлатиладиган энг зарур асбоблардан.

АРРАКАШ — арраловчи, арралашда қатнашадиган шерик.

АРСА — саҳн; бино қуриладиган майдон, ер саҳни, чегара.

АРУЗ — меъморий лойиҳа тайёрлашда ишлатиладиган динамик квадратларда рационал ва иррационал қаторнинг жойлашуви.

АРЧА — тоғда ўсадиган қаттиқ дарахт; ёғочи меъморликда (пойустун, остона, бўсаға, устун, тўсин каби) пишиқ, мустаҳкамликни талаб этган жойларда ишлатилади. Қадимги обидалар (Исмоил Сомоний мақбараси ва б.)да арча ёғочидан ясалган безаклар, қурилмалар сақланган.

АРЧИМОҚ — ёғоч ғўласи пўстини шилиб, қириб тозалаш.

АРҚОН — каноп, ип, жундан эшиб тайёрланган йўғон чизимча; боғлаш учун ишлатиладиган буюм.

АРҒУВОН, Ёсумон дарахти — қизғиш бинафша ранг майда гулли бута. Ёғочи ўймакорликда ишлатилади.

АСАД (арабча — шер) — Шердор мадраса пештоғи қаносидаги шер тасвири тарихий қўлёзмаларда шу ном билан тилга олинади.

АСАЛ — бўёқ меъёрини билдирувчи сифат белгиси. Наққошликда ранг ва тусни ялтироқ ва силлиқ чиқишини таъминлайди.

АСБОБ — иш қуроли, мослама; усталарнинг бинокорликдаги иш қуроллари: ранда, чопқи, андава, эгов ва б.

АСЛ НУСХА — нураган обиданинг дастлабки кўриниши. Бино асл нусха асосида таъмирланади.

АСОС — нарсанинг, бинонинг таг қисми, таянчиғи; *пойдевор.*

АСТАР — 1) либоснинг ички матоси, *авра*нинг тескариси; 2) бинонинг ички безаги.

АСТАРКОРИ (наққошликда) — асос-заминни тайёрлашдаги хомаки ямоқ ишлари.

АТРОФ — маълум мавзе ёки бино теварагидаги жой.

АФСОНА — қадимдан етиб келган ҳикоят, ривоят, дос-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тон. Қадимги шаҳарлар топонимикасида афсоналар билан боғлиқ номлар жуда кўп: Кайковус ариғи, Зол ариғи, Афросиёб шаҳристони ва ҳоказо.

АФТ — қ. *Тарз.*

АХТА, улги — нақш тушириш учун махсус тайёрланган қоғоз, андаза. Нақш шакли чегараси бўйлаб игна уриб тешиклар ҳосил қилинади, кейин устидан писта кўмир кукуни сурилса, расм асосга тушиб қолади. Ахта симметрик такрорланувчи *тақсимли* нақшлар шаклини тушириш учун жуда қулай.

Б

БАДИА — меъморий безакларда тугал қисм, композиция.

БАДИИЙ — юксак дид ва маҳорат билан бажарилган иш, санъат асари: бадиий безак, гириҳнинг бадиий ифодаси.

БАЙТ — 1) уй, хона, жой: Байтуллоҳ — Маккадаги зиёратгоҳ; 2) бино безаклари орасидаги назмий парча, қўшқатор шеърий ҳикмат; 3) муқарнас косачаси.

БАЛАНД — бўй-басти узун, дароз. Баланд масжид, Боғи Баланд.

БАЛБАЛ — одам қиёфаси йўнилган қадимги қабр тоши. Туркий халқлар ўтмишига доир қадимий оба — балбаллар Олтойдан Карпатгача бўлган ўлкаларда сақланиб қолган.

БАЛИҚ СИРТИ — суйри кесилган безакдор меъморий қисм. Тўсиннинг таг қисми қирралари шу тарзда безатилади. Орасига одатда пардоз берилади.

БАЛХИ ГУМБАЗ — энг содда ва кенг тарқалган *гумбаз* тури; тўғри тўртбурчак ёки квадрат асосли хоналар устига ҳар бурчагидан ғишт билан қия териб ишланадиган, нисбатан паст гумбаз. Балхи гумбаз асосан паст томли бинолар (мадраса ҳужаралари,



Балхи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳаммом, сув омборлари ва б.)да учрайди.

БАНД — *тўғон,* дамба. Фориш яқинида Хонбанди (10- аср), Абдуллахон банди (16- аср) сақланиб қолган.

БАНД — нақшда новда тасвири; ислимий нақшни ташкил этувчи асосий чизиқ. Гул, дарахт композициясига асосланган безакда банд таркибига турли барглар, жингала, гул каби шакллар бирлашади.

БАНД БОҒЛАШ — ислимий нақш композицияси асосини бирлаштириб, белгилаб чизиш.

БАНДАК — ғиштин деворларда кўндаланг ўрнатилган шаклдор майда ғишт.

БАННО, Бони, Боний — *меъмор,* бинокор уста.

БАР — хона (буюм) эни, кенглиги.

БАРАКА — мўллик, сероблик; неъмат, эҳсон. Қадимги сиркор сопол идишларда кўп учрайдиган (яхши ният тилаб битилган) арабий ёзув. Қадимги Афросиёб (Самарқанд)дан топилган сопол идишлардаги «барака» ёзуви юксак маҳорат ва санъаткорлик намунасидир.

БАРГ — ўсимлик баргининг бадиий ифодаси; нақш композициясида асосий ташкил этувчи қисмлардан.

БАРГАК — майда барг, маржон барг.

БАЧКИ — синчли девор тузилишидаги майда қалама чўплар.

БАХШ, бахша (бахя сўзининг ўзгаргани) — ўлчов бирлиги, ғишт, сиркор ғишт ўлчамини энига нисбатан белгилаш учун ишлатилади: бир бахша — квадрат, икки бахша — икки квадрат, уч бахша — уч квадрат, тўрт бахша — тўрт квадрат каби.

БАХЯ — ғишт териш ва б.да ҳосил бўладиган чок.

БАҚАМ — қизил дарахт; бадиий ўймакорликда кенг ишлатилади.

БАҚО — абадийлик, мангулик, абадият. Самарқанд меъморий ёдгорликлари сиркор безагида йирик кўфий хати билан ёзилган «Ал-бақо лиллоҳ, ал-мулк лиллоҳ» («оллоҳ боқий, мулк оллоҳники»...) каби шиорсифат ҳикматлар кўп учрайди.

БАҒАЛ — гумбаз остидаги бурчак шакл. Кўпинча равоқ ва муқарнас кўринишида бўлади.



Бағал.
1. Ғазнадаги мақбара:

БАҒДОДИ — яхлит тахталардан ясаладиган эшикнинг энг қадимий тури. Тахминларга кўра бағдоди эшик (баҒ — худо, тангри, доди — берган) худоберган мазмуни-

www.ziyouz.com kutubxonasi



2

2. Масжиди жоме зиёратгоҳи;

3

3. Мумо Калон хонақоҳи.

дан. Атаманинг Бағдод шаҳрига ҳеч қандай алоқаси йўқ.

БЕДИЗ — сурат, расм, безак, нақш, шакл; кўриниш, тасаввур, образ, гўзаллик, чирой.

БЕДИЗЧИ — тоштарош уста; рассом, наққош.

БЕЗАК — нақш, зеб-зийнат, пардоз; меъморий безак. Меъморий биноларда турли хил безаклар кенг қўлланилади.

БЕКАТ — манзил, тўхташ жойи; работ, карвонсарой.

БЕЛ — устуннинг ўрта қисми (боша билан курси ораси).

БЕЛКАШ — пахсакаш устага пастдан пишиқ лойни бел (белкурак) билан кесиб юқорига отиб берувчи ёрдамчи, мардикор.

БЕМОРИСТОН, беморхона — даволаш муассасаси, шифохона, касалхона.

БЕНГУ, бенигу (бенгку) — ёдгорлик, ёднома, осори атиқа.

БЕРИК — қалъа, қўрғон, шаҳристон.

БЕРУН — ташқи, ташқари. Самарқанддаги Хўжа Абди Берун мақбараси шаҳар атрофидаги қадимги деворга нисбатан Берун — ташқи сифатини олган.

БЕЧКУМ .— шип, бостирма.

БЕШИК ГУМБАЗ — гумбазнинг бешик говраси каби узун шаклдаги тури.

БИНАФШАГУЛ — бинафша гули ва рангини эслатувчи нақш.

БИНДИ (бурни) — эшик табақалари ўртасидаги чокни беркитувчи тик ёғоч. Шакли кўпинча устунни эслатади.

БИНО — катта уй, иморат, иншоот.

БИНОКОР — бино, иморат қурувчи уста; муҳандис, меъмор.

БИТИК, ёзув нақш — бино, тошларга ишланган тарихий ва диний ёзувларнинг умумий номи.

БИТИКТОШ — бирор тарихий воқеа шарафига ўрнатилган махсус оба (обелиск) тош; эсдалик тоши; қабр-тоши.

БИТИКЧИ — *битик* устаси, хаттот, ўймакор уста.

БИЧҒУ — бичғич; улги, андаза; бирор композиция ясаш учун уста фойдаланадиган чизиш, кесиш, йўниш учун мосланган асбоб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БИҚИН — ён томон, белнинг икки ёни. *Кўзаги*нинг торайиб борадиган қисми.

БОБ — дарвоза; шаҳар, қалъа, қўрғон дарвозаси. Арслонбоб номи даставвал Арслон дарвозаси маъносини билдирган, ҳозир жой номига айланган.

БОДБОН — бинода шамол тўсувчи махсус парда, соябон.

БОДБУР (бод-шамол, бурртортиш) — тўсинлар орасидаги очиқ жой, туйнук, тешик. Ёғочларни чиримаслиги учун махсус қолдирилган тешик.

БОДГИР (бод-шамол, гирйиғувчи) — шамол йўналишига мослаб қурилган бостирма, айвон. Ҳовли, хона иқлимини салқинлатишга хизмат қилади. Хоразм меъморлигида кенг қўлланилади.

БОДКАШ, б о д д а р — уйни шамоллатиш учун очилган кичик дарча, туйнук.

БОДОМГУЛ — бодом шаклидаги нақш бўлаги. Меъморликда, халқ амалий санъати (кандакорлик, дўппидўзлик)да кенг қўлланилади.

БОЗОР — 1) савдо-сотиқ қилиш учун махсус ажратилган жой, майдон; 2) бозор учун мўлжаллаб қурилган махсус бино, яна қ. *Тим, Раста.*

БОЗОРГОҲ, б о з о р ж о й — бозор учун тайинланган майдон.

БОЗУ — синчли девор тузилишидаги ёрдамчи қаламалар.

БОЛОДАРИ (боло — тепа, юқори, дар — эшик) — эшик кесакисининг тепа қисми.

БОЛОР — қ. *Тўсин.*

БОЛОПЎШ — шип, том, ёпинчиқ.

БОЛОХОНА — юқори хона, икки қаватли *(ошиёна)* уйларда юқоридаги айвон ва хоналар.

БОЛТА, ч о п қ и, т о б о р — ёғочни чопиш, ёриш, кесиш учун ишлатиладиган ёғоч дастали темирдан ясалган асбоб.

БОЛҒА — зарб билан уриш, қоқиш, текислаш, пардозлаш учун ишлатиладиган дастали асбоб. Пўлатдан ёки ёғочдан тайёрланади.

БОРА — қалъа (қўрғон) девори.

БОРГОҲ — улуғ даргоҳ: сарой, кошона, қаср, кўшк.

БОРДОН — қобиғи тозаланмаган қамишдан тўқилган дағал тўшама. Синчли уйлар томини ёпишда кенг қўлланилади.

БОРУ — қалъа деворидаги тешик, *шинак.*

БОСМА — арақи кўринишидаги ингичка ва юпқа тахтачалар; меъморий безакда тахталар чокини беркитиш учун қўлланилади. Усти ўйма ва бўяма нақшлар билан безатилиши мумкин. *Часпак*нинг бир тури.

БОСТИРМА — оддий хўжалик биноси. Одатда пастқам ва безаксиз бўлади. Ошхона, молхона каби бинолар бостирма шаклида бўлиши мумкин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БОСҚИЧ — зина, поғона; зина, нарвоннинг ҳар бир поғонаси.

БОСҚОН — йирик ва оғир болға.

БОТИҚ — ичига ботган, букик. Рельефнинг ботиқ замини.

БОФТА — тўқима, шу шаклдаги нақш.

БОША — устун каллаги, боши. Устун тепасидаги кўндаланг қўйилган махсус ёғоч, икки томони гажакдор шаклда бўлади. Гажак қисми қош дейилади.

БОШПАНА — тураржой, уй; маскан, кулба; усти берк жой, вақтинчалик истиқомат жойи.

БОҒ — шаҳар ташқарисидаги мевазор, обод жой.

БОҒ ТУЗИШ САНЪАТИ — боғ яратиш соҳаси. Марказий Осиёда қадимдан ривожланган. Меъморий режаси, таркибидаги кўшклари, ҳовузлари, турли-туман дарахтлари, чаманлари билан меъморликда алоҳида ўрин тутган. Амир Темур ва Улуғбек даврида Самарқанд атрофида бунёд этилган боғлар ҳар жиҳатдан мукаммал бўлган. Кўшк биноси боғ ичкарисида жойлаштирилган.

БОҒБОН — боғ тузатиш санъати устаси.

БОҒДОР — боғ эгаси; боғбон.

БОҒИ ДИЛКУШО — кўнгил очадиган боғ. Амир Темур томонидан Самарқандда бунёд этилган боғнинг номи.

БОҒИСТОН — боғлар ўлкаси; боғлар билан обод этилган жой.

БОҒИШ, б о ғ и ч — чодир, ўтов остонаси.

БУЖУР, ч ў т и р — ола-була, ғадир-будур тош. Бужур кошин (чала пишган ёки эриб кетган сопол дашқоли).

БУК — *бурчак*, яшаш жойи, бошпана.

БУЛУК — шаҳар атрофидаги аҳоли яшайдиган жойлар.

БУНГОҲ — қароргоҳ, тураржой, қўналға.

БУРЖ — деворга ташқи томондан тиргак сифатида ишланган қурилма, қалъа деворларига туташ минора шаклидаги қўшимча иншоот. Мудофаа мақсадида қурилган махсус буржлар ҳам бўлган. Хоразм, Бухоро ёдгорликларида меъморий жиҳатдан диққатга сазовор турли хил буржлар сақланиб қолган. Баъзан ўрнига қараб бурж гулдаста, *мезана, минора* деб ҳам номланади.

БУРЖ УЛГУ (юлдузлар туркумидаги улгу — Мезон буржи; тарозу, ўлчов мезонининг рамзи сифатида ишлатилади) — меъморликда бино қурилиши жараёнида ерга қоқиладиган асосий режа қозиқлар.

БУРИШ — кесиш, бичиш; кошин парчасини улгу асосида кесиш.

БУРМА, б у р а м а — қ. *Морпеч.*

БУРЧАК — 1) икки девор туташган жой; 2) алоҳида хона, кунж, гўша, зовия; 3) кесишган икки чизиқ ораси;

www.ziyouz.com kutubxonasi

4) бурчакни ўлчашда ишлатиладиган асбоб, гўния.

БУРҲОН — Будда динига мансуб ҳайкал, *оба* тош.

БУТ — салиб, ҳоч шаклидаги нақш безак.

БУТАГУЛ — наққошликда алоҳида жойлаштириладиган майда гуллар тасвири.

БУТКАДА — Будда динига мансуб ибодатхона. Марказий Осиё ҳудудида Ислом динидан аввал мавжуд бўлган. Археологик қазилмалар натижасида буткада қолдиқлари, кўплаб ҳайкаллар топилган (Қува, Термиз буткадалари).

БУТХОНА — 1) бутга чўқинадиганлар ибодатхонаси, черков; 2) ибодатгоҳ; Будда динига мансуб ибодатхона ҳам бутхона дейилган.

БУХОРИ (тутун, дуд) — хонадаги мўрили ўчоқ. Хоразмда қадимги бухори қолдиқлари топилган.

БУҚЪА — катта бино, иморат, иншоот.

БУҚЪАИ ХАЙР, бинои хайр — 1) кўпчилик фойдаланадиган бино; 2) хайрли бино — масжид, мадраса, ҳаммом каби жамоат учун фойдали бўлган бинолар қуриш фаолияти.

БУЁҚ — ранг бериш, бўяш учун ишлатиладиган модда; турли хил рангли минерал, маъдан кукунининг махсус қоришмаси. Меъморий безакларда қўлланилади.

БУЗА — ғишт териш ёки пойдевор қўйиш учун тайёрланган қоришма.

БЎЗАХОНА — майхона, *тарабхона.*

БЎЙРА — чақилган сара қамиш чўпларидан териб тўқилган махсус тўшама. Намга чидамли, эгилувчан; ёғочга нисбатан кўпроқ муддат сақланиб туриши кузатилган. Хонадонларда гилам, намат, полос тагидан тўшалган. Испан элчиси Клавихонинг таъкидлашича (1405 йил) Амир Темурнинг Самарқанд атрофидаги ажойиб боғлари ўртасидаги кўшклар ичида хонага тўшалган нафис гиламлар остида бўйралар бўлган.

БЎЙРАГИ — бўйра тўқимасига монанд нақш.

БЎР — оҳактошнинг сўндирилган оппоқ ва юмшоқ тури. Бино пардозида ишлатилади. Фарғонада оҳак баъзан бўр деб ҳам аталади.

БЎРЛАМА, бўрламба — бўр (оҳак) пардозли текис шип.

БЎРК — бош кийими; бино гумбазининг ташқи безак либосига нисбатан бўрк сўзи қўлланилади. Гумбаз бўрки кошинкор каби.

БЎРТИҚ, рельеф — бирор нарсани бўртиб, туртиб турган жойи, йўли, қатори.

БЎРТМА — бўртиқли йўл, рельеф.

БЎРТМА НАҚШ — бўртиқли нақш.

БЎСАҒА — остона, мадхал, эшик таги.

БЎСТОН — обод боғ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЎСТОНСАРОЙ — Самарқанд қалъаси ичкарисида Кўксарой жойлашган машҳур боғ.

БЎТАНА — лойқа, қуюқ аралашма. Ангоб бўтанаси каби.

БЎЯМА — ранг суртилган бўялган (ўрин, жой, буюм).

БЎҒИН — нақш тузилишида такрорланувчи бўлак, ритм.

БЎҒОТ, карниз — қамиш солиб ёпилган томларнинг девордан ташқарига чиқиб турган қисми. Синчли уйларнинг қамиш карнизи.

В

ВАЖОБ — қарич, ўлчов бирлиги. Тўрт қарич бир *газ*ни ташкил этган.

ВАЗМИН — салобатли, маҳобатли. Вазмин пештоқ.

ВАЗН — оғирлик, миқдор, ўлчов.

ВАЙРОНА, хароба — бузилиб кетган иморат, бино, иншоот қолдиғи.

ВАССА, тоқи — хонанинг тўсинлари устига зич қилиб кўндаланг териладиган бир томони ясси, иккинчи томони дўнг калта таёқча.

ВАССАЖУФТ — тўсинлар устига зич қилиб васса териб қурилган бино шипи.

ВАҚФНОМА — мулк, ер-сув, дўконни бирор диний муассаса ихтиёрига васият тариқасида ўтказилиши тўғрисидаги ҳужжат. Хусусан мадраса, масжид, хонақоҳ, мақбара каби биноларни сақлаш, таъмир этиш, ўша ердаги хизматдагилар ҳаётини моддий таъминлаш учун вақфномада белгиланган мол-мулк, ер-сув алоҳида аҳамиятга эга бўлган.

Г

ГАЖАК — 1) гумбаз остидаги бурчак равоқчаси; кунжак. 2) қўчқор шохи каби гажак шаклли жингала чизиқ.

ГАЗ — қадимги узунлик ўлчови бирлиги. Қўл учидан елкагача бўлган масофага тенг (0,5 дан 0, 75 *м* гача). Газ ўлчами турли даврларда, турли шаҳарларда бир-биридан фарқ қилган.

ГАЗЧЎП — 1) узунлиги бир газга тенг ўлчов асбоби; 2) ғишт теришда сувоқ жараёнида девор қиррасини текис чиқаришда ишлатиладиган ёғоч мослама.

ГАНЧ — қурилиш материали, гипснинг маҳаллий тури. Ганч тозалиги ва майдаланиши сифатига қараб уч хилга бўлинади: ганчхок (хоктупроқ) — оддий ганч билан соз тупроқ аралашмасидан иборат; асосан деворлар ғиштини теришга, қора сувоққа ишлатилади; тезганч — тез қотадиган пишиқ ганч; одатда қора сувоққа ишлатилади; гулганч — энг майда ва нозик ганч, асосан пардоз безагига ишлатилади. Ўймакори ва қолипаки ишлар ҳам гулганч асосида тайёрланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГАНЧКОР, гилкор — ганч билан ишлайдиган уста; ганч ўймакори.

ГАНЧЛАМБА, ганчламма — ганч билан сувалган шип.

ГАНЧСОЗ — 1) ганчкор устага ганч қориб берадиган шогирд; 2) ганч пиширадиган уста, ганчкўб.

ГАРДИШ — 1) чамбар; чамбарак; 2) гумбаз остидаги ғўла шаклли қурилма, бино қисми; пойгумбаз.

ГАРМХОНА (гарм — иссиқ), иссиқхона — ҳаммом ичкарисидаги иссиқхона.

ГИЛ — лой, майин лой.

ГИЛАМА — шипнинг гилам шаклидаги алоҳида безакдор (нақшинкор) қисми.

ГИЛВАТА — кулранг юмшоқ ва майин тоғ жинси. Кошин ва сопол тайёрлашда фойдаланилади.

ГИЛКОР — сувоқ устаси; оддий лойсувоқ, ганч сувоқни пардозловчи уста.

ГИЛМОЯ — қ. *Гилвата.*

ГИРА, *тахтакач* — буюмни маҳкам қисиб қўядиган мослама асбоб.

ГИРИҲ — мураккаб ҳандасий шаклларнинг такрорланишидан иборат нақш тури. Нақш асосини квадрат, учбурчак, тўғри тўртбурчак шаклли *тақсимл*ар ташкил этади.

ГИРИҲКУШО — гириҳ тақсими сирларини очувчи уста; гириҳ устаси.

ГУВАЛА, гувалак — лойни пишитиб, қўлда суйри шакл бериб, офтобда қуритиб тайёрланган таги ясси кесак. Синчли девор орасини тўлдириш учун ишлатилади.

ГУЖУМ, сада қайраҒоч — ёғочи қаттиқ дарахт; Хоразмда кенг тарқалган. Гужумдан энг пишиқ устунлар тайёрланади.

ГУЗАР — маҳалла маркази; маҳалладаги жамоа биноси ва савдо дўконлари бўлган обод гавжум жой.

ГУЛ — ислимий нақшларда гул шакли; ўсимликсимон нақшларнинг умумий номи.

ГУЛБАДОВ — ер остидан ўтказилган махсус иссиқ тутун йўли. Маҳаллий ҳаммомларда, умуман қадимги иситиш қурилмаларида кенг қўлланилган. Кўҳна Урганчдаги Тўрабекхоним хонақоҳининг тагидан иситиш учун мўлжалланган гулбадов қувурлари топилган.

ГУЛБАНД — нақшда гул асосида яратилган *банд,* гулчамбар.

ГУЛДАСТА — 1) гулдастани эслатувчи нақш; 2) бинонинг бурчак деворига ташқи томондан тиргак сифатида туташган минорасимон қурилма. Одатда масжид, мадраса каби монументал бинолар ташқи бурчагида гулдаста ўрнатилади. Гулдаста баъзан бурж деб ҳам аталади.

ГУЛМИХ — қуббадор қалпоқли мих. Эшик безакларида жез, темир гулмихлар қўлланилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГУЛТУВАК — безак композициясида гул, бута остидаги туваксимон нақш шакли.

ГУЛХАЙРИ — нақкошликда гулхайрига ўхшаш безак шакл.

ГУМБАЗ — қубба шаклидаги том; тарҳи айлана, тўғри тўртбурчак, кўпбурчак ва б. шаклдаги бино ва иншоотларнинг ярим шарсимон қилиб ишланган томи. Марказий Осиё меъморлигида асосан ёғоч, хом ғишт, пишиқ ғиштдан қурилган. Гумбазнинг балхи, чархи, чортарк, чоркунжак, мирзоий, кулоҳий, шолғомий ва ҳ. к. турлари бор.

ГУМБАЗ БОҒЛАШ — гумбаз шаклида ғишт териш.

ГУРЗИ — катта, оғир тўқмоқ. Ёғоч гурзи, темир гурзи.

ГЎЛАХ — ҳаммомнинг ўт ёқиладиган махсус ўчоқхонаси (ўтхонаси).

ГЎРХОНА — мақбара тагидаги ўлик кўмиш учун мўлжалланган махсус хона, *ертўла,* сардоба.

ГЎША УСТУН, у с т у н г ў ш а — синчли қурилмада бурчакдаги асосий тик ёғоч.



Гумбаз турлари.

Д

ДАБИРИСТОН — маҳкама, девонхона, идора биноси.

ДАВАК — суриб очиладиган панжарасимон тўсиқ; дарча, дераза ўрнида ишлатилади.

ДАВЛАТХОНА — давлат идораси, маҳкама хонаси. Ўзган шаҳридаги мақбара (12-аср) давлатхона деб таърифланган.

ДАВРА — 1) *айлана,* доира; 2) анжуман, ансамбль, меъморий бинолар мажмуаси. Регистон меъморий давраси.

ДАВРА УЙ — асоси (девори) давра тарҳидаги уй, хона. Ибтидоий давр уй-жойларида кенг қўлланилган. Чуст яқинидан археологлар қазиб топган давра уйлар асосан лой девор билан тикланган.

ДАВРАПОЯ — 1) даврала қаторидан тузилган безак,

www.ziyouz.com kutubxonasi

шакл. Токча тепасидаги ярим ҳалқачалар занжиридан тузилган доирасимон шакл; 2) давра равоқнинг шокиладор бўлаклардан ташкил топган тури.

ДАЛОН, д о л о н — усти берк йўлак; баъзан тепасида болохона бўлиши мумкин.



Далон.

ДАНДАНА — ғиштлардан кўндаланг териб тишли қилиб ясалган қатор, кунгура. Иморатларнинг томи, девори тепасидаги кунгурали ҳошия қисми ҳам дандана деб аталади.

ДАР — *эшик,* қопу, қопқа.

ДАРБАНД — дарвоза; бўсаға, эшик олди, дарвозахона.

ДАРБОЗИЙ, д а р б о з и — бир неча поғонадан ташкил топган мураккаб ҳовузакли шип. Бунда ғишт қалаб ёки ёғоч хариларни устма-уст қўйиб, асоси тўртбурчак ва кўпбурчакли пирамида шаклида юқорига қараб торайиб борувчи гумбаз ҳосил қилинади, тепасидан ёруғлик ва ҳаво учун тешик — туйнук қолдирилади.

ДАРБОР — хон ва беклар саройи, боргоҳ, қароргоҳ.

ДАРВОЗА, қ о п қ а — икки табақали катта эшик. Ҳовли, қалъа, қўрғон ва б.га кириладиган жойга ўрнатилади.



Дарвоза.

ДАРВОЗАХОНА — дарвоза билан боғлиқ махсус хона, қоровулхона.

ДАРГОҲ, д а р г а ҳ — 1) бўсаға, остона, уй-жой; 2) ўрда, подшоҳ қасри, саройи.

ДАРСОЗ — эшик ясовчи уста, эшикчи.

ДАРСХОНА, д а р с г о ҳ — ўқув хонаси. Мадрасаларда энг йирик хона.

ДАРУН — *ичкари,* ички; Абди Дарун мақбараси Самарқанд деворининг ички томонида бўлгани учун ичкаридаги Абди мозори маъносида айтилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДАРЧА — кичик эшикли туйнук, дераза.

ДАСТА — бинолар тўплами, комплекс.

ДАСТГОҲ — уста ишлаши учун тайёрланган махсус мослама, асбоб-ускуна.

ДАХМА — 1) қабр устига ўрнатилган ёдгорлик, сағана, мақбара; 2) мажусийлар (зардуштийлар) даврида мурда қўйиб қуритилган махсус супа, хона.

ДАҲА — қадимги шаҳарларда маъмурий бўлиниш. Тошкент 4 даҳадан иборат бўлган: Бешёғоч, Кўкча, Себзор, Шайхонтоҳур.

ДАҲАНА — девор ёки пештоқ пилпояси юзасидаги алоҳида ажратилган тўғри тўртбурчак ва равоқли шакл. Орасига кичик тўғри тўртбурчак ёки квадрат шаклли *китоба* (лаъли) жойлашган бўлиши мумкин.

ДАҲЛИЗ — уйнинг асосий хонаси олдидаги кичик бўлма.

ДЕВОН, д е в о н х о н а — вазирлик идораси, маҳкама, дабиристон.

ДЕВОР — бинонинг асосий қурилма қисми. Халқ меъморлиги тарихида қуйидаги турлари учрайди: т у п р о қ д е в о р — нам созтупроқни тахта иҳота орасида шиббалаб ясалади; л о й д е в о р — лўмбоз ёки гуваладан тикланади; п а х с а д е в о р — пахса қаторларидан тикланади; ғ и ш т д е в о р — ғишт териб тикланади; с и н ч д е в о р — синчлар орасида тикланади; т о ш д е в о р — табиий тошдан териб тикланади; т а х т а д е в о р — тахталардан қадаб тикланади; қ а м и ш д е в о р — қамиш, чий қалаштириб тикланади. Бинодаги ўрнига қараб олд девор, орқа девор, ён девор каби турлари фарқланади.

ДЕВОРЗАН, п а х с а к а ш — лой девор устаси.

ДЕГРЕЗ — қозон ясаш устаси; Тошкентда Дегрез маҳалласи, Хазарада Дегрез масжиди бўлган.

ДЕРАЗА — хонани ёритиш учун мўлжалланган очиқ жой; шу жойга ўрнатиладиган чорчўпли ойна.

ДИДБОН — кузатувчи, қоровул.

ДИЗ — қўрғон, қалъа, истеҳком. Жиззах номи кичик қалъа, қалъача — дизакдан ташкил топган. Кўҳандиз — кўҳна диз (қўрғон).

ДИЛА — эшик чорчўпи орасидаги тахтача.

ДИНГ — хабарчиларнинг йўлларида қурилган махсус минора; хабар учун хизмат қилган минорасимон қоровулхоналар, ичида истиқомат хоналари, тепасида кузатиш қафасаси бўлган. Улар орқали фавқулодда хабар (ёв босқини, сув тошқини каби)лар тезлик билан мамлакатга тарқатилган.

ДОЙ — лой; пахса,лойдевор.

ДОЙГАР — пахсакаш, лойдевор устаси.

ДОЛ — йўл, йўналиш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДОР — уй, ҳовли.
ДУБАҲРА — эшиклари беткай ва терскай томонларга очиладиган хона.
ДУДБУРОН — тутун чиқадиган мўри, мўркон.
ДУПАЗА — тайёрлаш жараёнида кошин, парчинларни икки марта хумдонда пишитиб олиш.
ДУРАДГОР, нажжор — ёғоч устаси.
ДУРАФТОР — нақшда икки таноб ёки банднинг жуфт ҳолда такрорланиши; икки йўлли илон изи шаклидаги нақш.
ДУРЎЯ (ду — икки, рўй — юз сўзларидан) — икки томони ҳам пардозланган эшик табақаси.
ДУЧЎБА — чодирнинг энг содда тури.
ДЎНГ, ғурра — тепалик, кўтарилган жой.
ДЎҒОБ — суюқ қоришма.

Е

ЕЛВИЗАК — хона ичидаги ҳаво оқими, шамол.
ЕЛИМ ОБА — 1) суйилтирилган елим; 2) наққошликда ёғочга нақш пардоз бериш олдидан тайёрланадиган замин, *астаркори* тури.
ЕРТЎЛА — бино тагидаги ер ости хонаси.

Ё

ЁДГОР — эсдалик, обида, қадимият белгиси.
ЁДГОРЛИК, обида — осори атиқа буюми, ашёси.
ЁЗГИ ХОНА — ёз мавсумига мўлжалланган қурилма: айвон, даҳлиз, шийпон, кўшк.
ЁЗЛИК — ёзга хос айвон, хона.
ЁЛҒИЗ УСТУН, якка устун — бурчак устуни. Битта устунли айвон.
ЁМХОНА — 1) катта хумлар сақланадиган хона; 2) элчи, чопарлар тўхтаб ўтадиган бекат, улар учун от сақланадиган жой.
ЁН — томон, тараф; лойиҳада бинонинг ён томонидан кўриниши, ён тарзи.
ЁНБОШ — ён томон. Пештоқ ёнбоши.
ЁНДАРИ — эшик кесакисининг ён томондаги тик ёғочи.
ЁПИНЧИҒ — қ. *Том.*
ЁПИҚ — берк, тўсиб қўйилган жой.
ЁРҒУЧОҚ — қўл тегирмони. Минерал бўёқлар, *мино*, ганчни майдалашда фойдаланилган.
ЁҒОЧ (йиғоч) — 1) кесилган дарахтнинг танаси, хода, чўп, оғоч; 2) масофа, ўлчов бирлиги (фарсах, фарсанг, тош); тахминан 6—8 *км* га тўғри келади.
ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ — ёғочни ўйиб, кесиб, чизиб, тешиб нақш ишланадиган амалий санъат тури; меъморий безакларда кенг қўлланилади.
ЁҒОЧЛИ — тўсин солиб ёпилган том; тўққиз ёғочли каби.
ЁҒОЧСОЗ — ёғоч буюмлар ишловчи уста.
ЁҒОЧСОЗЛИК — ёғоч буюмлар тайёрлайдиган соҳа.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ж

ЖАВАК (жав — арпа), жевак — 1) энг оддий занжира тури; 2) даврасимон шакл, зийнат буюми.

ЖАВОН —хона ичидаги махсус безатилган токчалар қатори; ёғочдан ишланади.

ЖАЛИЙ — хаттотликда йирик ёзув. Бино безагидаги катта ёзув.

ЖАМОАТХОНА — маъмурий, диний, оммавий биноларда энг йирик хона, хонақоҳ, толор. Аҳмад Яссавий (15- аср) меъморий комплекси марказини улкан жамоатхона ташкил этади.

ЖИЛВИР — 1) юзаси қум билан қопланган пардоз қоғози; бирор нарса юзасини силлиқлаш, сайқал, жило бериш учун ишлатилади; 2) пардоз сифати. Жилвири жилоли чиқибди.

ЖИЛО — пардоз кўрки, сайқали; ялтироқлик.

ЖИЛОВХОНА — дарвоза ёнбошидаги махсус хона, бостирма; одатда от, эшак боғланадиган жой. Катта даргоҳ (ҳовли, сарой, масжид, карвонсарой)ларда қурилади.

ЖИЯК — бино безагидаги ҳошия, тасма.

ЖИҲОЗ — бино таркибидаги зарур буюм, ашё, безак, асбоб-ускуна.

ЖОМЕ МАСЖИД (жоме — тўпловчи) — шаҳарнинг асосий ва энг катта масжиди. Ҳафталик жума намозларига одатда шаҳар аҳолиси жамланган. Тантанали кунларда, ҳайитларда намоз ўқилган, махсус фармонлар шу манзилда халойиққа эълон қилинган. Шу туфайли масжиднинг жума масжид ва бошқа масжидларга нисбатан тузилиши салобатли бўлган. Марказий Осиёдаги энг катта жоме масжидлар қаторида Бибихоним масжиди (Самарқанд), Калон масжид (Бухоро)ни кўрсатиш мумкин.

ЖУМА МАСЖИД — жума намози ўқиладиган масжид. Жоме масжидга нисбатан кичикроқ ва оддийроқ, гузар масжидлари орасида эса мавқеи баланд ва нисбатан катта бўлган. Хива, Қўқондаги жума масжидлар ёғоч устунларининг кўплиги билан кўзга ташланади.

ЖУПЛАМА — тахта ёғочлардан зич ёпиштириб ясалган эшик.

ЖУССА — ташқи кўриниш, қомат келишими. Устун жуссаси шинам.

ЖЎВА — аслаҳахона, қурол-аслаҳа тайёрланадиган ва сақланадиган жой, қалъабанд устахона ва омбор. Тошкентнинг қадимий маркази чегарасида ҳозиргача «эски жўва» топоними сақланиб қолган.

З

ЗАБАРРАВ, забарров — тепа тўсин; хона ўртасига кўндаланг тушган асосий

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўсин. Синчли девор тепасидаги тўсин (хари).

ЗАБОНАК (тилча) — синчнинг икки учидаги махсус кесиб кичрайтирилган қозиқсимон қисми.

ЗАМИН — 1) ўйма ва бўяма нақш безагининг асоси, нақш шакли орасидаги жой; 2) ер, тупроқ, хонанинг таги.

ЗАМИНКОРИ, заминли ўйма — заминни ўйиб пардозланган безак. Заминкори ўйма турлари: **қирма пардоз** — замини текис ўйилган пардоз; **ёрма (чок) пардоз** — ўйма нақшнинг марказий ўқ чизиғи қийиқ кесиш натижасида чуқурлаштирилган; **ёйма (пах) пардоз** — ўйма нақшнинг марказий ўқ чизиғидан икки ёнга пасайтириб кесилади; **лўла пардоз** — ўйма нақш таноби бўртмаси суйри шаклида бўлади.

ЗАМИНСИЗ ЎЙМА — алоҳида ажратилган замини бўлмаган ўймакорлик пардози. Икки тури кенг тарқалган: чизма пардоз — тиғ ёрдамида чизиб ишланган пардоз; занжира пардоз — занжира асосида тузилган нақш пардози.

ЗАНГОР(И) — яшил билан кўк ўртасидаги ранг; мовий.

ЗАНЖИР — ҳалқалардан тузилган тўқима, эшик занжири.

ЗАНЖИРА — ҳошия нақш; учбурчак пирамида шаклларни узлуксиз такрорланишидан тузилади.



Занжира турлари.

ЗАРБА — гумбаз, равоқ асосларига тушадиган керги кучи.

ЗАРБАЛИК ГУМБАЗ — тузилишида махсус қовурғалари — ҳалқалари бўлган гумбаз.

ЗАРБХОНА — танга пуллар таёрлайдиган махсус корхона. Бухоро Аркида, Хива

Эшик занжири.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўҳна Аркида махсус зарбхона бўлганлиги маълум.

ЗАРВАРАҚ — ниҳоятда юпқа тилла япроқчалар; зарҳал пардозда ишлатилади.

ЗАРГАР — меъморликда кундал нақш устидан зарҳал пардоз берувчи уста.

ЗАРДОБ — 1) рангли бўёқларни тайёрлашда чиқадиган ортиқча сув; 2) рангли бўёқ ясашда қўшиладиган махсус бўтана сув.

ЗАРНИГОР — заррин безак, зарҳал пардозли кўриниш.

ЗАРҲАЛ — олтин парраси; олтин суви. Олтин суви юритилган пардоз. Олтин парчалари билан берилган ҳал.

ЗАФАР ТОҚИ — ғалаба шарафига ўрнатилган тоқу равоқли иншоот.

ЗАХ — суви кўп, нам босган ер, жой, хона. Ертўла захи деворини емириб ташлабди.

ЗАХКАШ — оқава, сизот, ташландиқ сувларни йиғадиган ариқ.

ЗЕБ, з е б - з и й н а т — безак, турли хил буюмлар безаги. Уй, хона безаги; меъморий безак.

ЗЕБО — 1) зеб берилган, зийнатланган; 2) гўзал, шинам, чиройли.

ЗЕРКУНДА — устун остидаги тахтача. Нам, моғор таъсирида чириганда уни алмаштириш имконияти назарда тутилади. Қалинлиги эса устун узунлигидаги камчиликни йўқотиш имконини беради.

ЗИЁ — нур, ёруғлик, ёғду.

ЗИЁРАТХОНА — мақбара (қабр) олдида махсус зиёрат учун мўлжаллаб қурилган хона.

ЗИКРХОНА — масжид, хонақоҳларда жамоа йиғилиб зикр тушадиган катта хона, толор. Асосан тўртбурчак шаклида бўлади.

ЗИЛОЛ (н а қ қ о ш л и к д а) — зилол йўл.

ЗИНА — бинонинг юқори қаватига кўтарилиш учун хизмат қиладиган поғоналардан иборат махсус қурилма.

ЗИНДОН — ертўла шаклида қурилган қоронғу жой; атрофи қалъабанд қамоқхона. Бухоро аркида алоҳида қурилган зиндон биноси сақланиб қолган.

ЗИРҲ — металл қоплама; ёғоч ҳайкаллар устини қоплашда ишлатилган. Нақш қубба устидаги темир қалпоқ.

ЗОВИЯ — бурчак, ҳужра, хона, хонақоҳ.

ЗОРУЛ — ёғочни чорси қилиб тешишда ишлатилади, узунчоқ ва эгри тиғли болтага ўхшаш асбоб.

ЗОҲИР — сиртқи, ташқи кўриниш.

ЗУВАЛА — юмолоқланган лой бўлаги; гувала ясаётган пайтда лойдан кесиб олинади.

ЗУЛФИН — эшик занжирини солиш ва қулф боғини ўтказиш учун эшик, дарвозага ўрнатиладиган металл ҳалқа, мослама.

ЗЎРХОНА — жисмоний машқ, кураш хонаси; ҳарбий машқ қилинадиган бино.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗЎҒОТА — теша, болта, кетмон, болға каби асбобларда соп ўрнатиладиган тешик.

И

ИБОДАТХОНА — ибодат қиладиган махсус хона, бино. Черков, бутхона, калисо, эҳром ва ҳ. к.

ИЖАРА — бинодан шартнома асосида фойдаланиш.

ИЗОРА — деворнинг токча билан бино саҳни орасидаги пастки қисми; шу қисмга ишланадиган безак.

ИЙДГОҲ — ҳайит, байрам жойи.

ИЛИК — ўрта бармоқ кенглигидаги ўлчов бирлиги. Бобур айтишича бир тутам олти иликка тенг.

ИЛОН ИЗИ — қ. *Морпеч.*

ИМОРАТ — бино, иншоот, қурилиш объекти.

ИМОРАТСОЗ — бинокор уста.

ИНТЕРЬЕР — қ. *Ичкари.*

ИРОҚИ — муқарнас тури; шаклдор равоқ чизиқлари ўзаро кесишиши натижасида ясалган поғонали суйри безак.

ИСБОТ — меъморий муаммо тасдиғи; гириҳ, муқарнас каби мураккаб шаклларни чизмалар ёрдамида ясаб аниқлаш.

ИСКАНА — дурадгорликда ёғочни тешиш, ўйиш учун қўлланиладиган учи ясси, ўткир пўлат асбоб.

ИСКАНЖА — нарсаларни сиқадиган, зичлайдиган мослама, асбоб.

ИСЛИМИЙ — ўсимликсимон шаклдаги такрорланувчи тақсимлардан тузилган нақш. Бу нақш асосини таноб, банд ва барглар ташкил этади.

ИСТЕҲКОМ — мудофаа учун тикланган девор, тўсиқ, ғов, қалъа.

ИСТИРОҲАТГОҲ — ором олиш, роҳатланиш жойи.

ИТМОМ, т а м о м — қадимий биноларда қурилиш тугалланган санани кўрсатганда ишлатиладиган сўз.

ИЧКАРИ — 1) бино, иморат, хонанинг ички кўриниши, қиёфаси; 2) ичкари ҳовли; Марказий Осиё халқ меъморлигида уй-жой тузилишининг ажралмас қисми. Кенг тараққий этган композицион шакл. Ташқари ҳовлининг узвий давоми.



Ичкари ва ташқари ҳовлили уй.

ИЧКИЗ — сарров, синчли деворнинг тепа ва пастдаги ёғочи.

ИЧКИХОНА — уйнинг ичкари хонаси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИШБАЙ — бажариладиган ишнинг ҳажмига қараб меҳнат ҳақини белгилаш.

ИШРАТХОНА, тараб-хона — ишрат қилинадиган жой; айш-ишрат базми учун қурилган махсус кўшк.

ИШҚОР — ўсимликларнинг алоҳида (янтоқ каби) турларини йиғиб, қуритиб, куйдириб тайёрланадиган кул. Сиркор безакларда бўёққа аралаштириб ишлатилади.

ИҲОТА — чегаралаш, муҳофазалаш, тўсиш ва шу мақсадда қилинган тўсиқ.

Й

ЙИҚУҒ, бузуғ — йиқилган; вайрон бўлган, бузилган бино.

ЙЎЛАК — тор йўл, кўча эшиги, дарвозахона билан ҳовли, ичкари бинолар орасидаги ўтиш йўли. Бинолар орасида усти очиқ, баъзан усти берк бўлиши мумкин. Усти берк кенг йўлак *далон* кўринишини олади.

ЙЎРУҒ — йўналиш, услуб; иш-ҳаракат тарзи, усули. Иморат тузилишига хос таъбир, таъриф. Бинонинг меъморий йўруғи каби.

ЙЎҒ — хонанинг тепа қисми ўртасидан ўтказилган асосий тўсин, ёғоч.

К

КАБЗА — шип таркибидаги тўсинлар орасини девор қаторида бирлаштирувчи тахталар ҳошияси.

КАБЗАКОР — кабзаси бўлган мураккаб безакли шип.

КАВШАНДОЗ — хонага кираверишдаги оёқ кийимлари (кавуш ва б.) ечиладиган махсус жой.

КАВШАР — темирчилик, заргарлик, бинокорликда металл буюмларни чегалаш, улаш учун ишлатиладиган осон эрийдиган қотишма.

КАЖАВА — ҳавозасоз ишлаётганда фойдаланиладиган махсус мослама; одатда юқоридан арқон ёрдамида туширилади. Бухородаги Минораи Калонни усталар ана шундай кажавага тушиб таъмирлаган.

КАЙВОН — айвоннинг ўртасидаги баланд кўтарилган қисми. Усталар таъбирича, фалакдаги энг баланд юлдуз Сатурн (Зуҳал)нинг маҳаллий номи «Кайвон»дан олинган. Кайвонли айвонлар анча кўркам, серҳашам бўлади. (Расм 30 бетда).

КАЛИМА (сўз) — битик, бинолар безагидаги нақшли ёзув; қуръон оятлари ва ҳадисдан келтирилган ҳикматлардан тузилади.

КАЛИСО — черков, христианлар ибодатхонаси.

КАЛЛА МУҚАРНАС — *муқарнас* асосида яратилган каллак.

КАЛЛАК, калла — устуннинг тепа, безатилган қисми, боша. Каллак кўпинча ёғочдан ишланади, баъзан сопол-дан, тошдан ясалади. Каллак

www.ziyouz.com kutubxonasi



Кайвон.

турларидан маҳаллий меъморликда кенг тарқалгани — калла муқарнас.

КАЛТА — қисқа, *Калта Минор.*

КАЛТАК — ёғоч таёқ.

КАМАР — 1) устун, пойгумбаздаги ҳошия; 2) белбоғ, *бел.*

КАНДАКОР — ўймакор уста. Кўпинча мискар устага нисбатан айтилади.

КАНОН — *қонун,* қоида, тартиб.

КАНОР, к а н о р а — қирғоқ, ариқ ёқаси.

КАПА, ч а й л а — муваққат тураржой, ўтов. Кўпинча ёғоч, қамиш, мато каби материаллардан ясалган. Томи тик (конус) ёки юмалоқ (гумбазсимон) шаклда ишланиб, усти қамиш ёки бордон, сўнг кигиз билан ёпилган. Эшик оғзи қамиш ёки мато билан ёки махсус ишланган гулдор кигиз билан тўсилган.

КАПИТЕЛЬ — қ. *Каллак, боша.*

КАППОН — дон-дун, ун бозори, тим, савдо растаси.

КАПТАРДУМ — каптар думини эслатувчи шакл. Кўпинча муқарнаснинг девор билан бирлашадиган пастки қисмида ишлатилади.

КАПТАРХОНА — каптар боқиш учун қурилган махсус бино. Хоразм воҳасида қадимги каптархоналарнинг қолдиқлари сақланиб қолган.

КАРВОНСАРОЙ, р а б о т, л а н г а р — карвонлар тўхтаб, тунаб ўтадиган жой, сарой. Карвонлар йўлида (бир кунлик масофада) ва шаҳар ичида қурилган. У қароргоҳ, истиқомат жойи, истеҳком, молларни сақлайдиган омбор, оғил ва бошқа уй-жойлардан иборат бўлган. Карвонсаройларнинг меъморий шаклу шамойили ҳар хил бўлган. Энг машҳур карвонсаройлар қаторида Работи Малик (12-аср), Оллоқулихон карвонсаройи ва тими (18-аср)ни кўрсатиш мумкин.

КАРИАТИДА — аёл қиёфасидаги ҳайкал-устун. Қадимги Юнон меъморлигининг ноёб намуналари сақланиб қолган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Марказий Осиё биноларида ҳам ёғоч ҳайкал-устунлар бўлгани маълум. Панжакент харобаларидан гўзал аёл шакли мужассам топган ёғоч устун қолдиқлари топилган.

КАРНАЙ УСТУН — карнай шаклини эслатувчи устун. Хивадаги Жума масжидда тепага кенгайиб борувчи, хусусан каллаги алоҳида шаклдаги жуда қадимги устунлар сақланиб қолган.

КАРНИЗ — бўғот, шарафа, қош. Бино деворининг устки қисмидаги бўртиқ горизонтал ҳошия.



Карниз.

КАТ — чорпоя, ясси каравот, ёғоч супа; қ. *Кот.*

КАТТА ЙЎЛ — маҳаллий ҳаммомларда ер ости иситиш йўлларининг асосий йўлаги. Ён тармоқлари м а й д а й ў л деб аталади.

КАШАК — 1) тиргак мослама; синчли девор қисмларини оғиш, сурилишдан сақлаш учун ишлатиладиган ёрдамчи ёғоч; 2) хумдон остидаги ўтхона.

КАЪБА — мусулмонларнинг қибласи, Макка шаҳридаги куб шаклида қурилган зиёратгоҳ, қора тош.

КЕБИТ — дўкон; кўч; уй, манзил.

КЕГАЙ — гумбаз ичкарисидаги тиргак деворчалар.

КЕЗИГ — навбат, тартиб; иморат тиклаш кезиги каби.

КЕЛИ — катта ёғоч ўғир.

КЕНТ — катта қишлоқ, шаҳар, аҳоли яшайдиган катта манзил. Тошкент, Чимкент, Манкат, Ахсикат, Самарқанд каби номларда кентнинг уч хил кўриниши мавжуд. Марказий Осиё топонимикаси ва шаҳарсозлиги тарихида кент — кат билан боғлиқ номлар кўп учрайди.

КЕП — шакл, сурат.

КЕРАГА — ўтовнинг четанга ўхшатиб ишланган ёғоч девори.

КЕРГИ — нарсалар орасини очиб кериб қўйиш учун ишлатиладиган икки томонлама тиргак.

КЕСАК — лойнинг қуритилган бўлаги.

КЕСАКИ — эшик, дарча, дераза ўрнатиладиган чорчўп мослама.

КЕСМА КОШИН, к о ш и н - б у р и ш — ранг-баранг кошин парчаларини кесиб, эговлаб тайёрланадиган терма (йиғма) безак нақш.

КИНДИК ҚОЗИҚ — бино тарҳини ерга кўчиришда ёрдам берадиган марказий қозиқ.

КИРПИЧ — *ғишт*нинг қадимги туркий атамаси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хоразм ўзбеклари карвич деб талаффуз этишади. Навоий асарларида кўп учрайди.

КИТОБА — бинолар безагидаги ёзувли намоён, бир ҳикмат ёки тарих санаси ёзилган жой. Кўпинча пештоқ тепасидаги кўндаланг ёзув қатори, бағдоди эшикларнинг тепа қисмидаги ёзувли тахтача шундай аталади.

КЛАССИФИКАЦИЯ — қ. *Тасниф.*

КОЛОННА — қ. *Устун.*

КОЛОННАДА — устунлар қатори, қаторак.

КОНСЕРВАЦИЯ — *таъмир*нинг асосий тури. Қадимият осори атиқасини сақлаб қолиш учун кўриладиган чоралар. Бинони янада бузилиб кетишини олдини олиш учун махсус қурилиш чоралари кўрилади.

КОНТРОФОРС — қ. *Тиргак.*

КОРГАР — ишчи, мардикор.

КОРИЗ, к а р и з — ер остидан ўтказилган сув йўли. Тоғ ёнбағрларидаги сув танқис жойларда бир неча қудуқларни ер остидан бирлаштириб сув йиғадиган тузилма. Ер ости ариқлари чўкиб, босиб қолмаслиги учун баъзан тош, ғишт билан мустаҳкамланган. Кориз усталари кўпинча бинокорликдан хабардор бўлишган.

КОРФАРМОН — иш кўрсатувчи, ишбоши.

КОРХОНА — ишхона, устахона.

КОСА, к о с а ч а — муқарнасни ташкил этувчи асосий қисм, катакча.



Косамон.

КОСАМОН — хона деворларига ишланган ганчкор безакли майда токчалар.

КОТ, к а т — девор: 1) девор билан ўралган манзил. Бу атама Заратуштра муножотларида учрайди; 2) Хоразмдаги қадимги пойтахт шаҳар номи. Қолдиқлари ҳозирги Беруний шаҳри яқинида; 3) ёғоч супа, сўри.

КОХ — юксак бино, сарой, қаср. Марказий Осиёдаги илк феодал даврига хос саройлар номи.

КОШИН — 1) бино безаги учун махсус пишитилган сиркор мўрт сопол бўлаги. Юзаси пирлангандан кейин яна бир марта хумдонда пиширилади. 2) *кесма кошин.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

КОШОНА — ҳашаматли кўркам бино; *сарой*, қаср, *кўшк*.

КОҲГИЛ — сомонли лой, девор сувоғи учун ишлатилади.

КУКУН — қаттиқ жисмларнинг майдаланган зарралари.

КУЛ, кукун — органик нарсанинг ёнишидан ҳосил бўлган майда ундек кўкиш минерал қолдиқ. Писта кўмир кукуни бинокорликда ахтадан нусха кўчиришда, ер остидаги пойдевор учун *қир* қоришмаси тайёрлашда, *қирма* пардоз заминида фойдаланилади.

КУЛБА — кичик уй, оддий бошпана.

КУЛОЛ — сопол буюмлар тайёрлайдиган уста.

КУЛОЛ ТУПРОҚ — сопол нарсалар тайёрлаш учун ишлатиладиган ширали тупроқ, соз тупроқ.

КУЛОҲИЙ ГУМБАЗ — кулоҳ (учли қалпоқ) шаклидаги гумбаз. Чашмаи Аюб (Бухоро), Ҳазрати Имом (Шаҳрисабз), Қалдирғочбий (Тошкент) каби ёдгорликларда кулоҳий гумбазнинг турли намуналарини кўриш мумкин.

КУЛХОНА — гўлах ёнидаги кул йиғиладиган жой.

КУНБАЙ — меҳнат қилган ҳар бир кун учун келишиб тўланадиган иш ҳақи.

КУНГАЙ — Қуёшга юзланган томон, тараф; қуёш нури тик тушадиган бино. Кунгайнинг зидди, тескариси, терскай.

КУНГУРА — қалъа деворлари ёки иморат айланасига тишга ўхшатиб ишланган безак, девор тепасига ўрнатиладиган махсус шаклли *дандана*.

КУНДАЛ — бўртма безак тури. Усули: елимли ганч шакл устидан бир неча марта суритилади, қизил кесак лойи асосида бўртма гул ясалгач, устидан мўйқалам билан ранг ва зарҳал берилади. Амир Темур даври биноларида бинонинг ички безаги учун шоҳи қоғоз (мағзи сохта)дан ясалган кундал кенг қўлланилган.

КУРАК — қум, қор каби майда нарсаларни сидириш, йиғиш, суриш учун ишлатиладиган узун сопли асбоб. Асосий қисми темир, ёғочдан ясалади.

КУРВИ ЧУВАЧ — шоҳ хиргоҳ (чодир).

КУРРА — юмалоқ, тўгарак, шар шакли.

КУРСИ — 1) бинонинг пастки қисми; 2) устун танасининг пастки қисми, кўзаги, пойустун; 3) ўтиришга мўлжалланган уй жиҳози, ўтирғич.

КУШХОНА — мол сўйиладиган жой, бино.

КЎЗАГИ — устун танасининг пастки қисмидаги курасимон кўзани эслатувчи шакл.

КЎЗАНАК — кўзли тешик ҳалқа.

КЎМАК — ёрдам, ҳашар.

КЎПРИК — сув, чуқурлик ва шу кабилар устидан ўтиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

учун мўлжалланган махсус қурилма. Хом ашёга кўра ғишткўприк, тошкўприк, тахтакўприк (тахтапул) каби турлари бор.

КЎРА, оташдон — маъдан эритиладиган махсус ўчоқ.

КЎРИНИШХОНА — саройдаги махсус қабулхона; қ. *Саломхона.*

КЎТАРМА, осма — кўтариладиган, кўтариб қўйиладиган қурилма; 1) тезлаш, кўтариш ёрдамида ўрнатиладиган қурилма; 2) мослама; кўтарма (осма) кўприк.

КЎТАРГИЧ — кўтариш учун ишлатиладиган, кўтарадиган мослама, механизм, машина.

КЎЧА — йўл; яшаш, туриш жойидан ташқарида бўлган жой, майдон. Бинолар билан чегараланган йўл, хиёбон.

КЎЧАБОҒ — боғ кўча, қўрғонлар, боғлар орасидан ўтган кўча.

КЎШК (кўчик) — тўрт устунли, томи қуббали асосан ёғоч ва қамишдан қурилган енгил қурилма; павильон, киоск. 1) Боғ ичкарисидаги зебу зийнатли айвон. Кўшклар қадимда арава устига ҳам ўрнатилган; 2) сарой, қаср; кейинчалик мураккаблашиб, кўп хонали ҳашаматли кўшклар қурилган. Масалан: Кўшки Дилкушо (Самарқанд).

КЎҲАНДИЗ — кўҳна қалъа, қаср, сарой.

КЎҲНА — қадимий, эски. Кўҳна Урганч, Кўҳна Арк.





Кўшк.

Л

ЛАВҲ — китобни қўйиб ўқиш учун ясалган мослама, таглик.

ЛАВҲА — меъморий обидаларда, қабртошларда учрайдиган асосий ёзув.

ЛАМБА — текис сувалган ёки тахталардан терилган шип.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЛАНГАР — 1) *карвонсарой*нинг бир тури, мусофирхона; 2) камбағал, етим-есирларга овқат бериладиган жой, ғарибхона.

ЛАППАК — ялпоқ, ясси тошлардан терилган тўшама.

ЛАҲАД — г ў р , қабрнинг мархум жасади қўйиладиган ички қисми.

ЛАҲИМ — ер остидаги тор йўл; бино остидаги йўлак.

ЛИБОС — безак, бино безаги.

ЛИНГА — 1) равоқ ёки гумбаз қуришда ишлатиладиган ёғоч (ганч) мослама, йўналиш йўли (ҳавоза); 2) равоқнинг олд томонидаги суйри шакли (чизиғи).

ЛИНГАЛИК ГУМБАЗ — линга улгиси ёрдамида давра асос устига қурилган гумбаз.

ЛОЙ — сувда қориб юмшоқ ҳолга келтирилган гил, тупроқ. Сомонли лой, тўзғоқ лой ва б.

ЛОЙКАШ — лой тайёрловчи, лой ишларини бажарувчи шахс.

ЛОЙИҲА — бино тузилишини кўрсатувчи меъморий чизмалар тўплами.

ЛОЙ СУВОҚ — оддий сувоқ; соз тупроқ лойи билан сувалган девор юзаси.

ЛОЙХОНА — лой тайёрлайдиган, шўрини (тузини) ювадиган, пишитадиган чуқур жой.

ЛОЙҚА, б ў т а н а — қум, тупроқлардан иборат суюқ аралашма.

ЛОЛАГУЛ — лола шаклини эслатувчи нақш; мадоҳил тури.

ЛУНГИХОНА — ҳаммомларда ечиниш хонаси.

ЛЎК — ғиштнинг чалқанча томони; чалқанча терилган ғишт.

ЛЎКИДОН — содда ёғоч қулф. Эшикни беркитиш учун ишлатилади.

ЛЎЛА — ғўла; пиликсимон шакл, пилта.

ЛЎЛА ПАРДОЗ — ўймакорликда нақш таноби, бандини пилта шаклда пардозланиши.

ЛЎМБОЗ — гувала ясаш учун тайёрланган пишитилган лой бўлаги. Пахса девор ёки томга босиш учун юмалоқланган бир бўлак қаттиқ лой.

М

МАВЖ — 1) тўлқинсимон безак; ўймакорликда нақш юзасига балиқ тангачалари кўринишида пардоз бериш; 2) турлича териш орқали ҳосил қилинадиган ғишт қаламаси: ғиштлар орасига қия терилган қатор, ғишт данданаларида ҳар хил бўйлама шакллар.

МАДИНА — ички шаҳар, шаҳар ичкарисидаги қалъа, шаҳарнинг девор билан ўралган қадимий қисми.

МАДОН — нимқоронғи холи хона; ювиниш, таҳорат жойи. Одатда бинонинг камгак жойида бўлади.

МАДОҲИЛ — чапу рост такрорланувчи лоласимон нақш

www.ziyouz.com kutubxonasi







Мадоҳил ва унинг тузилиши.

тури; шунингдек унинг асосида яратилган безак, дандана.

МАДРАСА — диний олий ўқув юрти.

МАДҲАЛ — кириш, остона, эшик олди.

МАЖМУА, ансамбль — маълум меъморий режа асосида ўзаро мутаносиб қурилган бинолар.

МАЖНУНТОЛ — безакда мажнунтол шакли мужассами. Наққошлик ва ганчкорликда кўп учрайди.

МАЙДОН — очиқ, атрофи бинолар билан чекланган жой; меъморий саҳн.

МАКОН — тураржой, маскан, ватан.

МАКТАБХОНА — мактаб жойлашган бино.



1. Қози Файзи мактаби (Бухоро).



Мадраса. 1. пештоқ; 2. китоба; 3. равоқ; 4. гулдаста; 5. қанос.

www.ziyouz.com kutubxonasi



2. Бухородаги қадимги мактаб (16- а.).

МАЛҒАШ — таркибида темир ва хром қолдиқлари бўлган тоғ маъдани. Кулол, усталар қорамтир жигарранг бўёқ сифатида фойдаланишган.

МАНЗИЛ — 1) тураржой, макон; 2) йўловчилар қўниб ўтадиган жой, *работ.*

МАНҚАЛ — кўчма ўчоқ, оташдон.

МАРМАР — меъморликда ишлатиладиган қимматбаҳо зийнат тоши.

МАРҚАД — 1) қабр, гўр; 2) *мақбара.*

МАРҒУЛА — гажак, айлана кўринишидаги ислимий нақш бўлаги.

МАСАЛЛИҚ — бинокорлик учун зарур буюмлар.

МАСЖИД, м а ч и т — ибодатгоҳ, мусулмонлар жамоа бўлиб намоз ўқийдиган жой, ибодатхона. Тўрда хонақоҳ, унинг қибла томонида меҳроб, меҳробнинг ўнг томонида ваъзхонлик учун минбар, қуръон ўқиладиган махсус жойлар ажратилади. Ҳовли саҳн, ҳовли атрофи айвонлар билан ўралиб, асосий тарзи пештоқ ва гумбазли қилиб қурилган, таҳоратхона, азон айтиш учун миноралар бўлади.

МАСКАН — жой, тураржой, кулба.

МАХЗАН — хазинахона.

МАЪБАД — ибодатхона.

МАҚБАРА, т у р б а т — қабр устига қурилган махсус бино. Оддий тури чорси хонадан иборат, унга пештоқли эшик орқали кириш мумкин. Баъзан хонанинг тўрт томони равоқли чордара шаклида бўлган. Мураккаб турида зиёратхона, гўрхона, тагхона каби махсус хоналари ҳам бўлган; меъморий комплекслар ҳам яратилган. Масалан Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси.

МАҚОМ — тартиб, ўлчов, усул, йўналиш.

МАҚСУРА — масжид хонаси тўрида алоҳида ажратилган жой, *шоҳнишин.*

МАҒОРА — ғор, тоғ ёнбағридаги табиий ёки ўйиб тайёрланган бошпана, тураржой.

МАҲАЛЛА — 1) тарихан шаҳар ташқарисидаги уй-жойлар манзили; 2) шаҳар ичкарисидаги уй-жой, гузар, жамоат бинолари, бозори бўлган ўрам. Маҳалла тузилиши асрлар давомида кўп ижобий жиҳатларни жамлаган. Совет меъморлигида маҳалла мавзеи деярли ўрганилмаган, фақатгина юзаки тақлид бор эди.

МАҲКАМА — идора, бошқарма биноси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАҲОБАТ — улуғворлик, салобат, ҳайбат.

МЕЗАНА — миноранинг тепа қисми, масжиднинг азон айтиладиган минораси; Бирор бино (пештоқ, дарвозахона) устига қурилиши мумкин. Мезана айлана шаклда ва кўп қиррали бўлади. Кўпинча равоқли дарчалар галереясидан иборат, тепаси одатда гумбазча билан ёпилади, баъзан очиқ бўлиши ҳам мумкин.

МЕЗОН — ўлчов, меъёр; улгу.

МЕРОС — қадимиятдан аждодлардан авлодларга сақланиб қолган маънавий, маданий ва моддий бойлик.

МЕШ — хом теридан тикиб тайёрланган суюқлик ташиладиган, сақланадиган идиш, саноч. Қадимда бинокорликда сув асосан мешда ташилган.

МЕЪМОР — бинокор уста, банно, муҳандис; иморат ва иншоотларнинг лойиҳасини яратувчи ва уларнинг қурилишини назорат қилиб турувчи бош мутахассис.

МЕЪМОРИЯ — архитектура, *меъморлик.*

МЕЪМОРЛИК, архитектура — бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва безатиш санъати.

МЕҲВАР — ўқ, айланиш ўқи. Марказий чизиқ.

МЕҲМОНСАРО — махсус қурилган ҳашаматли меҳмонхона.

МЕҲМОНХОНА — уй-жой таркибидаги меҳмон кутиш учун алоҳида ажратилган энг катта хона. Одатда ташқари ҳовли (ташқари)да, 2 хонали қилиб қурилган: даҳлиз ҳамда ички хона. Ички хонага нақш ва безаклар ишланган. Меҳмонлар ўтиришига мўлжаллаб жиҳозланган.

МЕҲРОБ — масжид ичида унинг қибла томонидаги девори ичига ишланган равоқ шаклли жой, саждагоҳ. Макка шаҳридаги Каъба томонга йўналтириб ишланади. Меҳроб ярим айлана, кўп қиррали, тўғри тўртбурчак шаклида ишланиб, тепаси равоқ, ярим айлана гумбазча шаклида безалган.

МЕҲРОБИ — 1) меҳроб шаклига ўхшаш нақш тури; меҳробнинг чизма, ўйма шакли ичига ишланади; масалан, меҳроби намоён. 2) меҳроб шаклида ишланган токча, тахмон, эшик ва б., меҳроби эшик, меҳроби токча каби.

МИЁНБАСТА — баланд хона ёки ҳужрани икки қаватга бўлувчи ёғоч бостирма.

МИЁНСАРОЙ — 1) марказий хона, ўрта хона; 2) масжид, мадрасаларга кираверишдаги далон.

МИЛ — 1) туғ, учли қуббача; 2) узунлик ўлчови; Бобурнинг айтишича 4000 қадамга тўғри келади (тахминан 3 *км*). Карвон йўлидаги масофани ўлчашда қўлланилган.

МИНБАР — масжид тўридаги, меҳроб ёнига ўрнатилган махсус баланд кўтарилган жой.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МИНО — ложувард шиша тош. Кошинга сир беришда, заргарликда рангли тош қотиришда ишлатилади.

МИНОРА — баланд, ғўла шаклидаги иншоот. Одатда масжид таркибида қурилади. Азон айтиш учун хизмат қилади. Қадимда миноралар кузатиш ва хабар беришга хизмат қилган.

МИНОРА РОСТЛАШ — минорани тиклаш, қаддини тўғрилаб қўйиш.

МИНҚОР — тиғи қуш тумшуғли учи қайрилган ганчкорлик асбоби. Ганч ўймакорлигида заминни тозалаш учун ишлатилади.

МИСКАР — мис буюмлар ясовчи уста.

МИСКАРЛИК — мисдан қуроллар, уй-рўзғор ашёлари, буюмлар тайёрлайдиган, уни нақшлар билан безайдиган ҳунармандлик соҳаси.

МИСОХАТ — сатҳ, юзани ўлчаш илми.

МИСҚОЛ — қадимги оғирлик ўлчови, тахминан 4,0—4,1 грамм.

МИХ — икки нарсани бирбирига ёпиштириш, қоқиш, улаш учун ишлатиладиган учи ингичка, қалпоқли буюм. Металл ёки ёғочдан ясалади, қисман безак сифатида ишлатилади.

МОДАНГ — тиқин; эшик зулфинига тиқиб қўйиладиган ёғоч пона (калит).

МОЗОР — қабр, гўр, даҳма; мархумлар дафн этиладиган жой.

МОЛА — лой кесишда ишлатиладиган ёғоч пичоқ.

МОЛХОНА — мол боқиладиган бино.

МОРПЕЧ — арқонсифат шакл, бурама; илон изи ўрами шаклидаги нақш.

МОСЛАМА — бинокорликда фойдаланиладиган вақтинчалик ёрдамчи қурилма.

МУАЗЗАМ — азим, улуғвор, улкан.

МУАЗЗИНХОНА — масжиднинг азон айтиладган жойи; *қафаса.*

МУАЛЛАҚ САРРОВ — устунсиз катта сарров.

МУБОШИР — иш боши; бинокорликда иш бошқарувчи меъмор.

МУЗАҲҲИБ — зарҳал берувчи уста.

МУЗОФОТ — ўлка, вилоят, туман, ноҳия.

МУЙАНЛИК — сувхона, обхона, сардоба.

МУЙИЛИШ — кўчанинг бурилган жойи, бурилиш.

МУЛК — ихтиёрдаги, қўлдаги бор мол-дунё, ер-сув, жой, уй, юрт ва бошқа бойликлар.

МУЛКДОР — мулк эгаси.

МУНАББАТ — мураккаб ўсимликсимон нақш композицияси.

МУНАББАТКОРИЙ — бўртмали нақш устаси.

МУНАҚҚАШ — нақшинкор, нақшли, серҳашам, зеб-зийнатли.

МУРАББА (к в а д р а т) — томонлари тенг тўғри тўртбурчак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУРАССАЪ — серҳашам безак; қимматбаҳо тошлар қадалган.

МУСАВВАДА — чизги, эскиз; лойиҳа чизмасининг қораламаси. Халқ меъморлари қўли билан чизилган турли хил мусаввадалар сақланиб қолган. Энг қадимгиси Бухоро меъморлигининг 16-асрга доир мусаввадаларидир.

МУСАЛЛАС — учбурчак шакл.

МУСАЛЛО — катта масжид: жоме масжиди, намозгоҳ.

МУСОФИРХОНА — қаландархона, дарвешхона; хонақоҳлардаги мусофирлар учун ажратилган махсус ҳужралар.

МУТАНОСИБЛИК — ҳандасий шакллар, биноларнинг ўзаро уйғунлиги, гармонияси.

МУХАММАС — бешбурчакли шакл, бешбурчакли хона.

МУШТ, тутам — тўрт бармоқ (илик) кенглиги билан белгиланадиган узунлик ўлчови.

МУҚАРНАС — равоқли косачалардан устма-уст жойлашиб ташкил топган мураккаб шаклдаги безак тури. Меҳроб, тахмон ёки равоқларнинг тепа қисмини ярим гумбаз кўринишга келтиришда кенг фойдаланилади. Тўғри ҳошия тури *шарафа* деб аталади. Яна қ. *Калла муқарнас.*

МУҚАТТА — ёғоч бўлакларидан йиғиб ишланган безак.

МУҚОБИЛА (қарама-қарши, зид, ўзаро монанд) — икки бинонинг қарама-қарши, қўш услубда жойлашуви. Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси қаршисига Шердор мадраса муқобил жойлашган.

МУҒ — оташпарастлар ибодатхонаси.

МУҒХОНА — оташпарастлар мақбараси.

МУҲАВВАТА — ўраб олинган ҳовли, жой; иҳоталанган жой, ҳазира.

МУҲАНДИС — ҳандаса устаси. Бинокор уста (инженер), лойиҳа санъатини эгаллаган, гириҳ тузиш йўллари билимдони.

МУҲИТ — шарт-шароит; теварак атроф шароити.

МУҲР, т а м ғ а — сиртидаги қабариқ ёки ботиқ белгиларидан қоғоз, мум, сурғичга нусха туширадиган асбоб.

МУҲТАШАМ — ҳашаматли, ҳайбатли безакдор бино.

МЎРАКАШЛИК, м ў р а т о р т и ш — сувоқ юзасини тахта газчўпи тортиб текислаш.

МЎРИ — тутун йўли, мўркон. Уйни шамоллатиш ва тутунни тортиш учун девор ичидан ўтказиладиган, ошхоналар устига ўрнатиладиган қувур каби мослама.

Н

НАБОТИЙ — ўсимликсимон нақшларнинг умумий номи, сифати.

НАВО (н о в а) — шип билан девор орасидаги қайрилма ҳошия эгик қисм.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАЖЖОР— дурадгор, дурезгар. Ёғоч устаси.
НАЗАРГОҲ — кузатиш жойи. Заҳириддин Бобурнинг Кобулдаги тоғ ёнбағрига жойлашган боғнинг номи.
НАЙ — қамиш.
НАЙЗА — тиғ; қуббанинг найзаси.
НАМОЗГОҲ — шаҳар ташқарисидаги сайлгоҳда қурилган масжид.
НАМОЁН, н а м о я — атрофи ҳошия нақш (занжира, рута) билан ўралган тугалланган нақш композицияси.
НАРВОН, ш о т и — ёғочдан ишланган поғонали кўчма асбоб.
НАҚШ — безак, гул. Халқ амалий санъати ва меъморликда нақшнинг ҳар хил турлари учрайди. Нақшларга қараб тарихнинг қадимги даврларини аниқлаш мумкин. Нақшнинг кенг тарқалган турлари *ислимий* ва *гириҳ* нақшдир. Нақшлар композицияси асосини таноб чизиғи ташкил этади. Нақш ясаш усули ҳар хил: чизма (бўяма) нақш, чекма нақш, ўйма нақш, сўзана нақш ва ҳ. к.
НАҚША — чизма, чизги.
НАҚШИНКОР — безакли, нақш билан безатилган.
НАҚШСОЗ — наққош, нақш, гул солувчи уста.
НАҚҚОШ — нақш устаси.
НАҚҚОШЛИК — нақш яратиш касби, ҳунармандлик соҳаси. Нақш санъатига тегишли; нақшланган, зийнатланган.
НИГИРИК — синчли деворнинг хоразмча атамаси.
НИГОРИСТОН — суратхона, музей; нақшин тасвирлар хонаси.
НИГОРХОНА — суратхона, музей.
НИМАЙВОН — торайвон, бостирма.
НИМСУТУН, н и м у с т у н — деворга ёндош ярим устун.
НИМЧОҚ — ғишт қаламасида чокларни махсус шаклда чизиб текислаш.
НИСБАТ — муносабат, мутаносиблик ўлчови, кўрсатгичи.
НИШАБ — қиялик, саҳннинг қиялиги. Ариқ нишаби, том нишаби.
НИШОН — белги, аломат; тамға.
НОВ, н о в а — йўл, суйри йўл; *тарнов*нинг каттаси.
НУҚТАВОР — нуқталар асосида тузилган нақш.

О

ОБА — 1) чизиқ, нақш йўли; 2) тош устун, тош эсдалик.
ОБГИР — сув олинадиган жой.
ОБИДА — 1) ёдгорлик, қадимият қолдиғи; 2) қабр устига ўрнатилган ёдгорлик.
ОБИ ҒИШТ — усти сувли панжа билан текисланадиган чорчўп қолипда ясалган хом ғишт.
ОБОД — ер, жойни режа билан тартибга келтириш. Ўзбекистон топонимикасида кўп учрайди. Амир Темур-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг Самарқанд жанубидаги катта боғи Давлатобод, Алишер Навоий Ҳирот чеккасида ташкил этган меъморий мавзе Неъматобод номи билан машҳур бўлган.

ОБОДОН — обод этилган манзил, жой.

ОБРАЗ, т и м с о л — меъморий образ, ниҳоятда умумлашган давр, услуб, ижтимоий ҳолат ифодаси. Шаҳрисабздаги Оқсарой пештоғига Амир Темур «Куч-қудратимизга шаксшубҳа бўлса, иморатимизга қаралсин» деб ижтимоий талабни ифода этган экан.

ОБРАХА — сув йўли, ариқ, ариқ ўтказиш учун ажратилган ер, йўл.

ОБРЕЗ, х а н и к (об-сув, рез-қуймоқ) — хона пойгоҳидаги ювиниш, юз-қўл ювиш учун ишланган махсус жой.

ОБ-ТАРОЗУ — қ. *Шайтон.*

ОБХОНА — 1) сув сақланадиган хона; 2) масжид, мадрасада таҳорат қилиш учун ажратилган алоҳида хона; 3) қамоқхона.

ОЙБОЛТА — катта болта, чопқиси ойсимон шаклли болта.

ОЙГУЛ — ой каби давра шаклли нақш.

ОЙНАБАНД — 1) ойна ўрнатилган (дераза); 2) ойна ёки кўзгу ўрнатиб нақш ишлаш усули.

ОЛАЧУҚ, о л а ч у ғ — капа, чайла. Ёғоч ва хашакдан боғлаб қурилган муваққат уй-жой.

ОМБОР — хўжалик нарсалари, жиҳозлари сақланадиган хона, бино.

ОРА — икки нарса орасидаги масофа. Устунлар ораси.

ОРОЙИШ — безак, пардоз, зеб-зийнат.

ОРОМГОҲ — дам олиш жойи; ётоқхона.

ОСОРИ АТИҚА — қадимги дунё, қадимият ёдгорликлари, обидалари, нишоналари.

ОССУАРИЙ — Марказий Осиё, Эрон зардўштийлик динида марҳум суяклари сақланган сопол, тош ёки ганч идиш. Марҳум суягини оссуарийга солиб кўмиш мил. ав. 1-минг йилликнинг 2-ярмида шаклланиб, 8-асргача давом этган. Оссуарийлар жимжимадор, бўртма нақш ва ёзувлар б-н безатилган.



Оссуарийлар.

ОСТОНА, т а г д а р и — эшик кесакисининг пастки ёғочи, бўсаға.

ОТАШГОҲ — қ. *Оташкада.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОТАШКАДА — оташпарастлар сиғинган доимий олов ёниб турадиган махсус бино, оташпарастлар ибодатхонаси. Марказий Осиё ҳудудидан қадимги оташкада қолдиқлари топилган.

ОФТОБРЎЯ, Офтобрў — қ. *Кунгай.*

ОЧАР — очқич, калит.

ОЧҚИЧ — калит, қулфни очиш ва беркитиш учун ишлатиладиган металл асбоб.

ОШИЁНА, қават — уй қавати; бинонинг юқори қавати, юқори қаватдаги хона. Бобур Самарқанддаги Улуғбек расадхонасини «учошиёналиқ» деб тарифлаган.

ОШИҚ-МОШИҚ — эшик, дераза каби қурилма табақаларининг ёпиб-очилиши учун хизмат қиладиган металл мослама.

ОҚ СУВОҚ — қора сувоқ устидан тортиладиган пардоз сувоқ.

ОҚ ЛОЙ — кошинпазликда ишлатиладиган хомашё.

ОҚ УЙ — ўтов, чодирнинг уй-жой учун мўлжалланган серҳашам тури.

ОҒИЛ, оғилхона — уй ҳайвонларини сақлаш ва боқиш учун қурилган махсус бино; молхона.

ОҲАК — оҳактошдан пишириб тайёрланган қурилиш материали. Қоришмаси сувоқ ишларида кенг қўлланилади.

ОҲАНИН — темирдан ясалган Кўҳна Самарқанд Жанубий дарвозасининг номи.

П

ПАЙВАНД — металл бўлакларини эритиб ёки парчинлаб бир-бирига бирлаштириш, улаш; қурилма бўлаклари, гул парчаларини бириктириш.

ПАЙРАҲА — ёғочни чопганда, рандалаганда ҳосил бўладиган палахса чиқинди.

ПАНЖАРА — катаксимон тўқима шакл, тўсиқ; меъморий бўлак. Ғиштни, ёғоч тахтачаларини ўзаро қалаб, ганч, металлни ўйиб, қуйиб, тошни ўйиб ҳандасий шакл тайёрланади. Биноларнинг эшик, дарча,туйнук, зинапояларида, айвонларда тўсиқ ва айни пайтда безак вазифасини ўтайди.







Панжара турларидан намуналар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ПАРГАР — айлана, доира чизиқ чизиш, чизиқ узунлигини ўлчашга хизмат қиладиган асбоб (циркуль).

ПАРГАРИ — паргар ёрдамида нақш, безак яратиш усули ва шу усулда яратилган нақш безак.

ПАРДА — матодан тортилган тўсиқ.

ПАРДЕВОР — синчли уйнинг тепа саррови устидаги кўтарилган парда девор.

ПАРДОЗ — ўймакорликда нақш яратиш усули; асосан содда пардоз ва табақа пардоз, заминли (заминкори) ва заминсиз ўйма турлари ўймакорлик нақшлари талқинида яққол кўринади.

ПАРРА — гул нақшини ташкил этувчи доирасимон шакллар.

ПАРЧИН — *кошин* тури, турли рангларда сирланиши билан ундан фарқ қилади.

ПАСТКЎЧА — кўча тури; нисбатан пастқам жойдаги кўча.

ПАТАК БИННИ — *шутургардон*нинг кўндаланг тиғли тури. Ганчкорликда қўлланиладиган асбоб.

ПАТИК — *васса*, тоқининг Хоразм шевасидаги атамаси.

ПАХСА, п а х с а д е в о р — пишитилган лойдан ўйиб, уриб ясалган девор ва ўша деворнинг ҳар бир қатори. Юзасига лой суви тортилгандан сўнг ҳар хил нақшлар чекиш, ўйиш мумкин.

ПЕЧАК — илон изи шаклида такрорланувчи ислимий нақш.

ПЕШАЙВОН — уй, хона олдига тақаб қурилган айвон.

ПЕШБАНД — тўғон, тўсиқ.

ПЕШГОҲ, п е ш г а ҳ — уйнинг тўри, уй юқорисидаги махсус жой. Унинг тескариси *пойгоҳ*.

ПЕШТОҚ — мадраса, масжид каби ҳашаматли биноларнинг кириш қисмидаги усти баланд кўтарилган равоқли серҳашам қисми. Пештоқ бинолар композициясида катта ўрин эгаллайди, уларга маҳобат, гўзаллик бағишлайди; кошин, кесма парчинлар билан гириҳ, ислимий нақшлар ишланади. Китобалар билан безатилади.

ПИЛЛАПОЯ, п и л л а п о ч а — зина, нарвоннинг ҳар бир поғонаси.

ПИЛПОЯ — устун курсиси, тагтош, пойустун.



Пахса девор ва унинг безаги.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ПИЛТА — чивиқ каби ингичка шакл. Ғўла шаклидаги ингичка бўртма безак йўл.

ПИЛТА ВАССА — ингичка васса.

ПИЛТАВОР — пилта қаторидан ясалган безак. Пилтавор устун, пилтавор пахса.

ПИЛТАҚАЛАМ — ганчкорликда пилтавор банд кесиш учун мосланган тиғи ярим доира асбоб.

ПИРОМОН — 1) хона тепасидаги тўсинлар орасига пастдан ўрнатиладиган тахтача; 2) карниз маъносида ҳам қўлланади.

ПИРОЯ — безак, зеб-зийнат.

ПИШИҚ ҒИШТ — хумдонда пишириб олинган хом ғишт.

ПОЙГОҲ, пойгаҳ — хонанинг эшикка яқин қисми, уйга кираверишда ёки хона ичкарисидаги хона заминидан бироз паст қилиб ажратилган махсус жой, одатда тўртбурчак ёки мурабба шаклида бўлади. Асосан пойабзал ечилган.

ПОЙГУМБАЗ — бинонинг устки қисмидаги гумбаз ўрнатиладиган махсус қурилма. Гумбазни бинодан баланд кўтариб ажратиб туради, унга кўркамлик ва маҳобат бағишлайди. Баъзан пойгумбазнинг турли томонларидан дарча ва панжаралар ишланади, гумбаз ва бино безакларига уйғунлаштириб безатилади.

ПОЙДЕВОР — бино деворининг остки таянч қисми.

ПОЙТАХТ — давлатнинг марказий шаҳри, маъмурий-сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази; Доруссалтана.

ПОЙТЕША — хода, хариларни йўниш учун ишлатиладиган кетмон келбатидаги (дастаси узун) катта теша.

ПОЙУСТУН — маҳаллий меъморликда устун ўрнатиладиган асос, таг курси. Ёғоч устунларни чиришдан сақлаш учун қўлланилади. Пойустун устунга мослаб тошдан йўнилади, ислимий ва гириҳ-нақшлар билан безатилади.

Пойустун.

ПОНА — нарсаларни ёриш, кериш, ажратиш учун ишлатиладиган бир учи тиғли ёғоч ёки темир қозиқ.

ПОРСУ — ғишт, тахта бурчагини қийиқ кесиш, қийиқ бирлаштириш.

ПОЧАБОРИК — муқарнас косачаларининг энг пастки понасидаги тик ингичка оёқча қисми.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ПОШНА — устун курсисининг пастки қисми бурчакларидаги безак шакл.

ПУЛ — кўприк. Тахтапул — Тошкентдаги мавзе.

ПУЛПЎШ — бостирма,капа, осма кўприк.

ПЎСТ — наққошликда пардоз қатлами.

ПЎШТА — ғўла (ёғоч)ни узунасига кесганда ҳосил бўладиган (бир томони суйри бўлаклари).

Р

РАБОД — шаҳар атрофи, шаҳар ташқарисидаги бинолар.



Қолипкори усулидаги равоқ турлари:

1. Абдулаъзизхон мадрасаси. 2. Маҳоки кўрпа масжиди. 3. Масжиди Калон. 4 ва 6. Мир Араб мадрасаси. 5. Файзабод хонақоҳи. 7. Намозгоҳ. 8. Абдуллахон мадрасаси.

РАБОТ — каравонсарой, мусофирхона, лангар.

РАВОҚ — бинонинг ички ёки олдидаги ярим доира қилиб ишланган қисмлари. Тепаси суйри, давра шаклида ясалган токча, йўлак, тахмон.

РАВОҚ БОҒЛАШ — равоқ ҳосил қилиш усули.

РАВОҚ ЛУНЖИ — равоқнинг ички томони.

РАВОҚ СИРАСИ — равоқлар қатори, қаторак.

РАЖА — қ. *Режа.*

РАНГ — бўёқ, бўёқ моддаси.

РАНГСОЗ — 1) рассом, мусаввир; 2) ранг-баранг бўёқларда ишланган тасвир.

РАНДА — ўртасида қийиқ пўлат тиғи бўлган дурадгорлик асбоби. Ёғочларни текис йўниш, силлиқлаш учун ишлатилади.

РАСАДХОНА, обсерватория — осмон жисмлари (юлдуз ва сайёралар) ҳаракатини ўрганувчи илмий марказ ва унинг биноси. Самарқандда Улуғбек расадхонасининг қолдиқлари сақланиб қолган.

РАСМ — қоғоз, картон, фанер, мато, девор ва б.га чизиб, бўяб ишланган тасвир, чизма шакл.

РАССОМ — расм устаси, мусаввир, наққош.

РАСТА — қатор, бозорда дўконлар қатори.

РАФ — токчанинг горизонтал тахтаси: хумдондаги қатлар.

РАХ — қирра, зиҳ, ташқи бурчак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

РАХНА — ёриқ, дарз, тешик.
РАХЧЎП — девор сувоғини текислашда ишлатиладиган тахтача, газчўп.
РАХБА — масжид ҳовлиси, саҳн.
РАҲРАВ — *йўлак, далон.*
РЕГИСТОН — 1) қумлоқ майдон; 2) Самарқанд марказидаги машҳур меъморий мажмуа номи (15—17- асрлар).
РЕЖА — бино қуриш тартиби, мўлжали.
РЕЖА ТОРИ, р а ж а т о р и — лойиҳа асосида заминда бино шаклини ясаш учун ишлатиладиган чизимча ип.
РУКН — устун; таянчиқ, пилпоя.
РУТА — икки томонга уланувчи нақш тақсими, асосан ҳошия учун қўлланади.
РУХОМ — бинокорликда ишлатиладиган шаффоф мармар тош (оникс). Амир Темур мақбарасининг ички изораси рухом тошидан йўниб ясалган.

С

САВАТ — чивиқ, новда, қамиш, шолипоя каби эгилувчан пишиқ тасмалардан тўқилган идиш. Савот тўқиш устадан маҳоратни талаб қилади. Савот тўқималари бўйра, четан қаторида ҳандасий (гириҳ) нақш ривожланишига сабаб бўлган.
САВЛАТ — салобатли ташқи кўриниш, қиёфа, улуғвор ҳолат, маҳобат.
САВМАА — христианлар ибодатхонаси.
САД — тўсиқ ғов, девор; қалъабанд девор. Садди чиний — хитой девори, Садди Искандар — Искандар девори.
САДА — ёғочи бинокорликда кенг ишлатиладиган қайрағоч тури.
САДАФ — ялтироқ чиғаноқ.
САЁЗ — унча чуқур бўлмаган, таги юза жойлашган. Пойдевори саёз.
САЖДАГОҲ, и б о д а т г о ҳ — сажда қилинадиган жой; масжид, масжид меҳроби, зиёрат манзили.
САЙСХОНА — отхона.
САЙҚАЛ — буюм, нарса сиртига бериладиган пардоз, жило, ишлов.
САЙҚАЛЧИ — сайқал берувчи, жилоловчи уста.
САЙҲОН — очиқ кенг жой, майдон.
САЛИБ — бут, хоч шаклидаги қуёш, тириклик рамзини билдирувчи нақш бўлаги.
САЛОБАТ — улуғвор ташқи кўриниш; виқор, савлат, маҳобат.
САЛОМХОНА — амир, хон, подшо саройидаги махсус қабулхона. Бухоро Аркида, Хивадаги Тошҳовлида, Қўқон Ўрдасида саломхоналар сақланиб қолган.
САМБИТ — савот, четан, панжара тўқишда фойдаланиладиган сарғиш новдали эгилувчан тол тури.
САНАМ — аёл сиймоси ишланган бут, ҳайкал.
САНАМА — катаклар асосида тузилган нақш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

САНАМА КОШИН — сиркор ғиштчалардан турли шаклда териб ясаладиган безак тури.

САНГОБ — пойдевор тагига ташланадиган махсус тош қоришма.

САНГТАРОШ — қ. *Тоштарош.*

САНДАЛ — танча, ўтхона устига қўйиладиган курси — махсус ёғоч қурилма.

САНОБАР — танаси тик, бўйи узун (15—20 *м*) адил дарахт; меъморликда ишлатиладиган устунбоп ёғоч.

САРБАНД — бош тўғон.

САРБОЗХОНА — сарбозлар турадиган бино. Арк, ўрда дарвозахоналари қаторида қурилган.

САРДАК — бўёқ қоришмаси устидаги чиқинди.

САРДАРА — энг катта, асосий эшик, дарвоза. Самарқанддаги Улуғбек мадрасасининг иккита бир хил сардараси (дарвозаси) бўлган.

САРДОБА — 1) усти берк ҳовуз, сувдон. Одатда сувсиз жойларда усти гумбазли қилиб ёпилган сувдонлар қурилади. Ёмғир, қорнинг оқова сувлари ҳисобига сувдон тўлдириб олинади. Сардоба суви мўътадил шароит туфайли деярлик айнимайди; 2) бинолар остидаги тагхона ҳам баъзан сардоба деб ата-





Сардоба ва унинг тарҳи.

лади. Сув хумларда хонанинг салқинида сақлангани учун ҳам шундай аталган.

САРЖИҒА — гумбаз остидаги муқарнас ва безакли ҳошиялар давраси.

САРИР — тахт, сўри.

САРКАЛЛА — бошанинг тепа қисми.

САРКОР — ишбоши, усталар бошлиғи.

САРМОЯ — маблағ, бино қурилиши учун ажратилган маблағ.

САРНОМА — бино пештоқидаги асосий ёзув.

САРНА, с а р н а к — хумдон деворига қўйиладиган ғўла қозиқча.

САРОБЎСТОН, б ў с т о н - с а р о — сарой атрофидаги обод боғ. Самарқанд қалъасидаги (Кўксарой атрофида) ажойиб боғ Бўстонсаро номи билан маълум.

www.ziyouz.com kutubxonasi

САРОЙ, к о ш о н а — ҳашаматли улкан бино; хон, подшо, амирлар қароргоҳи, қаср. Дастлаб ҳукмдорларнинг қароргоҳи тарзида, кейинчалик сарой аҳли яшайдиган жой сифатида қурилиб, турли мақсадларга хизмат қиладиган кўп сонли хоналардан, бир, бир неча ҳовлилардан иборат бўлган. Шаҳрисабзда Амир Темур қурдирган Оқсаройнинг пештоқи қисман сақланиб қолган. Бухоро Арки, Хивадаги Кўҳна Арк, Тошҳовли, Қўқон Ўрдаси Марказий Осиё хонларининг 18—19-асрларга хос саройларининг сақланиб қолган намуналаридир.

САРПАРДА, с а р о п а р д а — улкан ўтов, чодир. Пардалардан ясалган ёзлик муваққат сарой, шоҳона безакли кўчма сарой.

САРРОВ — синчли хона деворига тўсин (болор)лар остига қўйиладиган асосий оғирликни кўтаруви хода.

САРТАРОШХОНА — сартарошлик, сартарош дўкони.

САРФИЯТ — сарф-ҳаражатлар, чиқимлар.

САРХОҚ — лойдеворлар (пахса, синч девор)нинг ёғин сочиндан асраш учун устига уриладиган серсомон лўмбоз қатори.

САРХОНА — бош хона; минора тепасидаги қафаса хона.

САРЧАШМА — чорбоғлар ичида ташкил қилинган меъморий булоқбоши.

САРҲАД — чегара, чегарани белгиловчи марза.

САТҲ — юза, бет, майдон. Хонанинг кўлами, ҳовли юзи, саҳни.

САҚФ — шип, гумбаз ости.

САҒАНА — қабр устидаги қурилма, тош; тошдан, пишиқ ғиштдан икки ёни равоқсимон қилиб, ишланади; кошин, ўйма нақшлар билан безатилади, китобалар ёзилади.

САҲН — юза, майдон; ҳовли саҳни, хона саҳни, супа саҳни.

САҲНА — томошахонада махсус кўтарилган супа-саҳн.

СЕБАРГА — уч баргли нақш шакли, бўлаги.

СЕПОЯ — уч оёқ, уч оёқли асбоб.

СЕРАФТОР — илон изи шаклида такрорланувчи уч банд йўлидан тузилган нақш қатори.

СИЁҲҚАЛАМ — 1) нозик мўйқалам; 2) нақш, безак шакли (чегараси)ни нозик мўйқалам билан текис чизиб белгилаб чиқиш.

СИММЕТРИЯ — бирор нарса, нақшнинг марказ чизиққа (ўқ чизиққа) ёки текисликка нисбатан айнан, муқобил жойлашуви, ўзаро ўхшашлик.

СИНЧ — бино (уй-жой)нинг ўзаро маҳкамлайдиган айрим ёғочлардан иборат негизи («қобирға»си). Бинонинг мустаҳкамлиги, турғунлиги кўпга чидамлилигини оширади ва шаклини белгилайди. Синчларнинг тагсинч, устун, ховон (хованда), тепасинч (сарров), бачки ва бошқа

www.ziyouz.com kutubxonasi

қисмлари бор. Оғирлик тушувчи ташқи девор — қўшсинч, ички девор тўсиқлари якка синч қилиб ишланади. Тагсинч тепасинч (сарров)га синч билан ўйиқ ва тирноқлар ёрдамида бириктирилади. Синчлар орасига ғишт гувала ва б. уриб девор ҳосил қилинади.

СИНЧ ДЕВОР — синчлардан тузилган девор.

СИР — ранг, бўёқ.

СИРАЧ, ш и р а ч — пиёзгуллилар (масалан, эремурус) илдизидан олинадиган елим кукуни. Бўтқа ҳолида нарсаларни ёпиштириш, ёғоч сиртини текислашда ишлатилади.

СИРКОР — сир тортиб хумдонда пишитилган буюм (ғишт) сирти.

СИРУК — устун, ўтов устуни.

СИРЧИ — наққош уста, сирловчи уста.

СОМОН — буғдой, шоли, арпа ва б. янчилганида поялари нинг майдаланишидан





Синч девор ва унинг турлари.



Синч девор:

1. Танг синч; 2. Сарров; 3. Тўсин (болар); 4. Бурчак синч (устунгўша); 5. Синч; 6. Қалама; 7. Синчли деворнинг ён кўриниши.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳосил бўлади. Сувоқ ишларида лойга қўшиб ишлатилади, сувоқ қатламини ёрилишдан сақлашга хизмат қилади.

СОМОН СУВОҚ — сомонли лой билан қилинган сувоқ.

СОХТАКОР — қалбаки иш устаси.

СОЯБЕТ — қ. *Терскай.*

СОЯБОН — тўсиқ.

СОҲА — банд, тўғоннинг Хоразмча атамаси.

СУБУЗҒОН — ибодатгоҳ; қабристон.

СУВЛАМА — оби ғиштнинг сифати.

СУВОҚ — девор юзасини текислаш усули ва шу усулда ҳосил бўлган қатлам.

СУВОҚЧИ — сувоқ билан шуғулланувчи уста.

СУЙРАН — минорасимон динг иморат.

СУЛС, х а т т и с у л с — меъморий безакларда кенг қўлланиладиган арабча ёзув услуби.

СУНИ — хари, тўсин, том ёғочи.

СУПА, с у ф а — 1) ер саҳнидан бироз кўтарилган жой, махсус қурилма. Кўпинча тўртбурчак шаклида бўлиб, дам олиш, ётиштуриш учун фойдаланилади; 2) супа устига қурилган пештоқли айвон ҳам баъзан супа деб номланади.

СУПРА — ҳунарманд иш ёйиши учун белгиланган махсус тери дастурхон.

СУРАТ — расм, тасвир.

СУЮҚ ЛОЙ — серсув қорилган лой.

СЎРИ, ч о р п о я — дам олиш учун ишланган тўрт оёқли ёғоч каравот, супа.

Т

ТАБАР — *болта.*

ТАБАРЗАН — ёғоч текисловчи, ўтин тайёрловчи.

ТАБАҚА — 1) эшик, дераза кабиларнинг очиб—ёпиладидан ҳар бир бўлаги; 2) муқарнас қаторлари (3, 5, 7 табақа); 3) ўймакорликда мураккаб пардоз тури.

ТАБДИЛ — ўзгартириш, таъмирлаш.

ТАГ, т а г и — қ. *Замин.*

ТАГДАРИ — қ. *Остона.*

ТАГЗАМИН — т е г з а м и н. Ертўла, сардоба, ер остига тегишли.

ТАГЛАМА — девор, устун тагига қўйиладиган таянчиқ ёғоч, тахта, тош ва ҳ. к.

ТАГСИНЧ — синчли деворнинг пойдевори устига ётқизиладиган ёғоч; унга синчлар қадалади.

ТАГХОНА — ертўла, сардоба, бино остидаги хона.

ТАДБИР — бирор ишни, мақсадни амалга ошириш, рўёбга чиқариш воситаси, мўлжал, режа тартиби.

ТАЖДИД — янгилаш, қайта қуриш, таъмир.

ТАЗАР — ер остидаги сув, оқиндилар учун мосланган ғиштин ариқ, сопол қувур.

ТАЗҲИБ — нақшга зарҳал бериш.

ТАКЯ — жамоатхона, мусофирхона.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАЛАК — болохона, иккинчи қаватдаги айвон.

ТАМБА — тиргак; эшикни беркитиш учун орқасидан тираб қўйиладиган тахта, ёғоч, тош.

ТАМОМ, т а м м а т — «тамом бўлди, битди» деган маънони ифодалайдиган ибора; бинолар тарихига оид ёзувларда кўп учрайди. Бино, иншоот қуриб битказилган санани кўрсатганда қўлланилади.

ТАМУЛИ — девор асоси, курсиси.

ТАМҒА — бино лойиҳаси, хомашёсини тайёрлаш жараёнида қўйиладиган махсус белги. Қадимги хом ғиштларда турли хил тамғалар шакли сақланиб қолган.

ТАМҒУК — пона, мих, қозиқ.

ТАНА — устуннинг асосий юк кўтарувчи қисми.

ТАНАКОР — кавшарлашда эришни равонлаштириш, тезлатиш учун ишлатиладиган модда.

ТАНГКЎЧА — торкўча.

ТАНДИР, т а н у р — сопол пиширадиган махсус ўчоқ, хумдон.

ТАНОБ — 1) нақш асосини ташкил этувчи ўзак йўл; 2) чизимча, ип, режа арқони; 3) ер ўлчови бирлиги (тахминан 0,25—0,3 *га*).

ТАНОБЧИ — ер ўлчовчи.

ТАНОСИБ — нисбат; мутаносиблик.

ТАОМХОНА — ошхона, овқатхона.

ТАПЧАНГ — сепоя нарвон.

ТАРАБХОНА — *ишратхона;* Ҳирот шаҳридаги Боғи Сафид ичкарисидаги айш-ишрат кўшки Тарабхона номи билан маълум.

ТАРАНГ — қаттиқ тортилган; режа тори (ипи)ни тортганда таранг туриши; акс ҳолда тарҳдаги мўлжал амалга хато ўтиши, хоналар ўлчами расо чиқмаслиги мумкин.

ТАРАША — ўтин майдаси, ёриб майдаланган ўтин. Кошинпазликда янтоққа тараша аралаштириб хумдон қизитилади.

ТАРЗ — бинонинг умумий (асосий) кўриниши. Бош тарз, ён тарз, орқа тарз.

ТАРИХ — меъморий ёдгорликларда бино қурилган сананинг ёзув билан аниқ кўрсатилиши.

ТАРМИМ — қайта тиклаш, таъмир.

ТАРНОВ — томдан ёғин сувларини четга йўналтирадиган мослама, нов.

ТАРОҚ — нақкошликда тароқсимон тарам-тарам пардоз.

ТАРОШКОР (йўнувчи, тарошловчи) — пардоз устаси; тош, ёғоч, ганчни пардозловчи уста.

ТАРРОҲ (тарҳ — лойиҳа) — лойиҳа ишловчи уста, меъмор, лойиҳачи. Тарҳ тузиш санъатини тугал эгаллаган муҳандис уста, меъмор.

ТАРТИБ — йўл-йўриқ, бино қуриш жараёнининг кетма-кет келишининг белгилари.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАРУС — уй шипи.

ТАРҲ — бино лойиҳаси; турли ҳажмдаги буюм ёки қурилма (муқарнас, гумбаз каби)ларнинг текисликдаги ифодаси (горизонтал проекцияси).

ТАСВИР — сурат, бирор нарсанинг ўйма, қуйма, чизма шакли.

ТАСМА — узун энсиз ҳошия.

ТАСНИФ (саралаш, тартибга солиш) — классификация, ўхшашлиги яқинлиги ва фарқига қараб нарсаларни туркумлар, гуруҳларга бўлиниши.

ТАХМИН — 1) кошин йиғиш, ғиштчаларни териш учун мосланган махсус ганч тахта. Агар равоқ, гумбаз усти суйри девор бўлса, тахмин юзаси ҳам ўша шаклда қийиқ тайёрланади; 2) режа олишдаги мўлжал.

ТАХМОН — хона деворини ўйиб ҳосил қилинадиган махсус жой. Кўпинча хона тўридаги девор ўртасида бўлади.

ТАХТ — сарой тўрига, махсус жойга ўрнатилган *шоҳнишин* ўриндиқ.

ТАХТА — ғўладан кесилган ясси ёғоч бўлаги.

ТАХТГОҲ — пойтахт, сарой.

ТАХТИРАВОН — усти берк кўчма шоҳнишин ўриндиқ.

ТАШҚАРИ — ташқи ҳовли (берун); Марказий Осиё халқ меъморлигида уй-жойнинг махсус бир бўлаги, кўча дарвозага яқин томондаги холи қисми. Меҳмонхона, хўжалик учун зарур хоналар, отхона ва бошқа бинолардан иборат.

ТАЪМИР, таъмироот — бузуқ жойни тузатиш, бино қилиш. Бинонинг бирор қисмини қайта қуриш, дастлабки ҳолатига келтириш, давом эттириш. Навоий Ҳиротдаги жоме масжидининг таъмири билан шуғулланган.

ТАҚИМ — равоқ, гумбазнинг ички тарафи; гумбаз тақимига тиргак қўйилди.

ТАҚСИМ, раппорт — нақш (гириҳ)нинг маълум бир шаклда такрорланувчи қисми. Тўғри тақсим — улгиси тўғри такрорланади; чапу рост тақсим — улгиси тўғри ва тескари алмашиб такрорланади.

ТАҚТИЪ — бўлакларга ажратиш. Гириҳ безагида тақсим шаклини аниқлаш.

ТАҲОРАТХОНА — ювиниб покланиш учун мосланган махсус хона. Масжид таркибидаги асосий хоналардан бири.

ТАҲРИБ — вайрона, вайрон этилган, хароба.

ТАҲРИР ҚАЛАМ — нақш шаклларини текислаш ва пардозлашда ишлатиладиган мўйқалам.

ТЕЗКОР — тез ишлайдиган уста.

ТЕЗЛАМА — оғган, қийшайган деворни таъмир вақтида ёғоч мосамалар ёрдамида тиклаб, тўғрилаб, ростлаб қўйиш. Айниқса синчли деворни тезлаш қулай бўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТЕПА — ер сатҳидан баланд, дўнг жой; қадимги бинолар вайронаси кўпинча тепа шаклида сақланиб қолган. Оқтепа, Далварзинтепа каби.

ТЕРАК — ёғочи меъморлик (синчли бинолар)да кенг ишлатиладиган дарахт. Текис танасидан устун, тўсин, харилар тайёрланади.

ТЕРМА КОШИН — қ. *Кесма кошин.*

ТЕРСКАЙ — қуёшга тескари, қуёш нури тушмайдиган тараф, бино, яъни соя томон, соябет.

ТЕША — чопиш, кесишда ишлатиладиган металл тиғли дастали асбоб.

ТЕШИК — туйнук, дарча.

ТИЖОРАТХОНА — улгуржи савдо ишлари амалга ошириладиган хона (бино).

ТИЗМА — нақш қатори, кетма-кет, ёнма-ён, бирин-кетин жойлашган қатор; танга қатор.

ТИКТАРОШ — узун дастали тиғи кичик белкурак. Пахса девор сиртини текислашда, унга пардоз беришда ишлатилади.

ТИЛЛАКОРИ — тилла билан безатилган, зарҳалланган. Самарқанддаги мадрасанинг номи.

ТИЛСИМ ГИРИҲ — ясаш усули мураккаб бўлган муаммо гириҳ.

ТИМ — усти ёпиқ бозор, баланд том билан (кўпинча гумбаз билан) беркитилган раста. Бухорода Абдуллахон тими (16- аср) сақланиб қолган.

ТИРГАК — бирор нарса (девор)ни оғишдан сақлаш учун ўрнатиладиган мослама.

ТИРНОҚ — 1) ўймакорликда тирноқсимон нақш қатори; 2) ёғоч учидаги йўниб тайёрланган тиш.

ТИРСАК — қўлнинг бармоқ учидан тирсаккача бўлган узунлиги билан белгиланадиган ўлчов бирлиги.

ТОБАДОН — эшик, дераза тепасидаги кичик дарча, туйнук. Кўпинча панжара билан тўсилган. Хона ичкарисини шамоллатиш, ёритиш учун хизмат қилади. Қадимги биноларда кенг қўлланилган.

ТОЖ — шоҳ кулоҳини эслатувчи гумбаз тури. Тождор гумбаз каби.

ТОКЧА — уй, хона ичидаги деворларга ўйиб ишланган махсус жой.

ТОЛОР — хос хона, жамоатхона.

ТОЛҚОН — қ. *Кукун.*

ТОМ — хона, уй, бинонинг устини беркитиб турувчи тепа қисми. Кенг тарқалган турлари: текис том ва гумбаз том.

ТОР — кенгнинг акси. Тор йўлак, тор айвон, тор кўча каби.

ТОРАМ — усти гумбазли баланд бино; гумбаз, қубба.

ТОСАК, косача — муқарнаснинг ясси шаклдаги косачасини ташкил этувчи қисми.

ТОШ — халқ меъморлигида кенг ишлатилган хомашё, яна қ. *Харсанг.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТОШДАРВОЗА — Хива қалъа деворидаги дарвозахона (19- аср).
ТОШОЙНАК — *кўзгу.*
ТОШТАРОШ — тош йўнувчи уста.
ТОҚ — 1) улкан равоқ; 2) гумбаз.
ТОҚИ — қ. *Васса.*
ТОҒОРА — оғзи кенг идиш. Ганч қориш учун одатда сопол тоғора ишлатилган.
ТУВАК — 1) гул экиладиган сопол идиш; 2) тувак шаклидаги нақш безак.
ТУВУРЛУҒ — ўтовнинг тепасидаги доира туйнукни беркитиш учун кигиздан ясалган қопқоқ.
ТУГМАЧА — безак санъатида тугмача шаклидаги нақш бўлаги.
ТУЙНУК — бино девори, шипидаги махсус ишланган тешик: тўртбурчак, доира шаклида бўлади. Хона ичига ёруғлик тушишини, ҳаво алмашиниб туришини таъминлайди. Меъморликда *панжара* билан безатилган.
ТУМШУҚ — қ. *Минқор.*
ТУНУКА — том ёпиш ва бошқа мақсадлар учун махсус тайёрланган юпқа тахтатахта темир.
ТУПРОҚ — қадимдан кенг қўлланилган асосий қурилиш материали. Масалан, созтупроқдан гувала, ғишт, лой тайёрланади.
ТУРБАТ — мозор, қабр, мақбара.
ТУРКОНА — турк халқига мансуб санъат усули.
ТУРУМ — эшик табақасининг кесакига жойлашадиган чиқиқ қисми. Синчли девор қурилмасида синчнинг ингичкаланган учи.
ТУРК — узунлик бирлиги.
ТУТАМ — қ. *Мушт.*
ТУТҚИЧ — буюмларнинг қўл билан ушлашга мосланган қисми, дастаси.
ТУҒРО — ҳарфлардан ясалган безакли белги, унвон, нишон.
ТЎЗҒОҚ, л у х — кошинпазликда созтупроқ лойига қўшиб пишитиладиган қамишнинг парсимон попуги. Лойнинг мустаҳкамлигини оширади, буюм қуритилаётганда юзасини ёрилишдан сақлайди.
ТЎР — тўқима шакл.
ТЎСИН, болор — хона, уй шипидаги кўндаланг қўйилган хари.
ТЎСИҚ — ғов, иҳота; енгил, вақтинча қурилган девор.
ТЎШ — кўкрак, олд қисм, рўпара. Пештоқ тўши.
ТЎШАМА, ф а р ш — бирор юзага тўшалган, ётқизилган нарса, қатлам; ғишт, тош териб текисланган саҳн.
ТЎҒОН — сувни тўсиш, бўғиш учун қурилган иншоот.

У

УДУМ — расм, одат; анъана; тартиб, қоида.
УЙ — бино, яшаш манзили, тураржой.

www.ziyouz.com kutubxonasi

УКАК — *бурж*, қалъа деворидаги минорасимон тиргак.

УКАКЛИ ТОМ — буржли уй, буржли қўрғон.

УЛ — пойдевор. Том ули — девор пойдевори.

УЛГИ, у л г у — 1) нусха, намуна, ахта; 2) бино лойиҳаси; меъморликда бино қурилишига оид ҳар қандай лойиҳа режасини билдиради.

УЛУШ — 1) бўлак, парча; 2) кент, шаҳар.

УНСУР — бир бутунни ташкил этувчи бўлак, таркибий қисм.

УРАЛУҒ — уй тўридаги тахмон, тўрдаги токча.

УСЛУБ — усул, бадиий тартиб. Меъморий услуб кенг кўламдаги бадиий жиҳатлардан таркиб топади.

УСТА — малакали мутахассис; ҳунарманд, санъаткор, бинокор, меъмор каби моҳир мутахассисларнинг умумий атамаси.

УСТАХОНА — уста ишлайдиган махсус жиҳозланган бино, корхона.

УСТОД, у с т о з — касб, ҳунар ўргатувчи уста, муаллим.

УСТУН — бинонинг алоҳида ўрнатиладиган таянч қисмларидан бири, томни кўтариб туришга хизмат қилади, ғишт, тош асосга ўрнатилган пойустунга қўйилади. Дарахт танасидан, ғишт, тош ва бошқалардан тайёрланади. Асрлар давомида шаклан



Устун: 1. дандана; 2. манглай; 3. пиромон тахта; 4. қаламча; 5. қош; 6. тоқя; 7. боша; 8. уря; 9. мадоҳил; 10. кўзаги; 11. туморча; 12. зуанга ёки маргинак; 13. уря тош боши; 14. бўйин; 15. имжак; 16. уря тош; 17. кўкрак; 18. лали.

ўзгариб борган, юксак бадиий кўринишга эга бўлган. Шу туфайли давр услуби тараққиётини кўрсатувчи асосий белгилардан ҳисобланади. Бадий талқинида одам гавдасига қиёс этилади.

УСТУХОН — бинонинг асосий қурилмаси.

УСУЛ — бирор нарсани амалга ошириш йўли, услуби тарзи.

УЧАҚ — том.

УҒ — ўтовнинг юқори қисмидаги ёғоч халқа.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ф

ФАВВОРА — кучли босим билан сирқираб отилаётган сув, шунингдек шу сувни отилишини таъминлайдиган иншоот.



Ҳовуз ва фаввора.

ФАЗО — очиқ ер, майдон, кенглик.
ФОНУС — 1) кўтарма чироқ; 2) минора тепасидаги атрофни кузатадиган жой; муаззинхона, кўшк.
ФАРШ — қ. *Тўшама.*

Х

ХАВАРНАҚ — афсонавий қасрнинг номи.
ХАЗИНА — бойлик, мулк сақланадиган махсус бино, махзан.
ХАМИР — хамирсимон қоришма. Ганч хамири.
ХАЙЛХОНА — отхона.
ХАЙМА — чодир.
ХАЛО, х а л о ж о й — хожатхона.
ХАНДАҚ — душман ўта олмаслиги учун қалъабанд қўрғонлар атрофида қазилган чуқурлик, кўпинча сув тўлдирилган бўлади.
ХАРИ — тўсинлар остидан кўндалангига қўйиладиган узун, йўғон асосий ёғоч.
ХАРОБА, х а р о б о т — вайрона; бузилган, қаровсиз қолган бино қолдиқлари.
ХАРОБАЗОР — вайрон бўлган маҳалла, кент, шаҳар қолдиқлари.
ХАРРОЖ — чизги, нақш. Тиғ билан пахса ёки текис девор сиртига чизиб ишланган шакл.
ХАРРОТ — ёғоч устаси, ёғоч ўймакори, ёғочсоз.
ХАРСАНГ, харсон — катта тош, йирик тош. Бино пойдевори, йўлкаларга ишлатилади.
ХАТ—1) чизиқ, йўл; 2) ёзув.
ХАТКАШ — бурчакнинг тўғрилигини ўлчашда ишлатиладиган мослама асбоб. Юпқа ёғоч тахтадан бурчак шаклида ясалади.
ХАТТАБА — бино девори билан безак либоси орасидаги бўшлиқ. Катта аҳамиятга эга: намликни тез қуритади, шамоллатади; девор юзасини мўътадил сақлайди; деворнинг хато-камчиликларини беркитади; либос бўлаклари таъмирини осонлаштиради.
ХАШТАК — ошхона устидаги шамоллатиш учун атрофи очиқ қилиб ишланган баланд том, (Расм 58- бетда).
ХИЁБОН — кенг, катта кўча; боғларни ўзаро улайдиган боғ йўли, икки ёнига да-

www.ziyouz.com kutubxonasi



Хаштак ва унинг турлари.

рахт, гул экилган, ариқлари бўлган сайргоҳ йўлка.

ХИЁРА — бодринг шаклидаги бурама устун.

ХИЛВАТ — холи, кимсасиз жой.

ХИЛВАТХОНА, х о с х о н а — хилватдаги уй, алоҳида ажратилган махсус хона.

ХИЛХОНА — 1) ҳазира; қабристондаги бирор уруғ-авлод, оила, маҳалланинг ўзига тегишли одамни дафн этиш учун ажратилган махсус жой; 2) бир неча одам кўмилган турбат тагхонаси.

ХИРГОҲ, х и р г а ҳ — чодир, ўтов, капа.

ХИШТ — қ. *Ғишт.*

ХИШТХОНА — хумдон; хумбуз, ғишт пиширадиган жой.

ХОБГОҲ — ётоқхона, ухлаш учун ажратилган хона.

ХОБОНДА — ганч қоришмаси; ганчни секин-аста сувда қориб, сўндириб тайёрланган суюқроқ қоришма. Нисбатан секин қотиши б-н ўймакорлик учун жуда қулай. Асосий камчилиги — ганч ўз қаттиқлигини анчагина йўқотади.

ХОВОН, хованда — синчли деворнинг асосий тўлдирувчи қалама синчлари.

ХОДА — йўнилмаган йўғон узун ёғоч; катта дарахтнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

шох-шаббалари кесиб ташланган танаси.

ХОДИМХОНА — ҳаммом ичкарисидаги уқалаш учун мўлжалланган мўътадил иссиқликдаги хос хона.

ХОКА — майда кукун. Ахта қоғози устидан хока босиб нақш шакли безатиладиган сирт, юзага туширилади.

ХОМ — хумдонда пишитилмаган ғишт, кошин.

ХОМАКАШ — қоралама, хомаки, дастлабки режа.

ХОМАКИ — қоралама. Яна қ. *Мусаввада.*

ХОМТАРАШ — йўниб пардозга тайёрланган ёғоч, тош, ҳайкал.

ХОМЧЎТ — хомаки ҳисоб, тахминий мўлжал.

ХОНА — 1) бинонинг девор билан ўралган ҳар бир алоҳида бўлаги; 2) уй, маскан, макон. Ўрни, мавқеи, вазифасига кўра хоналар ҳар хил бўлиши мумкин: хосхона, меҳмонхона, ошхона, чойхона каби.

ХОНАДОН — оила аъзолари яшаб турган уй, ҳовли.

ХОНАҚОҲ — 1) гумбазли каттта бино, хона; 2) масжиднинг кенг ва катта хонаси; 3) хонақоҳларда зиёратчилар учун қурилган жамоатхоналар, ҳужралар ҳам шундай аталган.

ХОНТАХТА — тўртбурчак, кўпбурчак ёки доира шаклидаги калта оёқли паст курси. Асосан овқатланиш учун фойдаланилади.

ХОСХОНА м а х с у с — хона, алоҳида хона, меҳмонхона.

ХОТАМБАНДИ — ёғочга ёғоч, суяк, садаф қадаб яратилган қадама нақш, безак.

ХОТАМКОРИ — м у қ а т т а турли шаклдаги ёғоч бўлакларидан тузилган нақш; қадама нақш.

ХУМДОН — ғишт, сопол идишлар, кошин пишириладиган тандирсимон махсус қурилма, ўчоқ. Хоразмда хумбўз дейилади.

ХУРЖУН (икки қопчиқли тўрва) — тарҳи хуржунни эслатувчи бино. Хуржун мадраса (Хива) — қўш ҳовлили мадраса.

ХУШБИЧИМ, х у ш қ а д — ташқи қиёфаси, тузилиши,кўриниши келишган, ҳар жиҳатдан мутаносиб чиройли. Хушбичим сарой.

ХУШҚАД — қ. *Хушбичим.*

ХЎЖАЛИК — алоҳида уй-жойга эга бўлган ҳар бир оила, хонадон.

Ч

ЧАВКАР — ола-була, холдор.

ЧАЛА — хом, битказилмаган, тамомланмаган.

ЧАЛДИВОР — вайрона ҳолга келган ҳовли-жой, ташландиқ уй-жой.

ЧАЛИПО — бут, хоч.

ЧАЛПАНГ — суюқ лой.

ЧАЛҚАНЧА — чорси ғиштни кенг юзаси билан тўшаш,

www.ziyouz.com kutubxonasi

териш усули. Чорси ғиштни оддий териш усули. Кўндаланг терилганда дандана ҳосил бўлади.

ЧАМА — мўлжал, тахмин; меъёр, ўлчов, кўлам.

ЧАМАН — гулзор, кўм-кўк жой, гулшан.

ЧАМБАРАК — гумбаз остидаги безакли ҳалқа девор, пойгумбаз.

ЧАНГАК — илгак, илмоқ.

ЧАНОҚЧИ — тоштарош, ҳайкалтарош.

ЧАПИҚ — қора сувоқ, дастлабки лой сувоқ. Атайин силлиқланмаган сувоқ.

ЧАПДАСТ — эпчил, моҳир уста.

ЧАРХ — давра шакл.

ЧАРХИ ГУМБАЗ — асоси доира гумбаз; давра гумбаз.

ЧАСПАК — ёғоч ва ганч тахтачасидан ясалган ингичка ва юпқа тасма. Одатда шип ва шарафа атрофидаги чокларни беркитиш учун қўлланилади.

ЧЕКИК — нуқта, чакич нуқталари.

ЧЕКМА ПАРДОЗ — ўймакорликда нақш заминини чакичлаб (нуқталаб) пардозлаш.

ЧИВИҚ — толнинг ингичка эгилувчан банди, новдаси.

ЧИЗМА — улги; чизиқ асосида тасвирлаш, лойиҳа таркиби.

ЧИЗҒИЧ — чизиш учун мосланган асбоб.

ЧИЙ — қамиш, новдалардан териб, тўқиб ясаладиган тўшама; тўсиқ, девор.

ЧИЙЛАМБА — қоқилган чий устидан сувалган шип.

ЧИЛВИР — чизимча, пишиқ ип: арқон, режа тори.

ЧИТ — чайла.

ЧИҒ — *чий*, бўйра; ўтов атрофига иҳота учун ишлатилади.

ЧОДИР — матодан қурилган капа; олачуқ, ўтов.

ЧОЙХОНА — енгил овқатланиш, дам олиш учун кўпчиликка мўлжалланган жой, жамоат манзили.

ЧОК — терилган ғиштлар орасидаги кўндаланг ёки бўйлама фарқ, уланган йўл.

ЧОПҚИ — калта сопли болта.

ЧОРБОҒ — атрофи девор билан ўраб олинган қўрғонли боғ. Амир Темур ва темурийлар даврида Самарқанд атро-



Чорбоғ. 1. дарбоза; 2. бино; 3. боғ девори; 4. ҳовуз ва фаввора; 5. тахт; 6. чорчаман; 7. гулзор; 8. дарахтлар; 9. ариқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

фидаги шоҳона чорбоғлар хушманзараси, кўшку айвонлари билан машҳур бўлган.

ЧОРДАРА (чор-тўрт, дарэшик) — тўрт тарафида эшиги бўлган тўртбурчак хона тури. Самарқанддаги Бобур қурдирган Чилсутун сарой болохонаси чордара усулида қурилган.

ЧОРДЕВОР — тўрт томони девор билан ўраб олинган хона, ҳоли манзил.

ЧОРЗАМИН — ироқи ва муқарнасдан таркиб топган равоқ ичи безаги.

ЧОРПОЯ — тўрт оёқли ва панжарали катта ёғоч каравот, сўри.

ЧОРРАҲА (чор-тўрт, роҳ-йўл) — йўлларнинг кесишган жойи; тўрт тарафга кетадиган кўчалар маркази.

ЧОРСУ — чорраҳага қурилган усти берк бозор биноси.

ЧОРТАРК ГУМБАЗ — 1) тўртбурчак хона устига боғланган тўртбурчакли дўпписимон гумбаз; 2) равоқли икки йўлакнинг кесишисидан пайдо бўлган гумбаз.

ЧОРТОҚ — тўрт томонида тоқ-равоқи бўлган тўртбурчак хона; тўрт тарафи очиқ равоқли кўшк, бино тури.

ЧОРХАРИ — тўрт харили хона; бир устунга тўрт тарафдан хари боғланган шип.

ЧОРХОЛ — такрорланувчи тўрт нуқталар қаторидан тузилган ҳошия.

ЧОРЧЎП — тўрт ёғочдан тузилган хона асоси, тагсинч; эшик кесакиси, ром.

ЧОҲ — 1) чуқур, қудуқ; 2) зиндон.

ЧУҚУР — 1) ўйиқ, ўйилган; қазилган, чўнқир; 2) тагхона учун қазилган чуқур.

ЧУҚУРЧА — синчли деворлардаги ўйиқ.

ЧЎБКОР — уста, синчли бино устаси, бинокор.

ЧЎБКОРИ — синли бино.

ЧЎК — кўндаланг терилган ғишт.

ЧЎКИЧ — чўқмор, гурзи; учи ўткир пўлат асбоб.

ЧЎНГАК — ёғоч челак.

Ш

ШАЙТОН, об-тарозу — бино қуришда ва дурадгорликда сатҳнинг текислигини аниқлайдиган асбоб.

ШАКЛ — бирор нарсанинг ташқи кўриниши, сиртқи қиёфаси.

ШАМАТ, шамт — қора ранг билан ишланган безак, нақш.

ШАМЁНА — соябон, чодир.

ШАМСА — қуёшни эслатувчи давра нақш; гумбаз остидаги давра безак; гумбазнинг ички томони.

ШАРАФА — биноларда девор билан шип оралиғидаги муқарнас асосида тузилган ҳошия безак.

ШАРЪИ — узунлик ўлчови; тахминан 2 *км.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШАҚИЛДОҚ — эшик ташқарисидаги тақиллатиш учун ишлатиладиган кичик болғасимон темир.



Шақилдоқ.

ШАҲАР — йирик аҳоли пункти, савдо ва саноати ривожланган маданий марказ, кент, кат. Аҳоли яшайдиган манзил.

ШАҲРИСТОН — шаҳар қалъаси, қўрғон. Шаҳарнинг атрофи қалъабанд ўраб олинган марказий қисми.

ШИББА, қ а н г — бино асоси остидаги тупроқни зичлаб тиғизлаш учун ишлатиладиган кунда гурзи.

ШИЙПОН — атрофи очиқ, пойдевори баланд ёзлик енгил қурилма. Одатда катта ҳовли, боғ, чорбоғ ичида қурилади. Яна қ. *Кўшк.*

ШИН — сўри, курси, каравот.

ШИНАК — қалъабанд девор кунгуралари орасидаги ёки буржлар деворидаги кузатиш, ўқ отиш туйнуги.

ШИНАМ — ихчам, кўркам, қулай. Шинам шийпон.

ШИННИХОНА — шинни тайёрлаш ва сақлаш учун қурилган махсус бино.

ШИРА — хонтахта.

ШИРАВОР — наққошликда елим қўшиб тайёрланган қоришма.

ШИРАЛИК ЛОЙ — ҳар хил шаклдаги нарсалар ясаш учун қулай лой.

ШИФОХОНА, б е м о р х о н а — даволаш муассасаси, касалхона; Шифоҳия — Навоий Ҳиротда қурдирган тиббиёт мадрасаси ва даволаш маркази.

ШИП, ш и ф т — хонанинг тепа қисми, томнинг уй ичидан кўриниши (тузилиши). Турлари: васса шип, қабза шип, ламба шип.



Шип: 1. васса (тоқи); 2. хари; 3. тўсин (болар); 4. қош.

ШОБАРГ — мураккаб пардозли нисбатан катта барг, йирик барг. Нақш композициясида турли хиллари учрайди.

ШОҚУЛ, ш о в у н — бино қурилишида қисмлар тиклигини аниқлашда ишлатиладиган асбоб, юк боғланган ресжа ипи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШОҲИ ЗИНДА — тирик шоҳ: афсонавий қаҳрамон номи.

ШОҲНИШИН — меҳмонхона уй ва саройнинг хос хоналари тўридаги супали, усти кўшксифат безатилган махсус жой. Ситораи Моҳи Хоса меъморий комплексидаги Аҳадхон саройида шоҳнишин бўлган. Тошкентнинг эски шаҳаридаги қадимий марказда Шоҳнишинтепа топоними сақланиб қолган.



Шоҳнишин.

ШОҲРОҲ — катта йўл; бош йўл.

ШОҲСУПА, ш о с у п а — 1) энг катта, асосий супа. Серҳашам супа. Пештоқ айвонли супа; 2) ҳайкал остидаги тагкурси.

ШУТУРГАРДОН — ганчкорлик асбоби. Шакли туя бўйнини эслатади.

Э

ЭВ, а в — уй, хона.

ЭВ ЎҚИ — шип ўртасидаги кўндаланг тўсин, заварров.

ЭКМА — қ. *Васса.*

ЭЛ — пойгоҳ; хона тўрининг қарши томони.

ЭЛАК — ганч, гил, бўёқ кабиларни тозалашда ишлатиладиган тўр тортилган гардишли асбоб.

ЭН — нарсанинг кенглиги, бўйига нисбатан кўндаланг томони.

ЭРКИНА — зина, зинапоя.

ЭШИК — 1) қопқа; уй, хона, бино ёки ҳовлининг кираверишига ўрнатиладиган иҳота мослама; 2) уй, ҳовли. (Расм 64- бетда).

ЭШУК — тўсиқ, парда.

ЭҲРОМ — ибодатгоҳ.

Ю

ЮЛДУЗ — ҳандасий нақш (гириҳ) таркибида кўп учрайдиган кўп қиррали турли хил шакл.

Я

ЯККА СИНЧ — бир қатор синчдан кўтарилган девор.

ЯКРАФТОР — бир йўналишли таноби илон изи шаклида такрорланувчи ҳошия нақш.

ЯСАҒУЧИ — бинокор уста.

ЯССИ — текис, пастқам; ясси том, ясси гумбаз.

www.ziyouz.com kutubxonasi



Эшик ва унинг қисмлари: 1. табақа; 2. кесаки; 3. гулмих; 4. занжира; 5. ҳалқа.

Ў

ЎЙМАКОР — ўйиб нақш ишловчи уста.

ЎРА — 1) махсус қазилган чуқурлик, қудуқ, чоҳ; 2) устун.

ЎРАМ — маҳалла, даҳа.

ЎРДА, ў р д у — ҳукмдорлар қароргоҳи, пойтахти; сарой.

ЎРДУГОҲ — ўрда жойи, сарой.

ЎРИНДИҚ — ўтириш учун мўлжалланган мослама, курси.

ЎРОҚ РАНДА — ўроқ шаклидаги икки дастали асбоб; хода пўстини тозалаш, сиртини текислаш, пардозлашда ишлатилади.

ЎРТМАН — том, гумбаз, шип.

ЎТИНХОНА — ўтин сақланадиган махсус жой.

ЎТОВ — юрт, кўчма уй, тураржой.

ЎТОҚ, ў т о ғ — уй-жой тузилишининг энг қадимги тури.

ЎТХОНА — махсус ўчоқ.

ЎЧОҚ — ўт ёқиб исиниладиган, овқат пишириладиган қурилма; ошхонани ташкил этувчи асосий қисм. Уй-жой

www.ziyouz.com kutubxonasi



Ўчоқ: мадраса ҳужраларидаги ўчоқ турлари.

қурилиши тараққиётида ўчоқ билан боғлиқ қисм алоҳида ўрин тутган. Қадимдан ўчоқнинг ўрни, мавқеига қараб уй-жой тузилиши ўзгариб борган.

Қ

ҚАБАРИҚ — дўнг, бўртма.

ҚАБЗА — тутқич, даста.

ҚАБУЛХОНА — идорадаги махсус хона.

ҚАВАТ — устма-уст жойлашган хоналар, токча, безакларнинг ҳар бир қатори. Яна қ. *Ошиёна.*

ҚАБР — ўлик кўмиладиган жой; гўр, мозор.

ҚАБРИСТОН — марҳумлар дафн этиладиган махсус жой, гўристон, мозористон.

ҚАД — нарсаларнинг баландлиги, бўй; хонанинг бўйи, баландлиги.

ҚАДАМА — хотамкори усулида қадаб яратилган нақш, безак.

ҚАЗНОҚ — қ. *Омбор.*

ҚАЙРИЛМА — эгилган, оғма, ёйсимон.

ҚАЙРОҒОЧ — ёғочи қаттиқ дарахт; меъморликда кўпинча устун, тўсин сифатида ишлатилади.

ҚАЙРОҚ — қабр тоши учун ишлатиладиган қаттиқ ва силлиқ тош.

ҚАЛАМ — 1) тош, тахта каби қаттиқ жисмларни ўйиш, кесиш, гул солиш, пардоз бериш учун ишлатиладиган металл асбоб; 2) нақкош уста ишлатадиган мўйқаламлар: сиёҳқалам, таҳрирқалам, тагқалам ва б.

ҚАЛАМА, қ а л а м ч а — синчли девордаги синчлар орасига қўйиладиган тиргакчалар.

ҚАЛАМИ — қалам билан чизилган нақш.

ҚАЛАМПИР — нақкошликда кенг ишлатиладиган бодомсимон нақш бўлаги.

ҚАЛАНДАРХОНА — қаландар, дарвеш, мусофир, гадо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар учун қурилган махсус бино.

ҚАЛИМА — айвон, олди очиқ хона.

ҚАЛПОҚ — михнинг безакли қопқоғи.

ҚАЛЪА — атрофи девор билан ўралган қўрғон, арк, кент. Кўпинча қалъа асоси ер сатҳидан баландроқ кўтарилган бўлади.

ҚАМИШ, к а м и ч — бинокорликда кенг қўлланиладиган хомашё; том ёпишда, бўйра, бордон каби буюмлар тайёрлашда фойдаланилади, ганч муқарнас орасига қовурға сифатида қўши-лади.

ҚАНГ — қ. *Шибба.*

ҚАНДИЛ — чилчироқ, осма чироқ.

ҚАНОС (кўкрак) — пештоқ равоғи тепасидаги туморсимон жуфт безак шакл. Кўпинча ислимий ва гириҳ нақшлардан ташкил топади. Шердор мадраса пештоғининг қаносларига қуёш, шер (асад — асад буржининг мажозий тасвири деб талқин этилади) ва оҳу тасвири, атрофига эса ислимий нақшлар кесма кошин билан ишланган.

ҚАНОТ — меъморий қурилманинг икки ён томони; ўққа нисбатан такрорланувчи қисми.

ҚАПУҒ — қ. *Эшик.*

ҚАРҒУЙ, д и н г — қоровулхона.

ҚАСАБА — шаҳар тасарруфидаги мавзеъ, кент.

ҚАСР — қўрғон, сарой, кўшк, қалъабанд бино.

ҚАТОРАК — такрорланувчи шакллар қатори.

ҚАФАСА — минора ёки бурж тепасидаги кўшксимон қурилма, махсус хона.

ҚАШҚАРЧА, р а в о н — кўтарма дераза, панжаралар билан ўралган айвон.

ҚАҚНУС — хумо каби меъморий ёдгорликлар безакларида тасвири кўп учрайдиган афсонавий қуш.

ҚИЁС — андаза, ўлчов.

ҚИЗИЛ КЕСАК — қизғиш соз тупроқдан тайёрланадиган маҳаллий бўёқ.

ҚИЗҒИШ СИР, м а л ғ а ш — кошинни пардозлашда ишлатиладиган қизғиш жигарранг сир.

ҚИЙ — шаҳар атрофи, қишлоқ.

ҚИЛҚАЛАМ — нисбатан ингичка ва нозик бўёқ қалами.

ҚИР —оҳак, қамиш кули ва шинни асосида тайёрланган махсус қоришма; бинони нам таъсиридан сақлашга хизмат қилган. Биноларнинг ер ости қисми, пойдевори ва намдан иҳота зарур ўринларида ишлатилган.

ҚИРМА — қўш қаватли (поғонали) ўйма усули ҳамда шу усулда яратилган нақш. Ганч ўймакорлигида баъзан заминга рангли ганч ишлатилади. Самарқанддаги Ҳазрати Хизр масжиди дарвозахонасида икки хил қирма (заминли ва заминсиз)ни кузатиш мумкин.

www.ziyouz.com kutubxonasi



«Қирма» услубидаги ганч безак.

ҚИРМАЧИ — дурадгор; ўймакор уста.

ҚИРОАТХОНА — китоб ўқийдиган махсус хона.

ҚОВУРҒА — нарсаларнинг мустаҳкам тутиб туриши учун хизмат қиладиган қисм: 1) гумбаз ичидаги кўндаланг тиргак деворлар; 2) синчли деворнинг ёғоч қисми.

ҚОЗИҚ — ерга ёки бирор нарсага қоқиш учун тайёрланган учлик пона.

ҚОЛИП — андаза; безак нақшни қуйиб (териб) ясаш учун ишлатиладиган махсус шаклдаги мослама. Ғишт қолип — хом ғишт қуядиган ёғоч мослама.

ҚОЛИПКОРИ — 1) қолип ёрдамида ясалган безак; 2) ўзаро кесишган равоқлардан тузилган безак.

ҚОНУН, меъморий қонун — меъморликда усталар амал қиладиган қонун қоидалар; лойиҳа тузишдаги тартиб.

ҚОПЛАМА, либос — бино деворларининг устки қатлами — пардоз қавати, безаги.

ҚОПУ — эшик, дарвоза.

ҚОПЧИҚ — қоп халтани эслатувчи гириҳ шаклларидан бирининг номи.

ҚОПҚА — қ. *Дарвоза.*

ҚОРИХОНА — 1) қуръон ўқиладиган хона, қироатхона; 2) кўрлар яшайдиган уйжой; 3) қорилар тайёрлайдиган мактаб.

ҚОРИШМА, аралашма — турли моддаларнинг ўзаро механик қўшилмаси; меъморлик (бинокорлик)да турли хиллари ишлатилади.

ҚОШ — бошанинг гажакдор қисми.

ҚОҚМА КАБЗА — шипдаги тўсинлар орасида қўйиладиган кабза тахта.

ҚУББА — 1) гумбазсимон том тури; 2) гумбаз устидаги ғўласимон безак; 3) нақкошликда безак тури.

ҚУЛОЧ — ўлчов бирлиги; кенг керилган икки қўлнинг ўрта бармоқ учлари орасидаги узунлик.

ҚУЛФ-КАЛИТ — ғиштни лўк ва чўк тарзида гулдор териш усули.

ҚУМ — тош майдаси, талқони; меъморликда ишлатиладиган хомашё.

ҚУМГАНЧ, қумгач — қум ва ганч аралашмасидан иборат қоришма ҳамда шу аралашма асосида тортилган қора сувоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚУМЛАМА — 1) қум сувоқ; 2) хом ғишт қуйишдан олдин қум билан созланган қолип.

ҚУРЁ — 1) чодир, капа, оларчуқ; 2) бузуқ, уй, вайрона.

ҚУРОҚ — майда бўлаклардан улаб, тўплаб ясалган безак.

ҚЎММА — устма-уст ранг бериб пиширилган сиркор сопол.

ҚЎНОЛҒА — қўнар жой, манзилгоҳ, тураржой, кулба, маскан.

ҚЎНОҚХОНА — мусофирхона, меҳмонхона; йўловчи тўхтаган уй.

ҚЎРА — 1) атрофи девор билан ўралган ҳовли-жой, иҳотали ўрам; 2) мол йиғиладиган жой, манзил.

ҚЎРИҚХОНА — давлат томонидан ҳимояга олинган жой, қўриқ жой; давлат муҳофазасига олинган меъморий ёдгорликлар жам бўлган манзил. Масалан, Хивадаги «Ичан қалъа» қўриқхонаси.

ҚЎРҒОН — 1) узоқ муддатли истеҳкомлар, деворлар билан мустаҳкамланган жой, шаҳар, қалъа; 2) шаҳар, қалъа ва шу кабиларни мудофаа қилиш учун қурилган девор; 3) атрофи баланд девор билан ўралган ҳовлили уй-жой.

ҚЎТОН — қўй қамаш учун қилинган жой, қўйхона; қ. *Қўра.*

ҚЎЧҚОРАК — маҳаллий меъморликда устун бошаси икки ёнидаги қўчқор шохидек қайрилма шакл.

ҚЎШ, жуфт — қ. *Муқобола.*

ҚЎШ СИНЧ — икки қатор бирлашган синчли девор.

ҚЎШ ХАРИ — икки хари асосида қурилган шип, том.

ҚЎШБАРГ — жуфт, ёнма-ён жойлашган баргли нақш.

ҚЎШБОДОМ — жуфт ҳолда тасвирланган бодом шаклидаги нақш.

Ғ

ҒИШТ (хишт), к и р п и ч — лой (соз тупроқ)дан қолипда қуйиб тайёрланадиган биноқорлик хомашёси; кўпинча хумдонда пиширилган. Турлари: п и ш и қ ғ и ш т, х о м ғ и ш т — қурилган, ҳали пишитилмаган ғишт, *оби ғишт*, с а н ж а р и ғ и ш т — ўлчами тахминан 52X27X10 см бўлган катта ғишт, 12- асрда кенг қўлланилган; с о л л а т и ғ и ш т — ўлчами 25X12X6 см бўлган кичик ғишт.

ҒИШТИН — ғишт териб тикланган девор, бино, қалъа ва ҳоказо.

ҒИШТКОР — ғишткор уста; ғишт териб бино қурувчи уста.

ҒОВ — иҳота, чегара, тўсиқ.

ҒОВАҚ, ғ а р о в — ичи пўк, тешик нарса, гумбаз ғарови; ичи ғовак.

ҒОЗ — гумбаз боғлашда ғиштнинг туртиб чиққан қиррадор қисми.

ҒОЗПОЙ — 1) ғоз панжасини эслатувчи шакл; 2) муқарнас тузилишида энг пастки қатор косачалари тугалланадиган жойдаги ғоз оёғи

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва панжасини эслатувчи шакл.

ҒЎЛА — ходадан кўндаланг кесиб олинган ёғоч бўлаги.

Ҳ

ҲАВОЗА — бино қурилиши, таъмири давомида фойдаланиш учун тайёрланган ёғоч ёки металлдан ясалган муваққат қурилма. Бино битгандан кейин ҳавоза йиғиштириб олинади. Халқ усталари ғишт териш давомида девор орасига кўндаланг қатор қалама ёғочлар қўйиб, улар устига тахтачалар ташлаб ҳавоза (галдаги поғона) сифатида фойдаланишган.

ҲАДРА — Тошкентдаги қадимги чорраҳанинг номи. «Ҳадра» эски арабчада сарой дегани. Шу манзилда илгари сарой бўлгани маълум. Шунингдек «Ҳадди роҳ», яъни «йўлнинг охири» номидан келиб чиққан деган тахмин бор.

ҲАВОЛ (ичи ғовак, бўш) — қўш синчли девор орасидаги, ғишт девор билан кошинкор безак орасидаги муқарнас бўшлиқ.

ҲАЗИРА — атрофи иҳоталанган жой, хилхона.



1



2



3

Ҳазира: 1. Ўзгандаги ҳазира-зиёратхона; 2. Чор Бакрдаги ҳазира; 3. Саид Ваққос ҳазираси.

ҲАЙБАР — қалъа, қўрғон. Шаҳри Ҳайбар-Бухоро вилоятининг Қизилтепа туманидаги қадимги Тавовис шаҳри харобаси.

ҲАЛИМХОНА — ҳалим пиширадиган махсус хона. Туркистон шаҳридаги Хўжа Аҳмад Яссавий меъморий комплексининг махсус бир хонаси ҳалимхона номи билан машҳур.

ҲАММОМ, м ў р ч а — чўмилиш, ювиниш ва покланиш учун қурилган махсус бино. Ёзма манбалар, сақланиб қолган иншоотлар иссиқликни сақлаш мақсадида ерни чуқур қазиб, ер остида, ярим ертўла тарзида қурилганини кўрсатади. Ечиниш хонаси, хордиқ чиқариладиган катта хона; ўртада ҳаммомнинг асосий уқалаш хонаси, унинг атрофида ювиниладиган хоналар

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиб, улар катта ва кичик гумбазлар билан ёпилган; ҳовузларда иссиқ ва қайноқ сувлар бўлиб, хоналар остидан қайноқ ҳаво билан иситилган.







1. Карманадаги ҳаммом. 2. Шаҳрисабздаги ҳаммом. 3. Қаршидаги ҳаммом.

ҲАНДАСА, геометрия — шакллар тузилишини ўрганувчи илм.

ҲАРАМ — I) ичкари (ҳовли), аёллар турадиган хос хона, уй; 2) муқаддас деб ажратиб қўйилган, кириш тақиқланган жой. Байтулҳарам — муқаддас ибодатгоҳ. Каъба, Маккатулла.

ҲАФТЖЎШ — етти хил маъдан (металл) қўшиб эритилган қотишма.

ҲАҚРАХА, ҳақроҳа — қўшни ўтиши учун ажратилган йўл, йўлак, далон.

ҲИЛОЛА — янги ой шаклидаги безак.

ҲИСН — қалъа, қўрғон, ҳисор.

ҲИСОР — қалъа девори, девор билан ўралган шаҳар. Қадимги ҳужжатларда Бухоро ўртасидаги Арк қалъаси ҳисор деб таърифланган.

ҲОВЛИ — I) уй-жой билан биргаликда атрофи девор билан ўралган саҳн, майдон; 2) алоҳида қўрғон ҳовли деб аталади.

ҲОВУЗ — сув йиғиш ва сақлаш учун қазилган чуқур жой. Тепаси давра, чорси, олти қирра, саккиз қиррали ҳовузлар бор.

ҲОВУЗАК, ҳавзак — уй, хона шипи тузилишидаги чуқурча шакли. Ёғочдан ясалган мураккаб шиплар муқарнас билан тўлдирилган.

ҲОШИЯ — нарсанинг асосий қисмидан ажралиб турадиган чети, зиҳи; тасма, йўл, чегара, камар.

ҲУЖРА — бир, бир неча кишига мўлжалланган кичик ётоқхона. Ташқарида, мадрасаларда, мақбара ва бошқа зиёратгоҳ жойларда қурилган.

ҲУМО — афсонавий қуш. Меъморий ёдгорликлар безагида бахт-саодат рамзи бўлган ҳумо тасвири сақланиб қолган.

ҲУНАР — касб, соҳа.

ҲУНАРМАНД — ҳунар устаси. Бинокор, дурадгор, кулол каби.

www.ziyouz.com kutubxonasi



МЕЪМОРИЙ ХАЗИНА

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муҳандиским, бу қаср обод қилди,

Бу янглиғ тарҳини бунёд қилди.

Алишер НАВОИЙ

www.ziyouz.com kutubxonasi

МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАР

А

АБДОЛБОБО МАҚБАРАСИ (Хива, 18—19- асрлар)— Хоразмшоҳ Отсизнинг саркардаси Аҳмад Замчи (12- аср) номи билан боғланган. Мақбара биноси квадрат тарҳли, бир хонали, гумбазли бўлиб, пишиқ ғиштлардан қурилган. Атрофида минора, масжид каби бино ва иншоотлар, ҳовуз барпо қилинган. Масжид тўртбурчак тарҳли, ўнг ва терс айвонли. Миноранинг баландлиги 10 *м*, тепаси мезанали, тошлардан қурилган ҳовузнинг чети поғонали.

АБДУЛАЗИЗХОН МАДРАСАСИ (Бухоро, 1652) — Бухоро хони Абдулазиз II (1645—80) қурдирган. Меъмори Мимхоқон ибн Хўжа Муҳаммадамин.

Мадраса тузилиши оддий. Ҳужралар икки ошиёнли. Тўртбурчак ҳовлининг ҳар тарафида пештоқли айвон бор. Айниқса ташқи пештоқ сиркор парчин билан қопланиб, нафис нақш ва афсонавий жониворлар тасвири билан безатилган. Ички гумбазлар безагида ганч муқарнас, ислимий нақшлар ва зарҳал безаклар қўлланилган.

Абдулаъзизхон мадрасаси.

АБДУЛАЗИЗХЎЖА МАДРАСАСИ (Қарши, 1909) — мадраса чорси тарҳли, икки қаватли. Пештоқининг икки ёнида масжид ва дарсхона жойлашган. Ҳовли атрофидаги ҳужралар томи балхи гумбазли. Безаксиз.

АБДУЛЛА ИБН БУРАЙДА МАҚБАРАСИ (Туркманистон, 11- аср)— мақбара биноси квадрат тарҳли, бир хонали, гумбаз томли бинодан иборат. Пештоғида кўфий хатида ёзуви бор. Ичкариси ўйма ислимий нақшлар б-н безатилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АБДУЛЛАХОН БАНДИ (Навоий, 16- аср) — қадимги сув омбори ва тўғони. 16-асрнинг 80- йилларида Бухоро ҳукмдори Абдуллахон II (1557—98) қурдирган. Эски Оқчоб қишлоғи яқинидаги Бекларсой дарасида жойлашган. Абдуллахон бандининг тўғони сланец тошларидан қурилиб, тош палахсалари, сувга чидамли ганч қоришмаси — қир билан бириктирилган. Тўғоннинг узунлиги: асосида 73 *м*, юқорисида 85 *м*, баландлиги — 14,5 *м*, тахминан 1,2 млн. кубометр сув тўпланган.

Абдуллахон мадрасаси (Бухоро).

Абдуллахон банди (16- а.).

АБДУЛЛАХОН МАДРАСАСИ (Бухоро, 1588—90) — Абдуллахон II қурдирган. Халқ орасида *Модарихон мадрасаси* билан бирга Қўш мадраса номини олган.

Мадрасанинг тўрт томони баланд пештоқли бўлиб, бош тарзидаги пештоқ, унинг ёнларидаги икки қаватли ҳужралар ва бурчакларидаги гулдасталар оқ, кўк, зангори рангли сиркор безаклар билан пардозланган. Ҳовли атрофини икки ошиёнли ҳужра ва айвонлар ўраб туради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳовли тўридаги пештоқ айвонидан икки ошиёнли уйга кириш мумкин.

АБДУЛЛАХОН МАДРАСАСИ (Хива, 1855) — Қутлуғмурод Иноқхоннинг ўғли Абдуллахонга атаб онаси қурдирган. Квадрат тарҳли, пештоқ орқали уч гумбазли миёнсаройдан ҳовлига ўтилади. Ҳовли атрофи ҳужралар б-н ўралган. Масжид ва дарсхоналар миёнсарой билан боғланган.

АБДУЛЛАХОН ТИМИ (Бухоро, 1577) — усти берк йирик савдо растаси. Тим квадрат тарҳли бўлиб, ички деворларининг икки томонига равоқли токчалар ишланган. Усти гумбаз билан қопланган. Ўтмишда бу ерда шойи, жун ва бошқа газламалар сотилган.

1



2

1. Абдуллахон тими.

2. Тарҳи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АБДУЛЛОҲ АНСОРИЙ МАҚБАРАСИ (Афғонистон, 1425—29) — Султон Шоҳруҳ Мирзо томонидан қурилган, кўпхоналик ҳазира-мақбара. Атрофи 30 ҳужра — хилхона билан ўралган. Уларда асосан Темурийлар авлоди — Ҳирот ҳукмдорларининг қабрлари бўлиб, оқ, қора мармардан қабртошлар ўрнатилган. Алишер Навоий саъйи иҳтимоли билан бир неча бинолар (Намакдон, Зарнигор каби) қурилган. Ансорий қабри устига Бобур оқ мармардан ёдгорлик ўрнаттирган деган маълумот бор.

АБДУРАСУЛБОЙ МАДРАСАСИ (Хива, 1906) — мадраса икки ҳовлили. Ғарбий томонидаги ҳовлининг икки бурчагида иккитадан тўртбурчак тарҳли хона, масжид бўлиб, уларга икки томонлик даҳлиздан кирилади. Шарқий ҳовли атрофи ҳужралар билан ўралган. Пештоғи кошин билан безатилган.

АБДУРАҲМОН ВАЛИ МАҚБАРАСИ (Бухоро, 14-аср) — мақбара биноси гумбазли зиёратхона ва икки гўрхонадан иборат. Гўрхона ичида саганалар бор.

АБУЛҚОСИМ МАДРАСАСИ (Тошкент, 1850) — Абулқосим шайх қурдирган. Мадраса тўртбурчак тарҳли. Ҳовлига олд томондаги пештоқдан кирилади. Ҳовли атрофида миёнсарой, масжид ва мадраса, ҳужралар, тўрда «Мўйи Муборак» хонақоҳи жойлашган. Бинонинг бош тарзи алоҳида эътибор билан безатилган. Бинонинг жанубий томонидаги ҳаммом бузилиб кетган.

АБУСАИД МАҚБАРАСИ (Туркманистон, 11-аср ўрталари) — руҳоний Абу Саид Майхоний (Меона бобо, 1049 да вафот этган) қабри устида қурилган. Квадрат тарҳли, қўш гумбазли бино. Ғиштлар безакли қилиб терилган. 14-асрда таъмирланиб, нақшлар билан безатилган.

АБУФАЗЛ МАҚБАРАСИ (Туркманистон, 11-аср) — мутасаввуф руҳоний Абуфазл (1023 йил вафот этган) қабри устида қурилган. Мақбара квадрат тарҳли, қалин деворли, қўш гумбазли, тўрт томони равоқли.

АЛАМБАРДОР МАҚБАРАСИ (Туркманистон, 11-аср) — Сомонийлар сулоласидан Мунтасир (1005 йил вафот этган) дафн қилинган деб тахмин этилади. Мақбара бир хонали, деворлари қалин, пештоқ ва гумбаздан иборат, пишиқ ғиштлардан нақш ҳосил қилиб терилган.

АЛИ НАСАФИЙ МАҚБАРАСИ (Самарқанд, 14-асрнинг 70—80-йиллар) — Шоҳи зинда таркибида, Насаф (Қарши)лик бинокор уста Али қурган. Тарҳлари квадрат бўлган зиёратхона ва гўрхонадан иборат. Гумбази 16 қиррали гардишга ўрнатилган. бўртма нақш ва сиркор парчин билан безатилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АМИР БУРУНДУҚ МАҚБАРАСИ (Самарқанд, 14-аср охири) — Шоҳи зинда таркибида, Амир Темурнинг қўшин бошлиғи Бурундуқ қабри устига қурилган. Мақбара бир хонали, пештоқли, қўш қават гумбазли. Пештоғи сопол, парчин, кошин, тарошланган ғишт билан безатилган. Ертўла — гўрхонаси квадрат тарҳли, унда 9 та қабр сақланган.

АМИР ТЕМУР МАҚБАРАСИ (Самарқанд, 14-аср охири — 1405 йил) — Темурийлар сулоласига мансуб кишилар (Амир Темур, ўғиллари Умаршайх, Мироншоҳ ва Шоҳруҳ, набиралари Муҳаммад Султон, Мирзо Улуғбек ва б.) дафн этилган. Мақбара биноси ва унинг олдидаги пештоқли дарвозаси бор ҳовли сақланган. Мақбара ичкариси чортоқ, унинг устида ёзувли ҳошиялар ва ҳашамдор ички гумбаз бор. Зиёратхона тоқи равоқли, безаклари аксар олтин ҳал билан пар-



Амир Темур мақбараси: 1. Ташқи кўриниши. 2. Ички гумбаз безаги.



www.ziyouz.com kutubxonasi

дозланган. Безаклар заминига ложувард ранг гуллар чизилган. Ташқи гумбази қобирғали баланд доира асос поясига ўрнатилган. Зиёратхона ўртасидаги мармар панжара билан ўралган ҳазира саҳнига қатор қабртошлар қўйилган. Унинг остида саккиз қиррали тагхона — гўрхона бор. Мақбара турли рангдаги нақшлар билан серҳашам безатилган. Гумбаз остидаги бўртма (қоғоздан тайёрланган) кундал жуда чиройли, изораси яшим (оникс) тошдан терилган. Айниқса, олтин ва кумуш қандиллардаги шамчалар ёнганда зиёратгоҳ ичкариси улуғвор ва афсонавий тус олади. Мақбара ташқариси сиркор ғиштчалар билан безатилган. Эшикларида қўш заминли ўймакор безаклар бўлган. Мақбарага 1424 да, Улуғбек даврида қурдирилган жануб томондаги далон орқали кирилади.

АМИР ТЎРА МАДРАСАСИ (Хива, 1870) — Ичан қалъа таркибида, Муҳаммад Раҳимхон II нинг акаси Амир Тўра қурдирган. Чорси тарҳли, пештоғи маҳобатли, икки ён томонида қўшқаватли уч жуфт ҳужра бор. Пештоқ орқали уч гумбазли миёнсаройдан ҳовлига ўтилади. Миёнсаройнинг икки ён томонида дарсхона ва масжид, ҳовли атрофида олди равоқли ҳужралар жойлашган.

АМИРЗОДА МАҚБАРАСИ (Самарқанд, 1386) — Шоҳи зинда таркибида, мақбара квадрат тарҳли, пойгумбази саккиз қиррали, гумбази қобирғали. Хона ва пештоқ турли нақшлар билан серҳашам безатилган.

АНБАРБИБИ МАҚБАРАСИ (Тошкент, Занги ота ҳазираси таркибида, 14- аср охири —15- аср бошлари) — Занги отанинг хотини Анбарбиби ва қайнонаси Улуғпошшо дафн қилинган. Квад-



Амир Тўра мадрасаси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

рат тарҳли, бир хонали, қўш гумбазли. Пишиқ ғиштдан қурилган.

АНУШАХОН ҲАММОМИ (Хива, 1657) — Хива хони Абулғозихон ўғли Анушахон шарафига қурдирган. Ярим ертўла кўринишида, деворлари пишиқ ғиштдан қалин қилиб қурилган, ташқаридан фақат гумбазлари кўринади. Ёруғли гумбазлардаги туйнуклардан тушади. Ҳаммом ер остидаги йўлакчалар орқали юборилган тутун ҳовури билан иситилган. 1984 да таъмир қилиниб ишга туширилган.

АРАБ МУҲАММАДХОН МАДРАСАСИ (Хива, 1616, 1838) — дастлаб Хива хони Араб Муҳаммадхон мадрасани бир қаватли, оддий синчли қилиб қурдирган. Серҳашам ишланган айвон сақланган (Хива музейида). Оллоқулихон даврида мадраса биноси квадрат тарҳли, пештоқ ва гумбазли қилиб қайта қурилган. Бош тарзидаги масжид ва ҳужралар икки қаватли, икки бурчагида бурж-гулдасталари бор. Қолган томонларидаги ҳужралар бир қаватли. Ҳовли этагида айвон-масжид қурилган.

АРАБОТА МАҚБАРАСИ (Самарқанд вилояти, 978) — мақбара квадрат тарҳли, пештоқ гумбазли, бир хонали. Пойдевори тошдан, деворлари чорси жуфтлама ғиштдан ганчҳок билан терилган. Пештоғи нақшлар ва арабий ёзувлар билан безатилган. Бу мақбара 10- асрга оид Мовароуннаҳр ва Хуросон тарихий меъморий ёдгорликлари ичида санаси аниқ ягона бинодир.

АРЗ ҲОВЛИ (Хива, 1837—38) — Кўҳна Аркдаги хоннинг фуқаролар арзини эшитадиган қабулхонаси. Ҳовли тўри хосхоналарга ажратилган. Улардаги айвонли хоналарда амалдорларнинг қабулхоналари бўлган. Ҳовлининг бир четига пишиқ ғиштдан доирасимон супа ишланган. Айвон ўйма ва бўяма нақшлар билан безатилган.

АТОУЛЛА САИД ВАҚҚОС МАҚБАРАСИ (Сурхондарё, 11- аср) — лашкарбоши Атоулла Эшон Мир Ҳайдар дафн этилган. Мақбара кулоҳи гумбазли, бир хонали, безаксиз.

АҲМАДБЕКҲОЖИ МЕҲМОНХОНАСИ (Андижон, 1905—07) — Андижонлик пахта заводи эгаси Аҳмадбекҳожи Темурбек ўғли қурдирган. Бино тарҳи П шаклида, пишиқ ва хом ғиштдан синчкори қилиб қурилган. Асосий хоналар олди айвонли. Айвон шиплари васса жуфт услубида ишланган, нақшлар билан безатилиб, сирланган. Уйнинг идора вазифасини ўтайдиган қисми Европача услубда пардозланган.

АҲТАМ САҲОБА МАҚБАРАСИ (Сурхондарё, 10—11- асрлар) — Муҳаммад сарбози Ҳазрати Алининг яқин қариндоши, саркарда Аҳтам

www.ziyouz.com kutubxonasi

дафн этилган, деган ривоят бор. Мақбара қурилишининг дастлабки намуналаридан ҳисобланади. Текис томли, синч деворли, пишиқ ғиштдан ишланиб ганч сувоқ қилинган. Ичкарида поғонали сағана бор.

Б

БАЛАНД МАСЖИД (Бухоро, 16- аср) — масжид харсанг тошли шоҳсупа устига қурилган, икки томони айвонли, мурабба тарҳли. Ўйма ва бўяма нақшлар билан ҳамда кошин ва парчин қоплаб безатилган.

Баланд масжид.

БАНДИ КУШОД МАСЖИДИ (Қашқадарё, тахминан. 16- аср) — масжид пахсадан қурилган, чортоқ тарҳли, томи 6 гумбазли, бош тарзи содда, айвонли. Хонақоҳи икки устунли, безаксиз. Сомон сувоқ қилинган.

БАРОҚХОН МАДРАСАСИ (Тошкент, 15—16- асрлар) — Ҳазрати Имом мажмуаси таркибидаги бино. Тошкент ҳокими Наврўз Аҳмад (Бароқхон) қурдирган. Дастлаб икки мақбара, кейинчалик мадраса барпо этилган. Маҳобатли, ҳашамдор пештоқ орқали кенг дарвозахонага кирилади. Ёнларида равоқли ҳужралар, тўрда Суюнчхон мақбараси, чапда номаълум мақбара жойлашган.

БАҲОУДДИН МАЖМУАСИ (Бухоро) — Шайх Баҳоуддин Нақшбанд (1318—89) даҳмаси, Абдулазизхон хонақоҳи (1544—45), Даҳмаи Шоҳон, мақбара, мадраса, Музаффархон ва Ҳаким қушбеги масжидлари, ҳовуз, қудуқ, минора ва бошқа бино ва иншоотлардан иборат. Мажмуада ёғоч ўймакорлиги ва бўяма нақкошлик намуналари сақланган. Баҳоуддин даҳмаси мармар қопланган квадрат супа бўлиб, мармар панжара билан ўралган. Масжидлар ясси томли. Айвондаги устун каллаклари ва шиплари муқарнас билан, тўсинлари бўяма нақш билан безатилган. Шипи ҳовузак



Баҳоуддин хонақоҳи тарҳи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган, ганчдан юлдузсимон шакллар ишланган.

БЕКМИР МАДРАСАСИ (Қарши, 1903) — мадрасанинг бош тарзи жанубга қараган, пештоғининг икки ёнига гулдаста ишланган. Икки қаватли, қуйи қаватда дарсхона ва масжид, юқорисида ҳужралар жойлашган. Ҳовли атрофидаги ҳужралар олди саккиз қирра-ли, безакдор равоқли.

Бекмир мадрасаси.

БИБИ БУВАЙДА МАҚБАРАСИ (Фарғона, 15—16-асрлар) — афсонавий саркарда Шоҳ Жалил онаси (Биби Ҳувайдо) ва хотинига атаб қурдирган деб тахмин қилинади. Мақбара зиёратхона ва гўрхонадан иборат. Пештоқ гумбазли. Пештоғининг икки ёнига гулдасталар ишланган. Эшиги ўйма гириҳ нақшли.

БИБИХОНИМ МАЖМУАСИ (Самарқанд, 1399—1404) — жоме масжид, мадраса ва мақбарадан иборат. Амир Темурнинг катта хотини Бибихоним (асли Сароймулкхоним) номи билан боғлиқ. Амир Темур фармони билан қурилган. Жоме масжид пойдевори харсанг тошдан, деворлари пишиқ ғиштдан ишланган. Ҳовли атрофи кўп устунли бостирмалар билан ўралган. Тўрида катта масжид, икки ёнида кичик дарсхона — масжидлар, пойгоҳида масжиднинг иккига бўлинган дарвозахона пештоғи, шимоли-ғарбида алоҳида минора сақланиб қолган. Масжид ҳовлисининг шимоли ва жанубидаги икки кичик хонақоҳдан мадраса дарсхонаси сифатида фойдаланилган.

Мадраса жоме масжиди қаршисида бўлган. Қолдиқларини кўриш мумкин. Мақбара ҳам масжид қаршисида жойлашган. Ертўла (тагхонаси)га махсус йўлак орқали ташқаридан тушилган. Мажмуада ўша давр меъморлиги эришган барча амалиёт ва ютуқлар, безак соҳасидаги барча услублар кенг қўлланилган.

Бибихоним ансамблидаги масжид.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БОБАЖИ ХОТУН МАҚБАРАСИ (Қозоғистон, 10—11- асрлар) — мақбара биноси квадрат тарҳли, олд ва икки ён тарзларига бир хилда чуқур равоқли эшиклар, ёнига кичик ясси равоқлар, тепасига турунжлар ишланиб, атрофи ҳошиялар билан чегараланган. Пойгумбази 16 қиррали, усти кулоҳий гумбаз билан қопланган.

БОБУР МАҚБАРАСИ (Афғонистон, 16—17 ва 20- асрлар) — Бобур хоки набираси Шоҳ Жаҳон ҳукмронлиги даврида Кобул шаҳрининг «Назаргоҳ» (Боғи Бобур)нинг юқоридаги майдончасига қўйилган. Бобур васиятига кўра мақбара қурилмаган. 1606 да оқиш кулранг қабртош ўрнатилган. 1932 да мармардан шийпон-мақбара барпо қилинган.

БОЛОҲОВУЗ МАСЖИДИ (Бухоро, 18—20- асрлар) — катта гумбазли хонақоҳ-масжид (1712), ҳужралар (19- аср), айвон, минора (1911—17) ва ҳовуздан иборат.

Хонақоҳ мураккаб ганчкор бўртма нақшлар билан ишланган. Олдига ишланган ҳашаматли айвон 20 устунли, унинг ён деворларидаги токчалар, шипи мураккаб гириҳ нақшлар билан серҳашам безатилган. Масжид ёнида минора жойлашган. Ҳовуз қирғоқлари йирик тошлар б-н зинапояли қилиб мустаҳкамланган.

БОҒБОНЛИ МАСЖИД (Хива, 1809) — дарвозахонаси гумбазли, икки ёнида ҳужралар жойлашган. Ҳовлининг икки томони девор билан ўралган. Олди айвонли, гумбазли масжид юқорида жойлашган. Эшиги, айвон шипи ва устунлари ўйма нақшлар билан безатилган.

БОҒЧА ДАРВОЗА (Хива, 19- аср) — *Ичан қалъа*нинг шимолий дарвозаси.

Болоҳовуз масжиди.

www.ziyouz.com kutubxonasi



Боҳарзий мақбараси.

Буёнқулихон мақбараси.

БОҲАРЗИЙ МАҚБАРАСИ (Бухоро, 14—16- асрлар) — олим, мутавалли шайх Сайфуддин Боҳарзий (1262 да вафот этган) қабри устига қурилган. Кейинроқ мақбарага тақаб зиёратхона барпо этилган. Пештоқнинг икки ёни гулдастали. Гўрхонада ёғоч ўймакорлигида ишланган сағана бўлган. Ўймакор сағана қолдиқларини Ситораи Моҳи Хоса музейида кўриш мумкин.

БУЁНҚУЛИХОН МАҚБАРАСИ (Бухоро, 14- аср) — Буёнқулихон қабри устига қурилган. Мақбара катта ва кичик хонага бўлинган. Кичик хонада сирланган гулдор сағана бўлган, катта хона эса пастак гумбаз билан ёпилган. Мақбаранинг ташқи тўрт бурчагида нақшинкор бурж-лари бор. Девор ичидан қоронғи ва тор йўлак ўтади. Мақбаранинг ички ва ташқи томони сиркори қилиб безатилган. Сирлар ғоят тоза ва тиниқ. Гириҳ ва ислимий нақшлар турли нақшинкор ёзувлар билан ишланган. Сиркор безатилган пештоқ бинодан алоҳида қурилган. 1926 да мақбара таъмир этилган. Кейинроқ мақбара супа устига қурилганлиги аниқланган.

БУХОРО АРКИ (Бухоро, 9—20- асрлар) — шаҳарнинг қадимий қалъаси. Арк баланд тепалик устига қурилган. Майдони 4,2 *га*. Бухорҳудотлар, султонлар, хонлар ва амирлар қароргоҳи. Милод бошларида қурила бошланиб, Сомонийлар даври (9—10- асрлар) да ҳам Арк қайта қурилган, асосан ҳозирги кўриниши шайбонийлар сулоласи даврида (16- аср) шаклланган. 2 минг йил мобайнида ташқи ва ички қиёфасида кўп ўзгаришлар рўй берган. Қалъа деворлари турли даврларда пахса, тош, хом ва пишиқ ғишт билан мустаҳкамланган. Юқориси кунгура билан безатилган. Қадимда шарқ ва ғарб томонида икки дарвозаси бўлган. Аркнинг ҳозирги баланд дарвозахонаси икки «гулдастаси» ва тепадаги айвон-ноғорахонаси билан диққатни жалб

www.ziyouz.com kutubxonasi



Аркнинг Регистон томонидан кўриниши.

Шаҳар девори.





Бухоро арки. Умумий тарҳи:

1. Ғарбий дарвоза; 2. Жоме масжиди; 3. Қушбеги бинолари комплекси; 4. Тож кийдирадиган зал; 5. Саломхона; 6. Бўхчабардор биноси; 7. Саисхона ҳовли ва қурилишлари билан; 8. Масжид хонақоҳи; 9. Баттол Ғози мозори; 10. Археологик қазилма.

www.ziyouz.com kutubxonasi

этади. Арк ичкарисига қия йўлакчали узун далон орқали ўтилади. Далоннинг чап томонида ўз вақтида обхона ва регхоналар бўлган. Бинода жиноятчиларни қамайдиган «канахона» ҳам бўлган. Жума масжиддан бошланган тор йўлак қушбеги ҳовлиси орқали кичик гумбазли чорсуга туташган. Чорсунинг ўнг томонида амир отхоналари, чап томонида майдон саҳнига тош тўшалган катта ҳовли — кўринишхона бор. Ҳовлининг уч томони пешайвонли. Кираверишда нақшли пештоқ бор. Бош айвон марказида мармар тахт, унинг жанубида — Раҳимхон қабулгоҳи, меҳмонхонаси, ҳамда 2 масжид бор. Аркнинг кўп қисми бузилиб кетган. Ҳозир унда вилоят ўлкашунослик музейи жойлашган.

БУХОРО НАМОЗГОҲИ — МАСЖИДИ (Бухоро, 1119, 12—16- асрлар) — масжид пишиқ ғиштдан қурилиб, атрофи баланд девор б-н ўралган. 16- асрда уч тоқли пешайвон шаклида гумбазли бино қурилган. Бинога нафис қоплама безакли пештоқ ҳам қурилган. Уч асосий хонадан иборат бўлиб, асосий хона марказида нақшинкор меҳроб бор. Кошинкори гириҳ нақшлар ва ёзувлар сақланган. Марказий хонага пештоқдан, ёнидаги хоналарга далон — йўлак орқали кирилган. Марказдаги хона ясси гумбаз билан, ёнларидаги хоналар балхи гумбаз билан ёпилган.

БЎСТОН БУВА МАҚБАРАСИ (Фарғона, тахминан 15—16- асрлар) — афсонавий саркарда Шоҳ Жалилнинг акаси (Бўстон бува) дафн қилинган деб тахмин қилинади. Бинонинг маҳобатли шакли унинг меъморий таъсирчанлигини оширган. Безаксиз. Фақат пештоқда кунгура безак қолдиқлари сақланган.

В

ВОБКЕНТ МИНОРАСИ (Бухоро, 12- аср) — асоси ўн икки қиррали, пишиқ ғиштлардан мавжли қилиб терилган. Қуйи қисмининг диаметри 6,19 *м*, юқори қисми —2,81 *м*. Ҳозирги баландлиги 38,7 *м*. Белбоғидаги нақшлар орасида сана ва қурдирган шахс (Садр Бурҳониддин Абдулазиз II) нинг номи кўфий хатида ёзилган.

Г

ГАВКУШОН МАДРАСАСИ (Бухоро, 16- аср) — Жўйбор шайхлари қурдирган мадраса ва минора. Хўжа (Гавкушон) масжиди, ҳовуз ва саройи бузилиб кетган. Мадрасанинг шарқий тарафи икки қаватли, ён ва орқа томонида бир қаватли ҳужра ва мезана бор. Минора баландлиги 19,5 *м*. Минорага масжид томидаги равоқли кўприк орқали чиқилган. Айвонини ўсим-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ликсимон сиркори нақшлар, сулс хатида битилган китоба безаган.

ГАВҲАРШОД МАЖМУАСИ (Афғонистон, Ҳирот, 1417—38) — масжид (мусалло), мадраса ва темурийлар авлодига мансуб мақбарадан иборат. Шоҳруҳнинг хотини Гавҳаршод фармойиши билан 20 йил мобайнида қурилган. Кейинчалик мақбарага Гавҳаршоднинг ўзи ҳам дафн этилган. Меъмори Қавомиддин Шерозий. Мақбара, яқинига кейинчалик Ҳусайн Бойқаро мадраса қурдирган. Мақбара, 4 минора, мусалло ва мадрасанинг харобаларигина сақланиб қолган. Масжид ҳовлисининг атрофи 4 айвон ва икки қаватли турли хоналар билан ўралган. Гавҳаршод мадрасаси ҳовлининг шимолида жойлашган. Мақбара 1432 йилда қуриб тугалланган. Мармар, кошин, сиркор ғишт териб жозибадор безатилган.

ГУЛ МАСЖИД (Қашқадарё, 1875) — масжид чортоқ тарҳли, бир устунли хонақоҳдан иборат бўлиб, уч томони айвон. Шипи нақшлар билан нафис безатилган. Масжид ажойиб гулдор нақшлари билан ажралиб туради. Безаклар ганч ўймакорлигида бажарилган.

ГУМБАЗ МАДРАСА (Андижон, 1872) — маҳаллий бойлардан Абдулҳамидҳожи бойуртмаси б-н қурилган. Қурилишга Буваназар ўғли Қурамбой раҳбарлик қилган. Мадраса чортоқ тарҳли, икки қаватли ҳужралар, масжид ҳамда дарсхона ва атрофи ўралган кичик ҳовлидан иборат бўлган. Ҳозир бош тарзидаги пештоқ гумбазли бино ва икки қаватли ҳужралар сақланган. Хона ичлари, пештоғи безакдор, панжарали равоқлар тизмаси билан безатилган, ганч сувоқ қилинган. Айвон шипи ҳовузакли қилиб ишланган. Равоқли токчаларга араб ёзувлари ва гулдор нақшлар туширилган, эшикларга ҳам қўштарҳли ўймакор гулли нақшлар битилган.

ГУМБАЗИ САЙИДОН, Сайидлар гумбази (Шаҳрисабз, 1437—38) — мақбара чортоқ тарҳли, саккиз қиррали асос устида, баланд пойгумбаз ва гумбаз қурилиб кошин билан қопланган. Мақбара ичида Амир Абдул Муоний, Муҳаммад Сайид ва Мағруфжон Абул Муоний ўғиллари дафн этилгани қабртошларга ёзилган, бирига ёзувсиз қабр тоши қўйилган. Безагида гириҳ ва ислимий нақшлар, кўфий хати битилган.

Д

ДАҲМАИ ШОҲОН, Шоҳлар даҳмаси (ҳазираси), (Қўқон, 19- аср) — бош тарзидаги пештоқ кошин қоплаб, сирли ғишт билан безатилган. Безаклари ўзига хос бўлиб, кўриниши беқасам

www.ziyouz.com kutubxonasi

гулга ўхшаб кетади. Ҳовлига қараган икки устунли масжид-айвондан иборат. Норбўтабий ва унинг авлодлари дафн этилган даҳмасағаналар бор. Масжид айвони нақшинкор безатилган.

ДАҲИСТОН МАСЖИДЛАРИ (Туркманистон, 12—13-асрлар) — уч масжиддан иборат. Жума масжид (1102) ҳовлили, улкан ғиштин устунларига ганч ўйиб нақш ишланган. Шимоли-шарқий бурчагидаги миноранинг қуйи қисми сақланган. Ундан жануброқдаги иккинчи масжид (13- аср) минораси ва пештоғининг вайронаси сақланган. Четроқда 11—12-асрларга мансуб Шер Кабир масжиди қолдиқлари сақланган. Пештоқ гумбазли кенг хонақоҳи бўлган.

ДЕВОНА БУВА МАҚБАРАСИ (Наманган, 19- аср) — зиёратхона-ҳазира, гўрхона ва айвондан иборат. Ҳазирага айвон орқали кирилади. Кираверишда икки томонга супа ишланган.

Зиёратхона олди пештоқли, томи гумбазли, тўрт томонида эшик ўрни бор бинодир. Гумбази юлдузсимон асосга ўрнатилган. Пештоғи намоёнларга ажратилган, қаноси ганчкори нақшлар билан, эшиги ёғоч ўймакорлигида безатилган.

ДЕВОНБЕГИ МАДРАСАСИ, Нодир девонбеги мадрасаси (Бухоро, 1622—23) — Бухоро ҳукмдори Имомқулихоннинг вазири Нодир девонбеги ташаббуси билан бунёд этилган.

Мадраса дастлаб карвонсарой сифатида қурилган. Кейинчалик мадрасага мўлжаллаб битказилган. Пештоғи кошин қоплаб безатилган, қаносига афсонавий семурғ қуш, кийик тасвирлари ишланган.

ДЕВОНБЕГИ ХОНАҚОҲИ, Нодир девонбеги хонақоҳи (Бухоро, 1619—20) — пештоғи кошин ва парчин қоплаб безатилган. Кираверишда айвон, хонақоҳ, унинг ён томонларида икки қаватли ҳужралари бўлган.

ДЕГГАРОН МАСЖИДИ (Бухоро, 11- аср) — масжид квадрат тарҳли, 4 рукн-устун хона ичини 9 қисмга ажратган. Марказий қисми катта гумбаз билан, бошқа қисмлари — деворга ва устунларга таянган яна 8 та гумбаз билан беркитилган. 20- асрда масжиднинг жануби ва шарқида асосий хонага тақаб айвон барпо этилган эди. Айвон 1970- йилларда бузилиб кетган (Расм 88- бетда).

ДИШАН ҚАЛЪА, Ташқари қалъа (Хива, 1842) — шаҳарнинг ташқи қисмида жойлашган. Узунаси 6 *км* лик мудофаа девори билан ўраб олинган. Деворлар орасига буржлар, тепасига шинаклар ишланган. 10 дарвозаси бўлиб, шаҳарнинг асосий аҳолиси яшаган. Нуриллабой саройи ва кўпгина меъморий ёдгорликлар мавжуд.

www.ziyouz.com kutubxonasi



Деггарон масжиди.

ДОР УС-СИЁДАТ ВА ДОР УТ-ТИЛОВАТ МАЖМУАСИ (Шаҳрисабз, 14—15- асрлар) — Амир Темур ўзи ва авлодлари учун қурдирган масжид, мадраса ва мақбаралар мажмуаси.

Дор ус-сиёдат (саидлик уйи)га дастлаб катта ўғли Жаҳонгир (1376), иккинчи ўғли Умар Шайх (1394) дафн этилган, деб тахмин этилади. Амир Темур ўзи учун ҳам мақбара қурдирган деган ривоят бор. Пештоқ гумбазли кенг хона, унинг ён томонида масжид, гўрхоналар, зиёратхона бўлган.

Дор ут-тиловат (тиловат уйи) ансамблнинг иккинчи қисми ҳисобланиб, Улуғбек отаси Шоҳруҳ номидан масжид (Кўк гумбаз, 1435—36) қурдирган. Дор ут-тиловатда дастлаб Амир Темур отаси Тарағайнинг пири бўлган йирик дин арбоби Шамсиддин Кулолга атаб мақбара қурдирган. 1374 да отасига атаб қурдирган мақбарага хоки кўчирилган. Қўш услубида масжид бунёд этилган. Улуғбек Гумбази Сайидон мақбарасини бунёд эттириб мажмуа шакллантирган.

ДОЯ ХОТИН КАРВОНСАРОЙИ (Туркманистон, 12- аср) — карвонсарой квадрат тарҳли, ҳовли атрофи 4 айвонли, равоқлар қатори билан ўралган бинодан иборат. Равоқлардан алоҳида хоналарга кирилади. Хоналар томи гумбазли. Бош тарзидаги пештоқ 15- асрга келиб таъмирланган.

ДЎСТИ ХУДО МАСЖИДИ (Фарғона водийси, 20- аср бошлари) — маҳаллий эшон Алихон буюртмаси билан уста Ёқуб раҳбарлигида қурилган. Хонақоҳ ва унинг икки ёнига туташ айвондан иборат. Устунлар муқарнасли

www.ziyouz.com kutubxonasi

каллаги, жимжимадор пой-устунлари билан ажралиб туради. Шипи турли рангдаги ўсимликсимон нақшларга бой.

Ё

ЁДГОР ВАЛЛОМА МАДРАСАСИ (Қашқадарё, тахминан 15 ва 17- асрлар) — мадраса маҳаллий бек номи билан аталган. Мадрасанинг бош тарзи пештоқ бурчакларига гулдасталар ва бинонинг бурчакларида эса буржлар ишланган. Гулдасталар оқ, зангори кошин билан қоплаб нақшланган. Пештоғининг икки ён томонида дарсхона ва китобхоналар бор. Дарсхоналар ўз навбатида масжид вазифасини ўтаган, икки ёнидаги гўрхона ва масжид гумбаз билан қопланган. Китобхонада Ёдгор Валломанинг қабри бўлган.

Ж

ЖАРҚЎРҒОН МИНОРАСИ (Сурхондарё вилояти, 12-аср) — ҳозирги баландлиги 21,5 *м*, саккиз қиррали асос устига пишиқ ғиштдан қурилган. Меъмори Али ибн Муҳаммад Сарахсий. Минора 16 ғаровли, ғишти панжарасимон шаклда безак берилиб мавжли қилиб терилган, асос, ўрта қисми, юқори қисми ва мезанадан иборат бўлган. Юқори қисми ва мезана сақланмаган.



Жарқўрғон минораси.

ЖАҲОНГИР МАҚБАРАСИ (Шаҳрисабз, 1379—80) — урганчлик меъморлар Хоразм анъаналари услубида бунёд этган деб тахмин қилинади. Мақбара Дор ус-сиёдат ансамблининг бир қисми бўлиб, бу ерда Амир Темурнинг тўсатдан вафот этган 22 ёшли тўнғич ўғли Жаҳонгир ва иккинчи ўғли Умар Шайх дафн этилган. Мақбара мураккаб ечимдаги пештоқли мажмуанинг дастлабки биноларидан бири ҳисобланади. Пештоқнинг икки ёнига гулдаста ишланган. Мақбаранинг гумбази саккиз қиррали кулоҳий қубба шаклида, пой-гумбази ҳам 16 қиррали, безакларида сирланган ғишт ва кошинлар ишлатилган.

ЖАҲОНОБОД МАСЖИДИ (Андижон, 1912) — маҳаллий бой Мадалибобо буюртмаси билан Исабой ҳожи раҳбарлигида қурилган. Масжид

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўртбурчак тарҳли, икки устунли хонақоҳ ва айвондан иборат. Айвоннинг ғарбий девори марказида меҳроб ишланган. Айвон деворлари бўлакларга бўлиниб, манзарали нақш-гуллар, шипи муқарнасли ҳовзак билан безатилган. Масжид 1989 йилда таъмирланган.

ЖОМЕ МАСЖИД (Андижон, 19- аср охири) — мадраса, масжид ва минорадан иборат. Мадраса икки қаватли, пештоғининг икки ёнига безакдор қафасали гулдасталар ишланган. Масжид тўртбурчак тарҳли хонақоҳ ва уч томони қатор устунли, шипи безакдор айвондан иборат. Минора баландлиги 32 *м*. Бинога бешта дарвоза орқали кирилган.

З

ЗАЙНИДДИН БОБО МАҚБАРАСИ (Тошкент, 12—19- асрлар) — Шайх Зайниддин қабри устида бунёд этилган. Тўртбурчак тарҳли, қўш гумбазли бино. Ғиштлар безак бериб терилган, эшиклари ёғоч ўймакорлиги билан нафис безатилган. Асрлар давомида бир неча бор таъмир қилинган бўлсада, бино ўзининг улуғвор кўринишини сақлаб қолган.

ЗАНГИ ОТА МАҚБАРАСИ (Тошкент вилояти) — Занги ота мақбараси (15- аср), Анбарбиби мақбараси (15—16- асрлар), масжид (19- аср), мадраса, минорадан иборат. Занги ота лақабли асли Ойхўжа ибн Тошхўжа исмли авлиё (дин арбоби) қабри устида Амир Темур қурдирган. Мақбара биноси пештоқ, гумбазли зиёратхона ва гўрхонадан иборат бўлиб, нақшлар билан безатилган. Сулс ва кўфий хатидаги ёзувлар сақланган. Гўрхонадаги оқ мармар саганага тош ўймакорлигида нақш ва ёзувлар битилган. Масжид-намозгоҳнинг асосий хонаси гумбаз билан қопланган, безаклари сақланмаган. Мадраса, дарвозахона ва дарсхона бинолари ҳамда ҳовли атрофидаги ҳужралар гумбаз билан қопланган.

ЗУДМУРОД МАСЖИДИ (Самарқанд, 19- аср) — Зудмурод қабристонида жойлашган. Масжид хонақоҳи мурабба тарҳли, уч томони айвон. Учала томоннинг ҳар бирида иккитадан эшик бор. Хонақоҳ 4 устунли, шарқ ва жанубдаги айвон устунлари бир қатор, шимолдаги айвонда эса устунлар икки қатор жойлашган.

ЗУЛ КИФЛ МАҚБАРАСИ (Термиз, 11—12- асрлар) — масжид, гўрхона ва уларга туташ икки хонадан иборат бино. Турли даврларда бунёд этилган. Масжид безаксиз, меҳроби гириҳ нақш билан безатилган. Кейинчалик масжид жанубига, ундан 1 *м* ча баланд гўрхона қурилган, унда сагана сақланган. Гўрхона

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зул кифл мақбараси (10—12- а.).

орқали кейинги икки хонага ўтилади. Хона деворларининг ғиштлари безакли қилиб терилган.

И

ИБН СИНО МАҚБАРАСИ (Эрон, 1952) — меъмори Х. Сейхун. Мақбара пойдевори гранитдан. Қобус минорасига қиёсан «темир-бетон» конструкцияси асосида қурилган. Баланд, қиррадор минора усти кулоҳий гумбаз билан ёпилган. Қирралар ораси очиқ бўлгани учун минора енгил иншоотдек кўринади.

ИБРОҲИМ ОТА МАҚБАРАСИ (Тошкент, 17- аср) — мақбара бир хонали, пештоқ гумбазли. Заминига ғишт ётқизилган, безаксиз бинодир. Унинг ғарбида ер сатҳидан 1,5 *м* чуқурликда чиллахона бор.

ИМОРАТБОБО МАЖМУАСИ (Хоразм вилояти, 18—19- асрлар) — Саид Шапоат Азиз мақбараси, Мирмуҳаммад Азиз мақбараси ва яна бир номсиз мақбара ҳамда қабристоннинг шимолий чеккасидаги масжиддан иборат. Мақбаралар икки хонали, гўрхона ва зиёратхонадан иборат. Масжид бир устунли, ясси томли. Шарқий бурчагида мезана бор. Ҳовуз тарҳи 14×4 *м*.

ИСКАНДАР КЎПРИК (Сурхондарё вилояти, тахминан 1557—98) — қадимий савдо йўли (Термиз — Чағаниён ва Ҳисор) Бандихонсой устига қурилган. Кўприкнинг умумий узунлиги 70 *м* дан ортиқ, баландлиги сой тубидан тепасигача 12,1 *м*. Усти уч қисмдан иборат: йўловчи ва транспорт ўтадиган йўл, сув ўтиш учун нов ишланган.

ИСЛОМХЎЖА МАДРАСАСИ (Хива, 20- аср) — Хива хони Исфандиёрхоннинг вазири ва қайнотаси Исломхўжа қурдирган (1908—10). Тор ҳовли атрофига бир қаватли 42 ҳужра қурилган. Бош тарзи сиркори кошин билан безатилган, бурчакларида гулдасталар ишланган. Ҳовлининг жануби-шарқий бурчагидаги масжиднинг меҳроби сиркор парчин ва ганч ўймакорлиги билан безатилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИСМАМУД ОТА МАЖМУАСИ (Туркманистон, Кўҳна Урганч, 17—20- аср-лар) —авлиё Исо Муҳаммад ва шаҳар ҳокими Султон Маҳмуд («Исмамуд») номи билан аталган. Мақбара уч хона — гўрхона, қорихона, тиловатхонадан иборат. Хоналар безаксиз. Мақбара шарқида 15 гумбазли далон — «Тош кўча» қурилган. Далоннинг икки ён томонидаги тахмонларда саганалар бор. Масжид кўп хонали бино бўлиб, унда айвон, ошхона, шайх уйи, хонақоҳ каби хоналар бор.

ИСМОИЛ СОМОНИЙ МАҚБАРАСИ (Бухоро, 9- аср охири —10 аср бошлари) — Сомонийлар сулоласининг асосчиси Исмоил Сомоний ва унинг авлодларига мансуб. Ярим шар шаклидаги гумбаз билан ёпилган. Квадрат тарҳли (10,8×10,8 *м*) бино. Қалин девори (1,8 *м*) ичкарисидан ҳам, ташқарисидан ҳам ғиштин нақшлар («қалама») билан безатилган. Тарзининг тўрт томони бир хил, равоқлари ҳам бир-бирига ўхшаш. Бинонинг ташқи қисмидаги «қалама» услубида терилган ғиштин безаклари бўйра тўқимасини эслатади. Ташқи равоқ тепасидаги қаноси ғиштин тангачалар маржони билан чегараланган. Ички четида майда ғиштдан ясалган чорси тумор, девор тепасида кунгурасимон ўнтадан дарчаси бўлиб, ҳар бир дарча ҳошияланган, икки четида морпеч устунча. Томида гумбаз ва тўрт қубба. Ички девор билан гумбаз ораси — бурчак бағали равоқ шаклида. Равоқлар саккиз қиррали гумбаз асосини ташкил этади. Қирралар бурчагида гумбазга тиргаклик қилувчи устунчалар ўрнашган. Хона саҳнида иккита сагана бор. Шарқ томондагиси Исмоил Сомонийники деб тахмин этилади.



Исмоил Сомоний мақбараси.

ИСМОИЛ ЭШОНБОБО МАЖМУАСИ (Хоразм вилояти, 1920) — масжид ва мақбарадан иборат. Масжид хонақоҳ ва бир томони равоқли, уч гумбазли хона ва айвондан ташкил топган. Мақбара бир хонали.

ИСФАНДИЁРХОН ҚАБУЛХОНАСИ (Хива, 1912) — олди боғ, чортоқ тарҳли бино, ганч ўймакорлиги билан безатилган, нақшлар зарҳалланган. Деворларига яхлит кўзгу намоёнлар ишланган. Хонада Европа меъморлигининг таъсири кўзга ташланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi



Ичанқалъа.

ИСҲОҚ ОТА МАҚБАРАСИ (Қашқадарё вилояти, 10—11-асрлар) —мақбара квадрат тарҳли, пештоқ гумбазли. Пештоқ девордан 0,5 *м* бўрттириб ишланган. Деворлари «қалама» услубида (Сомонийлар даврида кўп қўлланилган) қурилган.

ИСҲОҚ ШАЙХ МАСЖИДИ (Наманган, 1912—14) — Исҳоқ Шайх раҳбарлигида қурилган. Масжид тўртбурчак тарҳли. Беш устунли хонақоҳдан, 19 устунли айвон ҳамда жанубида бири гумбаз томли, иккинчиси текис томли кичик хоналардан иборат. Хонақоҳ ичи ўйма ва қирма услубидаги турли нақшлар билан безатилган.

ИЧАН ҚАЛЪА (Ичкари қалъа, асоси-милоддан аввалги 5-аср, усти 18—19-асрлар) — Хиванинг ичкари қисми. 26 гектарга яқин майдон девор билан ўралган. 4 дарвозаси (Боғча, Тош, Полвон ота, Дашт дарвозалари) бор. Қалъада асрлар мобайнида қурилган ансамбллар бўлиб, саройлар, маъмурий ва тураржой бинолари, бир нечта мадрасалари бор.

ИШРАТ ҲОВЛИ (Хива, 1932—34) — Тошҳовли саройига қўшимча қилиб қурилган. Тантанали маросимлар (кўринишхона, меҳмонхона), ўйин-кулгилар учун мўлжалланган. Жанубдаги устунли айвонлар орқали хона-залларга кирилади, ҳовли ўртасида ғиштдан доирасимон супа ишланган.

ИШРАТХОНА, Кўшки Дилкушо (кўнгил очувчи жой, Самарқанд, 1397) — Амир Темур даврида бунёд этилган машҳур Боғи Дилкушо ўртасидаги кўшк биноси. Унинг меъморий шакллари, нафис безаклари ҳашаматли.

www.ziyouz.com kutubxonasi


Ишратхона.

Шоҳларнинг базм даргоҳи бўлгани учун кейинроқ Ишратхона деб номланган бўлиши мумкин. Тўғридаги улуғвор пештоқнинг икки қанотига икки ошиёнли хоналар ёндашган. Ичкарида тўртбурчак тарҳли, икки ошиён баландликдаги катта хонақоҳ — миёнсарой. Уйнинг тўридаги эшик орқали ҳам ташқарига чиқиш мумкин. Жануб томондан уч хонали саройга ўтилади. Шимолдан хосхонага ўтилган. Миёнсарой остида саккиз қиррали тагхона — «сардоба» бор. Сардобада кейинги давр қабрлари бўлганлиги учун бу бино мақбара деб ҳисобланиб келинган.

К

КАЛТА МИНОР, Кўкминор (Хива, 1852) — энг катта ва баланд (тахминан 70—80 *м*) қилиб қуришга мўлжалланган иншоот, афсуски хоннинг вафоти туфайли чала қолган. Ҳозирги ҳолатида баландлиги 26 *м*, асосининг диаметри —14,2 *м*. Оқ, яшил, феруза рангли кошинлар билан безатилган.

КАМОЛ ҚОЗИ МАДРАСАСИ (Қўқон, 19- аср) — дарсхона, айвонли масжид ва ҳужралардан иборат бино. Дарвозахонаси кошинкорлик усулида безатилган пештоқли, ҳашаматли қурилма. Пештоқ орқасидаги икки қаватли дарсхонанинг томи гумбазли. Ҳовли атрофида ҳужралар, масжид ва айвон жойлашган.

КАПТАРЛИ МАЖМУАСИ (Марғилон, 19- аср) — масжид, минора, мақбара ва унинг ҳовлиси, гумбазли дарвозахона ҳамда тўрт бўлаклик каптархонадан иборат бино ва иншоотлардан ташкил топган. Мажмуанинг шарқида айвонли масжид, унинг олдида минора қад кўтарган. Жанубида Пир Сиддиқ мақбараси. Мақбара пештоқли, бир хонали бинодан иборат. Дастлаб, усти очиқ ҳазира услубида бўлган, кейинчалик унинг усти беркитилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КАСБИ НАМОЗГОҲИ (Қашқадарё, 16- аср) — бош тарзи-пештоқи майдонга қаратиб қурилган. Ўзаро бир-бири билан боғланган равоқли бешта хоналар гумбазли бўлиб, марказий хона кенгроқ, беш қиррали меҳроби эса ташқарига туртиб чиққан.

КОКИЛДОР ХОНАҚОҲИ (Термиз, 16- аср) — баланд ва чуқур равоқли пештоқ орқали марказий хонага кирилади. Марказий хонанинг икки ён томонидаги хоналар ўзаро ўхшаш, тенг ҳажмда, далон орқали боғланиб, орқа ва ён эшиклари бўлган. Марказий хона саҳнида бир неча қабр сақланиб қолган.

КОСОНСОЙ ЖОМЕ МАСЖИДИ (Наманган, 18- аср) — атрофи девор билан ўраб олинган майдонга қурилган. Масжидга жанубий томондаги дарвозахона орқали кирилган. Бурчак минора — гулдасталарига ғиштлар безак бериб терилган. Масжид эшиги нақшинкор, бир-бири билан кесишган тўрт меҳробий равоқ икки ён қанотларга асос бўлиб хизмат қилади. Бино безагида оқ ва новвот рангдан фойдаланилган.

КЎКГУМБАЗ МАСЖИДИ (Қарши, 1590—91) — намозгоҳ услубида қурилган чортоқ тарҳли, гумбазли бино. Олд томонидаги пештоқдан хонақоҳга кирилади. Ён хоналар балхи гумбаз билан, хонақоҳ қўшгумбаз билан ёпилган. Ташқи гумбази кўк кошин билан қопланган, ички гумбаз равоқли бағал устига ўрнатилган. Безагида яшил, феруза, оқ рангли кошин ва сирланган ғишт қўлланилган.

КЎКГУМБАЗ МАСЖИДИ (Шаҳрисабз, 1434—35) — жоме масжид. Пештоқ равоғида, Улуғбек отаси Шоҳруҳ Мирзо номидан қурдиргани ҳақида ёзилган. Масжид тўртбурчак тарҳли. Ташқи гумбаз кўк кошин билан қопланган. Шимол ва жанубдаги эшиклар масжиднинг асосий хонасини ён томонларидаги гумбазли айвонлар билан бирлаштирган.

КЎКАЛДОШ МАДРАСАСИ (Бухоро, 1557—98) — Абдуллахон II нинг саркардаси Қулбобо Кўкалдош ташаббуси билан бунёд этилган. Бош тарзи-пештоқ равоғидаги эшикка гириҳ ва ислимий нақшлар ўйиб ишланган. Ҳовлидаги пештоқлар кошин ва сирланган ғишт билан безатилган. Ҳовли атрофида икки қаватли 160 ҳужра ва дарсхона ҳамда масжид жойлашган. Тузилиши жиҳатидан бошқа мадрасалардан фарқли ўлароқ мадрасанинг очиқ айвончали болохоналари бўлган ва улар яхши безатилган.

КЎКАЛДОШ МАДРАСАСИ (Тошкент, 1551—75) — Тошкент ҳокими Кўкалдош қурдирган. Бош тарзи жанубга қаратиб қурилган. Пештоғи сиркори парчин ва гириҳ нақшлар билан беза-

www.ziyouz.com kutubxonasi



Кўкалдош мадрасаси (Тошкент).

тилган. Пештоғининг икки ёнига икки қаватли хоналар тартиб билан жойлаштирилган. Бош тарзи бурчаклари гулдастали. Дарвозахонанинг чап томонида дарсхона, ўнг томонида масжид жойлашган. Дарсхона ва масжид чортоқ тарҳли, пойдевори ва деворлари пишиқ ғиштдан, чоклари ганч қоришмаси билан пардозланган. Бинодан 18- аср бошларида карвонсарой сифатида ҳам фойдаланилган.

КЎҲНА АРК (Хива) — Анушахоннинг ўғли Арангхон Кўҳна Аркнинг деворларини қурабошлаган (1686—88). Бино қурилиши 19- асрда ҳам давом этган. Кўҳна Арк тўрт ҳовлили бўлиб, атрофи баланд қалъабанд пахса девор билан ўралган. Дарвозадан ўнг томондаги йўлак орқали хоннинг зарбхонасига ва сарой масжидига ўтилади. Ҳарамхона эса Аркнинг шимолий қисмига, кўринишхона ғарб қисмига, Оқ шайх бобо кўшки ҳарамхона билан кўринишхона ўртасига жойлашган. Чап томонда хоннинг мулозимлари яшайдиган хоналар, омборхона ва отхоналар бўлган.



Кўҳна Арк тарҳи: 1. Ҳарамхона; 2. Зарбхона; 3. Супа; 4. Кўринишхона.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Л

ЛАБИҲОВУЗ АНСАМБЛИ (Бухоро, 17- аср) — дастлаб бозор майдони бўлган. Майдон ўртасида катта ҳовуз қазилиб (1620), атрофига харсанглардан зинапоялар ишланган, мармардан тарновлар қилинган. Унинг ғарбий томонида Девонбеги хонақоҳи, шарқида Девонбеги мадрасаси, шимолида Кўкалдош ва Эрназар элчи мадрасалари қад кўтарган. 17- асрнинг 20- йилларида қурилган дастлабки икки ёдгорлик (Девонбеги хонақоҳи ва мадрасаси) айниқса сернақш ва серҳашамдир. Улар Лабиҳовуз мажмуасини ташкил этади.

ЛАНГАР ОТА МАЖМУАСИ (Қашқадарё, 15—16- асрлар) — масжид ва мақбарадан иборат. Масжид чорси тарҳли, пешайвонли икки хонақоҳдан иборат. Хонақоҳлар кошин ва гириҳ нақшлар билан серҳашам безатилган. Мақбара пештоқ-гумбазли, силлиқланган ғиштлар билан қопланган, «бандак» ва «мавж» услубида терилган. Гумбази ўзаро чорси кесишган тўрт равоққа таянган.



Лабиҳовуз ансамбли: 1. Кўкалдош мадрасаси; 2. Девонбеги мадрасаси; 3. Девонбеги хонақоҳи; 4. Ҳовуз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ички гумбаз ости бағали қалқонсимон, ироқи ва муқарнасли ганчкор безаклари бор.

ЛУТФУЛЛО МАВЛОНО МАЖМУАСИ (Наманган, 20- аср бошлари) — масжид, мадраса, минора, мақбара каби бинолардан иборат. Масжид биноси шиплари жуда бежирим ва нақшлар билан қопланган. Нақшларда кўк, яшил ва қизил ранглар кўпроқ ишлатилган. Масжиднинг бир қисми (айвон) сақланиб қолган. Минора баландлиги 13 *м*. Феруза ранг кошин билан безатилган.

М

МАВЛОНБУВА МАҚБАРАСИ (Наманган, 1806) — шоир Мавлонбува қабридан жануброқда пештоқ-гумбазли зиёратхона қад кўтарган. Панжарали дарчадан сағана кўриниб туради. Зиёратхона пештоғи жанубга қараган. Пештоғининг икки ёнига минора-бурж қурилган, анъанавий мезаналар ўрнига эса қубба ишланган. Бош тарзига равоқли ва тўғри бурчакли токчалар ишланган. Зиёратхона ичи ганч сувоқ қилиниб, мойбўёқ билан гул солинган. Изораларига гул солинган гулдон, гириҳ нақшлар ишланган.

МАЗЛУМХОН СУЛУВ МАҚБАРАСИ (Қорақалпоғистон, 12- аср) — мақбара 5 хонадан иборат, асосий қисми ер остида бўлиб, унга йўлак орқали зинадан пастга тушилади. Марказий хона тахмонида бир неча сағана бор. Бир неча сағанага нақшлар ишланиб, хатлар битилган бўлиб, ҳозирги кунда сақланмаган.

МАНАС МАҚБАРАСИ (Қирғизистон, 1334) — Амир Абукнинг қизи Канизакхотунга атаб қурилган. Халқ қаҳрамони Манас номи билан машҳур. Квадрат тарҳли, бир хонали, кулоҳий гумбази 16 қиррали, қобирғали. Пештоғи кошинли нафис нақшлар билан безатилган. Унинг икки ёнига гулдасталар ишланган.

МАСЖИДИ КАЛОН (Бухоро, 15—16- асрлар) — эски



Масжиди Калон ансамблидаги бинолар тарҳи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

масжид (11—12- асрлар) қолдиқлари ўрнида қурилган. Масжид тўғри тўртбурчак тарҳли. Ҳовлининг тўрт томони равоқли галерея, 288 гумбазли, ғиштин устунларга таянган. Масжиднинг етти эшиги бор. Асосий бино баланд қилиб қурилган. Квадрат тарҳли. Саккиз қиррали пойгумбаз бағалига қатор майда 16 та равоқчалар ишланган. Унинг ғарбий деворидаги нақшинкор меҳробда уста Боязид Пуроний номи сақланган. Ҳовлида кичик кўшк (таҳоратхона) қурилган.

МАТНИЁЗ ДЕВОНБЕГИ МАДРАСАСИ (Хива, 1872) — хоннинг молия вазири Муҳаммад Ниёз Девонбеги қурдирган. Мадраса тўртбурчак тарҳли, мўъжаз ҳовлили. Пештоғининг икки қанотига 3 тадан меҳробий даҳана ишланган. Бурчакларида мезанали гулдасталар қад кўтарган. Кираверишдаги уч гумбазли миёнсаройнинг чап томонида дарсхона, ўнг томонида эса масжид жойлашган. Ҳовлининг икки чети ҳужралар билан ўралган. Бош тарзи ва пештоқнинг ҳовли томони кошинлар билан, ички ва ташқи тарзларидаги равоқлар тепаси ўзига хос ислимий нақшлар билан безатилган.

МАТПАНОБОЙ МАДРАСАСИ (Хива, 1905) — мадраса қурилишида Худойберган ҳожи ва Қаландар Кўчим қатнашган. Бош тарзи кичик пештоқ ва равоқлар қаторидан иборат бўлиб, бурчакларига гулдаста ишланган. Миёнсарой уч қисмдан иборат. Биридан иккинчисига равоқлар орқали ўтилади. Унинг шимол ва жанубида дарсхоналар жойлашган. Ҳовли атрофидаги ҳужраларнинг ҳар бирига алоҳида эшик орқали кирилади. 1977 да бош тарзининг олди девор билан ўралиб, кичик ҳовли тикланган.

МАҒОКИ АТТОРИ МАСЖИДИ (Бухоро, 10—16- асрлар) — қадимги Моҳ масжиди (10- аср) 12- асрда тикланиб, кенгайтирилиб, 6 устунли, 12 гумбазли қилиб қайта қурилган. Пештоқ қисми шаклан анча мураккаб бўлиб, 14- асрда таъмирланган. 1541—42 да Абдулазизхон масжиднинг шарқ томонига янги пештоқ қурдириб, кошинкорий услубида безатган.



МаҒоки Аттори масжиди.

МАҲДУМИ АЪЗАМ МАЖМУАСИ (Самарқанд, 16—19- асрлар) — 1542 да вафот этган «буюк ҳоким» Маҳдуми

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аъзам қабри атрофида барпо этилган. Мажмуанинг жанубида масжид, шарқий томонида дарвозахона, чиллахона ва ҳужралар, шимолида Маҳдуми Аъзам ҳазираси жойлашган. Масжид ёнида ғиштин минора ҳамда ҳовуз жойлашган. Самарқанд ҳокими Ялангтўш Баҳодир хонадони даҳмаси ҳам шу манзилда.

МИЁН ҲАЗРАТ МАДРАСАСИ (Қўқон, 18- аср)— мадраса кўп ҳовлили. Мадрасага жанубий ҳовлининг ғарб томонидаги пештоқ-гумбазли дарвозахонадан кирилади. Жанубий қисмида кўп устунли масжид бўлган. Ҳовлилар атрофида ҳужралар жойлашган. Бинонинг ташқариси сиркори пишиқ ғиштдан ишланган, ички қисми ганч қоришмаси билан сувалган.

МИНОРАИ КАЛОН, Арслонхон минораси (Бухоро, 1127)— пойдевори тош ва махсус қир қоришмасидан терилган. Асосининг диаметри 9 *м*, баландлиги — 50,0 *м*, курсисимон қиррадор, танаси цилиндрсимон бўлиб, мезана — қафасаси кўшк билан боғланган. Ўзаги ва безаги чорси ғиштдан ганчхок лойида терилган. Безаклар орасига кўфий услубида ёзувлар битилган. Безакларида ўзига хос услуб акс этган. Миноранинг ичида 104 пилпоя айланма зинаси, мезанасида 16 та дарчаси бор. Масжиди Калон томидан минорага ўтадиган кўприкча бўлган.



Минораи калон.

МИР АРАБ МАДРАСАСИ (Бухоро, 1503)— Бухоро хони Убайдуллахон даврида шайх Абдулла (Мир Араб) шарафига қурдирган. Бош тарзи баланд пештоқли, ўнг ва чап томонида икки қаватли қатор равоқли ҳужралар жойлашган, баланд гумбазли масжид ва мақбара бор, бурчаклари гулдастали. Ҳовлининг тўрт томонидаги деворлар ўртасига пештоқ ишланган. Мақбара деворлари ва шипи ганч ўймакорлиги билан серҳашам безатилган (Расм 101- бетда).

МИР САИД БАҲРОМ МАҚБАРАСИ (Кармана, 10—11- асрлар)— мақбара квадрат тарҳли, кўриниши

www.ziyouz.com kutubxonasi





Мир Араб мадрасасининг умумий кўриниши. Мир Араб мадрасаси тарҳи.



Мир Саид Баҳром мақбараси.

содда, томи гумбаз билан ёпилган. Пештоғининг икки чеккаси ва шарафаси майда ғиштлардан жимжимадор териб безатилган.

МОДАРИХОН МАДРАСАСИ (Бухоро, 1566—67)— Абдуллахон мадрасаси билан қарама-қарши қилиб қўш мадраса услубида қурилган. Бош тарзи катта пештоқ, икки қаватли айвон ва бурчакларидаги буржлардан ташкил топган. Пештоқ ва гулдасталар сирконри ғиштлар билан нақшланган. Ҳовли атрофида айвон, ҳужралар ва бурчакларида дарсхоналар жойлашган.

МОДАРИХОН МАҚБАРАСИ (Қўқон, 1825)— Модарихон (хон онаси) ҳазирасига хон авлодларига мансуб аёллар қўйилган. Ҳозир мақбаранинг пештоқ гумбазли хонаси, бурчакларидаги қиррадор икки минора сақланиб қолган.

МОЗОРИ ШАРИФ МАДРАСАСИ (Хива, 1882)— Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) буйруғи билан уста Қаландар Кўчим қурган. Мадраса бир қаватли, бош тарзи жанубга қараган. Пештоғи яшил рангли сиркор кошинлар билан безатилган. Ҳовли атрофида ҳужралар жойлашган.

МУЗРОБШОҲ ХОРАЗМИЙ МАҚБАРАСИ (Хоразм вилояти, 16—18- асрлар)—мақбара ривоятга кўра 8- асрда яшаган Хоразм ҳокими ва дин арбоби Музробшоҳга

www.ziyouz.com kutubxonasi

атаб қурилган. Бир хонали, пештоқли, пишиқ ғиштдан қурилган, безаксиз бино.

МУИН ХАЛФА БОБО МАҚБАРАСИ (Тошкент, 19-аср)— Муин Халфа ўзи учун қурдирган деб тахмин қилинади. Мақбара пештоқ гумбазли, бир хонали, пишиқ ғиштдан қурилган. Хонадаги икки саганага Муин Халфа бобо ва унинг ўғли дафн этилган.

МУЛКОБОД МАҲАЛЛА МАСЖИДИ (Қўқон, 1913)— тўртбурчак тарҳли, томи текис. Хонақоҳ ва айвондан иборат. Айвон шипи нақшлар билан безатилган. Тўсинларидан бирида бинонинг қурилган йили ёзилган.

МУЛЛА МИР ҲАКИМ ХОНАҚОҲИ (Бухоро, 16-аср)— Шайхулислом Амир Ҳусайн Мулла Мир томонидан қурилган. Унинг исми ва вафоти (1587) ёдгорликнинг бош пештоғи олдига қурилган қабртошига ўйиб ёзилган. Жамоатхонага бош пештоқдан ҳамда икки ёнидаги кичикроқ пештоқлардан кирилади. Бино бурчакларидаги 2- ва 3- қаватда хонақоҳ ва зиёратчилар учун ҳужралар, ёрдамчи хоналар бор.

МУСА ТЎРА МАДРАСАСИ (Хива, 1841)— Муса Тўра қурдирган. Мадрасанинг орқа ва икки ён тарзи оддий, безаксиз. Бош тарзи баланд пештоқли, унинг икки қанотига текис равоқлар, тўрт бурчагида гулдасталар ишланган. Дарвозаси ёғоч ўймакорлигида безатилиб, ундан миёнсарой орқали ҳовлига ўтилади. Миёнсаройнинг икки ёнида масжид ва дарсхона жойлашган. Бош тарзи сиркори кошин билан қопланган, ғиштлар мавжли шаклда терилган.

МУҲАММАД АМИН ИНОҚ МАДРАСАСИ (Хива, 1785)— мадраса бир қаватли, пештоғи жанубга қараган. Бош тарзининг икки бурчагига гулдасталар ишланган. Кираверишда миёнсарой, унинг икки ёнида дарсхона ва масжид жойлашган. Ҳовли атрофидаги ҳужраларнинг ҳажми бир хил, олди равоқли, бурчакларидаги хоналарга равоқли йўлаклардан кирилади. Мадрасага Муҳаммад Амин Иноқ ёки ўғли Қутлимурод Болахон дафн этилган деб тахмин қилинади.

МУҲАММАД АМИНХОН МАДРАСАСИ (Хива, 1851—55)— Муҳаммад Аминхон қурдирган. Мадраса икки қаватли, бош тарзини беш гумбазли миёнсарой, масжид, дарсхона ва қўшимча хоналар эгаллаган. Сирти сиркор кошинлар билан нақшланган, ҳовлидаги бир-бирига қарама-қарши жойлашган тўрт пештоқда Хива меъморлигидаги бадиий услубларнинг энг яхши намуналари мужассамланган. Мадрасанинг иккинчи қаватидаги равоқли айвончадан Калта минорга ўтиладиган кўприк бор. Бош

www.ziyouz.com kutubxonasi

тарзининг безаклари юксак бадиий қимматга эга.

МУҲАММАД БАШОРО МАҚБАРАСИ (Тожикистон, Панжакент яқинида, тахминан 11—12- асрлар) — мақбара бир неча хонадан иборат. Масжид меҳроби ўймакор нақшли. Пештоқ безаклари ўша давр услубини кўрсатади.

МУҲАММАД МУҲАРРАМ МАЖМУАСИ (Хива, 1903)— мадраса, гузар масжиди, минора ва бошқа қўшимча хоналардан иборат. Бош тарзини пештоқ ва унинг икки қанотидаги ғиштин равоқлар эгаллаган.

Н

НАЖМИДДИН КУБРО МАҚБАРАСИ (Туркманистон, 14-асрнинг, 30- йиллари)— тасаввуфдаги Кубровийлик оқимининг асосчиси шоир, олим ва шайх Нажмиддин Кубро (1145—1221) номи билан боғлиқ. Мақбара Нажмиддин Кубро саганаси жойлашган катта хона, бир неча қабрлари бўлган кичик хона ва зиёратхоналардан иборат. Сагана сиркори сопол ва ёғоч ўймакорлигида безатилган.

НИСБАТДОР МАСЖИДИ (Самарқанд, 1901)— масжид Абдуқодир Боқиев бошчилигида эски масжид ўрнида пишиқ ғиштдан қурилган хонақоҳ ва унга жануб томондан туташган кенг айвондан иборат. Айвон қаршисида унча баланд бўлмаган қиррали минора жойлашган. Бино баланд супа устига қурилган. Хонақоҳнинг шарқий тарзи уч равоқли, ўрта қисмидагисининг икки ёни гулдастали. Равоқнинг ҳар бирида биттадан эшик, тепасида тобадони бор. Айвон турли нақшлар билан ўзига хос услубда нафис безатилган.

НОДИР ДЕВОНБЕГИ МАДРАСАСИ (Самарқанд, 1630—31)— Нодир Муҳаммад Девонбеги қурдирган. Мадраса бир қаватли, ҳовлининг икки томонида айвон, ҳужралар, ҳовлининг тўрида хонақоҳ ва дарсхона жойлашган. Айвон ва пештоқ нафис безатилган (Расм 204- бетда).

НОРБЎТАБИЙ МАДРАСАСИ (Қўқон, 18- аср)— Қўқон хони Норбўтабий ҳукмронлиги даврида қурилган. Мадраса чортоқ тарҳли, бир қаватли, ҳовлили, тўрт бурчагига миноралар ишланган. Ҳовли атрофига қатор равоқли ҳужралар қурилган. Пештоқнинг ўнг томонида гумбазли масжид, чап томонида 12 та панжарадор деразали дарсхона жойлашган. Масжид серҳашам безатилган.

НОРИНЖОНБОБО МАЖМУАСИ (Қорақалпоғистон, 14- аср)— қадимий қалъа ўрнидаги қабристон марказида мсъморий туркум барпо этилган. Уч гумбазли шайх Норинжонбобо мақбараси (10- аср), зиёратхона (13-аср), шарқий мақбара (14-аср) дан иборат. Марказида

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нодир Девонбеги мадрасаси.

жойлашган даҳма сиркори ғишт ва ўйма ёзувлар билан пардозланган.

НУРУЛЛАБОЙ САРОЙИ (Хива, 1865-1912)— Муҳаммад Раҳимхон II ўғли Асфандиёрхонга атаб Нуруллабой боғи ўрнида қурдирган. Сарой, кўринишхона, қозихона-арзхона, мадраса ва тураржой биноларидан иборат. .

Саройнинг ташқи кунгурадор ғиштин девори буржлар билан мустаҳкамланган. Ўзаро туташ тўрт ҳовли атрофига олди айвон, икки қаватли бинолар қурилган. Дастлаб Арзхона ва Ҳарам (1904), кейинчалик Асфандиёрхон қабулхонаси (1912) алоҳида бино тарзида барпо этилган.

ОЛЛОҚУЛИХОН МАДРАСАСИ (Хива, 1834—35)— мадраса сунъий тепалик устига қурилган. Уч томонидан (Оллоқулихон тими, Хўжамбердибий мадрасаси ва Полвон дарвоза билан) қуршаб олинган. Мадраса тўғри тўртбурчак тарҳли, бош тарзидаги пештоқ орқали миёнсаройга ўтилади. Миёнсаройнинг икки ёнида масжид ва дарсхона жойлашган, унинг тепасидаги ҳужралардан кутубхона сифатида фойдаланилган. Ҳовли атрофини икки қаватли ҳужралар ва тўрт айвон эгаллаган. Шимолдан Оллоқулихон тими билан мадрасанинг иккинчи қавати туташиб кетган. Пештоқ, масжид ва айвон серҳашам безатилган.

ОЛЛОҚУЛИХОН КАРВОНСАРОЙИ ВА ТИМИ (Хива, 1832—33) —карвонсаройга шимол ва жануб томондаги пештоқ орқали кирилган. Пештоқнинг икки бурчагига гулдаста-миноралар ишлан-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган. Карвонсаройнинг жанубидаги икки гумбазли дарвозахонадан тимга ўтилган. Ҳовли атрофи икки қаватли, олди равоқли 105 ҳужрадан иборат. Тим қурилиши даврида (1835—38) 24 ҳужранинг юқориси бузилиб, тим гумбазларини ўрнатишга мослаштирилган. Тим усти ёпиқ бозор, шаҳар ва карвонсарой дарвозахонасини ўз ичига олган. Марказий хона карвонсарой дарвозасига туташ бўлиб, унинг икки томонида гумбазлардаги дарчалар орқали ёритилган савдо расталари жойлашган.



Оллоқулихон карвонсаройи ва тимининг тарҳи.

ОТА ВАЛИХОНТЎРА МАСЖИДИ (Наманган, 20- аср бошлари)— машҳур меъмор Мулла Қирғиз лойиҳаси ва раҳбарлигида қурилган. Бош тарзи шарққа қараган. Пештоқ дарвозаси чуқур ўйма нақшлар билан безатилган. Пештоғининг икки ёнига равоқли деразалар, бурчакларига мезанали гулдасталар ишланган. Ўртадаги катта хона қобирғали улкан гумбаз билан ёпилган. Гумбаз хона ичидаги думалоқ ғишт устунларга таянган.

ОТА ДАРВОЗА (Хива, 1828—29) — Раҳимқулихон ҳукмронлиги даврида қурилган. Шермуҳаммад ота номи билан ҳам аталади. Дарвоза ичкариси узун далон бўлиб, икки томонида бир-бирига ўтадиган олди очиқ дарвозабонлар хонаси бор. Пештоғининг икки ёни гулдасталар билан безатилган. Бино 1974 да қайта тикланган.

ОТАМУРОД МАТРИЗА ҚУШБЕГИ МАСЖИДИ (Хива, 1800)— хонақоҳ, ўнг ва терс айвон ҳамда таҳоратхонадан иборат. Бош тарзида уч гумбазли хона ва кичик минора бор. Масжид Хоразм тураржойларига хос услубда қурилган.

ОТАЖОН БОЙ МАДРАСАСИ (Хива, 1884)— бош тарзининг икки қаноти гулдаста билан безатилган бино. Пештоқдан гумбазли миёнсаройга кирилади. Ҳовли атрофи ҳужралар билан ўралган. Ҳовлининг жануби-ғарбий бурчагида масжид жойлашган. Ичи безаксиз. 1970—80 да таъмирланган, амалий санъат устахонаси жойлашган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Оқ масжид (Хива).





ОТАҚЎЗИ МАДРАСАСИ (Андижон, 20- аср бошлари)— пештоқ-гумбазли дарвозахона, масжид-айвон, икки қаватли ҳужралар ҳамда минорадан иборат. Ҳовли атрофига ҳужралар ва дарсхона қурилган. Масжид нақшларига қуръон суралари уйғунлаштириб битилган, ғиштлар гул ҳосил қилиб терилган. 1971—75 да таъмирланиб ўлкашунослик музейи жойлаштирилган.

ОҚ МАСЖИД (Самарқанд вилояти, 15- аср, 2- ярми — 16- аср бошлари)— масжид пештоқ-гумбазли, бир хонали. Деворлари ганч билан сувалган. Хонанинг ички гумбаз ости бағаллари 16 қиррали, равоқсимон, безакли.

ОҚ МАСЖИД (Хива, 18—19-асрлар) — уч томони айвонли, бир хонали гузар масжиди. Катта хона икки томонга кетган чуқур равоқлар ҳисобига кенг кўринади. Панжаралар ва уч эшик нақшлар билан безатилган. Усти ганч сувоқ қилинган.

ОҚ ОСТОНА БОБО МАҚБАРАСИ (Сурхондарё, 10-аср охири — 11- аср бошлари)— квадрат хонали мақбара, тарзларига ғиштлар мав-

www.ziyouz.com kutubxonasi

жли қилиб терилган. Пойгумбази ғўласимон бўлиб, юқориси қубба билан якунланган, гумбаз ости бағаллари саккиз қиррали, чуқур равоқлар ишланган.

ОҚСАРОЙ (Самарқанд, 14-аср охири)— Амир Темур ҳукмронлиги даврида қурилган. Бош тарзи жанубга қараган. Кираверишда миёнсарой, тагида сардоба жойлашган. Бино ичкарисидаги безаклар нафис ва жозибали.

ОҚСАРОЙ (Шаҳрисабз, 14-аср охири)— Амир Темур қурдирган катта сарой, қароргоҳ. Оқсаройдан бизгача фақат улкан пештоқнинг икки чеккаси ва саройнинг ҳовли саҳни безакларидан бир қисмигина етиб келган. Оқсарой 20 йил давомида қурилган. Тарихчиларнинг ёзишича Оқсарой тураржой ва жамоат биноси — девонхона сифатида қурилиб, хоналар ташқи ҳовли атрофида жойлашган. Саройнинг фавворали ҳовузлари бўлган. Оқсарой деворларига қопланган сидирға кошинлар ва сиркор сополлар тиниқ бўёқлар (бинафша-кўкимтир, зумрад-яшил ранглар, тилла суви ва бошқалар) дан нафис нақшлар ишланиб жозибадор безатилган. Кўфий, сулс усулида битилган тарихий ва диний ёзувлар сақланган.

П

ПАНДРАН МАСЖИДИ (Қашқадарё, тахминан 15—16- асрлар)— масжид уч хонали бино. Уч томонидаги айвон сақланмаган. Гумбазлар қалқонсимон бағалга таянган.

ПАНСОД МАСЖИДИ (Шаҳрихон, 20- аср бошлари)— хонақоҳ ва жануб томондан қурилган бир томони узун айвондан иборат. Масжиднинг ғарбий деворига ярим доира шаклида меҳроблар ишланган. Айвон устунлари, шипи ва деворлари серҳашам безатилган. Айниқса, шипидаги юлдузсимон турунжлар, ислимий нақшлар алоҳида ажралиб туради.

ПАҲЛАВОН МАҲМУД МАҚБАРАСИ (Хива, 1701)— дастлаб Паҳлавон Маҳмуд қабри устида мўъжаз синчкори усулида қурилган иморат бўлган. 1825—35 да унинг ўрнида тоқу равоқли серҳашам мақбара, зиёратхона, хонақоҳ қад кўтарган. Кейинроқ Хива хонлари (Абдулғозихон, Шоҳниёзхон,

1. Паҳлавон Маҳмуд мақбараси.

www.ziyouz.com kutubxonasi



2. Тарҳи.

Муҳаммад Раҳим I ва бошқалар) ҳам шу ерга дафн этилган. 1913 да ҳовлининг ғарб томонига икки ошиёнли қорихона, қаршисига айвон қурилган. Мақбара ҳовлисига жануб томондаги дарвозахона орқали кирилади, ичкари саҳнига ғишт терилган.

ПОДШО ПИРИМ МАЖМУАСИ (Фарғона, 15—20- асрлар) — афсонавий саркарда Шоҳ Жалил қабри устида қурилган мақбара деб тахмин қилинади. Кейинчалик атрофида бошқа бинолар барпо этилган. Комплекс пештоқ-гумбазли дарвозахона (15- аср), унинг ён томонига қурилган масжид (20- аср), 15—16- асрга оид мақбара ва сағаналар, чортоқ минора, ҳужралар, бино ва бошқа иншоотлардан иборат.

ПОЛВОН ДАРВОЗА (Хива, 1806)— Ичан қалъанинг шарқий дарвозаси ва савдо растаси. Дарвозанинг икки ёнига гулдаста-минора ишланган. Дарвоза тепаси ва гулдасталарда равоқли дарчалар бор. Дарвоза ичкариси узун далон бўлиб, усти гумбаз б-н қопланган. Далоннинг икки томонига дўконлар жойлашган.

Р

РАБОТИ МАЛИК (Бухоро-Самарқанд йўлида, тахминан 1069—79, Навоий шаҳари яқинида) — катта карвонсарой, Малик чўлидаги йирик чегара ва савдо бекатида бунёд этилган. Кўп қисми бузилиб кетган. Ичкарида катта ва кенг икки ҳовли, атрофида ҳужралар, марказий қисмида сарой бўлган. Унга жануб томондаги пештоқли дарвоза орқали кирилган. Работнинг пештоқ ва сардобаси сақланган. Буюк Ипак йўлидаги энг қадимги ва улкан карвонсаройдир.

РЕГИСТОН АНСАМБЛИ — 1417—1660- йилларда Самарқанднинг Регистон майдонида қурилган меъморий ёдгорликлар комплекси. *Улуғбек мадрасаси, Тиллакори мадраса* ва *Шердор мадраса*дан иборат. Ўрта Осиё меъ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

морчилик санъатининг классик намунаси.

РУҲОБОД МАҚБАРАСИ (Самарқанд, 14- асрнинг 80-йиллари)— Шайх Бурҳониддин Сағоржи мақбараси. Мақбаранинг ташқи томонлари безаксиз, ичи кенг, безаклари ҳашамдор. 19- асрда унинг олдига масжид, минора, дарвозахона қурилган.

С

САИД АЛОВИДДИН МАҚБАРАСИ (Хива, 14- аср)— Сўфи Амир Кулол Нақшбандий томонидан устози шайх Аловиддин қабри устида қурилган бино. Мақбара пештоқли зиёратхона ва гўрхонадан иборат. Гўрхонадаги сағаналар ўйма нақшлар билан безатилган.

САИД АҲМАДХЎЖА МАДРАСАСИ (Марғилон, 19- аср охири) — мадраса ҳовлиси атрофида ҳужралар, ғарбий бурчагида олди айвонли масжид қад кўтарган. Кунгурадор деворлар билан ажратиб ишланган қатор меҳробий равоқлар ҳужралар салобатини оширган. Масжиднинг айвон ва хонақоҳ шипларига сидирға гуллар солинган. Ҳовли ўртасидан эни 1,5 *м* ариқ ўтган.

САИД МАҲРУМЖОН МАЖМУАСИ (Хива, 1884)— мажмуа уч қисмдан иборат. Биринчи қисмида бир-бири билан ўзаро боғланган уч мадраса (Саид Маҳрумжон ва икки кичик мадраса) жойлашган. Саид Маҳрумжон мадрасасининг юқорисида (ичкарида) Шайх мақбараси қурилган. Унда Муҳаммад Раҳимхон II, Иброҳим Хўжа ва Темурғози Тўра сағаналари бор. Иккинчи қисмида олти гумбазли масжид, дарвозахона, зиёратхона ҳамда ички ҳовли атрофида мақбара ва ҳужралар жойлашган, шимоли-шарқий бурчаги Чўпон эшон қабристони билан туташган. Учинчи қисмида 2 катта ва 3 кичик мақбаралар жойлашган.

САИД ОТА МАСЖИДИ (Хива, 18- аср) — Ёрмуҳаммад Девон қурдирган. Хонақоҳ гумбаз томли, олдидан бироз туртиб чиққан айвони бор. Айвон меҳроби сирли ўйма парчинлар билан қопланган. Устунлари ёғоч ўймакорлигида безатилган.

САИД ОТА МАСЖИДИ (Хоразм вилояти, 1766) — масжид усти ёпиқ ҳовли, хонақоҳ, айвон ва унга кираверишдаги қўшимча хоналар (қоровулхона, отхона ва б.)дан иборат. Ҳовли атрофида қатор устунли айвонлар жойлашган. Марказида қудуқ сақланган.

САИД ОТАЛИҚ МАДРАСАСИ (Сурхондарё вилояти, 16-аср) — Саид Оталиқ қурдирган. Мадраса бош тарзи пештоқли. Пештоғининг икки ён томонида икки қаватли, уч равоқли пешайвон бор. Кираверишдаги миёнсаройнинг (бир неча бўлимдан иборат)

www.ziyouz.com kutubxonasi

икки ёнида чортоқ тарҳли масжид ва дарсхона бор. Ҳовли атрофида олди чуқур равоқли, икки қаватли ҳужралар жойлашган.

САИД ШОЛИКОРБОЙ МАЖМУАСИ (Хива, 1842) — савдогар Саид Шоликорбой қурдирган. Иккита ҳовли, масжид, мадраса, айвон ва минорадан иборат. Масжид 9 гумбазли, 4 устунли, унга айвон орқали уч томондаги эшикдан кирилади. Айвондаги устунлар ёғоч ўймакорлигининг энг яхши анъаналари асосида безатилган. Масжидга шимолий томондан туташ ҳовли бор, ҳовлининг ярмисини айвон эгаллаган. Мадраса масжиднинг шарқий томонига жойлашган кичик ҳовли атрофидаги бир неча хонадан иборат. Мадраса ва масжид оралиғида минора қад кўтарган. Минора безакларга бой.

САККИЗ ЁҚЛИ МАҚБАРА (Самарқанд, 15- аср) — Шоҳи зинда ансамбли таркибида. Бино тарҳи саккиз қиррали, томонлари очиқ. Ташқи қирралари сопол ғиштчалар билан қопланган. Бино тагида доира тарҳли сардоба жойлашган. Мақбара ичи нақшларида кўк ва қизил ранглардан фойдаланилган.

САМАРҚАНД НАМОЗГОҲИ (Самарқанд, 1630) — шаҳарнинг жанубий ташқарисига бухоролик амалдор Нодир Девонбеги қурдирган. Намозгоҳ хонақоҳининг гумбази ўзаро кесишган тўртта тоқи равоқ устига ўрнатилган, икки ёнида равоқли айвони бор.

САРРОФЛАР ҲАММОМИ (Бухоро, 16- аср) — шаҳар марказида, ер сатҳидан унинг гумбазларигина кўриниб туради, асосий қисми ер юзасидан бирмунча чуқурроқда, пишиқ ғиштдан сув ўтказмайдиган махсус қоришмақир билан ишланган. Кириш қисмида ечиниш ва дам олиш хонаси бор. Ундан зина орқали пастга ўртача иситилган, оёқ ювадиган хонага тушилади, сўнг 5 қиррали хона орқали марказий хона (миёнсарой)га кирилади. Унинг атрофидаги 8 хона равоқли йўлаклар орқали туташган. Мазкур хоналардан 5 таси — оёқ ювиладиган хона, уқалаш хонаси, иссиқхона, совуқхона ҳозиргача сақланган.

СИРЛИ МАСЖИД (Наманган, 19- аср) — хонақоҳ ва икки томонлама айвондан иборат. Хонақоҳ безаксиз, айвон шипи турли нақшлар билан серҳашам безатилган. Ҳовлисида ҳовуз бор.

СИТОРАИ МОҲИ ХОСА (Бухоро, 1826—1920) — сарой-боғ. Манғитлар сулоласининг тўрт авлодига (Насруллохон, 1826—60; Музаффархон, 1860—85; Абдулаҳадхон, 1885—1910; Амир Олимхон, 1910—20) мансуб, майдони тахминан 6,7 *га* бўлиб, эски сарой ғишт тўшалган 3 ҳовлидан ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўпгина хоналардан иборат. Амир Музаффархон меҳмонхонаси кенглиги, баланд зали, икки томонидаги болхонали айвонлари европа услубидаги эшик ва деразалари билан ажралиб туради. Уч қисмга бўлинган тўртбурчак тарҳли Абдулаҳадхон саройининг икки хонаси бир-бирига қарама-қарши жойлаштирилган ва бир хилда безатилган. Эски сарой шарқидаги Амир Олимхоннинг бош қароргоҳи — янги саройга муҳташам равоқли дарвоза орқали кирилади. Икки табақали дарвоза ёғоч ўймакорлигида нафис безатилган. Дарвозахонадан ташқари ҳовлига ўтилади. Ҳовлининг уч томони айвон билан ўралган. Дарвозадан киришда ўнг қўлда кичкина фаввора бор. Ҳовлининг шимолида катта айвон, ғарбида оқсарой, жанубида ойнабандли айвон, кутиш хонаси ва амирнинг қабулхонаси жойлашган.

Оқсарой безагида шарқ ва европа мсъморлиги уйғунлаштирилган ҳолда қўлланилган. Боғ ўртасида саккиз хонали кўшк бор. Кўшкнинг жанубида тўғри бурчакли хона, шунингдек хизматкорлар учун ётоқхона ва боғ бор. Жанубида икки қаватли масжид ва ҳовуз жойлашган.

СУЛТОН МИРҲАЙДАР МАЖМУАСИ (Қашқадарё вилояти, 11—16- асрлар) — уч ҳовлили мураккаб меъморий мажмуа. Жанубий ҳовлида қатор устунли масжид (16- аср), ўртадаги ҳовлининг шимолий ва шарқий томонида қадимий мақбаралар, жанубий ва ғарбий томонида айвон (16- аср) жойлашган. Шимолий ҳовлида 14—16- асрларга оид мармар саганалар бор. Мақбаралар уч хонадан иборат.

СУЛТОН САНЖАР МАҚБАРАСИ (Туркманистон, 12- аср) — салжуқийлар султони Санжар ўзи учун қурдирган улкан бино. Мақбара квадрат тарҳли. Ташқи гумбази сақланмаган. Деворининг қалинлиги 1,5 *м*.

СУЛТОН САОДАТ МАЖМУАСИ (Термиз, 10—17- асрлар) — термизлик саидлар авлодлари дафн этилн мақ - баралар комплекси турли даврларга мансуб. Мақбараларда юлдузсимон гириҳ нақшлар, ганчкор ва бошқа безаклар сақланган. 8 аср давомида шаклланиб, 20 га яқин мақбараларни ўз ичига олган.

СУЛТОН ТАКАШ МАҚБАРАСИ (Туркманистон, 1200) — Кўҳна Урганчда Хоразмшоҳ Султон Такаш ҳукмронлиги даврида қурилган. Мақбара квадрат тарҳли, кулоҳи гумбази сиркор ғишт билан қопланган. Гумбаз пастига рангдор кошинлардан ёзувлар бслбоғи ишланган. Мақбарага жануб томондан пештоқдаги эшикдан кирилади. Баъзи манбаларда Шайх Шараф мақбараси деб ҳам юритилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

СЎФИ ОЛЛОЁР МАСЖИДИ (Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани, 1713) — вахшуворлик авлиё, шоир Сўфи Оллоёр номи билан боғлиқ бино. Хонақоҳ икки томони айвон ва қўшимча хоналардан ташкил топган. Хоналар ҳашамдор қилиб безатилган.

Т

ТАЛХАТОН БОБО МАСЖИД-МАҚБАРАСИ (Туркманистон, 11- аср) — квадрат тарҳли тўрт хонали бино. Масжид, икки ёнида йўлаксимон хоналар, тўрда мақбара бор. Деворлари ғиштдан ганч қоришмасида 1,5 *м* га яқин қалинликда терилган.

ТАМҒОЧ БУҒРОХОН МАДРАСАСИ (Самарқанд, 11- аср) —Шоҳи зинда ансамбли таркибида, Самарқанд ҳокими Тамғоч Буғрохон Иброҳим қурдирган бино. Мадраса бир қаватли, масжид, дарсхона, қироатхона, ҳужра ва бошқа хоналардан иборат бўлган. Мадраса, қолдиқлари кавлаб топилган.

ТЕМУР МИНОРАСИ (Челябинск вилояти, Троицк ш., 15—16- асрлар) — халқ орасида Кесен мақбараси номи билан машҳур. 1770 да сайёҳ П. Паллас берган маълумотга кўра минора атрофида хоналар бўлган. Минора баландлиги 15 *м* га яқин. Жанубида пештоқ, пештоқ шарқида иккита дарча бор. Минора квадрат тарҳли асос устига ўрнатилган. Танаси 20 қиррали, тепаси 12 қиррали. .

ТЕРМИЗИЙ МАЖМУАСИ (Термиз, 9—15- асрлар) — комплекс мақбара (9- аср), масжид (11- аср), хонақоҳ (15- аср) ва бошқа хоналардан иборат. Дастлаб буюк аллома Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ҳаким ат-Термизий мақбараси (қадимий хонақоҳнинг ҳужраларидан бирида дафн этилган деб тахмин қилинади), кейинчалик унга тақаб олди айвонли, уч гумбазли масжид, янги мақбара ва чиллахона барпо этилиб, атрофи девор билан ўралган. 15- асрда олди пештоқли, томи гумбазли йирик хонақоҳ қурилган. Ҳаким ат-Термизий қабри устига мармар сағана ўрнатилган. Комплекс турли нақшлар б-н жозибадор безатилган.

ТИЛЛАКОРИ МАСЖИД-МАДРАСА (Самарқанд, 15- аср) — Регистон ансамбли таркибида, Самарқанд ҳокими Ялангтўш Баҳодир буйруғи б-н қурилган. Тахминларга кўра Улуғбек карвонсаройининг ғарбидаги ҳужралар бузилиб, ўрнида пештоқ гумбазли катта хонақоҳ қад кўтарган. Пештоқ чуқур равоқли, унинг икки қанотини айвон-галерея эгаллаган. Ҳовлининг тўрт томонида пештоқли айвон бор. Мадрасанинг деворлари жуда кўркам ишланган, ички деворлари устига эса тилла суви югуртирилган (тиллакори

www.ziyouz.com kutubxonasi



Тиллакори масжид-мадраса.

номи шундан). Хонақоҳ тўрида меҳроб, ўнг тарафида мармар зинапояли минбар бор. 1970 да таъмирланиб, гумбази қайта тикланди. Масжид-мадрасанинг Регистон майдонига қараган олд томони икки қаватли, ўртасида маҳобатли ва серҳашам пештоқ бор.

ТОЖМАҲАЛ (Ҳиндистон, Агра шаҳри, 1630—52) — Бобурийлардан Шоҳ Жаҳон ва унинг хотини Мумтоз Маҳал мақбараси. Оқ мармардан, беш гумбазли, деворлари қимматбаҳо рангли тошлардан қадама нақш услубида безатилган. Сағана қўйилган хона катта гумбаз билан қопланган бош бино бўлиб, супа устида жойлашган. Тожмаҳалга туташ тўртта минора ва боғ бор.

ТОЛИБ МАҲСУМ МАДРАСАСИ (Хива, 1910) — Хива хонининг мирзоси Толиб Маҳсум маблағига қурилган. Пештоқи яшил рангли кошин билан безатилган. Дарвозахона орқали ҳовлига чиқилади. Ҳовли бурчакларидаги хоналарга эшик очилмаган. Ҳужралар томи балхи гумбазли бўлиб, уларнинг олд томонига унча чуқур бўлмаган равоқлар ишланган. Дарсхона ўрнида ҳужра қурилган.

ТОШДАРВОЗА (Хива, 18—19- асрлар) — Ичан қалъанинг жанубий дарвозаси. Пишиқ ғиштдан, икки буржли, олти бўлмали. Ўтиш йўлида икки гумбазли бўлма, ён томонларида гумбаз томли кичик хоналар ўзаро равоқлар орқали бирлаштирилган. Дарвозахона пештоқ шаклида ишланган, чеккалари буржларга туташган. Буржлар ичидаги айланма зина ёрдамида дарвозахона тепасидаги саҳнга чиқилади. 2 табақали дарвозаси ёғочдан ишланган.

ТОҚИ ЗАРГАРОН (Бухоро, 16- аср) — ҳар хил зеб-зийнат буюмлари ясаб сотиладиган усти берк бозор-тим. Ўтмишда унинг далонларида 36 та заргарлик устахонаси ва дўконлар бўлган. Атрофига савдо расталари, омбор, карвонсаройлар қурилган. Улкан гумбаз атрофи кичик гумбазлар билан ўралган.

ТОҚИ САРРОФОН (Бухоро, 16- аср) — бош савдо маркази. Шаҳарнинг жанубидаги чор-

www.ziyouz.com kutubxonasi



1. Тоқи Заргарон.
2. Тарҳи.





раҳа устини беркитиб туради. Бино ичкариси саккиз қиррали, улкан гумбази тўртта ўзаро кесишган равоқ устига ўрнатилган. Остида саррофларнинг дўконлари, улар атрофида савдо расталари, карвонсарой, меҳмонхона, масжид, ҳаммом бўлган.

ТОҚИ ТЕЛПАКФУРУШОН (Бухоро, 16- аср) — бешта кўча туташган жойда қурилган усти берк бозор — тим. Бош гумбази олти қиррали, атрофи кичик гумбазчалар билан қопланган. Ўтмишда унинг остида бош кийим ва китоб сотувчи ҳунармандлар ва муқовасоз усталарнинг дўконлари бўлган.



Тоқи Телпакфурушон тарҳи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Туман оқо мажмуаси.

ТУМАН ОҚО МАЖМУАСИ (Самарқанд, 1405—06) — Шоҳи зинда мажмуаси таркибида. Амир Темурнинг хотини Туман оқо қурдирган. Мулозимхона, масжид ва мақбарадан иборат. Масжид уч гумбазли, ички ганч сувоқли. Равоқли токчалар тепаси муқарнаслар билан тўлдирилган. Деворлар изораси кошинлар билан безатилган. Мақбара пештоқи ўсимликсимон нақшлар, ёзув ва ҳандасий нақшли терма кошин билан қопланган, гумбаз остидаги зарҳал нақшлар юлдузлар чарақлаб турган осмонни эслатади. Деворларда майда манзарали тасвирлари сақланган.

ТУРКОН ОҚО МАҚБАРАСИ (Самарқанд, 1372) — Шоҳи зинда мажмуаси таркибида. «Шоди Мулк оқо мақбараси» номи билан ҳам машҳур. Темур синглиси Туркон оқо ва қизи Шоди Мулк оқога атаб қурдирган. Мақбара чортоқ тарҳли, усти қобирғали гумбаз билан ёпилган. Мақбаранинг ички томони сиркор сопол билан қопланган, ҳошияли ёзувлар билан безатилган.

Туркон оқо мақбараси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТУҒЛИ ТЕКИН МАҚБАРАСИ (Самарқанд, 1376) — Шоҳи зинда ансамблининг ўрта қисмида. Темур саркардаларидан бири амир Ҳусайннинг онаси шарафига қурилган. Мақбара бир хонали, эшиги ғарбга қараган, безагида кошинкорлик санъатининг нодир намуналари сақланган.

ТЎРА МУРОД МИНОРАСИ (Хива, 1888) — Ичан қалъа таркибида. Маҳалла масжиди қошида қурилган. Минора баландлиги тахминан 9 *м*, ғиштлари мавжли қилиб терилган. Юқори фонуси равоқли, икки қаторли ғиштин шарафа билан якунланган. Ичидаги зина орқали юқорига чиқилади.

ТЎРАБЕКХОНИМ МАҚБАРАСИ, (Туркманистон, Кўҳна Урганч, 14- асрнинг 60-йиллари) — пештоқ орқали мўъжаз миёнсаройга, ундан олти қиррали катта хонақоҳга ўтилади. Хона ичига чуқур равоқли токчалар ишланган. Ташқариси 12 қиррали, ҳар томонига чуқур равоқлар ишланган. Пойгумбази 24 қиррали, кулоҳий гумбазли (шарқий қисми сақланган), безакларида ниҳоятда нафис кошинкори нақшлар, муқарнаслар қўлланилган.

ТЎРТ ШАББОЗ МАЖМУАСИ (Хива, 1874—85) — уч мадраса, масжид, минора, мақбара ва ҳовуздан иборат. Масжид хонақоҳи 9 гумбазли бўлиб, гумбазлари 4 устунга таянган. Айвон деворлари намоёнлар билан безатилган. Масжид яқинида унча катта бўлмаган минора бор. Комплекснинг шарқида мадраса, жанубида мақбара жойлашган.

У

УЛУҒБЕК МАДРАСАСИ (Самарқанд, 1417—22) — Регистон мажмуаси таркибида, бино икки қаватли, бош тарзи улкан пештоқли, унинг икки бурчагига минора ишланган. Ҳовли атрофи икки қаватли ҳужралар билан ўралган. Ҳар бир ҳужра учта (қазноқ, ётоқхона, умумий хона)дан иборат. Тўрт томонида тўртта дарсхона бор. Масжид шарқи-жанубга томон чўзилган. Ташқи тўрт бурчагида тўрт баланд минора бор. Бино серҳашам безатилган. Марказий Осиё меъморлигида энг мукаммал ва гўзал мадраса ҳисобланади.

УЛУҒБЕК МАДРАСАСИ (Ғиждувон, 1433) — бир қаватли, мурабба тарҳли, масжид, дарсхона ва ётоқхонадан иборат. Бош тарзи пештоқли, унинг ёнларида миноралар бор. Пештоқдан миёнсаройга ундан, масжид ва дарсхонага кирилади. Тўридаги эшикдан ҳовлига чиқилади. Ҳовли тўридаги текис томли айвон ичи кошин билан безатилган.

УЛУҒБЕК МАДРАСАСИ (Бухоро, 1417) — Улуғбек қурдирган. Абдуллахон II даври

www.ziyouz.com kutubxonasi

(1586)да пештоғи таъмир этилган. Ҳашаматли пештоқдан миёнсаройга ўтилади. Миёнсаройнинг икки ёнида масжид ва дарсхона, иккинчи қаватида кутубхона жойлашган. Ён томонидаги тарзларига пештоқ, бурчакларига минора ишланган. Мадрасани уста Исмоил Ибн Тоҳир Исфахоний қурган. Унинг безакларида кўпгина замонларнинг таъсири борлигини кўриш мумкин. Миёнхона шипи ва ҳовлининг шимол томонидаги равоқларида энг қадимий безак нусхалари бор. Шарқий ва ғарбий қисмларида бирмунча кейинги замонлар нақшлари ва бинонинг олд томонида эса энг кейинги замон нақш нусхаларини учратиш мумкин. Эшик табақаларига: «Билим олиш ҳар бир мусулмон ва муслиманинг бурчидир» деган ибора ўйиб ёзилган.

УЛУҒБЕК РАСАДХОНАСИ (Самарқанд, 1428—29) — Улуғбек фармойиши билан бунёд этилган. Доира тарҳли, уч қаватли, баландлиги 30,4 *м* дан иборат. Пишиқ ғиштдан қурилган. 1908 йилда археолог В. Вяткин хароба бўлган расадхона қолдиқларини тарихий ҳужжатлар асосида





2. Тарҳи.

Улуғбек расадхонаси: 1) олд ва ён тарзлари.

www.ziyouz.com kutubxonasi

топди. Расадхонанинг асосий қисми радиуси 40,2 *м* ли гигант секстант (баъзи манбаларга кўра квадрант) бўлган. Секстантнинг жанубий қисми ер остида жойлашган, қолган қисми шимол томонда ер сатҳидан 30 *м* га баланд. Бино сирти оқ, кўк, қора, ҳаво ранг кошин қоплаб нақшлар билан безатилган. Ички деворда осмон тасвири, юлдузлар харитаси, тоғ, денгиз, мамлакатлар белгиланган. Ер шари тасвири ишланган. Ҳозир катта асбоб-секстантнинг ер остида сақланган қисми баландлиги билан 11 *м* келади. Расадхона йирик астрономик асбоб ҳисобланади.

УСМОН САИДБОБО МАҚБАРАСИ (Хоразм вилояти, 16—19- асрлар) — мақбара безаксиз, уч гумбазли, зиёратхона ва икки гўрхонадан иборат.

УЧ АВЛИЁ МАҚБАРАСИ (Хива, 1549, 1821) — уч номаълум «авлиё» шахслар дафн этилган. Мақбара тўртбурчак тарҳли, бир хонали, гумбаз томли. Хонага уч томондан кирилади. Хона ичи катак-катак юлдузчалар, бағали қалқонсимон, чуқур равоқлар билан безатилган. Уч ғиштин сағана текис асос устига ўрнатилган.

Ф

ФАЙЗОБОД ХОНАҚОҲИ (Бухоро, 1598—99) — гумбаз билан қопланган кенг хонақоҳ атрофида ҳужралар жойлашган. Хонақоҳнинг шарқий тарзида улкан пештоқ, ён тарзларида очиқ равоқли, томи гумбазли, қатор пилпояли бостирма айвон қурилган. Хонақоҳ ичи нақшлар билан безатилган. Файзобод хонақоҳи ўзига хос услубда қурилган ёдгорликларнинг ягона намунасидир.

Файзобод хонақоҳи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ФАХРИДДИН РОЗИЙ МАҚБАРАСИ (Туркманистон, 12-асрнинг 2- ярми) — Хоразм ҳукмдорларидан Отсиз ва Эларслон даврида қурилган деб тахмин қилинади. Мақбара мурабба тарҳли, гумбази кулоҳий, пойгумбази 12 қиррали. Бош тарзи нафис безатилган.



Фахриддин Розий мақбараси тарҳи.

Х

ХАЙРОБОД ЭШОН МАҚБАРАСИ (Тошкент, 18- аср) — Уста Қодирхўжа раҳбарлигида қурилган. Мақбара гумбаз томли, безаксиз. Ёнидаги масжид гумбазли хона, ҳамда шарқ ва шимолдан унга туташган устунли айвондан иборат. Айвон шипи тоқили, ҳар хил шаклдаги нақшлар билан турли рангда безатилган.

ХАЛИФА ХУДОЙДОД МАЖМУАСИ (Бухоро, 1777—1855) — мадраса, масжид, сардоба ва қабристондан иборат. Ҳовлиси уч томондан бир қаватли ҳужралар билан ўралган. Масжид мурабба тарҳда, гумбаз б-н қопланган. Тарзи ганч ўймакорлиги билан, устунлари эса ўйма нақшлар билан жозибадор безатилган. Сардобага икки зинапоя орқали кирилади. Мадраса тарзида кошин қолдиқлари сақланган. Ҳовлининг шимолидан қабристонга ўтилади. Халифа Худойдод қабри яқинида икки устунли, шипи бўяма нақш билан безатилган айвон бор.

ХАЛФА ТИЛЛО МАЖМУАСИ (Қўқон, 20- аср бошлари) — икки ҳовли, ҳовузли боғ, масжид ва Халфа Тилло даҳмаси жойлашган қабристонда иборат. Улар ўртасида чегара сифатида икки қатор устунли шийпон жойлашган. Халфа Тилло ҳазираси атрофи равоқли тўсиқлар билан беркитилган. Бош тарзи пештоқли, икки ёни гулдастали.

Дўсти худо масжиди Алихон эшон буюртмасига кўра уста Ёқуб бошчилигида қурилган. Тарҳи тенг томонли, устунли хона ҳамда икки томони айвондан иборат. Айвоннинг шипидаги тўсинлар ва устунлари серҳашам безатилган.

ХАРИСБОБО МАҚБАРАСИ (Хоразм вилояти, 18—19-асрлар) — пештоқ, гумбазли зиёратхона ва гўрхонадан иборат. Безаксиз, пишиқ ғиштдан қурилган.

ХИВА ЖУМА МАСЖИДИ (Хива, 1788) — масжид ва минорадан иборат. Масжид томи текис, бир қаватли, шипи ўйма нақшли. Устунлар масжид қурилишига мослаб жойлаштирилган, калтароқларига тош пойустун ўрнатилган. Деворлари равоқлар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Хива жума масжиди.



2. Тарҳи.

га бўлиниб, меҳроб ишланган, меҳроб юқориси тўрсимон, ўйма занжира ва кундал нақшлари билан безатилган. Масжид устунларида Хоразм халқ ўймакорлигининг бой ижодий имкониятлари мужассамланган.

ХУДОЁРХОН САРОЙИ (Қўқон, 19- асрнинг 2- ярми) — меъмор ва муҳандис Мир Убайдулла лойиҳаси ва раҳбарлигида қурилган. Дастлаб хон қароргоҳи, кейинчалик сарой аҳли яшайдиган 100



Худоёрхон саройи

www.ziyouz.com kutubxonasi



Тарҳи.

га яқин хона, заллар ҳамда бир неча ҳовли қурилган. Саройнинг 1- ярмида атрофи айвондан иборат ҳовли бўлиб, унда қабул учун кўринишхона, хазинахона, алоҳида саҳнли масжид жойлашган. Марказида саломхона, хон қароргоҳи, хўжалик бинолари қурилган. 2- ярмини ҳовли саҳнлари билан ўзаро боғлиқ ҳарамхоналар эгаллаган. Бош тарзи, дарвозахона ва тантана заллари ҳашамдор ишланган, қолган бинолар-нинг пардоз ишлари одми ҳолда қолдирилган, Шарқий тарзи ўртасида ҳашаматли пештоқ қурилган. Пештоғи ва тарзининг икки бурчагидаги юқори қисмига мезанали гулдасталар ишланган. Бизгача саройнинг шарқидаги дарвозахона, унинг икки ёнидаги хоналар сақланган.

ХУРЖУН МАДРАСА (Хива, 1688, 1834) — дастлаб 10—12 ҳужрали, бир ҳовлили қилиб Хўжамбердибий мадрасаси қурилган. Кейинчалик икки ҳовлили, хуржунга ўхшаш қилиб қайта қурилган. Олдинги мадрасадан масжид ва унга ёндош хоналар сақланган. Ҳовли саҳни иккига бўлиниб, ўртасида гумбазли дарвозахона, шимолий ҳовли атрофида 10 та ҳужра, жанубий ҳовлида 6 та ҳужра ва дарсхона жойлашган.

ХЎЖА АЛАМБАРДОР МАҚБАРАСИ (Тошкент, 19- аср) — Камолон қабристонида, ислом дини арбоби ва тарғиботчиси Хўжа Аламбардорга атаб қурилган. Пештоқ, гумбазли мурабба тарҳли бир хонадан иборат. Чиллахона мақбарадан 9 *м* нарида ер остида, гумбази ер юзига туртиб чиққан. Безаксиз пишиқ ғиштдан қурилган.

ХЎЖА АМИН ҚАБРИ (Наманган, 18- аср) — пештоқ, гумбазли зиёратхона қабрдан жануброқда жойлашган, қабр устига тўғри бурчакли сағана қўйилган. Кейинчалик қато-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рига масжид-айвон, хонақоҳ ва мадраса қурилган.

Зиёратхона ўйма сопол, гириҳ нақшлар билан безатилган.

ХЎЖА АҲМАД МАҚБАРАСИ (Самарқанд, 14- аснинг 60- йиллари) — мақбара бир хонали, гумбаз томли, равоқли. Тагида сағана жойлашган. Пештоқ китобасига қурьон оятлари битилган, кошин қоплаб безатилган. Ҳуснихат ёзувлар жимжимадор қилиб ёзилган.

ХЎЖА АҲМАД ЯССАВИЙ МАҚБАРАСИ (Қозоғистон, 1389—95) — дастлаб Аҳмад Яссавий қабри устида кичик мақбара қурилган (12- аср). Ёзма манбаларга кўра Амир Темур уни қайта қуришга фармойиш бериб, ўзи бино лойиҳасини ишлаб чиқишда қатнашган.

Бош тарзидаги пештоқнинг икки ёни гулдастали, пештоқ орқали жамоатхонага кирилади. Бошқа хоналар (масжид, катта ва кичик оқсарой, китобхона, чиллахона, ҳалимхона, қудуқхона ва икки қаватли ҳужралар) га саккиз даҳлиздан ўтилади. Даҳлизнинг 6 таси очиқ иккитасининг боши берк.

Жамоатхонада қирқ қулоқли, ғоят чиройли улкан қозон бор. Гўрхона марказидаги мармар сағанада ўйма нақш ва ёзувлар сақланган.

Мақбаранинг ташқи қисми кошин билан қопланган, қурьондан оятлар ёзилган ва турли нақшлар билан серҳашам безатилган.

ХЎЖА АҲРОР МАЖМУАСИ (Самарқанд, 15—20- аслар) — турли даврларда бунёд этилган Нодир Девонбеги мадрасаси, икки айвон, на-



1. Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси.



2. Тарҳи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

мозгоҳ, масжид, минора ҳамда ҳовуздан иборат.

Саккизёқли ҳовуз мажмуанинг маркази ҳисобланади, унинг жанубида Хўжа Аҳрорнинг оқ мармарли қабртоши бўлиб, унга арабий ҳуснихат билан марсия ёзилган. Шимолида Нодир Девонбеги мадрасаси, ички ҳовлининг ғарбида айвон бор. Масжид хонақоҳи турли нақшлар билан серҳашам безатилган. Ҳовлининг шимолида жойлашган ҳужралар содда, безаксиз. Ҳовли ўртасидаги ҳовуз ёнида қад кўтарган минора тарҳи 6 қиррали.

ХЎЖА БАҲРИДДИН МАҚБАРАСИ (Тошкент, 19- аср ўрталари) — Қўшчимозор қабристонида қурилган. Пештоқ гумбазли, бир хонадан иборат. Ғарбида синч деворли, олди айвонли зиёратхона бор.

ХЎЖА ДОНИЁР МАҚБАРАСИ (Самарқанд, 20- аср бошлари) — Афросиёб яқинидаги қадимий мозорда, Авлиё Хўжа Дониёр қабри устида, чўзинчоқ тарҳли, беш гумбазли хонадан иборат, шимолий тарзи пештоқ равоқли. Пештоқнинг икки ёнида қуббали, кўзасимон, курсили гулдасталари ганч ўймакорлиги билан безатилган. Мақбара ичида чўзинчоқ даҳма бор.

ХЎЖА ЗАЙНИДДИН ХОНАҚОҲИ (Бухоро, 16- асрнинг 1- ярми) — масжид-хонақоҳ, катта хона ва 5 кичик ҳужрадан иборат. Хонақоҳнинг жанубий томонидаги равоқлардан бирига Хўжа Зайниддиннинг қабри жойлаштирилган. Бош тарзи пештоқида нақш қолдиқлари сақланган. Айвон шипи етти ҳовузакчага бўлиниб, рангдор тахтачалар билан нақшланган. Ёғоч устунлар баландлиги 7 *м*. Хонақоҳнинг ички девор изоралари майда сирли парчинлар ёрдамида тиниқ рангли мураккаб нақшлар билан безатилган. Қалқонсимон бағаллар ва гумбаз қуббаси кундал услубида безалган.

ХЎЖА ИМКОНАГИЙ ХОНАҚОҲИ (Қашқадарё вилояти, 16—17- асрлар) — олим, шайх Хўжа Абдубоқий номи билан боғлиқ. Дастлаб масжид, мадраса ва карвонсаройдан иборат бўлган. Бизгача хонақоҳ сақланган. Пештоқ гумбазли, бурчакларига гулдаста-миноралар ишланган. Хона деворлари равоқ токчали, безаклари содда. Унинг шарқидаги Хўжа Абдубоқий сағанаси, жанубидаги кичик сағана мармар қоплаб, тош ўймакорлиги билан нафис безатилган.

ХЎЖА ИСО МАҚБАРА — МАСЖИДИ (Сурхондарё вилояти, 11—12- асрлар) — уч хонадан иборат. Пештоқ орқали зинапоядан миёнсаройга тушилади, ундан гўрхонага ўтилади. Гўрхонада уч поғонали сағана жойлашган. Қолган икки хона масжид вазифасини ўтаган. Марказий хонанинг жанубий томонига

www.ziyouz.com kutubxonasi

гўрхонадан ажратиб туриш учун ғиштдан панжарасимон тўсиқ ишланган.

ХЎЖА МАҒИЗ МАҚБАРАСИ (Марғилон, 18- асрнинг 1-ярми) — мақбара бир хонали, пишиқ ғиштдан қурилган. Гумбаз ости қиррадор, ғўласимон асосга ўрнатилган. Сағана қуйма ганч тахтачалардан ташкил топган, бўртма ислимий нақшлар ишланган. Ички томони саккиз бурчакли, меҳробий токчали.

ХЎЖА МУҲАРРАМ МАДРАСАСИ (Хива, 1839) — мадраса бир қаватли. Бош тарзидаги пештоқнинг икки ёнида ҳужралар жойлашган. Икки бурчагида гулдаста бор. Пештоқ орқасидаги миёнсарой икки қаватли, гумбаз томли. Ҳовлининг уч томонини ҳужралар эгаллаган. Ҳовлининг шимоли-шарқидаги дарсхона ташқарига бироз туртиб чиққан.

ХЎЖА РЎШНОЙИ МАҚБАРАСИ (Термиз, 11- аср) — бир хонали, пештоқ гумбазли, хом ғиштдан қурилган. Бош тарзидаги чуқур равоқли пештоқ орқали гўрхонага кирилади. Гўрхона бағаллари муқарнасли, хонага ёруғлик дарчалар орқали тушади. Мақбара безаксиз.

ХЎЖА ҚУРБОН МАДРАСАСИ (Қарши, 18- аср) — мадраса мурабба тарҳли. Бош тарзи пештоқли, ундан гумбазли миёнсарой орқали ҳовлига ўтилади. Кичик ҳовли атрофи ҳужралар билан ўралган. Дарсхона миёнсаройга туташ.

Ч

ЧАДОҚ МАСЖИДИ (Наманган вилояти, 18- аср) — хонақоҳ ва уч томони айвондан иборат. Қўш синчли, девори хом ғиштдан, пойдевори тошдан терилган, хонақоҳ ва айвон серҳашам безатилган.

ЧАШМАИ АЙЮБ МАҚБАРАСИ (Бухоро, 12- аср, 1380) — дастлаб Арслонхон томонидан бунёд этилган. Мақбаранинг энг қадимий қисми ҳисобланган гўрхона (ўз вақтида зиёратчилар учун икки ёнида эшиги ҳам бўлган) қўш гумбазли, олди пештоқли. Остида қудуқ бор (бинонинг номи шундан). Кейинчалик Амир Темур томонидан унга тақаб гумбази катта хона, бурчакларида минорали даҳлиз қурилган. Бинолар гумбази бир-бирига ўхшамайдиган ўзига хосдир.

ЧАҚАР МАСЖИДИ (Марғилон, 1911) — дастлаб хонақоҳ, айвон ва хўжалик биноларидан иборат бўлган. Бизгача бинонинг айвон қисми сақланган. Айвоннинг уч томони ёпиқ, шипи тўсинлар ёрдамида тўғри бурчакли хоналарга ажратилган, уларнинг ҳар бирига ажойиб гуллар солинган гулдонлар ишланган, турли рангдаги нақшлар билан серҳашам безатилган.

ЧИЛ АВЛИЁ МИНОРАСИ (Хива, 19- аср) — қирқ авлиё

www.ziyouz.com kutubxonasi

масжиди (сақланмаган) ёнида барпо этилган. Минора баландлиги 17 *м*, пишиқ ғиштдан қурилган. Фонусининг тепаси қуббали. Танасига оқ ва кўк кошиндан белбоғлар қилинган.

ЧОР ГУМБАЗ МАСЖИДИ, Халфа эшон масжиди (Қашқадарё вилояти, 11—12-асрлар) — масжид бир хонали, мурабба тарҳли, хонақоҳи тўрт гумбазли. Гумбази марказий устунга ва деворларига таянган. Ички деворларида кошинкори ва гулганч нақшлар, тилла ҳалли ёзувлар сақланган.

ЧОР МИНОР (Бухоро, 1807) — Халифа Ниёзқул қурдирган. Пешайвон типидаги масжид, бир қаватли мадраса, китобхона, ҳовли ва ҳужралардан иборат. Китобхона ўзига хос услубда мурабба тарҳли, тўрт бурчагида тўртта баланд мезанаси бор. Улар минорага ўхшайди (номи ҳам шундан). Пештоқ орқали миёнсаройга кирилади, тепасида кутубхона жойлашган. Кутубхонага минора орқали чиқилган.

ЧОРБАКР АНСАМБЛИ (Бухоро, 16—19-асрлар) — Жўйбор хўжаларидан Абу Бакр Саъд (970 да вафот этган) номи билан боғлиқ. Дастлаб унинг невараси ҳожи Муҳаммад Исломнинг авлодлари қабристони этагида Абдуллахон II томонидан хонақоҳ, масжид ва мадрасадан иборат ансамбль барпо этилган (1559), кейинги асрларда яна қўшимча бинолар қурилиб, атрофи чорбоғга айлантирилган. Хонақоҳ гумбазли хона ва пештоқдан иборат. Пештоқ безагида кошинкори нақшлар ва йирик кўфий ёзувлар, икки ён қанотида гулдасталар бор. Ички безагида ганчкорлик ва қирма наму-

Чорбакр ансамбли.

www.ziyouz.com kutubxonasi

налари учрайди. Мадраса пештоғи кенгроқ, даҳанаси уч равоққа бўлинган. Китобаси арабий ёзувдан иборат. Дарсхона тўртбурчак тарҳли, гумбазли, бурчаклари ҳужраларга туташиб кетади. Ён тарзлари қўшқават равоқлар қаторини такрорлайди. Масжид майдон саҳнининг тўрида мадраса ва хонақоҳ орасида жойлашган. Пештоғининг икки қаноти қўш қаватли ҳужралардан иборат. Пештоқ олдидаги супа саҳнидан намозгоҳ сифатида фойдаланилган.

ЧОРСУ (Шаҳрисабз, 1598—1602) — шаҳарнинг бош савдо иншооти, мурабба тарҳли тимнинг ҳар тўрт томонида пештоқли, қўш табақа дарвозаси бор. Тўрт томондан келган йўллар саҳни шу савдо тимининг ўртасидаги улкан гумбаз тагида кесишади. Унинг остидаги савдо расталари бўйлаб тўрт бурчакли хоналар жойлашган. Бу хоналардан ҳозир ҳам савдо иншооти сифатида фойдаланилмоқда.



Чорсу (Шаҳрисабз) тарҳи.

ЧОРСУ (Самарқанд, 18- аср) — Регистон яқинидаги чорраҳада жойлашган усти берк бозор-тим. Ҳозир ҳам дўконлари гавжум.

ЧЎПОН ОТА МАҚБАРАСИ



Чорсу (Самарқанд) тарҳи.

(Самарқанд, 14- аср) — мақбара чортоқ тарҳли, тўрт томонида эшик ўрни бор. Гумбази феруза ранг кошин билан қопланган. Хона ичи чуқур равоқлар ҳисобига кенг кўринади. Дастлаб бино кўшк сифатида қурилгани ҳақида тахмин бор.

ЧЎПОН ОТА МАСЖИД-МАҚБАРАСИ (Тошкент, 18—20- асрлар) — қадимий мозорнинг кираверишидаги пештоқ гумбазли дарвозахона, икки ёни минора-мезана. Ғарбида масжид. Узун йўлакдан Чўпон ота мақбарасига ўтилади.

Масжид хонақоҳ ва айвондан (шимолий томонида) иборат бўлган (17- аср ўрта-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лари). 1950 да хонақоҳ уч қисмга бўлиниб, ойнавандли узун айвон қурилган. Унинг қаршисида замонавий кўшк, ундан сал нарида ҳовуз бор.

Мақбара гумбазли кичик хонадан иборат. Пештоқининг икки ёнига гулдаста ишланган, ички деворининг тўрт томони равоқли, марказида сағана жойлашган.

Ш

ШАЙХ МУХТОР ВАЛИ МАҚБАРАСИ (Хоразм вилояти, 14- аср) — катта ва кичик хона ҳамда гўрхонадан иборат. Катта хонанинг тўрт томони чуқур равоқли, кейинчалик ёнларидаги ҳужраларга эшик очилган. Кичик хонанинг ҳам бурчакларида ҳужралар, шунингдек зиёратхона қурилган. Орқасида икки гўрхона, ҳалимхона ва омборхона бор. Мақбараларда Шайх Мухтор Вали, унинг хотини ва яқин кишилари қабрлари жойлашган. Муҳаммад Раҳимхон ҳукмронлиги даври (1807—27) да қайта таъмир этилиб, бир устунли айвон ва қорихона қурилган.

ШАЙХ ҚАЛАНДАРБОБО МАЖМУАСИ (Хива, 16- аср —1894) — шоҳ амалдорларидан бири Раҳматулла Ясовулбоши томонидан қурила бошланган. Муҳаммад Раҳимхон II нинг синглиси Бикажон-Бика томонидан ниҳоясига етказилган. 16- асрда яшаган шайх Қаландарбобо мақбараси атрофида мадраса, масжид, минорадан иборат мажмуа барпо этилган. Мадрасага бош тарзидаги уч гумбазли миёнсарой орқали кирилади. Миёсаройнинг учинчи хонаси дарсхона ва масжид билан ўзаро боғланган. Пештоғи шимолга қараган, унинг икки бурчагида гулдасталар қад кўтарган. Минора (баландлиги 18 *м*) пештоқдан 4 *м* нарида, бош тарзи марказида жойлашган. Унинг белбоғига ғиштлар мавжли шаклда терилган. Мақбаранинг уч хонасидан бизгача зиёратхона сақланган.

ШАЙХ ҲУСАЙНБОБО МАҚБАРАСИ (Хива, 16—18- асрлар) — мақбара уч гумбазли, икки хонали — зиёратхона ва гўрхонадан иборат.

ШАЙХОНТОҲУР МАЖМУАСИ (Тошкент, 15—19- асрлар) — Шайх Хованди Тоҳур мақбараси (19- асрда қайта қурилган) зиёратхона ва гўрхонадан иборат, безаксиз, ички деворлари чуқур равоқли, дарчаларига кошинкори панжаралар ишланган. Кейинроқ чиллахона, Ҳазрати Мир мақбараси (15- аср), Юнусхон мақбараси (15- аср) қурилган. Уч масжид биноси, минора, Эшон қули Додҳо мадрасаси сақланмаган.

ШАЙХ ҲАСАН САБРОНИЙ МАҚБАРАСИ (Хоразм вилояти, 14- аср бошлари) — Шайх Ҳасан Саброний (тахминан 12- асрда яшаган) мақбараси 14- аср бошларида

www.ziyouz.com kutubxonasi

қурилган. Бир хонали, гумбази сақланмаган. Бош тарзи пештоқли, безаксиз. Асримизнинг 80- йилларида қайта қурилган.

ШАМСИДДИН КУЛОЛ МАҚБАРАСИ (Шаҳрисабз, 14—15- асрлар) — Амир Темурнинг пири Шайх Шамсиддин кулол дафн этилган (1370). Мақбара бир хонали, гумбази сақланмаган. Ичидаги сағана мармар тошдан, ўйма нақш билан жозибадор безатилган.

ШАРИФБОЙ МАДРАСАСИ (Қарши, 18- аср) — мадраса мударриси Шариф хўжа қурдирган. Мадраса унча катта эмас, тарҳи тўғри тўрт бурчакли. Бош тарзи марказидаги пештоқдан миёнсарой орқали кичик ҳовлига чиқилади. Ҳовли атрофида балхи гумбазли ҳужралар жойлашган. Ғарбида пешайвонли масжид бор.

ШЕРДОР МАДРАСА (Самарқанд, 1619—36) — Регистон ансамбли таркибида. Ялангтўш Баҳодир қурдирган. Мадраса икки қаватли. Бош тарзидаги пештоқнинг икки ёнига гулдаста ишланган. Пештоқ ичкарисидаги кошинкори безак орасида қора заминли кошинга оқ ҳарфлар б-н меъмор Абдужаббор номи ёзилган. Қаносларидаги қизғиш зарҳал тусли шер оқ оҳуни қувмоқда. Қуёш бодомқовоқ, қийиқ кўзли қилиб тасвирланиб, юзи зарҳал тусли ёғду б-н ҳошияланган. Мадраса номи шу тасвирдан келиб чиққан. Бинонинг серҳашамлиги шу пештоғида. Пештоқнинг икки томонида гумбазли дарсхона ва масжид жойлашган. Ҳовли атрофидаги икки қаватли ҳужралар (54 та) нинг олди равоқли



Шердор мадраса.

www.ziyouz.com kutubxonasi

айвон. Айвонлар ёзда дарсхона вазифасини ўтаган. 1960—64 йилларда пештоқ қаносларидаги кошинкори нақшлар қайта тикланган.

ШЕРМУҲАММАД МАДРАСАСИ (Қарши, тахминан 17—18- асрлар) — мадраса чорси тарҳли, бош тарзи беш хонадан иборат. Марказида миёнсарой, икки ёнида дарсхона жойлашган, бурчакларига гулдасталар ишланган. Гулдасталар тепаси фонусли. Миёнсарой орқали ҳовлига чиқилади. Ҳовли атрофи олди равоқли ҳужралар б-н ўралган. Безагида ганч ўймакорлиги ва часпак услубида гириҳ нақшлар қўлланилган.

ШЕРҒОЗИХОН МАДРАСАСИ (Хива, 1719—26) — Ичан қалъа таркибида. Хива хони Шерғозихон Хуросонга қилган юриши (1718) чоғида асир олган қуллари тиклаган. Мадрасанинг ғарбида қурилган кичик хонага хон жасади дафн этилган. Мақбара бош тарзига туташ қилиб қурилган.

Мадраса бош тарзи икки қаватли. Улкан пештоқ орқали кираверишда гумбазли миёнсарой, унинг икки бурчагида чортоқ тарҳли, гумбазли масжид ва дарсхона жойлашган. Миёнсарой тепасидаги кичик ҳужралар талабалар учун ётоқхона бўлган. Деворларига токча, тахмон, косамонлар ишланган. Ҳовли атрофидаги бир қаватли қатор ҳужралар олди айвонли бўлиб, ҳовли ўртасида ҳовуз жойлашган. Мадраса безаксиз.

ШИРИНБЕКА ОҚО МАҚБАРАСИ (Самарқанд, 14- аср охири — 15- аср бошлари) — Шоҳи зинда ансамбли таркибида. Темурнинг синглиси Ширинбека оқога атаб қурилган. Мақбара бир хонали, бош тарзи серҳашам безатилган. Қолган тарзлари безаксиз. Бош тарзида турли нақшлар ва ёзувлар қолдиғи сақланган. Гумбазнинг сирланган нақшлари сопол кошин ва ғиштчалардан терилган, зарҳал нақшларнинг жигар ранги қизил замин б-н уйғунлашиб, жуда нафис ва серҳашам кўринади. Ички деворига тилла ҳалли ва ўсимликсимон нақшлар, намоёнларида манзара тасвири ишланган. Ўйма кошин ишлатилган иншоотнинг дастлабки намунасидир.

ШОБУРҲОН ОТА МАҚБАРАСИ (Бухоро, 11- аср) — тарҳи саккиз қиррали. Ички ва ташқи томони чуқур равоқли. Пештоқ қаноси ва ҳошиялари турли ёзувлар ва ўйма сопол, гириҳ нақшлар б-н безатилган (сақланмаган). Мақбара бизгача анча вайрона ҳолда етиб келган.

ШОБУРҲОН ОТА МАСЖИДИ (Бухоро, 14- аср) — мақбара ва катта хонақоҳли масжид, ғарбдан масжидга туташган икки хароба ҳолдаги бинодан ташкил топган. Шимолида гўрхона, жануби-

www.ziyouz.com kutubxonasi



Шоҳи зинда ансамбли лойиҳа-тарҳи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШОҲИ ЗИНДА АНСАМБЛИДАГИ БИНОЛАР ТАРҲИ

1. Қусам ибн Аббос мақбараси, 11- аср.
2—3. Зиёратхона, 11—15- асрлар. Тагида чиллахона, 11- аср.
4. Минора, 11- аср.
5. Юқори чортоқ (учинчи чортоқ), 14- аср.
6. Хўжа Аҳмад мақбараси, 14- аср ўрталари.
7. Мақбара, 1361 йил.
8. Шоди Мулк оқо (Туркон оқо) мақбараси, 1372 йил.
9. Туғлу Текин (Амир Ҳусайин) мақбараси, 1386 йил.
10. Амирзода мақбараси, 1386 йил.
11. Устод Али қурган мақбара, 14- аср 80- йиллари.
12. Мақбара, 14- аср 90- йиллари.
13. Амир Бурундуқ мақбараси, 14- аср 90- йиллари.
14. Ширинбека оқо мақбараси, 1385—86- йиллар.
15. Туман оқо мақбараси, 1405—06- йиллар.
16. Туман оқо хонақоҳи, 15- аср бошлари.
17. Қўшгумбазли мақбара, 15- аср.
18. Дарвозахона (биринчи чортоқ), 1434 — 35- йиллар.
19. Масжид, 1434—35- йиллар.
20. Саккиз қиррали (Мусаммон) мақбара, 15- аср 30—40- йиллари.
21. Қусам ибн Аббос мақбараси ёнидаги катта масжид, 15- аср 60- йиллари.
22. Катта масжид хоналари, 15—19- асрлар.
23. Давлат қушбеги мадрасаси, 1812—13 йиллар.
24. Зина ва ўрта чортоқ (иккинчи чортоқ), 18—19- асрлар.
25. Айвон масжид, 19- аср.
26. Мақбара, 14- аср 80- йиллари.
27. Тамғоч Буғрохон мадрасаси қолдиқлари (тахминан) 11- аср.
28. Мақбара, 14—15- асрлар.
29. Мақбара, 15- аср.
30. Мақбара, 14- аср.
31. Мақбара, 14- аср 60- йиллари.
32. Иморат қолдиқлари, 14- аср 70- йиллари.
33. Мақбара, 13- аср.
34. Иморат қолдиқлари, 14- аср 60—70- йиллари.
35. «Номсиз —2» мақбара 15- аср.
36. Мақбара сардобаси, 15—16- асрлар.
37. 11—12- асрларга оид бинонинг безак қолдиқлари.
38. 12- асрга оид бинонинг девор бўлаги безаклари.
39. 11—12- асрларга оид бино қолдиқлари.
40, 41, 42. «Ғарбий йўлакдаги» мақбара қолдиқлари.
43. 16—17- асрларга оид мақбара қолдиқлари.
44. Қусам ибн Аббос комплексидаги катта масжид ёнида жойлашган деб тахмин қилинган 11- асрга оид масжид.

www.ziyouz.com kutubxonasi

да чиллахона бор. Тарзлари пештоқли, беш равоқли узун айвон бўлиб, ён томонларига кейинроқ тепаси фонусли қилиб минора-гулдаста ишланган. Масжид безаксиз.

ШОВОДХЎЖА БОБО МАҚБАРАСИ (Хоразм вилояти, 17—18- асрлар) — мақбара пештоқ гумбазли бир хонадан иборат. Пештоғи юқори томон ингичкалашиб борган ва икки ёни ясси токчаларга бўлинган. Мақбара безаксиз.

ШОҲИ ЗИНДА АНСАМБЛИ (Самарқанд, 11—20- асрлар) — Афросиёб тепалиги жанубида жойлашган қабристондаги мақбаралардан ҳамда масжид, минора ва мадрасадан иборат. Уларнинг энг қадимийси Қусам ибн Аббос мақбараси бўлиб, халқ орасида Шоҳи зинда (Тирик шоҳ) номи б-н машҳур.

Ансамбль бир-бири б-н йўлак орқали боғланган уч гуруҳ бинолардан иборат. Қуйи гуруҳдаги иншоотлар Улуғбек ўғли номидан қурдирган Абдулазиз чортоғи (1434—35), унга шимолдан Давлат қушбеги мадрасаси (1812—13) туташ, унинг қаршисида айвонли масжид нақшлар б-н нафис безатилган. 40 босқичли тик зинапоя ўрталиғининг чап томонида зиёратхона ва гўрхонадан иборат қўшгумбазли мақбара (15-аср) жойлашган.

Ўрта гуруҳдаги бинолар: Амирзода мақбараси, Туғли Текин мақбараси, Ширинбека оқо мақбараси, унинг қаршисида Темурнинг бошқа синглиси Туркон оқо мақбараси, Саккиз қиррали мақбара, Али Насафий мақбараси кабилар.

Юқори гуруҳдаги бинолар: зиёратхона, уч қисмдан иборат масжид, Хўжа Аҳмад мақбараси, 1360—61 да қурилган мақбара, Туман оқо комплекси (1405—06), 2-номсиз мақбара (14- аср охири) нинг кираверiш деворигина сақланган. Шунингдек Тамғоч Буғрохон мадрасаси (11- аср), Амир Бурундуқ мақбараси (14- аср охири) кабилардир.

Ансамбль таркибидаги 20 дан ортиқ иншоотлар давлат муҳофазасига олинган. 19—20- аср бошларида ансамблнинг яна бир неча бинолари барпо этилган. 18- асрда вайрон бўлган зина ўрнида кейинчалик 40 поғонали ғиштин янги зина қурилган.

ШОҲИ МАРДОН КОМПЛЕКСИ (Хоразм вилояти, 19- аср) — Шоҳи Мардон қабристонида, қорихона, масжид, ошхона, таҳоратхона, мулла ва зиёратчилар у-н ётоқхона ҳамда хон авлодлари ва аслзодларнинг мақбараларидан ташкил топган. Мақбара пештоқ гумбазли бир хонадан иборат. Йўл ёқасида жойлашган уч қорихона сўнгги давр мадрасаларига хос услубда барпо этилган. Икки мақбаранинг бири етти гумбазли, иккин-

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиси икки гумбазли. «Қўш мозор» номи б-н кенг тарқалган ер ости мақбараси 3 қисмдан иборат. Бош тарзидаги пештоқ орқали миёнсаройга кирилади, унинг икки ёнида гўрхона жойлашган. Ҳозир биноларнинг кўпи бузилган, вайрон ҳолда.

Ю

ЮНУСХОН МАҚБАРАСИ (Тошкент, 15- аср) — Тошкент ҳокими Юнусхон (1416—87) га атаб унинг ўғли Аҳмадхон (Олачахон) қурдирган. Мақбара пештоқ гумбазли, катта хона ва икки ёнида қўш қаватли ҳужралардан иборат. Бош тарзидаги панжараси ёғоч ва ганчдан ишланган, ёғоч ўймакорлигида ишланган эшик (1833) ўрнатилган.



Юнусхон мақбараси.

ЮНУСХОН МАҚБАРАСИ (Хива, 1559) — зиёратхона ва гўрхонадан иборат, чархи гумбаз б-н қопланган. Ички деворининг гумбаз ости бағали, равоқларининг ғиштлари мавжли шаклда терилган. Мақбара безаксиз.

ЮСУФХОН ЭШОН МАҚБАРАСИ (Фарғона вилояти, 18- аср) — мақбара панжара б-н ўралган қабр, ғарб томондан тақаб солинган пештоқ-гумбазли зиёратхонадан иборат. Бош тарзидаги ҳашаматли пештоқ ганчкори ўйма нақшлар б-н безатилган. Унинг икки ёнига гулдаста ишланган. Зиёратхона гумбази юлдузсимон йигирма қиррали пойгумбазга ўрнатилган. Хона бурчакларига муқарнаслар ишланган.

ЮСУФ ЯСОВУЛБОШИ МАДРАСАСИ (Хива, 1906) — хон ясовулбошиси Юсуф маблағига қурилган. Мадраса бир қаватли, бурчакларига гулдаста ишланган. Пештоғининг икки ёнида қатор равоқли, уч гумбазли миёнсарой, унинг икки ён томонида икки ҳужра жойлашган. Ҳовли атрофидаги ҳужраларнинг олди равоқли. Бош тарзи олдига масжид қурилган.

Ў

ЎЙИҚГУМБАЗ МАҚБАРАСИ (Сурхондарё вилояти, 11 — 12- асрлар) — мақбара хом ғиштдан қурилган. Бош тарзи чуқур равоқли. Пештоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

тепасига бешта майда ясси равоқчалар ишланган. Шимоли-шарқидаги айвоннинг қолдиқлари сақланган. Гумбази қулаб тушган.

ЎҒЛОНЖОН ОТА МАҚБАРАСИ (Қамаши, 18 —19-асрлар) — мақбара пишиқ ғиштдан қурилган, гумбаз томли. Бош тарзидаги пештоғи ясси равоқли, бурчакларига гулдаста ишланган. Хонанинг тўрт томони равоқли. Ичида сағана бор.

Қ

ҚАЛАНДАРХОНА МАСЖИДИ (Каттақўрғон, 1909—10) — Нурилло Маҳсум раҳбарлигида қурилган. Хонақоҳ, айвон, бош тарзи олдидаги катта ҳовуз ва минорадан иборат.

Хонақоҳ мурабба тарҳли, тўрт устунли. Шипи ва устунлари нақшлар б-н серҳашам безатилган. Шипи 9 бўлакка бўлиниб, ҳошияланган. Марказий қисмига ҳовузак ишланган. Айвон шипи ўсимликсимон ва гириҳ нақшлар ҳамда мураккаб муқарнасли ҳовузаклар б-н безатилган. Минора масжиддан 15 *м* нарида жойлашган. Минора танасига кўк ва ҳаво ранг кошинлар қоплаб, ғиштлар мавжли шаклда терилган.

ҚАЛДИРҒОЧБИЙ (ҲАЗРАТ МИР) МАҚБАРАСИ (Тошкент, 15- асрнинг 1- ярми) — Шайх Хованди Тоҳур комплекси таркибида. Мақбара чортоқ тарҳли, гумбази қўш қаватли. Ташқи гумбази кулоҳсимон, пишиқ ғиштдан ганч қоришмасида терилган. 19- аср ҳужжатларида Ҳазрат Мир мақбараси деб номланган. Ривоятларда Қалдирғочбий лақаби ҳам учрайди.

ҚАМАШИ САРДОБАСИ (Қашқадарё вилояти, 1892) — сув сақланадиган ҳовуз. Бош тарзи пештоқли, гумбази ясси поғонали. Гумбазидаги дарчалар орқали ичига ёруғлик тушади. Ҳовузга пештоқдаги айланма зина орқали тушилади. 1913 да таъмирланган.

ҚАРШИ НАМОЗГОҲИ, Кўк гумбаз (Қарши, 1590—91) — марказида хонақоҳ, икки ёнида бир хил кўринишдаги тўртта хона бор. Бош тарзидаги пештоқ кошин қоплаб безатилган, китобасига қуръондан оятлар кўчириб ёзилган, Абдуллахон номи ва сана зикр этилган. Хонақоҳ қўш гумбазли (ташқи гумбази қулаб тушган), ён томонидаги хоналар пастроқ балхи гумбазли. Олд томонида намозхонлар у-н кенг майдон ажратилган.

ҚАФФОЛ ШОШИЙ МАҚБАРАСИ (Тошкент, 16- аср) — Ҳазрати Имом (Ҳастимом) номи б-н машҳур бўлган Имом Абубакр Муҳаммад Қаффол Шоший мақбараси (атрофидаги комплекс сақланмаган). Мақбара чортоқ тарҳли зиёратхона ва

www.ziyouz.com kutubxonasi



Қаффол Шоший мақбараси.

гўрхонадан иборат. Зиёратхона қўш гумбазли, тўрдаги хонада сағана бор. Пештоғи ва унинг икки ёнидаги буржи анъанавий услубда ишланган. Эшик тепасида бинонинг қурилган санаси, меъмор ва хаттотнинг исми ёзилган. Пойгумбазидаги ёзувлар сақланмаган.

ҚИРҚҚИЗ ҚАЛЪАСИ (Термиз, 9—10- асрлар) — илк ўрта асрда бойларнинг шаҳар ташқарисидаги қўрғонсаройи бўлган, деб тахмин қилинади. Қалъа хом ғиштдан, равоқлари эса пишиқ ғиштдан барпо этилган. Хоналар бир қаватли, даҳлизлар икки қаватга ўхшатиб ишланган, умумий баландлиги бир хил. Хоналарнинг тепаси, асосан, тоқилар, баъзи хоналарнинг тепалари гумбазлар билан беркитилган. Тўрт бурчагини тўрт минорабурж безаб турган. Айвон ва йўлаклар бинони тенг тўрт қисмга ажратади. Бизгача анча вайрона ҳолда етиб келган.

ҚОЗИ КАЛОН МАДРАСАСИ (Хива, 1905) — хон қозиси Қози Калон Салим Охун томонидан қурилган. Мадрасанинг бош тарзи пештоқи икки бурчагига анъанавий гулдаста ишланган. Ўймакори қилиб ишланган эшик орқали уч гумбазли миёнсаройга кирилади. Унинг икки ёнида масжид ва дарсхона жойлашган. Ҳовли атрофини бир, икки хонали ҳужралар эгаллаган. Ҳовлининг жанубида қўшимча хоналар бор.

ҚОРИХОНА (Хива, 1863—77) — қуръон ўқувчилар (кейинчалик кўрлар) ётоқхонаси. Алоҳида қурилган 4 бинодан иборат. Уларнинг меъморий тузилиши Хоразм тураржой бинолари ва мадрасаларига хосдир. Бош тарзидаги пештоқ кўк бандак б-н безатилган, чуқур равоқли, тепаси данданали. Ёғоч ўймакорлигида ишланган эшигида бинонинг қурилган санаси ёзилган. Хоналар шимолга қараган. Ик-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кинчи қорихонанинг қаршисида пастак терс айвон мавжуд. Учинчи қорихона бинолар ичида энг кичик ва содда қурилгани б-н фарқланади. Хоналарга ёруғлик фақат эшик орқали тушади. Уларнинг томи балхи гумбазли, айвони текис тўсинли.

ҚОРИХОНА ХОНАҚОҲИ (Фарғона вилояти, 17—18-асрлар) — қорилар (қуръон ўқувчилар) хонаси. Илгари бу ерда дарвишлар қуръон ўқиш ва зикр тушиш у-н тўпланиб туришган. Ҳовлининг икки томонида ҳужралар жойлашган. Улар туташган жойда гумбазли тамаддихона қад кўтарган. Хоналар тош ўчоқ б-н иситилган. Ҳовлининг жанубида шу ерлик эшоннинг равоқли саганаси, унинг ёнида 2 м чуқурликда чиллахона жойлашган. Хонақоҳ гумбази тухумсимон шаклда, хом ғиштдан ишланган.

ҚОСИМ ШАЙХ ХОНАҚОҲИ (Навоий, 16—20-асрлар) — дастлаб дин арбоби Қосим Шайх (1571 да вафот этган) учун хонақоҳ барпо этилган. Шайх вафотидан сўнг ён хонага кўмилган. Даҳма мармар б-н қопланган. Бухоро хони Абдуллахон II (16-асрнинг 80-йиллари) хонақоҳ қурдирган. Хонақоҳ қўш гумбазли, чортоқ тарҳли, пойгумбази 14 *м*, ички гумбаз ости бағаллари ироқи муқарнаслар б-н тўлдирилган. Тарзининг уч томони пештоқли. Жанубий пештоқ ҳашаматлилиги б-н ажралиб туради. 1910 да атрофи девор б-н ўралиб, ҳазира тарзида қўшимча бинолар (зиёратхона, масжид, айвон ва б. хоналар) барпо этилган.

ҚУСАМ ИБН АББОС МАЖМУАСИ (Самарқанд, 11—15-асрлар) — Шоҳи зинда ансамбли таркибида. Турли даврларда барпо этилган масжид мақбара ва чиллахонадан иборат. Қусам ибн Аббос (Шоҳи зинда — тирик шоҳ) — Муҳаммад пайғамбарнинг амакиваччаси ва яқин сафдоши, марказий Осиёда ислом динини биринчи тарғиботчиларидан бўлган.

Комплексга чортоқнинг шарқий равоғидаги икки табақали фил суяги қадаб, нозик ўйма нақшлар б-н безатилган эшик орқали кирилади. Йўлакнинг ўнг томонидаги минора (12-аср) баландлиги 12 *м*, юқориси кичик фонуссимон туйнуклар б-н якунланган. Масжид уч қисмга ажратилган. Ён томонидаги девор устунлар ёрдамчи ҳужраларга бирлаштирилган. Ички деворнинг изораси сиркор парчинлар б-н юлдузсимон қилиб безатилган. Намоёнлар чеккаси ўсимликсимон нақш — қўш ислимий, сиркор парчинли ҳошия б-н ўралган. Меҳроби арабий ёзувли сиркор парчинлар б-н нақшланган, қуръон оятлари ва ҳадислардан парчалар келтирилган. Унинг шарқида миёнхона, жануби шарқий бур-

www.ziyouz.com kutubxonasi

чакдан мақбарага ўтилади. Мақбара гўрхона-сағана, зиёратхона ва унинг остида жойлашган чиллахонадан иборат. Қусам ибн Аббос сағанаси Темур ҳукмронлиги даврида ўрнатилган. Сағананинг ён юзаларидаги ўсимликсимон нақшларга қўшиб зарҳал б-н қуръон оятлари ва ҳадислар ёзилган. Юқорисида вафот этган санаси қайд этилган.



Қусам ибн Аббос мақбарасининг кираверириши.

ҚУТБ МИНОР (Ҳиндистон, 1200—1220) — Султон Элтутмиш даврида ўшлик дин арбоби Ҳожи Қутбиддин Бахтиёр шарафига қурилган. Минора 5 қатламли (дастлаб 4 қатламли бўлган), қуйи 3 қатлам турли рангдаги қумтош б-н, юқори 2 қатлами (яшин уриб вайрон бўлган) 14- асрда оқ мармардан безаксиз, қайта тикланган. Тарҳи конуссимон ғаровли. Белбоғига муқарнас нақшлар ишланган, султонлар тарихи, уларга мадҳия, қуръон оятларидан ёзиб безатилган.

ҚУТЛУҒМУРОД ИНОҚ МАДРАСАСИ (Хива, 1804—12) — Оллоқулихоннинг тоғаси Қутлуғмурод Иноқ қурдирган. Унинг васиятига кўра миёнсарой замини тагига дафн этилган. Бош тарзидаги улкан пештоқнинг икки ёни уч равоқли, икки қаватли бурчакларига гулдасталар ишланган. Пештоқ орқали миёнсаройга кирилади. Миёнсарой уч хонали, икки ёнида масжид ва дарсхона бор. Пештоғи, миёнсарой рангли ўйма ганч б-н, равоқлари муқарнас нақшлар б-н тўлдирилган. Сирли парчин ва кошин қоплаб безатилган. Ҳовлидаги ер остида жойлашган гумбазли сардобадан Хива аҳолиси фойдаланган.

ҚЎШМАДРАСА (Бухоро) — *Модарихон мадрасаси* ва *Абдуллохон мадрасаси*дан иборат комплекс.

ҚЎШДАРВОЗА (Хива, 20-аср бошлари) — Дишан қалъанинг шимолий дарвозаси. Дарвозахонанинг ўтиш йўли қўш равоқли (номи ҳам шундан). Бош тарзидаги уч гулдаста-бурж ўтиш йўлидаги равоқлар б-н ўзаро боғланган. Буржларга кошиндан белбоғлар ишланган. Дар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

возахона беш гумбазли. Унинг ёнидаги пастқам тор хоналарга ёнидаги алоҳида эшик орқали кирилади.



Қўшдарвоза тарҳи.

ҚЎҚОН ЖОМЕ МАСЖИДИ (Қўқон, 1809—1822 йиллар) — Умархон номи б-н боғланган. Улкан хонақоҳ ва уч томони 98 ёғоч устунли кенг айвондан иборат.

Айвон шипи тўсинлари ислимий ва гириҳ нақшлар б-н, деворлар ганчкори безак б-н, изоралари «часпак» услубида безатилган. Устунлар ўйма нақшлар б-н безатилган, курсиси мармардан ишланган. Масжиднинг ёнидаги минора конус шаклида бўлиб, тепаси олти қиррали қафаса-туйнук ва қубба б-н тугалланган. Юқорига айланма зина орқали чиқилади, безаксиз.

Ғ

ҒИШТЛИ МАСЖИД (Қўқон, 20- аср бошлари) — маҳаллий усталар томонидан пишиқ ғиштдан қурилган. Хонақоҳ ва айвондан иборат. Айвон шипи ислимий нақшлар б-н безатилган. Безагида қизил ва яшил ранглар кўпроқ ишлатилган. Икки қаторли, 12 та қиррадор ёғоч устун юқориси ўзига хос турли шаклдаги нақшлар б-н ишланган. Ҳозир унда кутубхона жойлашган.

ҒОЙИБНАЗАР МАДРАСАСИ (Наманган, 19- аср охири) — мадраса бош тарзи пештоқли, буркчакларига минора ишланган. Миноралар усти мезанали, сирти ғиштин нақшлар б-н безатилган. Ҳовли атрофи ҳужралар б-н ўралган. Бурчакларидаги дарсхоналар гумбази қобирғали. Кейинчалик ҳовли усти ёпилиб, кенг зал қурилган. Унда маданият уйи жойлашган.

Ҳ

ҲАЗРАТ БАШИР ОТА МАСЖИДИ (Шаҳрисабз, 15- асарнинг 2- ярми) — Улуғбекнинг дўсти, олим Башир ота (Саид Аҳмад, 1461—62 да вафот этган) номи б-н

www.ziyouz.com kutubxonasi

боғлиқ. Катта масжид ва мақбарадан иборат бўлган. Бизгача Башир ота қабри устидаги сағана сақланган. Сағана икки поғонали асос устига ўрнатилган, ўйма нақшлар б-н безатилган. Унинг устига 18- асрда масжид қурилган. Хонақоҳ синчли, деворлари лой сувоқ қилинган, шипи ясси тоқили, тўртта ёғоч устунга ўрнатилган.

ҲАЗРАТИ ИМОМ МАЖМУАСИ (Тошкент, 16—20- асрлар) — дастлаб Бароқхон мадрасаси, кейинроқ Қаффол Шоший мақбараси, 16- аср охирларида Суюнчхон ва номаълум мақбара, 1579 да Абдуллахон II маблағига Шайх Бобоҳожи мақбараси «қўш» услубида қурилган (сақланмаган). Комплексда сайргоҳ боғ барпо этилган, айвонлар қурилган. Ҳовуз атрофи кўкаламзорлаштирилган. Тошкент намозгоҳи (19- аср), Мўйи Муборак мадрасаси (1856—57), Тилла шайх номи б-н машҳур жума масжид бунёд этилган.

ҲАЗРАТИ ИМОМ МАЙИН МАЖМУАСИ (Қашқадарё вилояти, 11—19- асрлар) — авлиё Имом Аъзам мақбараси атрофида барпо этилган. Атрофи девор б-н ўралган ташқи кичик ҳовли (отхона ва унга туташ катта ҳовли (турли даврларда қурилган бинолар)дан иборат. 11—14- асрларда мақбара, зиёратхона ва масжид қурилган. Масжид гумбазли хонақоҳ ва икки томони айвондан иборат. 19- асрда айвон шипи ва устунлари нақшлар б-н беза-



Ҳазрати имом мажмуаси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилган. Масжид ёнида кичик чиллахона жойлашган. Мақбара масжидга ўхшаш 16 қиррали кулоҳи гумбаз б-н ёпилган. Ичидаги ёғоч сағана ўйма нақшли. Хонақоҳ (16—17- асрлар)га ёндош икки хона (19—20- асрлар) мавжуд.

ҲАЗРАТИ СУЛТОН МАҚБАРАСИ (Қашқадарё вилояти, 12—13- асрлар) — мақбаранинг қадимий қисми узун гўрхона, кенг равоқли йўлак орқали гумбаз томли зиёратхонага ўтилади. Зиёратхонага уч гўрхона туташ. 16—18- асрларда қайта тикланган.

ҲАЗРАТИ ХИЗР МАСЖИДИ (Самарқанд, 19- аср ўрталари) — афсонавий ўлмас шахс Ҳазрати Хизр номи б-н боғлиқ. Бино қадимий масжид пойдевори устига қурилган. Бош тарзидаги тик зинапоядан дарвозахонага чиқиб, унча катта бўлмаган хонага ўтилади. Чапдаги равоқли пешайвон жозибадор нақшлар б-н сарҳашам безатилган. Олд томонида ўймакори 5 устун бор. Ундан хонақоҳга эшик очилган. Хонақоҳнинг икки ёнида ҳужралар бор. Бундан ташқари шоҳнишин қўшимча хоналар, омборхона ва минора мавжуд. Дарвозахона пештоғи кошинкор нақшлар б-н безатилган. Унинг икки ёнидаги гулдаста-минора қуббаси қобирғали. Кейинчалик бинога қўшимча айвон (1899), дарвозахона (1919) қурилган.

ҲАЗРАТИ ҲУСАМ ОТА МАЖМУАСИ (Қашқадарё вилояти, 11—19- асрлар) — масжид, таҳоратхона, зиёратхона, 3 дарвозахона, каттакичик бир неча мақбарадан иборат. Марказида дин арбоби Ҳусам ота (11- асрда яшаган) мақбараси, зиёратхона ва икки кичик даҳма (унинг ўғиллари дафн қилинган), унинг ёнида 9 гумбазли масжид (16—17- асрлар) жойлашган. Масжид ёнидаги йўлакдан Исоқ ота мақбарасига ўтилади. Унинг икки ёнида бир хонали даҳма ва Мансур Муҳаммаднинг икки хонали мақбараси бор. Ҳовли ўртасида атрофи кўкаламзорлаштирилган ҳовуз бўлган.

ҲАЗРАТИ ШАЙХ МАЖМУАСИ (Қашқадарё вилояти, 1339) — уч ҳовлидан иборат бўлиб, уларнинг биринчиси отхона, иккинчиси тураржой бинолари, учинчиси ички ҳовлида жойлашган мақбаралар.

Ҳазрати Шайх мақбараси зиёратхона ва гўрхонадан иборат. Тураржой бинолари хом ғишт ва пахсадан қурилган. Олди айвонли хоналарнинг гумбаз ости бағаллари муқарнас нақшли. Гўрхонадаги сағана нақшлар б-н безатилган, ёзувлар орасида Ҳазрати Шайхнинг номи ва сана сақланган.

ҲАСАНМУРОД ҚУШБЕГИ МАСЖИДИ (Хива, 18—19- аср бошлари) — тураржой биноларига хос кичик, му-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рабба тарҳли, бир устунли айвон, икки устунли хонақоҳ ва унга туташ қўшимча хоналар, шунингдек бурчагида минора, унинг ёнида таҳоратхона жойлашган. Безаклари оддий.

ҲОФИЗ КЎҲАҚИЙ МАДРАСАСИ (Тошкент, 16- аср) — шоир-олим Ҳофиз Кўҳақий (Султон Муҳаммад) маблағига ва унинг раҳбарлигида қурилган. Бош тарзи пештоқли, дарвозахона орқали кенг ҳовлига кирилади. Ҳовли ўртасида ҳовуз, атрофида ҳужралар. Ғарбида минора, кўп устунли нақшинкор айвон, кўк гумбазли хонақоҳ жойлашган.

ҲУМОЮН МАҚБАРАСИ (Ҳиндистон, 16- асрнинг 2-ярми) — Ҳумоюн (Бобурнинг ўғли)га атаб ўғли Акбаршоҳ қурдирган. Қизил қумтош ва оқ мармардан бунёд этилган. Икки қаватли, пастки қават қатор равоқли. Иккинчи қавати уч қисмдан иборат бўлиб, бош тарзи пештоқ равоқли. Марказий хона қўш гумбазли, унинг ёнидаги хоналар тепаси гумбазли қафаса, доира кўшк шаклида. Мақбара боғ марказида жойлашган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МЕЪМОРЛАР

А

АБДУЖАББОР (17- аср) — меъмор. Шердор мадрасанинг меъмори (1619—36). Мадраса пештоғи ичидаги равоқ тепасига «Устод мулла Абдужаббор меъмор» — деган ёзув оқ кошинлар билан терилган.

АБДУЖАББОР (Абдужаббор хитойли, 18- аср охири — 19- аср ўрталари) — хивалик кошинкор уста. Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Кўҳна Арк комплекси ва б. биноларни безашда қатнашган.

АБДУЛЛА ЖИН (19- аср) — хивалик кошинкор. Ижоди нафис, гулдор нақшларга беиҳоя бойлиги, «гириҳ», «сўзана» каби йирик намоён композициялар туза олиш маҳорати билан бетакрордир. Ҳамкасблари билан биргаликда 1832—38- йилларда Хивадаги бир қатор меъморий иншоотларни турли хил нақшлар билан безаган: Тошҳовли саройи, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Кўҳна Аркнинг қабулхонаси, масжид айвони ва б.

АБДУЛЛА КУЛОЛ (1815—1900) — риштонлик кулол, кошинкор уста. Фарғона кулоллари ишларига бошчилик қилган. Худоёрхон ўрдаси бош тарзини кошин билан безашда қатнашган (1867—73). Ишларидан намуналар (сопол идишлар) Санъат музейида сақланмоқда.

АБДУРАҲИМ МУНТИЁНИ — самарқандлик дурадгор. 2- Қаландархона масжиди (1898, устунга «Амали усто мулла Абдураҳим Мунтиёни» ёзуви битилган), Жўш қишлоғидаги Жўш масжиди (1907), Қорадарё қишлоғидаги Қорадарё масжиди (19- аср охири) қурилишида қатнашган.

АБДУРАҲМОНОВ Абдураззоқ (1874—1938) — қўқонлик ёғоч ўймакори; отаси уста Абдураҳмондан ҳунар ўрганган. Ислимий нақшларни яратиш ва пардозлаш устаси сифатида машҳур бўлган. Асосан меъморликка оид ўймакорлик соҳасида ишлаган. У яратган бўртма нақшлар қўшимча пардозларга бойлиги билан диққатга сазовор. Жумладан 1934 да Тошкентдаги Халқ хўжалиги музейи (ҳозирги Бадиий кўргазмалар дирекцияси)нинг икки табақали

www.ziyouz.com kutubxonasi

эшигини Абдураззоқ ўйма нақш билан безаган, кўплаб шогирдлар тайёрлаган.

АБДУҚОДИР «ЧАЛДЕВОР» (19- аср ўрталари — 1910) — самарқандлик ғишткор уста, дурадгор. Устани ёмон кўздан асраш мақсадида «чалдевор» (вайрона) лақаби берилган. Абдужалил уста билан ҳамкорликда ишлаган, қурилиш билан боғлиқ бўлган барча ишларга бош бўлган. Гумбаз, равоқли тоқилар устаси сифатида шуҳрат қозонган. «Дурадгор хўжа» лақаби билан ҳам машҳур бўлган. Асосий ишлари: Қози калон масжиди, Ҳовузи Баланд масжиди (айвонини таъмирлашда бошчилик қилган), Хўжа Нисбатдор масжиди (қурилишида иштирок этган) ва б.

АБУ БАКР (11—12- асрлар) — меъмор, Туркманистон ҳудудидаги Данданакан масжидини қурган (1077/1096—1086/1106). Масжид харобаларидан топилган безаклар орасида устанинг исми ва бино қурилган йиллар ёзилган. Марвдаги Абдулла ибн Бурайда мақбараси (11- аср охири — 12- аср бошлари) қурилишига бошчилик қилган.

АЗИЗОВ Юнус (1860—1924) — самарқандлик меъмор, ганчкор уста. Меъмор Абдуқодир Боқиевнинг шогирди. Қисқа вақт ичида мадраса, масжид, ҳаммом ва б. йирик бинолар устаси сифатида танилди, шунингдек ганч ўймакорлигини пухта эгаллади. Асосий ишлари: Каттақўрғондаги Абдуҳакимбой мадрасаси (1903), Жиззахдаги мадраса (1908), Самарқанддаги Хўжа Юсуф масжиди, Мадаминбой ҳаммоми, Панжобдаги Ҳожи Раҳим ҳаммоми (1909), Ҳазрати Хизр масжидининг дарвозахонаси, минораси (1919), Самарқанддаги Янги мадраса (1910) ва б., шунингдек унинг бошчилигида бир қатор тураржойлар қурилган; меъморий обидаларни таъмирлашда қатнашган, жумладан Тиллакори мадраса, Минораи Калон (1921—22) ва б.

АЗИМОВ Акбар (1885—1969) — тошкентлик ёғоч ўймакори, наққош. Ижодида қадимий анъаналарни давом эттирган. Отаси Саидазим Исломов билан ишлаб ҳунар ўрганган. Муқарнас ва шарафаларни турли шаклдаги тахтачалардан йиғма қилиб, уларга нақш беришдаги ўзига хос усули билан танилган. Москвадаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги кўргазмасининг Ўзбекистон павильонига йиғма ва бўяма нақш билан безалган устунлар, шарафа ва ҳовузаклар ишлаган. Ишларидан намуналар Ўзбекистон санъат музейида сақланмоқда.

АЙЮБХЎЖАЕВ Тошпўлат (1836—1908) — тошкентлик ўймакор уста, отаси уста Айюбхўжадан ҳунар ўрганган. Ёғоч ўймакорлигининг паргари услубида ижод қилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У яратган нафис ҳандасий нақшлар ёнғоқ ва чинор ёғочларидан ясалган кўп қиррали стол, курси, қутича ва чилимларда ўз ифодасини топган. Кўплаб шогирдлар етиштирган, асарларидан намуналар музейларда сақланмоқда.

АЛИ ИБН МУҲАММАД Сарахсий (12- аср 1- ярми) — меъмор, Жаркўрғон минорасини қурган, Хуросондаги Работи Шариф карвонсаройини ёзувлар билан безаган (1114—15).

АЛИ НАСАФИЙ (14- аср) — Насаф (Қарши)лик бинокор уста, Шоҳи зинда ансамблидаги мақбарани (кейинчалик унинг номи билан аталган) қурган.

АРСЛОНҚУЛОВ Тошпўлат (1882—1962) — тошкентлик ганч ўймакори. Отаси билан бирга ишлаб ҳунар ўрганган. Чока пардоз усулида нақшлар ўйишда безакларга ҳандасий, «занжира» шаклларини бера олиши билан шуҳрат қозонган. Половцев уйи (ҳозирги Амалий санъат музейи биноси)ни миллий ўйма нақшлар билан безашда қатнашган (1902—03), Ҳамза театри (ҳозирги Аброр Ҳидоятов номидаги театр биноси, 1929), Тошкент вилояти ижроия қўмитаси (1939), Навоий театри (1946) биноларини безашда қатнашган. Ишларидан намуналар Санъат музейида сақланмоқда. Давлат мукофоти совриндори (1947). Ўзбекистон халқ рассоми (1944).

АШИРОВЛАР — тошкентлик ака-ука ёғочсиз усталар: Аширов Мирзоҳид Мирсодиқович (1949), Аширов Адҳам Мирсодиқович (1959).

Тошкентдаги Халқлар Дўстлиги саройи (6 та ўйма эшик, 1980—81), Туркистон Ҳарбий Округи санаторийси (намоён ва панжара тўсиқ, 1984), Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти (сурма тўсиқ — панжара, 1986) ва б. кўпгина биноларни безашда қатнашди. «Пешайвон» меъморий қурилмаси уларнинг истеъдодини намойиш этди (1988—89).

АҲМАД ИБН АЙЮБ АЛ-ҲАФИЗ АН НАХИЧЕВАНИЙ (14- аср) — меъмор. Нахичеван меъморий мактабининг намоёндаси. Барда (Озарбайжон)даги Минорасимон мақбара (1322)ни қурган. Ахсаданбобо мақбарасини (14- аср) ҳам қурган деб тахмин қилинади.

АҲМАДХЎЖА (19- аср охири — 1930- йиллар) — тошкентлик машҳур уста. Ҳозирги А. Ҳидоятов номли театр биносининг ғиштини терган.

АҲМЕДОВ Турсун (1917—1983) — тошкентлик ганч ўймакори, кулол ва наққош. Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасидаги Ўзбекистон павильонини миллий нақшлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан безашда қатнашган (1937). Навоий театрини таъмирлашда, 1969—78- йилларда Тошкентда қурилган кўпгина иншоотлар (масалан, собиқ Ленин музейининг Тошкент бўлими, ҳозирги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи)ни безашда фаол иштирок этган. Тошкент услубида ишлаган мебеллари, рангдор лаганлари ва бошқа кулоллик асарлари Санъат музейида сақланмоқда.

АҲМЕДОВ Умрзоқ (1887—1954) — марғилонлик ёғоч ўймакори, ижодида Қўқон ва Марғилонлик усталарнинг анъаналарини ривожлантирди. Ўйма эшик, дарвоза ва б. меъморий қурилмалар устаси, «устои худрод» (мустақил ишловчи уста) лақабини олган. Илк бор ёғоч ўймакорлигида қора лок билан ишлашни қўллади. Москвадаги Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси Ўзбекистон павильонидаги икки табақали асосий эшик (1939) ва б. Ишларидан намуналар Санъат музейида сақланмоқда.

Б

БАРИДДИН (Бадриддин, 14- аср) — самарқандлик меъмор. Самарқанддаги Шоди Мулк оқо мақбараси (1373) шарафаси безаклари орасида номи ёзилган.

БОЛТАЕВ Абдулла (1896—1966) — хивалик наққош. Уста наққош Эшмуҳаммад Худойбердиевдан ҳунар ўрганган ва унинг бошчилигида Хивадаги турли биноларни, Исломхўжа мадрасаси ва минорасини безаган. 20- йилларда Хива меъморлик обидаларини таъмирлашда маслаҳатчи бўлган. Кўҳна Арк, Тошҳовли, Нуриллабой саройлари ва б.нинг девор ва эшиклари Болтаев чизмалари асосида тикланди. Навоий театрининг Хива хонасини безашда қатнашди, театр эшиклари, тош изораларидаги безаклар Болтаев чизмалари асосида ишланган. Ишларидан намуналар (кулоллик буюмлари, ўйма безаклар) қатор музейларда сақланмоқда. Ўзбекистон халқ рассоми (1950), Давлат мукофоти совриндори (1947).

БОЯЗИД ПУРОНИЙ (15- аср 2- ярми — 16- аср бошлари) — хаттот, Бухородаги Калон масжиди (1514) меҳробини чиройли хатлар битиб безаган. Меҳробнинг ён томонидаги безаклар орасига унинг номи битилган.

БОҚИЕВ Абдуқодир (1850—1932) — самарқандлик меъмор, муҳандис, кошинкор уста. «Уста ҳожи», «Абдуқодир муҳандис», «Абдуқодир меъмор» номлари билан машҳур бўлган, умрининг охиригача бинокорлик қилган. Том маънодаги меъмор эди. Мураккаб чизмалар, хилма-хил лойиҳаларни осонгина тайёрлай олган; ёғоч ва ганч ўйма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

корлиги бўйича моҳир уста наққош бўлган. Самарқандда шаҳар меъморий бинолари билан уйғунлашиб кетган юздан ортиқ биноларни қурган: Регистондаги «қуёш соати»ни ясаган. Асосий ишлари: Ҳазрати Хизр масжидини қайта қурилишида қатнашган (1854—1919), масжид минорасида «Амали усто Ҳожи мулло Абдулқодир ибн Боқи Самарқандий» деган ёзувлар сақланган; Қўшҳовуз минорали масжиди қурилишига бош бўлган; Калантаров уйи унинг лойиҳаси ва бошчилигида қурилган (1894); Қози Абдурасул даҳа масжиди (19-аср охири); Шайбонийхон масжиди; Руҳобод масжиди; Янги мадраса (1910), Қўрғонча масжиди ва б. Самарқанд ва Бухородаги меъморий обидаларни таъмирлашда қатнашган: Тиллакори мадраса, Улуғбек мадрасаси (минорасини ростлашда қатнашган), Шердор мадраса (гумбазини ҳавозасиз таъмирлаган), Минораи Калон ва б. Кўплаб шогирдлар (А. Умиров, Ю. Азизов каби) тайёрлаган.

БОҒБЕКОВ Сафо (1904—78) — хивалик ёғоч ўймакори, отаси уста Боғбек Абдураҳмонов ва Ота Полвоновдан ҳунар ўрганган, Навоий театри фойелари эшиклари (1945—46, ҳамкорликда), Урганч темир йўл вокзали учун тўртта эшиклар (1951—52)ни ўйма нақшлар билан безади, «Ўзбекистон» теплоходи ички безаклари учун 8 та турли намоёнлар (1970), Урганчдаги «Интурист» меҳмонхонаси тантана зали учун 2 та деворий намоён (1974) тайёрлади. Анъанавий ислимий ўйма нақш санъатини ривожлантирди. Жамоат ва тураржой бинолари учун ўйма нақшли эшиклар, устунлар, қутича, лавҳ ва б. буюмлар тайёрлаган. Кўплаб шогирдлар етиштирган. 18—19-асрлар Хива меъморий обидаларини таъмирлашда қатнашган (устун, эшик, дарвоза ва б. тайёрлаган).

В

ВОИС КУЛОЛ (19-аср ўрталари — 1913) — хоразмлик кошинкор, кулол, кўзагар. Отаси уста Исмоил билан бирга ишлаб ҳунар ўрганган. Қоплама кошинлар ишлайдиган уста сифатида танилди. 19-аср охири — 20-аср бошларида Хивада қурилган кўпгина йирик биноларнинг бош тарзини безашда иштирок этди: Нуриллабой саройи (1906—12), Исломхўжа мадрасаси ва минораси (1908—10), почта биноси (1910), касалхона (1911—13) ва б.

ВОИСОВ Болта (1892—1958) — хоразмлик кулол, кошинкор; отаси *Воис кулол*дан ва уста Мадрасулдан ҳунар ўрганган. Хивадаги Нуриллабой саройи (1906—12),

www.ziyouz.com kutubxonasi

Исломхўжа мадрасаси ва минораси (1908—10), касалхона биносини (1911—13) безашда иштирок этган. Паҳлавон Маҳмуд мақбараси ва б. ёдгорликларни таъмирлаш учун кошинлар тайёрлаган (1955—57).

Ж

ЖАЛИЛОВ Абдурашид (1880 — ?) — самарқандлик ганч ўймакори, уста Абдумалик қўл остида ишлаган (1900—02). Самарқанддаги турар-жойлар, жамоат бинолари қурилишида қатнашди, ганч ўймакорлиги ишларини бажарди. Меъморий обидаларни таъмирлашда иштирок этди. Навоий театри биносини бадиий безашда фаол қатнашди; ўзи кўплаб ганч ўймакорлиги учун андаза, улгулар яратди. Унинг услуби шаклнинг ихчамлиги ва ранг-баранглиги, ўйманинг ёрқин ва ифодалиги билан ажралиб туради.

ЖАЛИЛОВ Абдуҳафиз (1869—1954) — самарқандлик дурадгор, ёғочсоз уста. Уста Неъматдан ҳунар ўрганган. Синчли уй қуриш, эшик, сандиқларга безак ясаш сирларини пухта эгаллаган. Уста Файзулла билан бирга ишлаган, уста Абдуқодир Боқиев гуруҳида ишлаб, ундан муқарнас ва гириҳ тузишни ўрганган. Асосий ишлари: Калантаров уйининг мураккаб шаклли шипи, Хўжа Аҳрор масжиди шипини ишлаган, Хўжа Юсуф масжидини қурган ва б.

ЖАЛИЛОВ Қули (1890—1960) — самарқандлик ганч ўймакори, бинокор, уста Абдужалилнинг ўғли. Акаси Абдурашид Жалилов билан бирга Бухорода амакиси уста Абдумаликдан ҳунар ўрганган. Амир мадрасаси қурилишида қатнашган (1900—15). Самарқанд ва унинг атрофида бир қатор иншоотлар қурган, шаҳардаги меъморий обидаларни таъмирлашда қатнашган: Улуғбек мадрасасининг шимолишарқий минораси безагини тиклашда илк бор иштирок этган (1932), Шердор мадрасанинг шарқий тарзини таъмирлаш ишларига бошчилик қилади. Шаҳрисабздаги Оқсарой ва Кўк гумбаз (1936—37), Туркистондаги Аҳмад Яссавий комплексини (1939—40) консервация қилиш ва тирговучлар ўрнатиш ишларини бажарди, Амир Темур мақбарасини таъмирлашда қатнашди (1943—44).

Йирик ишлари: Навоий театрининг Самарқанд хонаси (1946—47), Муқимий театрининг тамоша залини (1948) безаган. Самарқанд таъмирлаш устахонасида ишлаган. Ганч ўймакорлиги билан безатилган кўплаб намоёнлар яратган.

ЖАМОЛ ҲАЁТ (12—13-асрлар) — меъмор. Қизил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қумдаги Сирли том (Қизил хотин мақбараси)ни қурган. Исми безаклар орасига битилган.

ЖЎРАЕВЛАР — самарқандлик ака-ука тоштарошлар: Жўраев Жалол (1892—1977); Жўраев Болта (1896—1973). Тоғаси уста Абдураҳим Обидов билан бирга ишлаб, ундан мармар йўниш сирларини ўрганган. Асосий ишлари: Тошкентдаги Ленинга ўрнатилган ёдгорлик пойустунини ишлашда қатнашган (1935—37); Навоий театри биносининг мармар безакларини яратган (1948); Тошкент шаҳар Ҳурмат тахтаси, Самарқанддаги Озодлик монументи. Панжикентдаги Рудакий музейини безашда қатнашди. Самарқанд таъмирлаш — ишлаб чиқариш устахонасида ишлаган.

З

ЗИЁҚОРИЕВ Насриддин (1869—1942) — тошкентлик панжарасоз, дурадгор. Майда ёғоч бўлакчаларидан йиғиб ранг-баранг нақшли панжара, эшик дарча, туйнук, зинапоя каби меъморий қисмлар, 3—4 табақали тўсиқлар ясаган. Кўплаб шогирдлар тайёрлаган, жумладан Мақсуд *Қосимов.*

И

ИБРОҲИМОВ Неъмат (1925) — тошкентлик ёғоч ўймакори, отаси уста Иброҳимжон Зокировдан ҳунар ўрганган. Жуфтлама эшиклар, деворий намоёнлар ва б. яратган: «Россия» меҳмонхонаси фойесига намоён, Навоий номидаги Адабиёт музейига икки томонлама пардозланган асосий икки эшик (1968) ҳамда намоёнлар (1974, 1978), Ленин марказий музейи, Тошкент бўлими (ҳозирги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи) кинолекция зали деворига безаклар (1970), «Ўзбекистон» меҳмонхонаси эшиклари (1980), Кашшофлар саройи учун эшик ва панжара (1982), Ширин кафеси эшиги (1984), Шарқшунослик институти кўргазма залига эшик ва бошқаларни тайёрлаган. Ижодида анъанавий ислимий нақшларни қўллаган, заминли ўймани қўшимча пардозлар билан бойитган. Кўплаб шогирдлар тайёрлаган. Оилавий бўлиб ишлашади.

ИКРОМОВ Усмон (1875—1960) — тошкентлик ганчкор, уста Расулҳожи билан ишлаб, ундан ҳунар ўрганган. Дастлаб хусусий биноларни безаган. Ҳамза театри (ҳозирги Аброр Ҳидоятов номидаги театр, 1929), Тошкент вилояти ижроия қўмитаси (ҳозирги Навоий номидаги Адабиёт музейи, 1939), Муқимий театри (1943—46) биноларини безашда, уста Ширин Муродов, Тошпўлат Арслонқулов ва бошқалар би-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лан Половцев уйи (ҳозирги Амалий санъат музейи биноси)ни таъмирлашда қатнашди (1941). Ишларидан намуналар Санъат музейида сақланмоқда.

ИЛҲОМОВ Анвар (1946) — тошкентлик наққош, меъмор уста Маҳмуд Тўраев, Жалил Ҳакимовдан ҳунар ўрганган. Ижодида замонавий биноларни анъанавий миллий нақшлар билан безашда кулоллик, наққошлик, ганч ҳамда ёғоч ўймакорлиги уйғунлигига эришди, унутилаётган кундал усулини яна қўллай бошлади. 1968 да Ё. Рауфов, Ж. Ҳакимов билан биргаликда Самарқанддаги кўпгина жамоат биноларини безади. Халқлар Дўстлиги саройининг тантаналар зали (1980), «Дилором» (1980), «Юлдуз» (1985), «Сирдарё» (1986) қаҳвахоналари, Тўқимачилар маданият саройи (1987), Пермь вилоятидаги Чусовой шаҳар маданият саройи (1978), Сирдарё театри (Гулистон шаҳри, 1985) ва бошқа биноларни миллий анъанавий нақшлар билан безаган.

ИСМОИЛОВ Турсунбой (1878 — ?) — самарқандлик ганчкор; уста меъмор Саъдулла билан ишлаб, ундан ҳунар ўрганган. Асосан сувоқчилик, ганчли безаклар билан шуғулланган, ганч ўймакори сифатида шуҳрат қозонган. Калантаров уйини безаган (1894). Уста Ширин Муродов, Шамсиддин Ғафу-ровлар билан бирга Москвадаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик кўргазмаси (Ўзбекистон, Туркманистон, Озарбайжон, Шимолий Кавказ ва Қрим) павильонларини безашда қатнашган (1938—42); Муқимий театри қурилишида, сўнг Навоий театрини безашда иштирок этган. 1947 дан Самарқанд таъмирлаш устахонасида ишлаган.

К

КАРИМОВ Комилжон Қодирович (1944) — тошкентлик наққош. Жалил Ҳакимовдан ҳунар ўрганган. Тошкент цирки (1974), метрополитеннинг Халқлар Дўстлиги бекати (1976), Ўзбекистон халқлари тарихи музейи (1976), «Ўзбекистон» теплоходи (1976), Кисловодскдаги «Ўзбекистон» санаторийси (1981—82), Лейпцигдаги «Ўзбекистон» чойхонаси (1982), Москвадаги Марказий Осиё ва Қозоғистон диний назоратининг вазирлар маҳкамасидаги биноси (1984) ва б. биноларни бадиий нафис миллий нақшлар билан безаган.

ЛАТИПОВ Абдуғани (1878—1953) — самарқандлик наққош. Уста Наим, сўнг уста Абдузоҳид билан бирга ишлаган. Хўжа Юсуф, Маҳмуд Хоразмий масжидлари, Абду Дарун масжиди айвони (1908—09, шип тўсинида «амали уста Абдуғани» ёзу-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ви сақланган), Кўк масжид, Шайбонийхон масжиди, Боғи Баланд масжиди (1910) ва б. жамоат биноларини безашда қатнашган. Нақшларининг улгу, андазалари тўплами музейларда сақланмоқда.

М

МАТЖОНОВ Раимберди (1909—?) — хоразмлик кулол, кошинкор; отаси Матжон Қулматов ва Эшим кулол Холовдан ҳунар ўрганган. Ижодида 19—20- аср бошлари меъморий кошинкорлик анъаналарини давом эттирган. Оқ, яшил, ложувард рангларни кенг қўллаган. Паҳлавон Маҳмуд мақбарасини таъмирлашда қатнашди (1956); Урганч темир йўли станцияси касалхонаси (1985), Боғот район маданият саройи (1986) ва бошқа кўпгина биноларни кошинлар билан безашда фаол қатнашди. Кўплаб шогирдлар тайёрлади.

МАШАРИПОВ Рўзимат (1895—?) — хивалик меъмор ва наққош. Ижодида 19—20-асрлар Хива меъморлиги ва безак санъати анъаналари замонавий услуб билан уйғунлашган. Усталикни отасидан ўрганган. Полвонқори (1905), Мамад Маҳрам (1908), Ҳусайинбек (1910) мадрасалари, Мамад ясовул уйи (1910), Асфандиёрхон уйи (1911, ўймакор ва наққошларга бошчилик қилган), Дишан қалъадаги Қўш дарвоза (1912), хоннинг шаҳар ташқарисидаги Тозабоғ саройи (1914) қурилиш ва безатилишида қатнашган. 1915 дан кўплаб тураржойлар, жамоат биноларини қурган ва безаган. Шогирдлари билан биргаликда Навоий театри биносининг Хива хонасини безаган. Кўплаб шогирдлар тайёрлаган.

МАЪРУФЖОНОВ Юсуфжон (1877—1960) — марғилонлик ёғоч ўймакори, дурадгор. Ўйма нақшли эшик, ром, деразалар тайёрлаган, жавон, курси, қутича каби уй жиҳозлари ишлаган.

МАҲМУДОВ Саидаҳмад (1909) — қўқонлик наққош; отаси уста Саидмаҳмуд Норқўзиевдан ҳунар ўрганган. Қоғоз, ёғоч, ганчга бўяб нақш ишлаш устаси сифатида шуҳрат қозонган. Навоий театрининг Фарғона залини безашда қатнашди (1946—47). Фарғона водийсида, Ўш, Тожикистоннинг Хўжанд вилоятларида кўплаб жамоат биноларини, шахсий уйларни безади. Нақшлари рангдорлиги билан диққатга сазовор (жумладан Қўқондаги «Бахт уйи», «Устоз», «Гулдаста» чойхоналари, Ўзбекистон туманидаги автовокзал, Қўқон мой-ёғ комбинатининг чойхона ва профилакторийси, Тошкентдаги «Фарғона» чойхонаси ва бошқалар). Кўплаб шогирдлар тайёрлаган.

МУСАЕВ Юсуфали (1870—1948) — асакалик меъмор,

www.ziyouz.com kutubxonasi

акаси уста Исохондан ҳунар ўрганган. Айниқса гумбаз устаси сифатида шуҳрат қозонган. Андижон жоме масжиди ва унинг мадрасаси қурилишида ишлаб малака орттирган. Кўплаб бинолар қурган, жумладан Фарғона водийсида 40 га яқин ҳаммом қурган, уларнинг лойиҳа ва чизмаларини ўзи чизган. Муқимий театри биноси қурилишида қатнашган.

МУҲАММАД ИБН ОТСИЗ — 12- асрда яшаб ижод этган сарахслик меъмор. Марвдаги Султон Санжар мақбарасини қурган (12- аср). Унга ўз номини ёзиб қолдирган.

МУҲАММАД ШАРИФ САМАРҚАНДИЙ (17- аср) — самарқандлик меъмор, гумбаз барпо этиш бўйича мутахассис. Аградаги Тожмаҳал мақбараси безаклари орасида (1632—50) номи сақланган.

МУҲАММАД ЮСУФ ТАБРИЗИЙ (14- аср) — Амир Темур даврида яшаб ижод этган табризлик меъмор ва наққош. Шаҳрисабздаги Оқсаройни қуришда иштирок этган (14- аср). Сарой пештоқини кошин билан безаган, орасига ўз исмини ёзиб қолдирган.

Н

НАЖМИДДИНОВ Ҳайдар (1850—1921) — ўймакор наққош. Отаси уста Нажмиддиндан ҳунар ўрганган. Фарғона ўймакорлик мактаби асосчиси. 1890 дан Қўқонда ўйма нақшли эшиклар ва безаклар яратган, биноларнинг шарафа муқарнасларини безашда, музика асбобларига бадиий ишлов беришда моҳирлиги билан шуҳрат қозонган. «Паранг» («устаси паранг») лақабини олган. Ижодида паргари нақшнинг 30 дан ортиқ туридан фойдаланган; кўп қиррали курси, лавҳ, қутичалари жозибадорлиги билан ажралиб туради. Ишини шогирдлари, жумладан ўғли Қодиржон Ҳайдаров давом эттирган.

НАЗРУЛЛАЕВ Нурилла (1870—1939) — самарқандлик ёғоч ўймакори, отаси уста Назрулладан ҳунар ўрганган. Эшик, дарвозаларга ўйма нақш ишлаш устаси сифатида шуҳрат қозонган, асосан ислимий ва паргари усулларини, чока пардоз, пах пардозларни унумли қўллаган. Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги кўргазмасининг Ўзбекистон павильонига икки табақали ўйма нақшли, дилали эшик тайёрлаган.

НОРҚЎЗИЕВ Саидмаҳмуд (1883—1967) — қўқонлик наққош, ҳунарни отаси уста Норқул Нурматовдан ўрганган. Уста Муҳаммад Соли раҳбарлигида ишлаган, отаси билан биргаликда кўплаб тураржой, масжидларни безашда қатнашган. Қўқон, Андижон (Мамажон мингбошининг уйи), Марғилон, Ўш, Жалолобод (Барот ҳожи уйи, Матқосим масжиди) ва б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

жойларда шуҳрат қозонган. Совет даврида клуб, чойхона, маданият саройларини безаган, Навоий театри биносининг Фарғона залини безашда (1946), Қўқондаги Худоёрхон ўрдасини таъмирлашда (40—50- йиллар) қатнашган. Нақш композициялари кўргазмаларда намойиш этилган. Кўплаб шогирдлар тайёрлаган.

О

ОБЛОҚУЛ «ҒОЛИБ» (1831/40—1917/27)— ургутлик чўпкор меъмор. «Ғолиб бува» номи билан машҳур бўлган. Усталар мусобақасида ғолиб чиқиб шу номга эга бўлган. Ургутда бир қатор бинолар қурган: Жума масжид, Чўбин масжиди, Ургутлик эшон масжиди, Чорчинор қишлоғидаги Гузни масжиди ва б.

П

ПОЛВОНОВ Ота (1867—1972) — хивалик ёғоч ўймакори, бобоси уста Абдусаттор ва отаси уста Полвон билан биргаликда ишлаб ҳунар ўрганган, Хивадаги кўпгина биноларнинг дарвоза, эшик, устунларини безашда қатнашган. Шогирди Сафо *Боғбеков* билан ҳамкорликда кўплаб эшик, устунлар, бадиий буюмлар (хонтахта, қаламдон, лавҳ)ни хоразм услубида юксак дид билан безаган. Навоий театри биносини безашда қатнашган, театр фойелари учун эшиклар тайёрлаган. Урганч вокзали учун 4 ва 2 табақали эшик (1952), Бадиий кўргазмалар дирекцияси учун эшик ва устун безаган.

Р

РАУФОВ Ёқуб (1888—1962) — тошкентлик наққош, отаси уста Рауф Назаров билан ишлаб ҳунар ўрганган. 18 ёшидан мустақил уста сифатида безак ишларида қатнашган. Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги кўргазмаси Ўзбекистон павильонини миллий услубда безашга бошчилик қилган (1938—39), Навоий театри (1947), Ялтадаги «Ўзбекистон» санаторийси, Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи (1968), Самарқанддаги «Юлдуз» чойхонаси (1967), «Мовий гумбазлар» чойхонаси (1970) биноларини безашда қатнашган. Половцев уйи (ҳозирги Амалий санъат музейи, 1941 ва б.). Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги меъморий обидаларни таъмирлашда қатнашди (1950). Кўпгина ислимий ва гириҳ нақш намуналари музейларда сақланмоқда. Тошкент ўқув ишлаб чиқариш бадиий комбинатида

www.ziyouz.com kutubxonasi

ишлаб, кўпгина шогирдлар етиштирган (1935—36). Ўзбекистон халқ рассоми.

РАҲИМОВ Муҳиддин Каримович (1903—85) — тошкентлик кулол, санъатшунослик фанлари номзоди. Қариндошларидан ҳунар ўрганган. Самарқанд, Тошкентдаги меъморий обидаларни таъмирлашда қатнашган. Кўп асрлик кулолчилик санъатини ўрганиб бадиий кулоллик ҳақида китоб ёзган, қадимги кулоллик санъати анъаналарини тиклашда самарали ижодий ишлар қилган.

РАҲМОНБЕРГАНОВ Каримберган (1880—1959) — хивалик тоштарош; бобоси уста Худойберган Попоев ва отаси Раҳмонберган Худойбергановлар билан бирга ишлаб ҳунар ўрганган. Мармар пойустунларни ўйма нақш билан безаган, қабртошларга ўйма нақш ва ҳусни хат ёзувлари туширган. Навоий театрининг Хива залида мармар намоён яратган (1944). Кўплаб шогирдлар тайёрлаган.

Т

ТУРДИЕВ Абдураҳим (1870—1938) — ғазғонлик тоштарош уста, меъмор. Ситораи Моҳи Хосадаги иккита мармар шер ҳайкали (1912), ҳовуз учун мармар йўниб новлар тайёрлаган. Ғазғондаги Шоҳимардон мармар масжиди (1913), Деҳбаланд қишлоғидаги масжидни қурган. Бухоро, Тошкентдаги бинокорлик ишларида, масалан ЎзКП МК (ҳозирги Ўзбекистон ФА Президиуми) биноси қурилишида қатнашган. Мармардан уй-рўзғор буюмлари, ҳайкаллар (жумладан Ғазғон қасабасидаги ҳовузга ўрнатилган балиқ ва тимсоҳ ҳайкаллари) яратган.

ТУРСУНБОЕВ Абдумутал (1856—1930) — тошкентлик ёғоч ўймакори, дурадгор Тошпўлат Айюбхўжаевдан ҳунар ўрганган. Ўймакорликни айниқса, паргари нақш сирларини пухта эгаллаган. 19-аср охирларида Тошкентда очилган мебель устахоналарида ишлаган. Шкаф ва жавонлар устаси сифатида шуҳрат қозонди. Турсунбоев ёғоч ўймакорлигига янги оҳанг (мотив)лар олиб кирган, илк бор бўртма тасвирлар ва қадама нақшлар (садаф, суяк) билан безаш усулини қўллади. Ишларидан намуналар музейларда сақланмоқда.

ТЎХТАХЎЖАЕВ Тойир (1918—76) — тошкентлик наққош; уста Олимжон Қосимжоновдан ҳунар ўрганган. Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги кўргазмаси Ўзбекистон павильонини безашда қатнашган (1938). Тошкентдаги Кашшофлар ва ўқувчилар саройи (1946), Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси Ўзбекистон павильонининг кириш қисмидаги шийпон

www.ziyouz.com kutubxonasi

(1953) ва бошқа биноларни безашда қатнашди. 60-йилларда Тошкентдаги Половцев уйи (ҳозирги Амалий санъат музейи биноси), Бухородаги Ситораи Моҳи Хоса саройи ва бошқа меъморий обидаларни таъмирлашда қатнашди.

У

УМАРОВ Акром (1899—1956) — самарқандлик меъмор, ганчкор; отаси уста Умар ва Абдуқодир *Боқиев*дан ҳунар ўрганган. Кўплаб янги бинолар қурган, таъмирлаш ишларида фаол қатнашган. 1921 дан умрининг охиригача Самарқанддаги меъморий обидаларни тиклаш билан шуғулланган: Шердор мадраса девори ва пештоғи, Тиллакори ва Улуғбек мадрасасининг минорасини тиклашда қатнашган; Шоҳи зинда ансамблидаги Қўшгумбаз мақбараси, Амир Темур мақбараси пойгумбази ва гумбази устини кошинлар билан тўлиқ қоплаган. Бухоро ва Шаҳрисабздаги таъмирлаш ишларида қатнашган.

УСМОНОВ Маҳмуд (1910) — тошкентлик ўймакор наққош. Отаси меъмор уста Усмон Икромовдан меъморлик ва ганчкорлик сирларини, гулганчни Уста Ширин Муродовдан ўрганган. Муқимий ва Навоий театрларини безашда фаол қатнашган. Ҳамза театри (1967—68), Навоий номидаги Адабиёт музейи (1968), Самарқанд аэропорти (1969), Регистон майдонидаги ресторан (1970), Ленин Марказий музейининг Тошкент бўлими (ҳозирги Ўзбекистон тарихи музейи, 1969—70), Санъат музейи (1973), Сурхондарё театри (1973), Донецк, Киев, Тошҳовуз, Чимкент ва бошқа шаҳарлардаги жамоат биноларини (1971—74) ганчкорлик билан безашда усталарга бошчилик қилди. Навоий театри биносини таъмирлашда қатнашган. Кўплаб шоирдлар тайёрлади. Ўзбекистон халқ рассоми (1977); Ҳамза мукофоти (1970); СССР Давлат мукофоти (1975) совриндори.

УСТА АБДУЗОҲИД (тахм. 1852—1917) — самарқандлик наққош, моҳир ва чаққонлиги билан шуҳрат қозонган. Шогирдлари уста Бақо, уста Абдуғанилар билан бирга ишлаган. Асосий ишлари Абди Дарун комплексидаги янги айвон (1908), Шоҳи зинда масжиди айвони (1908—10), Боғи Баланд масжиди (1910), Маҳмуд Хоразмий масжиди ва бошқалар.

УСТА РАҲИМ Обидов (19-аср охири — 1924) — самарқандлик тоштарош, ўймакор уста; тоштарошлар авлодидан. Тошкент, Қўқон, Самарқандда катта устахона-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лари бўлган. Мармарни йўниб кўза, пойустун, тахтачалар, тошнов ва бошқа буюмлар ишлаб, уларни майда бўртма ислимий ва ҳандасий нақшлар билан безаган. Жиянлари Жалил ва Болта Жўраевларга устозлик қилган.

УСТА АЗИМ (1853—95) — самарқандлик ганчкор, бинокор. Асосий ишлари: Қорабой оқсоқол масжиди гулдастаси, Муборак масжиди, Шарбатдор масжиди ва б. Уста Шамсиддин уни ўзининг устози деб билади.

УСТА ОМОНИЛЛА (19- аср ўрталари — тахминан 1900) — ғишткор, ганчкор; қурувчи уста Жалилнинг шогирди. Регистондаги барча меъморий обидаларни таъмирлашда қатнашган. Шердор мадрасанинг жанубий кираверишдаги қалқонсимон қаносида «усто Омонилла, 1313» (милодий 1895) деган ёзув бор. Яҳудийлар даҳасида кўп ишлаган. Каландаров уйи рўпарасидаги даҳа масжидини қурган (уста Абдурашид билан ҳамкорликда).

УСТА ХУДОЙБЕРГАН ҲОЖИ (19- аср охири — 20- аср бошлари) — хивалик ғишткор, тоштарош. Мадрасалар қуришга ихтисослашган. Қаландар Кўчум билан ҳамкорликда ишлаган, кўпроқ минора, гулдаста, тоқи каби мураккаб ишларни бажарган: Исломхўжа мадрасаси ва минораси унинг саи ҳаракати билан қурилган; Паҳлавон Маҳмуд мақбарасидаги Мозори Шариф (1882), Матпанобой (1905), Матрасулбой Комил Хоразмий ўғли (1905), Қоши Калон (1905), Абдурасулбой Комил Хоразмий ўғли (1906), Толиб Маҳсум (1910) мадрасалари ва б. Устанинг иш услубига ижодий эркинлик, қурилиш жараёнида лойиҳани осонгина топқирлик билан ўзгартира олиш хос, анъанавий меъморликда европача усуллар (ғишт териш, цемент қоришма ишлатиш, тўл билан ёпиш)ни қўллайди.

УСТА ШАРИФ Саидов (1887) — бухоролик ёғоч ўймакори, дурадгор. Уста Ширин Муродов билан бирга дурадгорликни ўрганган. Бухоро амири саройида ишлаган, кўпгина жамоат бинолари (Болоҳовуз масжиди, Ситораи Моҳи Хоса ва б.)ни қуришда қатнашган. Бухородаги Мир Араб, Кўкалдош мадрасаларини таъмирлашда иштирок этган. Совет ҳокимияти даврида ўнларча колхоз клубларини қурган, кўплаб шогирдлар етиштирган. Ёғоч ўймакорлиги соҳасидаги юксак маҳоратини кўрсатувчи ишларидан намуналар (бир неча эшик) Бухоро ўлкашунослик музейида сақланмоқда.

УСТА ШИРИН Муродов (1879—1957) — бухоролик меъмор, ганч ўймакори.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Моҳир ганчкор усталар — отаси Уста Мурод ва бобоси уста Носир, амакиси уста Ҳаётдан ҳунар ўрганган. Бухоро амирининг Карманадаги саройини безашда иштирок қилиб, мустақил уста сифатида танилди. Ситораи Моҳи Хосадаги Оқ зал безаги унинг камолатини намойиш этди. Совет ҳокимияти йиллари кўплаб маъмурий бинолар, клубларни ганчкорлик нақшлари билан безади. Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик кўргазмасидаги Ўзбекистон, Туркманистон павильонлари (1938), 40- йилларда Тошкент куранти, ҳозирги Навоий номидаги Адабиёт музейи, Муқимий театри, Навоий театрининг Бухоро зали ва б. кўпгина биноларни безади. Меъморий обидаларни таъмирлашда қатнашди: Исмоил Сомоний мақбараси, Мир Араб мадрасаси ва Абдулазизхон мадрасаси гумбазлари, Мағоки Аттори масжиди пештоқи ва б. Давлат мукофоти (1947), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1943), ЎзССР ФА фахрий аъзоси (1943).

УСТА УСМОН (1901—79) — ғиждувонлик кулол, кошинкор, амакиси уста Муҳаммаджондан ҳунар ўрганган. Самарқанддаги меъморий обидаларни таъмирлашда қатнашган (1931—35), кошинлар тайёрлаган.

Ф

ФАЙЗУЛЛАЕВ Ортиқ (1933) — тошкентлик ёғоч ва суяк ўймакори. Мақсуд Қосимовнинг шогирди. Кўп бурчакли курси, хонтахталарга ўйиб ишлаган нақшлари, панжара, намоёнлари диққатга сазовор. Ўзбекистон халқлари тарихи музейи, Санъат, Адабиёт музейларини, «Тошкент», «Ўзбекистон» меҳмонхоналари, Санъат саройи, «Мовий гумбазлар» чойхона-кафеси, «Ўзбекистон» теплоходи кафеси, Халқлар Дўстлиги саройи ва бошқа жамоат биноларини безашда қатнашди. Кўплаб шогирдлар тайёрлади.

Х

ХЎЖАЕВ Азиммурод (1909—68) — самарқандлик кошинкор, кулол; уста Ғуломдан ҳунар ўрганган. Хўжаев бошчилик қилган устахона режали равишда қоплама сопол парчаларини тайёрлаган. Тиллакори мадрасанинг бурчак минорасига шарафалар тайёрлаган. Амир Темур мақбараси гумбазининг аслини тиклаб, кошинлар билан безаган (ҳамкорликда), Бухородаги Кўкалдош мадрасаси, Абдулазизхон мадрасаси, Мир Араб мадрасаси, Қозоғистондаги Хўжа Аҳмад Яссавий мақ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

бараси каби обидаларни таъмирлаш учун кошинлар тайёрлаган.

Ю

ЮНУСОВ Мирҳамид (1890—?) — самарқандлик ғишткор, ганчкор; уста Юнус *Азизов*нинг ўғли. 7 ёшидан отаси билан ишлаб ҳунар ўрганган. Янги мадраса қурилишида ғиштли девор ва тоқиларни тиклашда, кошин билан безашда қатнашди. Бухорода меъморий обидаларни таъмирлашда (жумладан Минораи Калон, 1921—22) қатнашган. 1924 йилдан Самарқанд таъмирлаш устахонасида ишлаган. Тиллакори мадраса тарзи (1939—41), Амир Темур мақбараси гумбази ва ташқи деворлари (1944—50), Худоёрхон саройи пештоқи (Қўқон, 1954), Улуғбек ва Шердор мадрасаларининг кесма парчинлари (1955—62)ни таъмирлашда фаол қатнашди. Шоҳи зинда ансамблидаги Хўжа Аҳмад мақбарасини тиклашга бошчилик қилди (1962) ва б.

Қ

ҚАВОМИДДИН ШЕРОЗИЙ (?—1440) — меъмор. Шохруҳ саройида хизмат қилган (15-аср). Гумбазларнинг равоқлар устида кесишиш услубини яратган. Асосий ишлари: Машҳаддаги Гавҳаршод масжиди (1405—18), Ҳиротдаги Мусалло ансамбли (1417—38), Ҳаргирддаги мадраса (1440) ва б. унинг лойиҳаси ва раҳбарлигида қурилган.

ҚОСИМЖОНОВ Олимжон (1878—1952) — тошкентлик наққош. Уста Шералихўжа Ҳасановдан ҳунар ўрганган, у билан Романов уйи (ҳозирги элчихона ваколатхонаси биноси), Половцев уйи (ҳозирги Амалий санъат музейи биноси)ни безашда қатнашган. Кўпгина жамоат биноларини, жумладан 1- бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандлик кўргазмасини (1923), Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги кўргазмаси Ўзбекистон павильони ва б.ни безади. Тошкент бадиий ўқув ишлаб чиқариш комбинатида ишлаб, кўпгина шогирдлар тайёрлаган (жумладан Мақсуд Қосимов, Тойир Тўхтахўжаев, Жалил Ҳакимов). Ижодида ранглар уйғунлигидан моҳирона фойдаланган.

ҚОСИМОВ Мақсуд (1905—65) — тошкентлик ёғоч ўймакори, наққош. Олимжон Қосимжонов, Ёқуб Рауфовлардан наққошликни, Сулаймон Хўжаевдан ёғоч ўймакорлигини, Зиёвқориевдан панжара санъатини ўрганган. Халқ хўжалиги музейи (ҳозирги Бадиий кўргазмалар дирекцияси, 1933—34), Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги кўргазмасидаги Ўзбекистон,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қирғизистон, Тожикистон павильонлари (1937—40) ни безашда қатнашди. Муқимий театри учун 3 та эшикни тайёрлади (1943). Навоий театри қурилишида ганчкорлик ишлари билан иштирок этди, ўриндиқлар суянчиғини ўйма нақшлар билан безади (1943—46), меъморий обидаларни таъмирлашда иштирок этди. Половцев уйи (ҳозирги Амалий санъат музейи) эшик ва устунларини қайта тиклади. Ишларидан намуналар кўпгина музейларда сақланмоқда.

ҚОСИМОВ Ҳожи (1909) — тошкентлик ганч ва ёғоч ўймакори, қурувчи панжарасоз. Мақсуд Қосимовнинг укаси, у билан бирга Тошкентдаги йирик иншоотларни безашда қатнашди; Муқимий ва Навоий театри биноларини ўйма нақшлар билан безади; «Тошкент» меҳмонхонаси, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитаси, тошкент телестудияси, Санъат саройи қурилишида ва уларни безашда қатнашди.

F

ҒАФУРОВ Ашир (1876—1941) — ўратепалик ёғоч ўймакори, наққош, дилалик ўйма эшик ва дарвозалар устаси. Ижодига ислимий нақш, чока пардозни кенг қўллаш, заминини гурзи уриб безаш хос. Ўзбекистон Халқ хўжалиги кўргазмаси (ҳозирги Бадиий кўргазмалар дирекцияси) биносига икки табақали эшик тайёрлашда иштирок этган (чап табақанинг дилалари ва атрофидаги ҳошия нақшларини ишлаган). Эшикнинг қуйи қисмида имзосини қолдирган.

ҒАФУРОВ Шамсиддин (1883—1963) — самарқандлик меъмор, ганчкор уста. Отаси уста Ғафур билан ишлаб ҳунар ўрганган. Уста Саъдулла, уста Абдуқодирлар билан ишлаб малакасини ошириб борган; Калантаров уйи (1894), Хўжа Нисбатдор масжиди (1901), Боғи Баланд масжиди (1900), Шайбонийхон масжиди, Хушвақтбой уйи (Самарқанд вилоятида), 20-йиллардан давлат ва хусусий уйлар қурилишида иштирок этиб, уларни ўйма ганч нақшлар билан безади: Москвадаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги кўргазмасининг Ўзбекистон, Туркманистон павильонлари (1937—40), ҳозирги Навоий номидаги Адабиёт музейи биноси (1940), Муқимий театри (1942—43), Навоий театри (1947) ва б. Меъморий обидаларни таъмирлашда фаол қатнашди: Шердор мадраса (1926, тоқиларини тиклашда), Улуғбек мадрасаси (1932, шимоли-шарқий минораси муқарнаслари), Тиллакори мадраса, Шоҳи зинда

www.ziyouz.com kutubxonasi

ансамбли (1932—45), Амир Темур мақбараси (1943—45), Шаҳрисабздаги Кўк гумбаз, Гумбази Саидон (1954—55) ва б. Музейларда унинг улги, андазалари ва ишларидан намуналар сақланади.

Ҳ

ҲАЗРАТҚУЛОВ Абдукарим (1895—1976) — шаҳрисабзлик кулол, кошинкор, отаси кулол Ҳазратқул ва амакиси уста Рустам Эгамбердиевдан ҳунар ўрганган. Ғиждувонлик уста Муроддан сопол буюмларга нақш ишлаш усулларини, мсъморий кошинлар тайёрлашни ўрганди.

ҲАЙДАРОВ Қодиржон (1899—1983) — қўқонлик ўймакор, уста Ҳ. Нажмиддиновнинг ўғли. Эшик, панжара, намоён, курси, хонтахта, қути ва б. буюмларни ёғоч ўймакорлиги билан нафис безаб шуҳрат қозонди. Каравот (Қўқон тарих музейида), В. Ленин марказий музейининг Тошкент бўлими (ҳозирги Ўзбекистон тарихи музейи)га ишланган эшик ва б. Ишларидан намуналар музейларда сақланмоқда. Қўқондаги хон саройининг кираверишэшиклари ва бошқалар.

ҲАКИМОВ Жалил (1920—80) — тошкентлик наққош; Олимжон *Қосимжонов*дан ҳунар ўрганган. Қоғоз, ёғоч, ганчга бўяма нақш ишлаш санъати билан шуҳрат қозонган. Москвадаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги кўргазмаси Ўзбекистон павильонини безашда қатнашган (1937). Кашшофлар саройи (1945—46), Самарқанддаги «Юлдуз» (1960- йиллар), Тошкентдаги «Тошкент», «Зарафшон» ресторанлари, «Мовий гумбаз» чойхонаси, Тошкент марказий универмаги (1971), «Ўзбекистон» қаҳвахонаси (Донецк, 1973), Тошкет вокзали (1978) ва б. жамоат биноларидаги нақшлар Ҳакимовнинг маҳоратини намойиш этади. Меъморий обидалар (жумладан, Амалий санъат музейи биноси)ни таъмирлашда қатнашган. Ишларидан намуналар (хонтахта, курси ва б.) музейларда сақланмоқда. Кўплаб шогирдлар тайёрлаган.

ҲАФИЗОВ Иброҳим (1870—1940) — бухоролик меъмор. Отаси билан бирга ишлаб, уста Халилга шогирд тушган (1880—88). 1888 дан мустақил ишлай бошлаган. Муқарнасли шарафа ва намоёнларга ҳандасий ва ислимий услубида нақш ишлаш санъатини пухта эгаллаган. Асосий ишлари: Қўш мадраса яқинидаги Қози Бақохон уйи, Карманадаги Амир Абдулаҳадхон саройи, Сарим Султон, Хайробод, Чорбоғ Чаримгари, Чорбоғгул саройлари ва уйларини қуришда қатнашган. Хон саройида

www.ziyouz.com kutubxonasi

гилкорлик қилган. Арк саройини қайта тиклашда қатнашган. Бухоро шаҳридан Ситораи Моҳи Хосагача бўлган йўлга тош ётқизишда қатнашган. 1928—34 да Тикувчилик фабрикасини қуришда қатнашган. Унинг 124 дан ортиқ лойиҳалари Маданият вазирлиги ва санъат музейида сақланмоқда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МЕЪМОРИЙ СЎЗ-МОЗИЙДАН ДАРАК

11 —6213

www.ziyouz.com kutubxonasi

Назм этки они тарҳи

тоза бўлғай,

Улусда майл беандоза

бўлғай.

Алишер НАВОИЙ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«МЕЪМОРИЙ ҚОНУН»

Қадимги юнон афсоналарида келтирилишича, гўзаллик маъбудаси қизининг исми Гармония экан. «Гармония» туб маъноси билан гўзаллик рамзидир. Асрлар ўтиши билан бу ибора, умуман, исми жисмига монанд, ҳамоҳанг, шаклан мутаносиб, уйғун, мукаммал, ҳар жиҳатдан баркамол деган маъноларни касб этди. Гармонияни биз асл тасвирий санъат асарлари, шакли, зеб-зийнатлари жуда мутаносиб ишланган меъморий обидаларнинг ҳақиқий намунасига нисбатан таъриф этамиз.

Меъморлик санъати жуда қадимий тарихга эга. Меъмор даҳоси билан яратилган ажойиб кошоналар, саройлар, эҳромлар, мадрасалар, миноралар ва бошқа маҳобатли иншоотлар инсоният тараққиётининг турли даврларидан дарак берувчи ноёб ва бебаҳо хазиналардир.

Меъморий мероснинг аниқ очилмаган тарихий жумбоқлари ҳали беҳисоб. Жумладан шакллар геометрик уйғунлиги тартибини белгилаш муҳим масалалардан биридир. Абу Али ибн Сино тиббиёт соҳасидаги қомусий асарини «Ал-Қонун» деб атагани бежиз эмас. Абу Райҳон Беруний эса астрономияга оид улкан асарини «Масъуд қонуни» деб атаган. Буюк файласуф Абу Наср Форобий тафаккур олами, жамият ва табиат қонунларининг илмий моҳияти ҳақида тадқиқотлар олиб борди. Шоир ва мусаввир Содиғибек Афшор тасвирий санъат ҳақида «Қонун ас-сувор» китобини ёзди.

Худди шу каби меъморлик соҳасида ҳам ҳар даврнинг ўзига хос «қонун»лари бўлган.

«Қонун» сўзи ҳозирда, асосан, қонун-қоида, тартиб, йўл-йўриқ, чекланган ёки белгиланган одат, анъана мазмунларини билдиради. Лекин бу сўзнинг туб маъноси бошқача бўлгани эътиборни жалб этади. Форобий миқдор, сифат каби жиҳатларни белгилашда чамалаш усули хатога олиб келиши мумкин, шу боис турли ўлчов асбобларни, масалан, меъмор қўлидаги шовун, режа, паргар каби асбоблар ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

«қонун» деб аталишини таъкидлайди.

Аслида «қонун» сўзи юнонча «канна» сўзидан келиб чиққан. «Канна» — ўлчов таёғи, газчўп маъносини билдиради. Демак, меъмор усталарнинг доимий иш қуроли бўлган газчўп ўлчов меъёри сифатида, кейинроқ ҳамма соҳа тартибини белгиловчи «қонун» сўзининг келиб чиқишига сабаб бўлган.

Мисрдаги кўҳна ўймакори бўртма тасвирлардан бирида энг қадимги меъморлардан бўлмиш Хесира қўлида газчўп ва режа ипи ушлаб турган қиёфада тасвирланган.

Қадимги Шарқ мамлакатларида, Мисрда, Юнонистонда махсус геометрик уйғунликни белгиловчи қандайдир ўзига хос меъморий «қонун» бўлганлиги ҳақида ҳам баъзи тарихий маълумотлар сақланиб қолган. Ўша мамлакатлардаги бир-биридан ажойиб ва мукаммал меъморлик ёдгорликлари эса уйғунлик ҳақидаги фикрларнинг ёрқин далилидир. Мазкур ёдгорликлар ҳақида жуда кўплаб китоблар ёзилган, илмий тадқиқотлар олиб борилган, лекин улардаги геометрик уйғунликнинг асл манбаи бўлган меъморий қонун сирлари очилмаган.

Қадимги Юнонистонда меъморий уйғунлик қонуни нақадар юксак бадиий самара берганини жаҳон маданиятининг дурдоналари қаторидан муносиб ўрин олган ёдгорликларда яққол кўриш мумкин. Афина шаҳридаги қадимги Акрополнинг мўъжизадек осори атиқалари ҳам махсус қонун асосида яратилгани ҳақида ўша даврнинг тарихий манбаларида маълумотлар бор. Акрополда ишлаган ҳайкалтарош Фидий билим ва маҳоратининг зўрлигидан ҳатто шернинг фақат тирноғини кўриш биланоқ ўша ҳайвон ҳайкалининг бўй-басти, важоҳатини аниқ белгилаб бера олар экан. Бу фақат ўша давр санъати ва меъморлигидаги мавжуд қонуннинг қанчалик мукаммал эканлигидан дарак беради.

Милоддан аввалги 1- асрда яшаган, меъморлик санъатидан узоқ бўлган ҳарбий муҳандис Витрувий кексайган чоғида ўзидан бир неча аср муқаддам яратилган қадимги юнон меъморлиги назариясига оид дастур ва рисолалар асосида меъморлик ҳақида махсус асар ёзиб қолдирган. Ўзининг тасдиқлашича, қадимги рисолалардан фойдаланиб ёзган мазкур китобида Витрувий меъморлик санъатига доир кўп жиҳатларни чалкаш ёритгани ҳозир маълум бўлиб қолди. Қадимги юнон меъморий ёдгорликларидаги шакл мутаносиблигини таҳлил этишдаги бундай хатоликлар оқибатида кейинги давр меъморлиги қадимий уйғунлаштириш усулларидан деярли маҳрум бўлиб қолган. Вит-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рувийнинг ўзи тушунмаслиги туфайли қадимий меъморий қонун сирларини чала талқин этган бўлса, унинг кўрсатма ва қоидаларидан фойдаланган издошлари эса тўғри йўлни топа олмаган, айниқса, қадимги меъморлар тажрибасидан ижодий фойдалана олмаган.

15- асрга оид бир тарихий ҳужжатда немис меъморлари анжумани ва унда қабул қилинган қарор тўғрисида шундай маълумот келтирилади: «Бизнинг корхонага мансуб ҳар бир коргар, корфармон, бинокор ва меъмор тарҳ чизмасидан тарз чиқариш йўлини ҳеч бир бегона кимсага ошкор қилмасин». Энди маълум бўлишича, ўша корхона аъзолари қадимги меъморий қонуннинг баъзи жиҳатларинигина билишар экан. У ҳам кейинги асрларда тамоман унутилиб кетгани ўша давр манбалари ва меъморий дастурларидан очиқ-ойдин кўриниб турибди.

Хўш, меъморликдаги муайян мутаносиблик, яъни бино шаклларининг ҳамоҳанглигини, қисмларининг ўзаро нисбатда бўлиши қандай белгиланган? Улар тартибида бирор узвий қонуният борми? Қисқача айтганда, меъморий қонуннинг сири нимадан иборат?

«Қадим замонларда,— деб ёзади Форобий,— сон-саноқ, сифат каби жиҳатларни ҳистуйғу билан аниқлаш қийин бўлганда ёрдам берадиган асбобни қонун деб аташган экан»[1]. Форобий меъмор ижоди учун энг зарур бўлган паргар, чизғич, шовун, об-тарозу каби асбобларни ўша қонун сифатида эслаб ўтади. Ҳистуйғунинг тарозуси йўқ деса бўлади. Лекин қадимги меъморлар бўлажак муҳташам иморатнинг ҳар жиҳатдан мутаносиб, хушбичим бўлишини таъминлаш учун махсус мослама-асбоб ихтиро этган эканлар. Худди ана шу мосламани аниқлашга ўзбек халқ меъморларининг амалий тажрибаси катта ёрдам беради. Аллома Форобий эса қадимиятнинг унут бўлиб кетган «ҳистуйғу тарозусини», яъни «улгу» ясаш сирини аниқлашга «очқич» — калит берди.

Меъморликнинг илк ривожланиш давридан бошлаб қурилиш майдончасида мўлжалдаги бинонинг шаклини, яъни лойиҳасини ясаш учун, асосан, оддий режа ипидан фойдаланилган. Режа ипи ва қозиқлар ёрдамида текис ер сатҳига жуда мураккаб шакллар тушириш мумкин. Бу икки ёрдамчи ашё меъмор қўлидаги паргар ва чизғич вазифасини ўтаган. Демак

---

[1] Абу Наср Фараби. Философские трактаты. Алма-Ата, 1970, стр. 110.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қадимги меъморий обидаларнинг шаклий тузилиши хусусиятларини ва уйғунлиги тартибини ҳам оддий паргар ва чизғич имкониятларидан келтириб чиқариш тақозо этилади. Ана шу муҳим жиҳатни назарда тутган ҳолда, мутахассислар, олимлар меъморий қонуннинг моҳиятини аниқлаш мақсадида бир қатор меъморлик обидаларини анча йиллардан бери тадқиқ этадилар. Изланишларда мазкур сатрлар муаллифи ҳам иштирок этди.

Маълум бўлишича, бино шаклларининг мунтазамлиги ва мутаносиблигини аниқ белгилашда энг қулай усул — динамик квадратлар деб аталган ўзаро боғлиқ бўлган квадратлар асосида тортиладиган чизиқлар тўри ҳал қилувчи аҳамият касб этган экан. Ушбу тўрдан фойдаланиб, унинг устига мўлжалдаги бинонинг тарҳи чизиларкан. Шу тарҳ ўлчамларига боғлиқ равишда яна тўр устига бинонинг тарзи чизмалари ҳам тушириларкан. Шу тизим асосида 100 дан ортиқ осори атиқанинг шакли ва қурилиш тарзи тадқиқ қилинди.

Фикримизнинг далили тарзида жуда қадимги бир обидани эслайлик. Бундан қарийб 5 минг йил муқаддам Мисрда бино қилинган Хеоррен эҳроми ҳақида жуда кўп тадқиқотлар мавжуд бўлсада, ҳозиргача унинг шакл тузилиши қонунлари ҳақида аниқ тадқиқий маълумотлар йўқ эди. Айниқса эҳромнинг учидаги бурчак қандай белгиланган, қирраларининг қиялиги нима асосида аниқланган? Иншоот ичкарисидаги хоналар ўлчами, йўлкалар қиялиги қандай топилган? Шу каби саволлар ҳозиргача жавобсиз эди.



Расмда берилган динамик квадратлар тўрида жойлашган эҳром тарҳига ҳамда унинг кесмасига эътибор беринг: меъмор даставвал ташқи АВСД квадратини чизган. Бу квадрат эҳром ясашнинг асоси ҳисобланган. Ичкарисидаги иккинчи $A_1B_1C_1Д_1$ квадрати эса эҳромнинг тарҳини ташкил этган. Асосий квадрат ичидаги доиранинг еттидан бир қисми орқали ўтказилган МО чизиғи эҳром сатҳи қиялигини белгилаган. МО учбурчаги эҳромнинг тарзи ва кесмасига монанд. Демак меъмор эҳром шаклини ана шундай

www.ziyouz.com kutubxonasi

динамик квадратлар ёрдамида ясаган. Ундаги бурчаклар эса чизиқлар кесимидан ҳосил бўлган. Шуни ҳам айтиш керакки, қадимги Мисрда 7 ёки 5 рақамлари «муқаддас» ҳисобланган. Шунинг учун ҳам эҳромлар тарҳида доирани 5 ёки 7 га бўлиш кўп учрайди.

Қадимги меъморий қонуннинг таъсир намуналарини ҳатто милоддан аввалги 15-асрларга оид Ўрта Осиё меъморлигида ҳам яққол учратамиз. Қадимги Хоразм, Сўғдиёна, Бактрия ва Фарғона тупроқларида сақланиб қолган турли хил иморат ва иншоотларда меъморлар анъанавий геометрик уйғунлаштириш усулларини ўша қадимги меъморий қонун тартибида маҳорат билан қўллашгани аниқланди.

Самарқанд ва Бухорода 10—17- асрларда қурилган Сомонийлар мақбараси, Масжиди Калон, Минораи Калон, Бибихоним мадраса-масжиди, Амир Темур (Гўри Амир) мақбараси, Улуғбек мадрасалари — буларнинг ҳаммаси геометрик таркиб ва уйғунлик жиҳатидан ўша қадимги меъморий қонун асосида бунёд қилинган экан.

Самарқанддаги машҳур Улуғбек мадрасаси ҳар жиҳатдан ҳам мукаммал. Тадқиқотчилар бу маҳобатли иншоотнинг шакли, нисбатлари қандай белгиланганлиги ҳақида кўп бош қотиришган. Аниқланишича, мазкур мадраса ҳам худди Миср эҳромларида кузатганимиз каби жуда оддий услубда ҳал этилган экан. Мисол тарзида бино тарҳининг динамик квадратлар тўрида ясалишини кўрсатдик. Қизиғи шундаки, Улуғбек мадрасасидаги асосий дарвоза, эшик ва йўлаклар ўрни ҳам динамик квадратлар чизиғи билан белгиланган.

Марказий Осиё меъморлигида гириҳ деб аталган геометрик нақшлар ҳам динамик квадратдан фойдаланиш натижасида пайдо бўлган ва ривожланган.

Эндиликда меъморий қонун асосида қадимги осори атиқалар қолдиғига қараб, уларнинг вайрон бўлиб, бузилиб кетган баъзи қисмларини аниқлаш ва таъмир этиш мумкин.

Меъморий «Ал-қонун» тизимини ҳозирги замон меъморлик санъатига татбиқ этиш мумкин. Ахир асрлар қаъридан топиб тикланган бу тизим қанчалик кўҳна бўлмасин, унинг шаклларни уйғунлаштириш имконияти беқиёс ва беҳисобдир.

Совет даврида ижод қилган ўзбек халқ меъморларидан Уста Юсуфали Мусаев ва Уста Ширин Муродов каби олимлар меъморий қонуннинг баъзи жиҳатларини яхши билишган.

Мусиқа оламининг бутун завқбахш, дилрабо куйлари етти пардали нота замирида

www.ziyouz.com kutubxonasi

яратилади. Камалакнинг ақлларни лол этувчи жозибадор ранг-баранг асоси ҳам етти рангдан ташкил топади. Афсонага кўра, Бухоро ҳукмдори Бидун Бухорхудот неча марта иморат қурдирмасин, ҳаммаси бузилиб кетаверган. Шунда у ҳукамоларини йиғиб маслаҳат сўрайди. Улар қасрни Етти қароқчи юлдузлари шаклидаги етти тош устун устига қуришни тавсия қилишади. Шу шаклда бино қилинган қаср бузилмаган эмиш.

Худди шунга ўхшаш, қадимги меъморлик ёдгорликлари оддий динамик квадратлар тўридаги геометрик шакллар уйғунлиги асосида яратилгани учун ҳам чиройли, ҳам маҳобатли, ҳам мустаҳкам бўлган. Асрлар давомида синалган, энг қулай, энг содда ва қадим замон талабларига боп бу тизим ҳозирги замон меъморлигида қайтадан бунёдга келиши учун замин яратилганлиги, шубҳасиз.

АБУ НАСР ФОРОБИЙ СЎЗИ

Она юритимизнинг буюк фарзандларидан бири Абу Наср Муҳаммад ибн Ўзлуғ ибн Тархон ал-Форобий ат-Туркий (873—950) қомусий билими, фан ва санъат соҳасидаги нодир асарлари билан улкан жасорат кўрсатган улкан мутафаккир ва файласуф олим, айни чоғда ниҳоятда камтарин инсон бўлган. Сирдарё ёқасидаги кичик бир кент — Фороб билан Қорачуқ қишлоғида ёшлиги ўтган Абу Наср Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч каби қадимий шаҳарлар маданияти таъсирида вояга етди. Ўз замонасининг энг йирик фан ва маданият марказига айланган араб халифалигининг пойтахти Дамашқ шаҳрига келиб илм-фан янгиликларини ўрганди, фаннинг турли соҳаларида самарали тадқиқотлар олиб борди. Олим ва ҳунармандарнинг мажлис — йиғинларига қатнашиб, маърифат зиёсини тарқатди, билимини амалиётга татбиқ этишга интилди. Мўътабар олим Ибн Аби Усайбианинг (1203—1270) хабар беришича, Абу Наср Дамашқ шаҳрида дастлаб боғ қоровули бўлиб хизмат қилган. У ўша боғда муттасил ҳикмат — фалсафий билимлар билан машғул бўлар, қадимги алломаларнинг дунёқарашлари, асарлари ва уларга ёзилган шарҳларни мутолаа қилар эди.

Кейинроқ Абу Насрнинг довруғи мамлакатга тарқалди, обрў-эътибори ошди. Амир Сайфуддавла ҳурматига сазовор бўлиб, саройдаги энг мўътабар алломалар қаторидан ўрин олди. Шунга қарамай Форобий ҳар қандай дабдабадан холи, оддий ҳаёт ке-

www.ziyouz.com kutubxonasi

чирди. Ибн Абу Усайбиа таърифлайди: «Абу Наср етук файласуфлардан, фозил донишмандлардан эди, ҳикматга оид фанларни мукаммал биларди. У риёзий илмларга моҳир, ўзи покиза, йирик аллома, мол-дунё билан иши йўқ, хокисор одам эди»[1].

Тарихнавис Ибн Халлиқон (1211—1282) айтганлари ҳам диққатга сазовор: «Абу Наср олдига доимо навбатма-навбат илм аҳли келиб турар, у ёзган асарлар аксари парча-парча бўлар экан, у ҳеч маҳал ўз таърифларини катта дафтарларга ёзмас, ёзса ҳам бундай ҳол камдан-кам юз берар экан. Шунинг учун ҳам унинг кўпчилик асарлари маълум фасллардан ва таълиқлардан иборат бўлиб қолган. Шу сабабдан бу асарларнинг баъзилари сочилган ҳолда — бошлангану тугаллан-май қолиб кетган».

Абу Наср Форобий қаламига мансуб рисола ва тадқиқотлар сираси 160 дан ортади, лекин уларнинг кўпчилиги бизнинг давримизгача етиб келмаган. Сақланиб қолган асарларининг ўзи ўрта асрлар қомусий илмларининг хазинасини ташкил этувчи нодир дурдоналардир. Мутафаккир олимнинг илмий асарлари фалсафа қонуниятлари, инсон ва табиатни билиш, ўрганиш хусусиятлари, таълим-тарбия, ақлнинг моҳияти, мантиқ, фанлар таснифи, математиканинг турли соҳалари (арифметика, алгебра, геометрия, стереометрия, астрономия, физика, кимё) каби жуда кенг кўламдаги мушоҳада ва билимларни ўзига қамраган. Абу Насрнинг тил, шеърият, хаттотлик, мусиқа каби соҳаларга бағишланган асарлари унинг юксак дид ва маҳоратга эга санъаткор бўлганлигидан далолатдир. Алломанинг ижтимоий-сиёсий тараққиёт, ижтимоий тузум, давлат ва жамият ҳақидаги, этика, педагогика, одамиятга оид тадқиқотлари унинг халқ истиқболи ҳақида қайғурган буюк инсонпарвар одам бўлганлигини яққол кўрсатади.

Ушбу рисоламизда биз Форобийнинг меъморлик соҳасига бўлган муносабати, меъмор санъатига таъсири ва унинг илмий меросидан Марказий Осиё меъморлигида қандай фойдаланилгани каби масалалар юзасидан фикр юритамиз. Форобий меросидан баъзи асарлар кейинги йилларда рус, ўзбек, қозоқ тилларида нашр этилиши натижасида, қатор тарихий муаммолар ҳақида атрофлича фикр юритиш имконига эга бўлдик, баъзи масалалар моҳиятини янгича талқин этиш зарурати туғилди.

---

[1] Ибн Аби Усайбиа ва Ибн Халлиқон асарларидан А. Ирисов таржимаси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Архитектура — меъморлик санъати қотиб қолган мусиқа, деган ўхшатиш бор. Дарвоқе, мусиқага хос бўлган асосий белгилар меъморликда мавжуддир. Мусиқа асосида ётган оҳанг, ритм, пропорция, композиция, мотив, лейтмотив ва ҳоказо тушунчалар меъморликнинг вужудини ташкил этади. Мусиқа назарияси ҳақида «Китоб ул мусиқо ал-Кабир» («Мусиқа ҳақида катта китоб») каби монументал асарни яратган Форобий меъморликни ҳам теран тушунган. «Риёзий илмларга моҳир» олимнинг амалий геометрияга оид рисолаларини кузатар эканмиз Форобийнинг меъморлик назариясига жуда яқин бўлганлигини сезамиз. Олим асарларидаги масала ва мисолларни меъморий ёдгорликлар геометрик тузилиши билан таққосласак, Форобийнинг меъморлик санъати тараққиётига бевосита таъсир кўрсатганлигини кўрамиз.

Форобийнинг фанлар таснифига бағишланган «Ихсо ал-улум» китобида математика 7 қисмга бўлинади, улардан арифметика (илм ал-адад), геометрия (илм ал-ҳандаса), мусиқа, оптика, оғирликлар илми ва амалий математика қисмлари бинокорлик ишлари билан бевосита боғлиқдир[1].

Олимнинг фикрича, геометрия ҳамма фанлар билан узвий боғлиқ, унинг назарий ва амалий бўлимлари ҳаётдаги мураккаб масалаларни ечишга ёрдам беради. Геометрия «чизиқлар, текисликлар, ўлчам, тенглик ва фарқ, шакл турлари, тартиб ва ниҳоят, нуқта ва бурчакка оид ҳамма нарсани ўрганади. У мутаносиб ва номутаносиб ўлчамларни... текширади. У ясаш усулларини текширади»[2]. Форобий амалий геометриянинг дурадгор, темирчи, бинокор-сангтарош, ер ўлчовчи каби уста ва ҳунармандлар учун айниқса зарурлигини уқтириб ўтади. Форобий китобида куб, конус, доира, цилиндр, призма, пирамида каби энг кенг тарқалган ҳажмий шаклларни атрофлича текширади. Мазкур шакллар эса меъморлик тарихида кенг қўлланиладиган геометрик ясаш, чизиш, ҳисоблаш усулларининг асосини ташкил этади.

Форобий оптика фани орқали бирор геометрик ҳақиқий шакл масофа, баландлик, нур синиши таъсирида одам кўзига бир оз ўзгарган ҳолда кўриниши қонуниятларини кўрсатади. Бу эса меъморликнинг санъат эътибори билан анчайин мураккаб жиҳатларига боғлиқ. Демак, Форобийнинг матема-

---

[1] Аль-Фараби. Философские трактаты. Алма-Ата, 1970, стр. 107.

[2] Ўша асар, 147—148- бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тикага оид рисоласини чуқур ўрганган ҳунарманд, бинокор уста, меъмор меъморий лойиҳа ва макет ясаш учун зарур бўлган ўша даврда маълум бўлган асосий қонунқоидаларни эгаллаган. Форобий амалий геометрия қисман «бинокорлик санъатининг асосини ташкил этади»[1], деб кўрсатиб ўтади. У «риёса ал-бино» термини билан меъморий иншоотлар яратишни назарда тутади.

Форобийнинг меъморлар ижодига таъсирини яна бир тарихий факт яққол исбот этади. Абул Вафо Бузжоний (940—998) ўз даврининг етук математик олими сифатида машҳур бўлган. Айниқса, унинг ҳунарманд усталар учун мўлжаллаб ёзган геометрик ясаш усуллари ҳақидаги китоби[2] меъморлар учун зарур амалий қўлланма сифатида фойдаланилган деган хулосага келиш мумкин. Форобийнинг «Китоб ал-хийал ар-руҳонийа ва-л асрор аттабиийа фи дақоиқ ал-ашкал ал-ҳандасиийа» номли 10 китобдан иборат асари кейинроқ Абул Вафо Бузжонийнинг китобига бутунлай киритилганлиги ошкор бўлди. Демак, Форобийнинг геометрияга оид тадқиқоти мустақил равишда ва Бузжонийнинг форсий китоби орқали бир неча аср давомида бинокор усталарга хизмат қилиб келган.

Абу Наср Форобийнинг геометрияга оид тадқиқотини варақлайлик. Доиранинг марказини аниқлаш, тенг томонли шакллар (учбурчак, квадрат, бешбурчак, олтибурчак, еттибурчак, саккизбурчак ва ҳоказо) ясаш усуллари, доира ичига ва ташқарисига чизилган мунтазам кўпбурчаклар, баъзи шаклларнинг ясаш усуллари, учбурчакни, тўртбурчакни бўлиш, мунтазам кўпбурчакларни қисқартириш, кўпайтириш, пропорционал ўзгартириш каби масалаларнинг турли вариантлари ҳамда уларнинг энг осон ечиш йўллари келтирилган.

Қизиғи шундаки, барча келтирилган геометрик масалалар оддий паргар ва чизғич билан ечилади, яъни бошқача айтганда, деярли ҳамма масала бинокорнинг амалий ишларида оддий қозиқ ва режа ипи ёрдами билан бажариладиган ясаш усулларидир.

Форобий келтирган мисоллар фақат бино қурилишига эмас, балки бадиий безак — геометрик нақшлар ясаш усуллари билан ҳам чамбарчас

---

[1] Ўша асар, 161- бет.

[2] Абу-л Вафа ал-Бузджани. Книга о том, что необходимо ремесленнику из геометрических построений. Пер. и прим. С. А. Красновой. В кн. «Физико-математические науки в странах Востока», вып. 1(IV), М., 1966, стр. 56—136.

www.ziyouz.com kutubxonasi

боғлиқ. Айниқса гириҳ деб аталган мураккаб геометрик нақшларнинг ясаш қонуниятларини билмай туриб, амалиётга тадбиқ этиш қийин, уларни ижод этиш эса, назариясиз, деярлик мумкин эмас.

Уй ёки курра ҳажмини икки марта кўпайтириш ҳақидаги масала кўп жиҳатдан эътиборни жалб этади. Форобий уй сўзини ишлатиши уни меъморий лойиҳалар яқиндан қизиқтирганлигини кўрсатса, ҳажмини кўпайтириш ва асосий ўлчамларни белгилаш эса илгари вақтларда лойиҳа қаторида бинонинг макети ишланганлигига аниқ ишорадир.

Бошқа бир масалада Форобий парабола ясашнинг икки усулини кўрсатади. Маълумки, параболадан меъморлар равоқ шаклини белгилашда кенг фойдаланишган. Форобий парабола шаклини такрор чизиш учун махсус лекало «мастара» ясалишини айтади. Бу меъморликдаги равоқ лингасининг худди ўзидир[1].

Марказий Осиё меъморлигини ўрганиш давомида турли тадқиқотчилар равоқ ва гумбазлар шакли қандай ясалган деган савол устида кўп бош қотиришган. Осори атиқалардаги равоқ ва гумбазлар шаклини текшириб, уларни ясаш қонун-қоидалари аниқланган эди. Эндиликда Форобийнинг геометрияга оид рисолаларидан бу саволга аниқ жавоб топдик. Қадимги меъморлар равоқ ва гумбаз шаклларини кенг тажрибадан ўтган, анча осон ва қулай геометрик ясаш усуллари билан белгилаган эканлар.

Форобий доира, учбурчак, квадрат, мунтазам кўпбурчаклар геометрияси ҳақидаги фикрларида доимо шакллардаги мутаносиблик — пропорция, нисбат масалалари ҳал этилганлигини кўрамиз. Марказий Осиё меъморлигининг 10—16- асрларга оид ёдгорликларида Форобий кузатган, таҳлил этган геометрик пропорцияларнинг кенг қўллангани аниқланди.

Биз улуғ мутафаккир Абу Наср Форобийнинг математикага оид асарларининг меъморлик санъати билан узвий боғлиқ бўлганлигини қисман бўлса-да кузатиб ўтдик. Лекин Форобийнинг меъморлик тараққиётига бўлган таъсири ниҳоятда кенг ва салмоқли бўлган. Келажак тадқиқот ишлари бу фикрни янада янги-янги далиллар билан бойитишига ишончимиз комил.

Бутун фаолияти инсонпарварлик руҳи билан суғорилган Форобийнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий тадқиқотлари ичида меъморликнинг кенг

---

[1] Аль-Фараби. Математические трактаты, Алма-Ата, 1972, стр. 103—106.

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўламдаги кўриниши — шаҳар тузилиши, ундаги жамоани бошқариш, аҳолининг таркиби, яшаш шароити каби кўп масалалар билан шуғулланганида кўриниб турибди. Форобий «Фазилатли мадинат (шаҳар) аҳли» номли китобида шаҳарнинг таркиб топиши ҳакида фикр юритади. Уйлар бирлашиб кўча, маҳалла ва ниҳоят шаҳар ташкил этилиши, унинг таркибий қисмларининг қулай тартибли жойлашишида ижобий сифатларни кўради[1]. Фозил шаҳарни соғлом танга ўхшатади, инсониятнинг бундан кейинги равноқи йўлида ҳам ижобий барака ва самара бағишлашига ишонади. Инсонлар яшаши учун идеал шароит яратишни орзу этади. Фозил шаҳарни салбий жиҳатли, жоҳил, фосиқ, баттол шаҳарларга қарши қўяди.

Ўзининг кенг билими, илғор фикр ва ғоялари билан замонасининг буюк алломалари қаторидан юқори ўрин олган Абу Наср Форобийни халқ «Шарқ Арастуси» деб улуғлади, Аристотель — Арастуга нисбатан уни «муаллими соний», яъни «иккинчи муаллим» деб атади. Унинг буюк илмий мероси асрлар давомида инсонпарварлик йўлида хизмат қилиб келди. Шу жумладан, Форобийнинг меъморлик ҳақидаги тадқиқот ва фикрлари Шарқ меъморлиги, айниқса, ўз ватани — Марказий Осиё меъморлиги тараққиётида муҳим роль ўйнади. Форобий яратган математик рисолалар неча-неча меъмор ва бинокор устодлар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилганига ҳеч шубҳа йўқ.

МУҲАММАД НАРШАХИЙ СЎЗИ

Бухоро — жуда кўҳна шаҳар. Ҳатто унинг номи ҳам тарихий муаммо бўлиб келаётгани бежиз эмас. Шаҳар тарихи, маданияти, меъморлиги ҳақида ҳали аниқланмаган масалалар беҳисоб. Шаҳарнинг асрлар давомида яратилган ягона тош китоби — меъморий ёдгорликлари эндигина атрофлича ўрганилмоқда. Кўҳна шаҳар кўчаларини кезарканмиз, ҳар гузар, ҳар манзилда ноёб ёдгорликларга дуч келиб, мозийнинг «мухтор вакил»лари билан учрашгандек бўламиз.

Қадим Бухоронинг азим иморатлари Марказий Осиё меъморлиги тарихида муайян ва салмоқли ўрин тутади. Бундан минг йилча муқаддам бунёд топган Сомонийлар мақбараси умуман меъмор-

[1] Аль-Фараби. Философские трактаты, Алма-Ата, 1972, стр. 304-306.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лик хазинасининг бебаҳо дурдоналаридан бири ҳисобланади, у номаълум меъморнинг нақадар буюк ижодкор эканлигини намойиш этиб турибди. Абу Наср Форобий (837—950), Абу Райҳон Беруний (973—1048), Абу Али ибн Сино (980—1037) каби мутафаккир алломаларнинг замондоши ва ҳеч шубҳасиз, сафдоши бўлган меъмор номи, унинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар бутунлай изсиз йўқолиб кетган. Кўҳна тарих бераҳм ва шаддод. У инсон даҳоси яратган санъат ва меъморлик обидаларини ҳам аёвсиз вайрон этиб келган. Ана шу мақбара каби меъморликнинг ноёб асарларини яратолган меъморларнинг ижод дунёси, фикрлари, орзу-умидлари, гўзаллик ҳақидаги эстетик қарашлари, бино бунёд этиш йўлидаги завқу машаққатлари, қолаверса бинокорлик таомилидаги сўз ва терминлари — буларнинг ҳаммаси жуда муҳим тарихий аҳамиятга эга.

Сомонийлар мақбараси яратилган даврнинг машҳур олими Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий (899—960) «Бухоро тарихи» китобини ёзиб қолдирган. Бу китоб Марказий Осиё тарихнавислигида сақланиб қолган асарларнинг қадимгилари қаторидан ўрин олган бўлиб, 8—12- асрларга оид иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий тарих бўйича бебаҳо манба сифатида олимларимиз хизматида турибди. Китобда Бухоро шаҳри тузилиши, бинолари, саройлари, боғлари, бозорлари, халқ урф-одатлари ҳақида, меъморлигимиз тарихини ёритувчи қимматли маълумотлар жуда кўп. Шуларни диққат билан ўрганар эканмиз 8 — 12- асрлар меъморлик санъатининг бутунлай изсиз йўқолиб кетган тарихан юксак аҳамиятга эга даврлари, услуб йўналишлари аниқланди.

Муҳаммад Наршахий китоби 944 йилда араб тилида ёзилган, 1028 йилда эса бир оз қисқартириб, янгиликлар киритиб Абу Наср Аҳмад ал-Қубавий томонидан форс тилига таржима этилган. Кейинги асрларда ҳам (12- аср) китобга ўзгартиришлар киритилган. Шунинг учун ҳам китоб 8—12- асрлар меъморлигига оид маълумотлар беради.

«Бухоро тарихи» даги меъморлик маълумотлари турли олимлар томонидан (В. Бартольд, В. Вяткин, М. Массон, В. Шишкин, Г. Пугаченкова, Л. Ремпель, О. Сухарева) айрим масалаларни ҳал этишда самарали фойдаланилган. Лекин шу вақтгача китобнинг меъморлик тарихига қўшган ҳиссаси тугал ўрганилмаган. «Бухоро тарихи» китобининг ўзбек тилида нашр этилиши ҳали аниқ бўлмаган тарихий ва меъморий муаммолар кўп эканлигини янада ошкор этди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Бухоро тарихи»[1] китобини варақлайлик. Меъморликка тегишли бўлган маълумотларни диққат билан кузатиб, уларни таҳлил этишга, баъзи муҳим масалаларни аниқлашга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Шаҳар тарихи. Бухоро шаҳрининг қадимги тарихи деярлик ўрганилмаган десак бўлади. Л. Ремпель ва О. Сухареванинг шаҳар тарихига оид тадқиқотлари асосан ўрта асрлар, 19- аср ва 20- аср бошлари даври билан чекланган.

Китобда Абул Ҳасан Абдураҳмон (ибн) Муҳаммад ан-Нишопурийнинг «Ҳазоин ул-улум» асаридан парча келтирилиб, Бухоро шаҳри ўрнашган мавзе илгари ботқоқлик ер бўлгани, унда тўқайзор, дарахтзор ва кўкатзорлар кўплигидан, ҳатто «бирор ҳайвон ҳам оёқ қўйишга жой топа олмагани» (15- бет) баён этилади. Зарафшон дарёсининг (ўша даврда «Руди Мосаф» деб аталган) қуйи оқимидаги ботқоқликлар аста-секин тўлиб, текисланиб, обод жой бўла борган. «Одамлар Туркистон томондан келар эдилар. Бу вилоятда сув ва дарахтлар, ов қилинадиган (жониворлар) кўп бўлганидан кишиларга бу вилоят хуш келиб, шу ерга жойлашдилар. Аввал улар чодир ва ўтовларда турар эдилар, сўнг вақт ўтиши билан одамлар йиғилишиб иморатлар қурдилар» (15—16- бетлар). «Шери Кишвар Бухоро шаҳристонини қурди ҳамда Момостин, Сақматин, Самтин ва Фороб қишлоқларини бино қилди. У йигирма йил подшоҳ бўлиб турди. Ундан кейин бўлган бошқа подшоҳ Искажкат, Шарғ ва Ромтин қишлоқларини бино қилди, сўнгра Фарахший қишлоғига асос солди» (17- бет). Ҳозирча Наршахий айтганидан қадимгироқ бирор ёзма ёдгорлик топилгани йўқ. Археологик текширишлар эса, Бухоро мавзесида икки минг йил муқаддам ҳам одамлар истиқомат қилганликлари хусусида маълумот беради.

«Бухоро» номи қандай маънони билдиради? Китоб таржимонларидан бири Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Наср Бухоро шаҳрининг илгари турли ном билан аталганини қайд қилади. Бошқа таржимон эса «Хуросон шаҳарларидан бирортаси ҳам бунчалик кўп номга эга эмас», дейди (27- бет). Эски китобларда Нумижкат, Бумискат номларини учратишган экан. Хитой солномаларида шаҳар 5- асрда Нюми деб аталгани кўрсатилади. Бошқа бир хитой сайёҳи Сюань Цзан (630 йил) шаҳарни Бухо деб ата-

---

[1] Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи.— Тошкент, 1966. Кейинги ҳамма цитаталар шу китобдан олинди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган[1]. Араблар эса шаҳарни «Мадинат-ус-суфрия» (яъни «Мисшаҳар»), баъзилар «Мадинат ут-тужжор» (яъни «Савдогарлар шаҳри»), ҳатто 9- асрда «Қуббат ул-ислом» («Ислом динининг гумбази») деб аташган. Лекин муаллиф ва таржимонлар «Бухоро» номи айниқса машҳурроқ эканлигини айтадилар.

Бир ҳадисга кўра Бухоро номи Фохира сўзидан келиб чиққан эмиш. Фохиранинг ўзаги эса фахр сўзидир.

Наршахийнинг ривоятларга асосланиб айтишича, араб саркардаси Қутайба тўртинчи марта Бухорони олганида, шаҳар атрофи еттита дарвозали девор билан ўралган экан: дарвозаи Бозор (кейинроқ дарвозаи Атторон деб аталган), дарвозаи Нун, дарвозаи Баний Саъд, дарвозаи Ало, дарвозаи Баний Асад (илгари дарвозаи Муҳра аталган), Дари Ҳақрақ, дарвозаи Нав. Орадан икки аср ўтгач, девор бутунлай бузилиб кетган. Шунда халқ Бухоро амири Аҳмад ибн Хомиддан «Шаҳримиз атрофида девор бўлиши керак, токи биз кечаси дарвозаларни беркитиб, ўғрилар ва йўлтўсарлардан тинч бўлайлик» — деб илтимос қиладилар. «Шундан кейин у девор уришга буюрди ва яхши маҳкам девор уриб, миноралар қурдилар, дарвозалар ўрнатдилар» (37- бет). Девор 850 йили қуриб тугатилди, зарур пайтларда таъмир этилди. Арслонхон (1102—1130) «эски деворнинг олдига бошқа (янги) девор (ҳам) қуришга буюрди ва иккала девор бир-бирига ёпишиб мустаҳкам бўлди» (37- бет). Орадан кўп ўтмай 1165 йили Масъуд Қилич Тамғоч хон... буйруғи билан Бухоро шаҳри «эски деворининг ташқарисидан девор урдилар»; Хоразмшоҳ Муҳаммад 1208 йили Бухорони олгач, вайрон бўлган деворга «яна сиртдан девор уришга буюрди; иккала деворни янгиладилар» (37- бет). Лекин Чингизхон Бухорони қамал этганда шаҳар деворлари яна вайрон бўлди. Ҳозирги давргача сақланиб қолган Бухоро шаҳар деворлари асосан 16- асрда Абдуллахон буйруғи билан қурилгандир.

Бухоро шаҳри асосан бир мавзе атрофида ривожланиб борган. Шунинг учун ҳам ҳозирги шаҳарнинг тузилиши, таркибида ўтмиш асрлар қолдиқларини учратамиз. Шаҳар кўчаларининг асосий йўналишлари эса ана ўша қадимги дарвозаларга олиб борувчи йўлнинг йўналишини кўрсатади. Бухоро марказидаги қалъа — арк шаҳарнинг энг қадимги ёдгорликларидан ҳисобланади. Асрлар давомида йиғилиб қолган ундаги маданий қатламлар 20 метрдан қалинроқ. Демак,

---

[1] Бартольд В. В. Сочинения, том 3, М., 1965, стр. 376.

www.ziyouz.com kutubxonasi

археологик қазишлар туфайли узоқ тарихнинг унут бўлган саҳифаларини, қадимий обидалар қолдиқларини топиш мумкин. Бу борадаги тадқиқот ишларида Наршахийнинг китоби катта дастак бўлиши шубҳасиз.

Наршахий Бухоро арки (ҳисори)нинг бино этилишига махсус боб бағишлаган. Абул Ҳасан Нишопурийнинг «Хазоин-ул-умум» китобида Бухоро кўҳандизининг, яъни арк қалъасининг бино этилиши ҳақида шундай ривоят келтирилган экан: Сиёвуш ўз отасидан қочиб, Жайхун (Амударё) дан ўтиб, туркларнинг подшоси Афросиёб (Али Тунга) га боради. Афросиёб унга ўз қизини тўй қилиб беради. «Сиёвуш бу ерда ёдгорлик қолдиришни истади» (28- бет), натижада Бухоро арки қурилди. Лекин туҳмат ва фитна оқибатида шоҳнинг ғазабига учраган Сиёвуш қатл этилди ва ўзи қурган қалъанинг «Дарвозаи ғуриён» ичкарисига дафн қилинган. Шундан бери ўша жой оташпарастларнинг муқаддас зиёратгоҳига айланиб қолган. Ҳар йили наврўз тонгида хўроз сўйиб марсиялар айтиш одати 20- аср бошларида ҳам давом этган.

Бошқа бир ривоятга кўра арк қалъасини Афросиёб бино қилган дейилади. Лекин асрлар давомида ҳисор қалъаси ва бинолари бузилиб, вайрон бўлган. Араб истилосидан аввалроқ подшоҳ бўлган Бидун Бухорхудот тахтга ўтиргандан кейин қалъа ва ундаги қасрни тузаттирган ва ўз номини темирга ёздириб қасрнинг дарвозасига маҳкам ўрнатиб қўйган.

Арслонхон ҳукмронлиги даврида (1102—1130) Бухоро тез ривожланди, маҳобатли бинолар қад кўтарди. Абу Наср Аҳмад ал-Қубавий даврида арк бузилиб кетган экан. «Арслонхон уни янгилашга буюрди ва ўзи тураржой қилиб олди ҳамда ҳисорни маълум шартларга мувофиқ идора қилиб турсин учун улуғ бир амирни қутвол (қалъа бошлиғи) қилиб тайинлади. Бу ҳисор халқ кўзида зўр эътиборга эга эди» (29- бет).

Хоразмшоҳ Султон Такаш 1139 йили Бухорони эгаллаб, унинг волиси амир Занги Алини ўлдиради, аркни вайрон қилади. Корахитойлар сулоласининг ҳукмдори Мовароуннаҳрни қўлга киритиб, Бухорога Алиптегинни воли қилиб тайинлайди. Шу йилиёқ (1142) арк обод қилинди ва яна подшоҳ қароргоҳига айланди. Таржимоннинг гувоҳлик беришича «ҳисор илгаригидан ҳам яхшироқ бўлди» (29- бет). 1144 йил рамазон ойида (8 март — 6 апрель) ғуз аскарлари шаҳрни босиб олдилар, яна аркни вайрон қилдилар. Кейин кўп йиллар давомида ҳисор-арк ташландиқ ҳолда ётди. Ҳатто ундаги биноларни бузиб, ғиштидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

фойдаланишган. 1165 йилда «Бухоро шаҳрининг айланасига девор қурмоқчи бўлдилар; деворнинг тагини пишиқ ғиштдан ишлаш зарур бўлди. Ҳисорнинг таги ва миноралари пишиқ ғиштдан эди, уни бузиб олиб Бухоро шаҳрининг деворига ишлатдилар. Ҳисор бир йўла вайрон бўлди ва қасрдан ҳеч бир иморат ва нишон қолмади» (30- бет). Кейинги таржимоннинг таъкидлашича, Хоразмшоҳ Муҳаммад Бухорони 1208 йилда иккинчи марта эгаллаб, «ҳисорни қайта тиклади», лекин кўп ўтмай 1220 йили Чингизхон лашкари Бухоро шаҳрини, жумладан аркни яна вайрон қилди.

«Бухоро тарихи»да шаҳар ичкариси ва ташқарисидаги қатор иморатлар ва боғлар ҳақида хабар берилган. Кўрсатилган иморатларнинг кўпчилиги деярлик бизнинг давримизгача етиб келмаганлигини эътиборга олсак, китоб маълумотларининг тарих учун қанчалик аҳамиятга эга эканлигини тасаввур этиш мумкин.

Аркнинг асосий дарвозасидан ғарб сари то Маъбад дарвозасигача бўлган масофа Регистон деб аталган экан. Регистон — қумлоқ демакдир. Демак, тўғри йўлга — кўчага қум тўшалган экан. «Мана шу Регистонда қадим жоҳилият даврларидан бери подшоҳларнинг саройлари бўлган» (30- бет). «Амир Саъид Наср ас-Сомоний (914-943) учун Регистонда ғоятда гўзал бир сарой қурдилар» (30- бет). Амир ўз саройи дарвозаси олдига амалдорлари учун ҳам сарой қуришга буюрди. Уни шундай қурдиларки, «ҳар бир амалдорнинг подшоҳ дарвозаси олдида қурилган ўз саройида алоҳида девони бор эди: масалан, вазир девони, соқчилар бошлиғи девони, хатхабарлар мутасаддиси девони, сарой иш бошқарувчиси девони, давлат хос мулклари девони, муҳтасиб девони, вақфлар девони, қозилик ишлари девони (Амир) мана шу тартиб билан девонлар қуришга буюрди ва уларни қурдилар» (30-бет). Тасвир этилган сарой иморатлари биргаликда ажойиб бир меъморлик ансамбли ташкил этган бўлиши керак. Ундан аввал ва кейин ҳам мунчалик комплекс бинолар қуриш тажрибаси Мовароуннаҳр меъморлигида ҳам учрайди.

Абдулмалик Сомоний (954—961) Дарвозаи Мансур маҳалласидаги «мадраса рўпарасига жуда яхши бир масжид бино қилди ва масжид туфайли ўша мавзе камол топди (30- бет). ...Амир ўлгач, унинг саройи талон-тарож қилиниб, биноларга ўт қўйилиб ва ундаги тилла ва кумушдан (ишланган) ҳамма гўзал нарсалар яроқсиз бўлди... биноларда бирор нишон ҳам қолмади» (31- бет).

Амир Мансур ибн Нуҳ 961 йили тахтга ўтиргач, Бухоронинг Жўйи Мўлиён де-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган жойида аввалгидан ҳам яхшироқ қилиб янги сарой қурдирди. Орадан бир йилча вақт ўтмасдан яна ёнғин бўлди. «Бир байрам кечаси ўтказилиб, қадимий одатга мувофиқ катта гулхан ёқдилар, бир пора олов учиб саройнинг шипи аланга олди ва сарой яна бутунлай куйиб кетди... Ўша вақтдан бери бу мавзе яна регистон — бўш майдонга айланиб, вайрон бўлиб қолди» (31- бет).

Кейинги даврларда Жўйи Мўлиён мавзеи подшоҳлар ва аслзодаларнинг тураржой саройлари манзилгоҳи бўлиб қолди. Муаллиф шавқ-завқ билан таърифлайди: «Жўйи Мўлиённинг жаннатни эслатувчи гўзал мақомидан кўра яхшироқ бирор жой ва манзил Бухорода йўқ эди. Чунки унинг ҳамма жойи саройлар, боғлар, гулзорлар ва бўстонлар билан қопланган. Доимий оқиб турувчи сувлар (билан таъминланган). Унинг чаманзорлари бир-бирларига туташиб кетган ва уларнинг ораларидан ариқлар ўтиб, сувлар чаманзорлар ва гулзорлар томон минг тарафга оқар эди. Оқиб келаётган сувларни томоша қилган ҳар бир киши, бу сув қаердан келаяпти-ю, қаерга кетаяпти деб ҳайратда қолар эди» (31- бет).

Бу сатрларни ўқир эканмиз, ўша даврда яшаган буюк классик шоир Абулҳасан Рудакийнинг амир Наср олдида уни Бухорога тезроқ қайтариш мақсадида айтган она юрт соғинчи сўзлари эсга тушади:

«Бўй Жўйи Мўлиён ояд ҳаме
Ёди ёри меҳрибон ояд ҳаме...»

Муаррих «Жўйи Мўлиён» номининг аслида «Маволиён», яъни маволийлар сўзидан келиб чиққанини ҳам кўрсатиб ўтади. Амир Исмоил «Бухоронинг барча ерларидан қиймат-лироқ, яхшироқ ва хуш ҳавороқ бўлган жойни лашкарбоши Ҳасандан сотиб олади» ва «унда саройлар ва боғлар барпо қилиб, уларни ўз маволийлари (гвардияда хизмат қилувчи озод қуллар)га ғамхўрлик юзасидан бўлашиб беради». «Амир Исмоилдан кейин унинг фарзандларидан кимки амир бўлса, у гўзаллиги, тоза ва хуш ҳаволиги туфайли Жўйи Мўлиёнда ўзи учун боғ ва кўшклар бино қилди» (32- бет).

Яна бир ўзига хос тасвир: «Регистоннинг дарвозасидан то Даштакча (бўлган) ҳамма ер тошдан ишланиб нақшланган, бир тартибда (қурилган) баланд уйлар, турли суратлар ишланган меҳмонхоналар, чиройли чорбоғлар ва яхши сарҳовузлар билан банд эди. Садақайраҳочлар шундай тарзда чодир шаклини олган эдики, сарҳовуз лабидаги ўтирадиган жойга... заррача қуёш тушмас эди. Бу чорбоғларда нашвати, бодом, ёнғоқ, гилос, жилонжийда ва анбар бўйли жаннатда бўладиган ҳар бир мева

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғоятда яхши ва ғўзал тарзда (ўтқазилган) эди» (31- бет). Даштак деган жой Бухоро аркига ёндошган қамишзор текислик экан. Амир Исмоил бу тепаликни ҳам сотиб олиб жоме масжидига вақф этган экан.

Қорахонийлардан Малик Шамсулмук (1068—1080) шаҳар ташқарисидаги Иброҳим дарвозасидан қарийб ярим фарсанг келадиган «жойда ғўзал боғлар барпо этди, иморатларига кўп маблағ ва хазиналар сарф қилди» (33- бет). Шамсобод деб номланган бу жойга бир ғўруқ (қўруқ) ташкил этиб, «узунлиги бир миқдорда мустаҳкам девор билан ўраб ичига бир қаср ва бир каптархона қурди. Бу ғўруқ ичида буғу, кийик, тулки ва айиқ каби ёввойи жониворларни сақлар ва уларнинг ҳаммаси ўргатилган эди» (33- бет).

Маълумки араб истилоси ислом динини мажбурий тарғиб этиш билан бирга олиб борилган. Қутайба ибн Муслим Бухоро шаҳрини уч марта эгаллаб, аҳолисини мусулмонликка ўтказган, лекин аҳоли унга қаттиқ қаршилик кўрсатган. Қутайба шаҳарни тўртинчи марта эгаллаганда жуда кескин сиёсат билан қатор тадбирларни амалга оширади. У жидду жаҳд билан шариатга амал қилмаганларни жазолади, масжидга келгани учун пул мукофотлар берди. «Қутайба масжидлар бино қилди, кофирлик ва оташпарастлик асарларини йўқотди» (47- бет).

Қутайба Бухоро арки ичидаги мавжуд бутхона биносини 712 йилда жоме масжидига айлантирди. Муҳаммад Наршахий бу ҳақда жуда муҳим кузатишни хабар қилади: «Бухоро масжиди жомеини кўрдим, унга суратлик эшиклар ўрнатилган бўлиб, суратнинг юзи тарошланган ва бошқа жойлари ўз ҳолича қолдирилган эди. Мен (бунинг) сабабини ўз устозимдан сўрадим. У айтди: Мен бу эшик ва бошқалар (ҳақида) эшикларни дастлаб ўрнатган кишидан сўраганимда, у айтган эдики, бухороликлар тил учида мусулмонликка иқрор бўлиб, яширин равишда бутга чўқинар эдилар. Шаҳардан ташқарида етти юзта кўшклар бўлиб, уларда бойлар турар эдилар ва улар итоатсизроқ бўлганликларидан масжиди жомега кўп кишилар ҳозир бўлмас эди, ҳалиги икки тангани олиш учун камбағалларгина боришга қизиқар, аммо бойлар эса қизиқмас эдилар. Бир жума куни мусулмонлар кўшкларнинг эшикларига бориб, уларни жума намозига чақира бериб зериктирдилар, шунда бойлар кўшк томидан туриб мусулмонларни тош билан урдилар (икки орада уруш бўлиб, мусулмонларнинг қўллари баланд келди ва улар бойлар қасрларининг эшикларини

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўчириб (Бухорга) келтирдилар. У эшикларга ҳар ким ўзи (чўқинадиган) бутнинг суратини ишлатган эди (таъкид бизники — П. З.). Жоме масжиди кенгайтирилган вақтда у эшикларни жоме масжидига ишлатдилар ва эшиклар хунук бўлиб кетмасин учун суратнинг юзигина қириб ташланиб, бошқа жойларини ўз ҳолича қолдириб қурдилар» (48- бет).

Муҳаммад Наршахий бутли эшикларни 944 йилгача кўрган бўлса, ундан қарийб 185 йил кейин ҳам ана шу эшиклардан бири сақланиб қолганини таржимон Аҳмад ибн Муҳаммад таъкидлаб ўтади. «Унда ҳали ҳам тарошланганлик асари кўриниб турибди» (48- бет).

Эшик устига хонаки бут — ҳайкалнинг шакли осилиши ёки ўйиб ишланиши каби оташпараст, бутпарастларнинг диний ақидалари фақат Наршахий китобида қайд қилинган. Наршахий оташпараст муғларни кашкашонлар деб атайди. Қадим замонларда Моҳ деган подшо фармони билан дурадгорлар ва наққошлар у йилдан бу йилгача бутҳайкал йўниб, белгиланган кунда шу бозорга келтириб сотишар ва халқ уни харид қилиб олишар экан. Ҳар қачон у бут йўқолса ёки синса, ёки эскиса, шу бозор куни бошқасини сотиб олар ва эскисини ташлар эканлар. Ана шу «Бозори Моҳрўз» Наршахий вақтида ҳам мавжуд бўлиб, ҳар йили икки марта бозор қилинар экан. Шу бозорда оташпарастлар ибодатхонаси ҳам бўлган. «Бозор куни одамлар бу ерга йиғилганларида ҳаммалари ибодатхонага кириб оловга топинар эдилар» (27- бет). Наршахий замонида мўътабар ҳисобланган Моҳ масжиди ана шу оташгоҳ ўрнига қурилган экан.

Эшикка бут ҳайкал осиш одати кейинги асрларда қандай ҳолатда бўлган? Афсуски турли даврларга мансуб ажойиб ўймакори эшиклар бизнинг даврримизгача деярли сақланиб қолмаган. Сабаби аниқ: ёғоч нисбатан тез чирийди, ёниши мумкин. Лекин сақланиб қолган қўл билан санарлик баъзи эшикларда ўша давр таъсирининг қандайдир қолдиқларини кўриш мумкин. Икки табақали серҳашам эшикларнинг ўртадаги бандиси (буруни) кўпинча устунча шаклида талқин этилиб, юқорисида калла деб аталувчи кенг бўлаги бор. Ана шу калла ўрнида хонаки тангрининг ҳайкал тасвири бўлган деб тахмин этиш мумкин. Дарвоқе, халқ усталари таомилида учратилган «бағдоди эшик» термини ҳам ана шу қадимги анъананинг бизга етиб келган гувоҳи бўлса ажаб эмас. Чунки қадимги форс тилида «баға» — тангри, худо, «доди» (додон-берган феъли-дан), яъни «худоберган», «ху-

www.ziyouz.com kutubxonasi

доли» эшик мазмунини билдиради.

Масжиди жомега қайтайлик. Кўп ўтмай масжид торлик қилиб қолди. Бухоро аҳолиси бирлашиб, арк ва шаҳристон ўртасига янги жоме масжиди бино қилдилар. Мазкур масжид қисман кенгайтирилиб, таъмир этиб борилди. Ниҳоят амир Исмоил Сомоний атрофидаги уй-жойларни сотиб олиб «жоме масжидини учдан икки ҳиссасигача кенгайтирди. Амир Саъид Наср ибн Аҳмад (914—943) даврида рамазон намозида одам кўплигидан масжид томи бутунлай босиб қолиб, остида жуда кўп одам нобуд бўлган. ...Бу ҳодисадан кейин Бухоро шаҳри (қарийб) бўшаб қолди» (49-бет). Бир йил ичида масжидни қайта қурдилар. Кейинги йили масжиднинг ғарб томони йиқилиб тушди. Энди масжидни қайта тиклашга беш йил кетди. Олим ва вазир Абу Абдулҳақ ал Жайҳоний уч юз олтинчи йил ҳижрийда (918—919) ўз ҳисобидан минора қурдирди. Барча ўзгаришлардан кейин жомс масжиди арк деворларига пайванд бўлиб қолди.

Малик Шамсулмулк Бухоро аркини қамал этганда, отилган олов миноранинг устидаги ёғочдан ишланган қафасасига тушиб, уни ёндириб юборди. Оқибатда масжиди жомега ҳам ўт тушди. Шамсулмулк Бухорони эгаллагандан кейин, масжидни тузатишга ва минора тепасини ғиштдан ишлашга буюрди. «Яна Шамсулмулк мақсурани ва ичкарисида мақсура ўрнашган саройни ҳисордан узоқроққа қуришга буюрди» (49-бет). Бу воқеалар 1068—1069-йилларда бўлиб ўтган. «Бу мақсура, минбар ва меҳробларни Шамсулмулк буйруғи билан Самарқандда ясаб ва нақшлаб Бухорога олиб келганлар» (49—50-бетлар). Бухоронинг яна бошқа жоме масжидини қуришга Арслонхон ибн Сулаймон айниқса катта эътибор билан қаради. Аввалги хатони такрорламаслик учун у масжиднинг янги қисмларини аркдан узоқроқ жойга қурдирди. Ҳатто аркка ёндош минорани буздириб олиб, бошқа жойга ўрнаттирди. «Бу каби ғоят даражада гўзал ва яхши минора ҳеч бир жойда бўлмаган. Минора қурилиши охирига етиб, унинг тепаси ўрнатилган ва энди битай деб қолган эдики... минора қулаб масжиди жоме устига тушди ва масжиднинг учдан бир қисмини босиб қолди, нақшланган ва дурадгорлар (ҳунари ишлатилган) ёғочларнинг ҳаммаси синди. Арслонхон иккинчи марта минора қуришга буюрди ва энди у мустаҳкам бўлсин учун, зўр ҳаракат қилиб қурдилар, тепасини пишиқ ғиштдан ишладилар» (50-бет). Мас-

www.ziyouz.com kutubxonasi

жиди жоме (1121—22) қуриб тугалланди. У бешта миёнсарой ва икки минорадан иборат бўлиб, қадимдан қолган иккита миёнсаройга туташган эди. Арк томондаги катта сарой ва мақсура эса подшоҳ Шамсулмулк томонидан бино қилинган эди. Ўртадаги икки миёнсарой 902—903 ва 951—952-йилларда қурилган. Демак, масжиди жоме 902—1121-йиллар орасида қурилган бўлиб, турли қисмлардан таркиб топган экан.

Ана шу меъморлик ансамблидан бизнинг давримизгача фақат улкан минора сақланиб қолган. У халқ орасида Минораи Калон ёки Катта минор номлари билан машҳур.

Мусулмон ақидаларига кўра байрам — ийд (ҳайит) намозлари одатда шаҳар ташқарисидаги сайилгоҳларда ўқилган. Шу сабаб махсус масжид — намозгоҳ (ёки мусалло) қурилган. Бухоро намозгоҳлари тарихига оид дастлабки хабарларни Наршахий китобидан топамиз.

Қутайба ибн Муслим Бухорони эгаллагандан сўнг, ҳисор-арк ичидаги бутхонани жоме масжидига айлантирди ва шаҳарнинг «Саройи маъбад» дарвозаси яқинидаги одамлар «Регистон» деб атаганлари бўш майдонни ийд намози ўқиладиган жой қилди» (50-бет). Амир Мансур Сомоний 971 йили намозгоҳни Самтин (ҳозирги Чор Бакр) йўлидаги боғлар ўрнига кўчиртирди. Бу жойдан Бухоро арки дарвозасигача масофа ярим фарсанг (3,5 км) бўлган. Намозгоҳда чиройли минбар, меҳроб ва бир неча минорачалар қурилган экан. Сайилгоҳ шаҳардан анча узоқ бўлгани хавфли эди. Чунки аҳоли намозгоҳга борганда шаҳарни душман босқин қилиши осон бўлган. Шуни эътиборга олиб, Арслонхон даврида шаҳарнинг Иброҳим дарвозаси ташқарисидаги Шамсобод мавзеида 1119 йили намозгоҳ жорий этилди. «Теварагига баланд девор урдилар, пишиқ ғиштдан минора ва меҳроб қурдилар, такбир айтиб турувчилар учун минорачалар тикладилар» (51-бет). Ана шу намозгоҳнинг бир қисми, меҳроб ва унга ёндош деворлар бизнинг давримизгача сақланиб қолган. Девор олдидаги хоналар ва пештоқ 16-асрда қурилган. Совет ҳокимияти даврида Намозгоҳ давлат муҳофазасига олдинди ва таъмир этилди. Муҳими шундаки, «Бухоро тарихи» китобининг фақат намозгоҳ ҳақидаги қисқа маълумотлари асосида дастлабки намозгоҳлар тузилиши ва характери, ўрни, сақланиб қолган ёдгорликларнинг санаси ва бошқа жуда кўп муаммолар ҳал этилди.

Наршахий Бухоро кўшклари ҳақида муҳим фактлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

қолдирган. Айниқса, унинг оташпарастлар қурдирган кўшклар ҳақидаги хабари диққатга сазовор. Қутайба ибн Муслим Бухоро шаҳрини охирги марта эгаллаб олгач, аҳолини тезроқ бўйсундириш ва қўзғолонларнинг олдини олиш мақсадида шаҳар «аҳолисига ўз уйлари ва ерларининг ярмини арабларга беришни буюрди» (33—34- бетлар). Шунда шаҳарнинг эътиборли одамларидан бир гуруҳи «ўз уй-жойлари ва асбоб-анжомларини бутунлай арабларга қолдириб, ўзлари учун шаҳар ташқарисида етти юзта кўшк бино қилдилар... Ҳар бир киши ўз кўшкининг олдига боғ ва текис майдон барпо қилди» (34- бет). Кўшк эшигига эса анъанага кўра «ҳар ким ўзи (чўқинадиган) бутнинг суратини ишлатган эди» (34- бет). Мазкур воқеа биз учун икки жиҳатдан диққатга сазовор.

Биринчидан кўшк масаласи. Марказий Осиё меъморлиги тарихи билан шуғулланган кўпчилик мутахассислар (Г. Пугаченкова, Л. Ремпель) кўшк деб, монументал қалъалар, сарой иморатларини тушунтиришади. Лекин «Бухоро тарихи»да зикр этилган жуда кўп кўшкларни қиёс этсак, уларда, асосан, сўз боғ ичидаги яшаш жой — уй устида бораётганини кузатамиз. Наршахийлар даврида ҳам кўшк деб боғзор ичидаги уйни назарда тутишган. Дарҳақиқат кўшк сўзи келиб чиқиши ҳам (кўч-кўчик-кўшик-кўшк) бинонинг синчкори қурилмадан иборат бўлганлигидан далолат беради. Кўшк сўзи дастлабки мазмунини бир оз сақлаган ҳолда ҳозир ҳам «киоск» шаклида кенг қўлланилмоқда.

Иккинчидан, бут шакли ишланган эшиклар, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек бизнинг давримизгача «бағдодий» эшик номи билан сақланиб қолган экан.

«Бухоро тарихи»ни варақлар эканмиз, унда воҳа атрофини ўраб олган 830 йилда қуриб тугалланган қадимий Кампирак девори ҳақида, деворнинг ҳар фарсанг масофада (6—7 км) бир дарвозаси бўлгани, ҳар ярим мил масофада (таминан 1 км) «биттадан мустаҳкам минора» кўтарилгани хабар қилинган. Бундан ташқари, воҳадаги Бухорога тобе Кармана, Нур (ота), Тавовис, Искажкат, Шарғ, Зандана, Вардана, Афшона, Ромтин (Ромитон), Варахша, Байканд (Пойкент), Фороб каби шаҳар ва қишлоқлар тарихи борасида жуда кўп муҳим маълумотлар келтирилган.

Наршахий китобига бундан буён ҳам олимларимиз мурожаат этиши табиий, чунки ундаги ном-нишон хабарлар — баъзи тарихий маълумотларнинг ягона сақланиб қолган манбаи, қолаверса,

www.ziyouz.com kutubxonasi

келгуси археологик текширишларнинг очқичи бўлиб хизмат қилса ажаб эмас. Наршахий ва унинг таржимонлари яратган китоб, айниқса, Бухоро меъморлиги тарихи учун бебаҳо материаллар манбаи бўлиб хизмат қилаётгани жиҳатидан ҳам янада қимматлидир.

АЛИШЕР НАВОИЙ СЎЗИ

Амир Алишер Навоий ўз замонасининг буюк истеъдод соҳиби бўлган. У яратган абадият олами бениҳоя кенг, ижодий жасорати улуғвор, унинг халқимиз, шунингдек, жаҳон маданияти олдидаги хизматлари беқиёсдир. Дарвоқе, ҳаётлигидаёқ мамлакат ва халқнинг чуқур ҳурматига сазовор бўлган Алишер Навоий тарих осмонида сўнмас ёрқин юлдуз бўлиб қолди. Йиллар ва даврлар ўтиши билан Алишер Навоийнинг буюк ижодкор сифатидаги қадри янада ортиб бормоқда.

Алишер Навоий яшаган давр Мовароуннаҳр ва Хуросон маданияти равнақида катта ўрин тутади. Айниқса, Навоийнинг она шаҳри Ҳирот гуркираб яшнайди, маданият ва санъатнинг йирик марказига айланади, меъморлик санъати ўзининг юксак чўққисига чиқади. Ноёб ва маҳобатли бинолар, меъморлий ансамбллар яратилади. Ана шу яратувчилик ва юксалиш жараёнида Алишер Навоийнинг хизматлари ниҳоятда катта бўлди.

Навоий меъморлик санъати билан яқиндан таниш бўлиб, унинг равнақига катта эътибор берган. Меъмор, муҳандис, кошинкор, мусаввир, наққош усталарга раҳнамолик ва ҳомийлик қилган. Бу ҳақда, шунингдек Ҳирот меъморлиги намуналари ҳақидаги тарихий ҳужжатлар билан бир қаторда шоирнинг ўзи ёзган асарларида ҳам жуда кўп маълумотларни учратамиз.

Навоий ўзи ҳақида ёзади: «Ул ҳазрат (яъни подшо Ҳусайн Бойқаро) кўшки Марғани ёнида бу фақирга саро ва ҳовли ясағали ер иноят қилди. ... бу фақир ул ерда ўттуз жериб ерни девор тортиб, сарой иморат қилиб, боғчасиға ҳар турлик ашжор билан сафо ва назрат ва ҳар чаманиға ҳарнавъ раёҳин била зебу зийнат бердим...»[1] Алишер Навоийнинг боғи Ҳиротда машҳур бўлган турли хил иморатлардан иборат Хиёбон ансамблига кирган.

[1] Алишер Навоий. Вақфия. Асарлар, 13- жилд.— Тошкент, 1966, 169-170- бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу ансаблдаги кўпчилик бошқа йирик бинолар ҳам Алишер Навоий номи билан боғлиқдир.

Тарихчи Хондамирнинг таърифлашича, Алишер Навоий томонидан Инжил наҳри бўйига машҳур Мусалло қаршисига ўта зеб-зийнатли «Ихлосия» мадрасаси ва хонақоҳи, улар яқинига ниҳоятда гўзал «Халосия» хонақоҳи, ғарб томонига эса «Шифоия» ва «Сафоия» номли шифохона ва ҳаммом, «Унсия» номли уй-жойлар комплексини қурдирган.

Алишер Навоий ўзининг Инжил наҳри ёқасида олиб борган бунёдкорлик ва ободончилик ишларини «Вақфия» асарида қайд этиб ўтаркан мазкур кўпчиликка манзур гавжум манзилни, мазмун эътиборига кўра меъморий анжуманни Неъматобод деб номлайди:

«Бу буқъаки то биноси бунёд ўлди,
Эл ҳожат ила факрдин озод ўлди,
Дарвешу ғани неъматидин шод ўлди,
Бу важҳдин оти Неъматобод ўлди»[1].

Бундан ташқари, Алишер Навоий Хуросон музофотида жуда кўп жамоат бинолари, масжид, мадраса, работ, ҳовуз, ҳаммом ва кўприклар солдирганки, уларнинг ҳисоби юздан ошиб кетган. Алишер Навоийнинг бунёдкорлик — қурилиш соҳасидаги фаолияти жуда кенг миқёсда бўлган. Демак, Алишер Навоийнинг 15-аср Хуросон меъморлигига амалий таъсири жуда катта бўлган. Афсуски, Хондамир санаб чиққан меъморий иншоотларнинг кўпчилиги сақланиб қолмаган, мавжуд бинолар эса деярлик ўрганилмаган. Мазкур бино ва иншоотларнинг халқ ҳаёти ва фаровонлиги учун қанчалик зарур эканлигини ўйлар эканмиз Алишер Навоий гуманизмининг моддий асоси ва моҳияти яққол намоён бўлади.

Зеро, «биное тарҳ қилмоқким ҳамиша» — деб ёзган Алишер Навоийнинг онгли ҳаёти ва фаолияти ана шу шиорга амал қилишнинг ёрқин намунаси бўлиб қолди.

Алишер Навоий кўҳна ва машҳур биноларни таъмир этишдек мураккаб ишларга ҳам дадил киришди ва раҳбарлик қилди. Ҳиротдаги машҳур жоме масжидининг таъмири ҳақида Хондамир ўзининг «Хулосат-ул-ахбор» асарида қуйидаги тарихий хабарни ёзиб қолдирган. Алишер Навоий «...903 йилнинг рамазон ойида (1498 йил апрель-май) гумбази ва мақсура тоқини очишга амир қилди. Ундан сўнг тажрибали меъморлар ва диққаткор муҳандисларнинг маслаҳати

[1] Ўша асар, 171-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан мустаҳкам бўлмаган ул бинони тузатишга ишорат қилди, унинг икки томонига мақсура суфа ва олий даражали айвон қурдилар. Шу жиҳатдан улкан тоқ мустаҳкамланди ва у таърифлаб бўлмайдиган даражада маҳкам бўлди. Ва ул хайрсаҳовотли бинокор ўша иморат хусусида кўп ғамхўрлиги туфайли, ҳар куни ўша зарофотли жойга ташриф буюрар эди. Кўп кунлар, этагини белига қистириб, ёлланган ишчилар сингари усталарга ғишт узатарди ва бошқа ишлар қиларди. Тез-тез ўша ердаги меъморга, усталар ва косибларга қимматбаҳо саруполар кийдирарди ва кўп навозиш ва бошқа инъомлар билан хушдилу хурсанд қиларди. Шундай қилиб... уч-тўрт йиллик иш олти ой муддат ичида тамомланди.

Алқисса, (амир Алишер)... ибодатхонани мустаҳкамлашдан хотиржам бўлгандан сўнг, унга зебу зийнат бериш ва безаш хаёли, ҳашамат ва кўрк бериш андишаси унинг олижаноб хотирига келди. Олий ишоратга кўра муборат асарлик муҳандислар, хушмуомила кошинтарошлар, ҳунарманд наққошлар ва сангтарош усталар тезлик билан ул файз асар масжидга безак ва тартиб беришга киришдилар. Тахмин ва қиёс қилиб айтганда қарийб беш йил ичида тамомланиши зарур бўлган иш шу бир йил муддат ичида ғоят покиза ва безалиш билан зийнатланади. Ул олий манзилнинг тоқлари ва равоқлари ислимий ва хитойи нақш билан безатилгандек, унинг атрофлари ва суфалари ажиб кашфиётларнинг кўплиги билан қолган бинолардан мумтоз ва мустасно бўлди».

Шоирнинг шогирди Хондамир ўз мураббийси Алишер Навоий қурдирган 54 работ, 19 ҳовуз, 16 кўприк, ҳаммомлар, масжид-мадрасалар ва бошқа жамоат биноларини номлари билан санар экан, ўқувчини огоҳлантиради: «Махфий қолмасинки, агар ул дарё саҳоватлик амирнинг ҳиммат меъмори билан қурилган масжидлардан ҳар бирини муфассал баён қиладиган бўлса, бу мухтасар узайиб кетади».

Бу ўринда Алишер Навоийнинг монументал тасвирий санъат тараққиётига таъсирини алоҳида уқтириб ўтамиз. Бобур Мирзонинг таъкидлашича, «Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишерча мураббий ва муқаввий маълум эмаски, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай... Устоз Беҳзод ва Шоҳ Музаффар тасвирда бекнинг саъй ва эҳтимоми билан мундоқ машҳур ва маълум бўлдилар. Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши ундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай».

Хондамир «Хулосат-ул ахбор» китобида ёзади: «Амир Алишернинг фазлу ҳунар табақасининг аксарига

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғамхўрлиги зўрдир. Тазқиб (олтин билан нақшлаш) ва тасвир илму ҳунаридан нуқсон ва чексиз бўлган қалам аҳллари, шунингдек, замон наққошлари ва давр муҳандисларининг кўпи ул ҳазратнинг тарбия ва таълими воситаси билан бу ҳунарни ўргандилар ва атроф оламда монанди йўқ яхшилар тенги бўлдилар».

Навоийнинг асарларини ўқиганда ҳам унинг меъмор санъати ва маҳоратига доир жуда кўп қимматли фикрларини топамиз, меъморлик соҳасидаги ўз эстетик идеалларини олдинга суриб, тасвирда ажойиб кошоналар қурганини кўрамиз. Айрим биноларидан тортиб то катта меъморий ансамбларгача барпо этган Алишер Навоийни илғор меъморлар қаторига қўйсак арзийди. Навоийнинг адабий қаҳрамонлари қаторида меъморлик соҳасидаги турли касб усталарини учратамиз. Бу эса бежиз эмас, чунки Навоий меъморлар ҳаёти ва санъати билан яқиндан таниш эди. Фарҳоддан тортиб Монийгача бино қуришда, уни безашда қатнашадилар.

Алишер Навоий, айниқса, бадиий асарларида меъморликка бўлган ўз муносабати, эътибори, эстетик қараш ва идеалларини баён этди. Шоирнинг севикли қаҳрамонлари Фарҳод, Моний, Қорун каби меъмор, сангтарош, наққошларнинг улуғланиши бежиз эмас. Навоий асарларини ўқир эканмиз, бинокорликка оид жуда кўп тарҳларни — қурилиш лойиҳалари тасвирини учратамиз. Бу эса ўз ўрнида ўзбек меъморлиги тарихининг баъзи масалаларини ҳал этишга, тўғри тушунишга ёрдам беради.

Афсоналардаги бино, иморат, қасрлар кўриниши, уларнинг лойиҳа — тарҳини тузиш, турли зеб-зийнатлар билан безаклаш каби тасвирлар реал асосга эга. Шоир ўзининг меъморлик соҳасида орзу этган идеал биноларини тасвирлаган, шуларнинг бадиий ифодаси учун ўз замонасидаги меъморлик санъатига оид муомалада мавжуд сўз ва ибораларни ишлатган. Алишер Навоий таъбири билан айтганда, «афсона анга либоси мавзун», яъни айтмоқчи бўлган бирор фикр, ғоя ва образ учун афсона бадиий замин, фон бўлиб хизмат қилган.

Энг қадимий яшаш масканларидан бири — турли хилдаги ўтовлар бўлган. Уни ҳатто «юрт» деб ҳам аташади. Бизнинг давримизгача «оқ уй» ва «қора уй» намуналари сақланиб қолган. Алишер Навоий замонасида ўтовлар айниқса кўчманчи чорвадорларнинг одатдаги уйи ҳисобланган.

«Бир мутаайин нимаким» оқ уйдир, анга «хиргоҳ» от қўюптурлар. Аммо анинг ажзосининг кўпини турк тили билан айтурлар. Андоқки, тунлук ва узлук ва тўрлуғ ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

босруғ ва чиғ ва қанот ва кўзанак ва увуғ ва боғиш ва бўсаға ва эркина ва ало ҳозал — қиёс»[1]. «Садди Искандарий»да ўқиймиз:

«Оқ уйга эшик руст, тунглук доғи,
Бўлуб кўрака эв даврига тўк доғи»[2].

Бошқа бир ҳикоятда Баҳромгўр саҳрода «икки-уч олочуқ» жойлашган уйлар қошидаги дарахт соясида меҳмон бўлгани айтилади. Олочуқ ҳам ўтовнинг энг оддий бир туридир. Шу каби Навоий асарларида бинокорликка оид жуда кўп махсус терминларни учратамиз. Ҳар қандай бино учун энг зарурий «масаллиқ» бўлган «оддий ғишт»ни қадимги ўзбек сўзи «кирпич» деб, лойни «балчиқ» деб атайди, ҳозир унут бўлган қатор терминларни ишлатади, ҳатто қурилиш жараёнларини ҳам тасвирлайди.

«Фарҳод ва Ширин» достонини варақлайлик. Фарҳод хасталигидан ҳоқон дилтанг бўлиб, унинг чораси учун тўрт боғ тарҳини солади ва тўрт қаср бино қилади. Мана улар таърифи:

«Ясаб ҳар қасрнинг давринда боғе,
Ки бўлгай ҳар гул андин шабчароғе,
Топиб ул фасл рангин аҳли найранг,
Мувофиқ айлагайлар қасрини ранг.
Баҳорий қасрини тузгач асосин,
Олиб гуллар жамолидин қиёсин.
Бути гулчеҳрадек шанг айлагайлар.
Юзидек они гулранг айлагайлар.
Яна қасреки тобистоний ўлгай,
Танаъумнинг саро бўстони ўлгай.
Қилур ул фасл баргу сабза оҳанг,
Таносуб бирла қилгайлар яшил ранг.
Яна бир қасрким бўлгай хазоний,
Чу бор ул фасл ранги заъфароний.
Анга бу ранг ила бергайлар ойин,
Қилиб заркорлиг бирла ҳар ойин.
Яна бир қасрни айлаб шитойи,
Тўшаб кофурғун жинси хитойи.
Бериб нисбатда қору музга пайванд,
Этиб рангин онинг кофур монанд»[3]

Қасрлар тўрт фаслга мансуб Баҳорий (Гулнорий), Тобистоний, Райҳоний (ёзлик), Хазоний, Заъфароний (кузги), Хитоий, Кофурий (қишлик) номланади, шу фаслларга хос услуб ва ранг билан зийнатланади.

Алишер Навоий меъморлик тасвирини керакли жойга, монанд этиб белгилар экан, «услуб» сўзини ишлатади, бинокорликдаги ҳунарларни таърифлар экан, уста маҳорати масалаларига алоҳида эътибор беради. Наққошлик санъатидаги нақшнинг шакл ўзгариши каби мураккаб хусусиятига ишора қилади:

«Ҳунарварларки қилгайлар ҳунар фош,
Агар хоротарошу хоҳ наққош.
Бири ҳардам йўнуб юз навъ хора,
Ки қилгай ҳавз ё фаршу изора.
Бири ҳардам чекиб юз нақш дилкаш,

---

[1] Алишер Навоий. Муҳокаматул-луғатайн. Асарлар 14- жилд, Тошкент, 1967, 115- бет.

[2] Алишер Навоий. Садди Искандарий. Асарлар, 10- жилд, Тошкент, 1965, 127- бет.

[3] Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин, Асарлар, 7- жилд, Тошкент, 1964, 46- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ки ҳар бир қасрни қилғай
мунаққаш...
Кўринуб ҳар замони кўзга бир шакл.
Кўз олғоч бўлғусидир ўзга бир шакл.
Чу бўлди жилвагар ашкол юз навъ,
Анга ҳам бўлғуси тимсол юз навъ»[1].

Наққош Моний маҳорати ҳақида завқ билан сўзлар экан, унинг паргар ва чизғичсиз турли шаклларни равон чиза олишини, ишлаган тасвирлари худди жонлидай таассуротлар қолдиришини айтади:

«Мудаввар мустақим ўлса рақамкор,
Чекиб андоқки жадвал бирла паргор.
Чу боғлаб сурати бежонга зевар,
Бўлиб ул навъким руҳи мусаввар»[2].

Алишер Навоий «бино олий равоқи» ҳавоза боғлангани, сутунларга тошдан пилпоя ясалгани, нажжор арраси билан ёғочни кесиши, дойгар пахсани белкурак билан кесиши, тоштарош хоро (тош)ни ҳам мумдек йўниши, кордонларнинг нақш-пардоз қилиши каби иш жараёнларини ҳам айтиб ўтади. Мазкур сатрларни ўқир эканмиз, беихтиёр Беҳзод ишлаган бир тасвир кўз олдимизга келади. Расмда мадраса қурилиши жараёни ифода этилган, бино макетини ушлаб турган меъмор, тош ва ғишт ташиётган, лой қораётган коргарларни, қурилишни бошқараётган саркор ва корфармоларни кўрамиз.

Қасрлар ташқарисида Қоран ўз санъатини намойиш қилса, ичкарида Моний нақш пардоз этди, «тузатти ҳар бир эвга нақшу тасвир». Баҳорий қаср таърифи:

«Баҳорий равза топқоч зебу тазйин,
Ичу тошиға гулгун бўлди ойин.
Бўлиб суратларига чеҳра гулранг,
Қилиб гулзор аро ишратқа оҳанг.
Гилеми солиниб гулгуну зебо,
Ясолиб кўргаси гулранг дебо.
Бўлуб гулранг равзан, тобадон ҳам,
Эшик гулранг, балким остон ҳам.
Бутун ҳавзики андин руҳ олиб қут,
Ушоқ тош теграсида лаълу ёқут...
Очилгон ҳар тараф бир гулшани гул,
Ўқулган ҳар сори бир хирмани гул»[3]

Энди ёзлик қасрни кузатайлик:

«Яна бир равза тобистони услуб,
Ки келди қасри мийнорангу марғуб...
Ери узра саросар сабза навбар,
Чаманлар сарбасар сарву санубар...
Равон бир шўхи сабзо ранг ҳарён,
Тутуб бир жоми мийноранг ҳараён.
Бўлуб ҳар ҳавзнинг тоши забаржад,
Ушоқ тош ўрнига сочиб зумуррад.
Фалак янглиғ яшил қасрида тоши,
Яшил тоши киби тоқида коши.,
Ангингдекким, яшил кошию хора,
Яшил чини била фаршу изора»[4].

«Сабъаи сайёр» достонида етти қаср тасвири жуда ажойиб, «тўнлари бирла уйлари ҳамранг» бўлган ҳар қаср тайин услубга эга, унинг безаклари, тузилиши, ранги ўзаро мутаносиб:

---

[1] Ўша асар, 47- бет.
[2] Ўша асар, 51- бет.
[3] Ўша асар, 61- бет.
[4] Ўша асар, 61- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Ки қилиб ҳар бири бино бир қаср,
Ҳар бири зеб ичинда зийнати аср...
Чун муҳандислар эҳтимом этти,
Ҳар бир ўз қасрини тамом этти»[1].

Мусаввир Монийга ҳар қасрни ўзга бир ранг билан нақшбанд этиш топширилади. Бино ичкариси нақшинкори, ташқариси эса кошинкори безакланиши уқтирилади:

«Ким неча нақшбанди ранг омез,
Бўлғой ул қасрларда санъат рез,
Кўргузуб санъат ичра юз найранг,
Айлагайлар бу қасрларни ранг.
Қилса не ранг ичини наққоши,
Тоши ҳам бўлғай ул сифат коши»[2]

Моний учун керак барча «масолиҳ» келтириб, қизғин иш бошлаб юборилди:

«Мулк аро ҳар не бор эди наққош,
Борчаға иш буюрмоқ айлади фош:
қалам аҳлин қилиб ети саркор
Ё дегил нақшбанд, ё заркор»[3].

Қасрлар либоси безагига қараб заррин, мушкин, гулнорий, нилуфарий каби номла-нади.

Зайд Заҳҳоб ҳикоятида ҳам меъморлик санъатига хос қатор термин, ибора ва тасвирларни учратамиз. Шоир «ҳунар мубоҳоти» Зайдни «ҳам ҳаким эрди, ҳам муҳандисваш, гоҳ зарпош эдию гоҳ заркаш» деб таърифлайди.

Уста ажойиб олтин тахт ясайди: саккиз қиррасида тўти ва товус ҳайкали ишланган, устунлари ўймакор:

«Вазъи ул тахтнинг мусамман ўлуб,
Рубъи маскун шаҳига маскан ўлуб.
Ҳам секиз бурж даврида пайваст,
Тўрти онинг баланду тўрти паст.
Пастида тўрт тўтию моънус
Бийики узра тўрт ўлуб товус.
Даврида дурру лаъл пийроя,
Зинасида доғи секиз поя»[4].

Бошқа бир бино безаклари шундай тасвирланади:

«Сақфу атрофин айлабон заркор,
Олтуну ложувард бирла нигор.
Борча яшму самоғ изора,
Лек фарши рухом якпора.
Тоқлар боғлабон ниҳоятсиз,
Зеб ҳар тоқи ичра ғоятсиз»[5].

Яъни, бино шипи заркор бўлиб, орасига ложувард ранг билан гуллар чизилган. Бино деворининг пастки қисми — изораси яшм (яшил) ва самоқ (оқ) мармардан терилган, замини эса яхлит рухом (оникс) билан фарш этилган. Бино тоқи — гумбази ичкариси ниҳоятда зеб-зийнатли. Бундай тасвир қисман Самарқанд шаҳаридаги Амир Темур мақбараси безакларини эслатади.

Монументал деворий ранг-тасвир санъати Марказий Осиёда қадимий тарихга эга

[1] Алишер Навоий. Сабъаи сайёр, асарлар. 9- жилд, Тошкент, 1965, 74, 76- бетлар.
[2] Ўша асар, 77- бет.
[3] Ўша асар, 77- бет.
[4] Ўша асар, 119- бет.
[5] Ўша асар, 124—125- бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлса-да, баъзи диний ақидалар туфайли анъанадан қолган. Унинг сўнгги учқуни 14-асрнинг иккинчи ярми — 15-асрларда кўринади. Амир Темурнинг Самарқанд атрофдаги сарой-боғларида ҳарбий мавзудаги тасвирлар бўлган. Ижодий улғайиши даврида Беҳзоднинг Ҳирот шаҳрининг Боғи Сафиддаги Тарабхона деворларига жанговар тасвирлар ишлагани маълум. Кейинчалик тасвирий санъат, асосан, китоб миниатюралари кўринишида кенг тараққий топган. Ана шундай деворий тасвир таъсирида айтилган ғазални эслайлик:

«Суратингдур ўйла кўнглим байтул
— аҳзонида нақш,
Ким пари тимсоли шаҳнинг қасри
айвонида нақш.
Анга ёндошмоқ менинг ҳаддим йўқ,
эй суратнигор,
Чексанг онинг нақшини, қилма мени
ёнида нақш.
Гўй қилғонда бошимни юқди ҳар
ёнига қон,
Лаълию шингарф ила соғирма
чавгонида нақш...
Зор кўнглум ё мусаввир бўлди ё
суратпараст,
Ҳар тарафким суратингни қилди
вайронида нақш»[1]

Алишер Навоий асарларида мусаввир ва нақш санъати таърифида айтилган завқ ва эҳтиросга тўлиқ сатрларни кўп учратамиз.

Алишер Навоийнинг замондоши тарихчи Зайниддин Восифий «Бадое-ул вақое» асарида қизиқ бир ҳодисани хабар қилади. Машҳур мусаввир Беҳзод янги суратни амир Алишер мажлисига келтирган. «Сувдартда тасвирланишича, ораста боғча, турли-туман дарахтлар... хушсуврат қушлар, ҳар тарафда ариқчалар... Очилган зангори гул туплари... ва унинг орасида Мир (Алишер) нинг ёқимли хушсуврати. У асога таянган... Ёнида сочиқ зар тўла табоқларни қўйган. Ҳазрати Амир ул сувратни мушоҳада ва мулоҳаза қилди: ул нафис саҳифа боғлар ичра латиф ва шодлик гуллари ва ҳузур (бағишловчи) дарахтлар билан безатилган...

Сўнгра Навоий мажлисда ҳозир бўлганларга қараб деди: Азизларнинг хотирига бу муҳим саҳифа таърифи ва тавсифи учун нималар келди?

Мирнинг устози ва Хоросон аҳлининг машҳурларидан бўлган мавлоно Фасиҳиддин деди:

— Маҳдумлар. Кўз олдимдаги бу очилган раъно гулларни қўл чўзиб узсаму дасторимга санчисам?

Мирнинг улфати ва дўсти Соҳиб Доро:

— Менда ҳам шундай истак бор эди. Аммо, қўл чўзсам дарахтлар устидаги қушлар ҳуркиб, учиб кетмасин деб андиша қилдим,— деди.

---

[1] Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. Асарлар, 3- жилд, Тошкент, 1965, 146- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хуросоннинг хуштабиат аҳлидан ва пешволаридан бўлган ҳамда Мир билан доимо тегишиб қочириб сўзлар айтиб юрадиган мавлоно Бурҳон:

— Мен мулоҳаза билан қўлимни тортиб, тилимни тиймоқчиман: агар сўз қотсам, ҳазрат Мир аразлайдилар ва юзларини буриштириб, қошларини чимирадилар,— деди.

Нозик табиатли Мир унга «Латифатарош» деб лақаб қўйган хуросонлик хушомадгўй мавлоно Бадахший бўлса:

— Эй мавлоно Бурҳон, агар беадаблик ва густоҳлик бўлмаганда, сувратдаги Мирнинг қўлларидаги ҳассани олиб бошинга солар эдим,— деди.

Ҳазрат Мир:

— Азизлар яхши сўзлар айтишди ва маъно дурларини маъқул сочишди. Агар Мавлоно Бурҳон номаъқул ишини раво кўрмасалар ва даҳаллик қилмасалар, мен табоқлардаги олтинларни дўстларнинг бошидан сочмоқчи эдим,— деди»[1].

Алишер Навоий яратган адабиёт ва санъат дурдоналари ўрта аср меъморлиги ва тасвирий санъатини, умуман 15- аср эстетик дунёсини чуқур ўрганиш ва тушуниш учун ажойиб ва бебаҳо манба бўлиб қолади. Асримиз ва даврими мавқеидан туриб ўтмиш тарихини кузатар эканмиз, ҳеч муболағасиз айтиш мумкин, жаҳон тарихида ҳеч бир шоир Алишер Навоийчалик кўп бинолар қурган эмас, меъмор санъатини шунчалик завқ-шавқ билан улуғлаган эмас. Дарҳақиқат, Бобур Мирзо айтганидек, «Алишербек назири йўқ киши эди».

ИБН БАТТУТА СЎЗИ

Бундан бир неча йил аввал Мағриб (Марокаш) мамлакатига таъмир ишлари билан борган эдик. Марокаш, Работ, Фос, Танжир каби кўҳна шаҳарларни кўрар эканмиз, араб ҳамкасблар билан бўлган суҳбатларда кўпинча қадимий Шарқ ва Ғарбнинг маданий алоқалари ҳақида мунозара бошланиб кетар, ўрта аср араб сайёҳларининг Марказий Осиёга сафарлари, улар қолдирган саёҳатномаларнинг илмий аҳамияти ҳақида мулоҳазалар айтилар эди. Хусусан, Ибн Баттута (1304—1377) номи билан машҳур Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ат-Танжийнинг ватани Танжирга борганда, сайёҳ умрининг охирги йилларини ўтказган Фос шаҳрини

[1] Норқулов Н. Камолиддин Беҳзод. Тошкент, 1964, 15—16- бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

томоша қилганда унинг ўзига хос илмий жасоратини янада чуқурроқ ҳис этдик.

Ибн Баттута[1] саёҳатномасининг тарихий аҳамияти умуман изоҳ талаб этмайди. Лекин сайёҳ эсдаликларининг Марказий Осиё меъморлиги тарихига бевосита алоқаси борлиги ҳали кўпчиликка маълум эмас. Шу ҳақда бир шингил сўз айтмоқчимиз. Меъморий ёдгорликлар — даврнинг тош китоби, деган таъбир бор. Ана шу тош китобни ўқий билиш, тушуниш, атрофлича таҳлил этиш ғоят машаққатли ишдир. Айниқса, бирор ёдгорлик ҳақида аниқ тарихий ҳужжат сақланмаган бўлса, ҳатто бинонинг ўрни ҳам номаълум бўлса, муаммонинг қанчалик мураккаб эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади. Шундай қийин вазиятда сайёҳ ўз кўзи билан кўриб айтган ҳар бир сўз қанчалик тарихий аҳамият касб этишини фақат аниқ мисолларда кузатиш айни муддаодир. жаҳонгашта сайёҳ Ибн Баттутанинг саёҳатномаси ана шундай муҳим тарихий ҳужжатлар қаторидан ўрин олади. Дарвоқе, Ибн Баттута берган маълумотлар асосида баъзи тарихий муаммо бўлиб келган масалаларга ижобий жавоблар топилди.

Ибн Баттута 14- асрнинг 30- йилларида Волга бўйлари орқали Олтин ўрданинг пойтахтидан Хоразм томонга йўл олади. Хоразм пойтахти Урганчда бўлади. Кот ва Вобкент орқали Бухорога ўтади. Кейин Самарқанд шаҳрига саёҳат қилади. Йўл-йўлакай шаҳарлар хусусияти, меъморий ёдгорликлари ҳақида қисқа, лекин ғоят муҳим тарихий маълумотларни ёзиб қолдиради.

Ибн Баттута Ўрол дарёси бўйидаги Саройжиқ (Саройча) шаҳрида тўхтаб ўтади. Шаҳардаги бир турк авлиёси Зовиясида — хонақоҳида меҳмон бўлади. Кекса авлиёни катта эҳтиром билан «Ота» деб аташларини уқтириб ўтади. Ўша вақтда Ўрол дарёсини маҳаллий аҳоли «Улуғ сув» деб атагани ҳам диққатга сазовор.

Агар Урганч шаҳрининг 1372—1388- йиллар давомида Амир Темур томонидан беш марта фатҳ этилганини эътиборга олсак, Ибн Баттута қолдирган тарихий маълумотлар нечоғли зўр аҳамиятга эгалиги аён бўлади.

Ибн Баттута қадимий Урганчни Хоразм номи билан тилга олади. Кўпни кўрган сайёҳ таърифига эътибор беринг: «Бу туркларнинг энг улуғ, гўзал ва улкан шаҳари, унда ажойиб бозорлар, кенг

---

[1] Ибн Баттута ҳақида мукаммал маълумот учун Н. Иброҳимовнинг тадқиқотига қаранг (Н. Ибрагимов. Ибн Баттута и его путешествия в Средней Азии. М., 1988). Кейинги цитаталар ҳам шу китобдан олинган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўчалар, хушманзара жойлар бор. Шаҳарда аҳоли кўплигидан ҳаёт қайнайди, у гўё сермавж денгизга ўхшайди».

Ибн Баттута бозор кунлари шаҳар ичкариси ниҳоятда гавжум бўлганлигини ҳайрат билан таърифлайди. Бизнинг давримизда Кўҳна Урганч номи билан танилган бу хароба шаҳар археологик қолдиқлардан иборат, унда бармоқ билан санарли бинолар сақланиб қолган. Шулар қаторида Оққалъа, Фахриддин Розий мақбараси, Хоразмшоҳ Такаш мақбараси, Қутлуғ Темур минораси, Тўрабекхоним мақбараси, Нажмиддин Кубро ва Султонали мақбаралари ноёб меъморий ёдгорликлар сифатида сақланмоқда. Ана шу каби иморатлар ҳусни жамоли Ибн Баттутани мафтун этган.

Ибн Баттута амир Қутлуғ Темур томонидан қурилган масжид ва мадраса ҳақида, оқила ва иффатли Тўрабекхоним томонидан қурилган масжид ҳақида хабар беради, Хоразм шифохонаси — мористонни эслатиб ўтади Нажмиддин Кубро хонақоҳини зиёрат қилади.

Ибн Баттута шаҳар қозисининг таклифи билан янги қурилган мадрасага қўноқ бўлади. Шу ерда машҳур зиёлилар билан учрашиб суҳбатлашади. Мадрасанинг ҳозиргача сақланиб қолган улкан минораси ўша давр юксак санъатидан дарак беради. 1981 йилнинг кузида минора яқинида археологик тадқиқот олиб борилди. Янги мадрасанинг қолдиқлари қисман очилди. Ажаб эмаски, галдаги қазишларда сайёҳ суҳбат ўтказган жой ҳам топилса!

Ибн Баттутанинг хоразмликлар таърифида айтганлари диққатга сазовор. «Дунёда ажнабийларга нисбатан хоразмликлардан ҳушмуомалалироқ, олийҳимматлироқ, меҳмондўстроқ одамларни ҳеч учратганим йўқ», деб таъкидлайди сайёҳ.

Сайёҳни амир Қутлуғ Темур ўз қароргоҳида қабул қилади. Амир уйи катта кўшкдан иборат бўлиб, кўпчилик хоналари синчкор экан. «Кейин зарҳал ёғоч гумбазли, деворлари ранг-баранг мато, шипи зардўзи шоҳи билан безатилган кичик хонақоҳга кирдик» деб давом этади сайёҳ.

Сайёҳ ҳар бир юртдаги меъморий бино ҳақида, шаҳар ҳақида бирор хабар бераркан, у беихтиёр ўша давр, жой тушунчаси, хусусиятларини акс эттириши табиий. Шу жиҳатдан турли хил мазмундаги биноларни арабча бир сўз «зовия» деб аташи эътироз билдиради. Машҳур шайх Нажмиддин Кубро қабри устидаги бино ҳам, унинг яқинидаги мужовир Жалолиддин ас-Самарқандий шайхлик қилаётган бино ҳам, ҳатто Тўрабекхоним қурдирган муҳташам бино ҳам зовия

www.ziyouz.com kutubxonasi

атамаси билан номланган. Ҳозирги кузатишлар кўрсатишича, Нажмиддин Кубро қабри устига мақбара ва яқинига зиёратхона қурилган экан. Бу меъморий комплекс аҳоли орасида ҳозир хонақоҳ номи билан маълум. Шайх хизмат қиладиган хонақоҳ деб аташади. Тўрабекхоним қурдирган маҳташам бино ҳам бизнинг давримизгача сақланиб қолган.

Амирнинг хотини Тўрабекхонимнинг таклифи билан Ибн Баттута малика қурдирган хонақоҳга меҳмон бўлиб ташриф буюради. Хонақоҳ — улуғвор ва гўзал бинони сайёҳ зовия деб атайди. Худди ана шу зовия — хонақоҳ тадқиқотчилар орасида баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда. Чунки кўпчилик хонақоҳни аллақачон бузилиб кетган, деб ўйларди, ҳозиргача унинг ҳатто ўрни ҳам номаълум, деб ҳисобланарди. Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотларимиз шуни тасдиқладики, ҳозиргача «мақбара» деб ҳисобланган ҳашаматли иморат аслида ўша Ибн Баттута меҳмон бўлган хонақоҳнинг ўзи экан. Археологик қазишлар натижасида, ичкаридаги ер тагидан хонани тутун билан иситадиган ғиштин қувурлар топилди, ҳеч қандай қабр қолдиғи йўқ. Демак, ўша бино мақбара эмас. Қолаверса, бинода дарча — панжаранинг кўплиги, ичкарининг ёруғлиги ва нақшинкорлиги бинонинг аслида хонақоҳ бўлганлигидан дарак беради.

Тўрабекхоним хонақоҳи — Хоразм меъморлигининг етук намунаси, юксак дид ва маҳорат билан бажарилган ижод маҳсули.

Ибн Баттута Самарқанд шаҳри ҳақида ҳам тарихан аҳамиятли маълумотлар ёзиб қолдиради. Сайёҳнинг таъкидлашича, Самарқанд «дунёда энг катта ва энг гўзал шаҳарлардан бири. У Водийи Қассарин анҳори бўйида жойлашган. Қирғоқлардаги чиғириқлар сувни боғларга чиқариб беради. Бу анҳор бўйида пешиндан кейин шаҳар аҳолиси йиғилиб сайру томоша қилади. Ўша жойда дам олиш учун суфалар, мева-чева ва таом дўконлари бор».

Қадимги Самарқанд харобалари ҳозир Афросиёб номи билан маълум ва археологик ёдгорлик сифатида сақланиб қолган. Ибн Баттута Самарқандга келганда ана шу жойдаги вайрона — маҳаллалар, саройларни эслаб ўтади. Машҳур Шоҳизинда ансамбли ҳақидаги маълумоти айниқса аҳамиятли. Маълумки, Шоҳи зинда ансамбида сақланиб қолган ҳозирги ёдгорликлар асосан 14-асрнинг иккинчи ярмида қурилган. Ҳатто Ибн Баттута зиёрат қилган Қусам ибн Аббос мақбараси ҳам кейинроқ таъмир этилган. Дастлабки бинонинг қолдиқлари археологик тадқиқотлар вақтида аниқланди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ибн Баттута маълумотлари асосида Шоҳи зинда мақбарасининг дастлабки шакли ҳақида маълум тасаввурга эга бўлдик.

Машҳур араб сайёҳи Ибн Баттутанинг саёҳатномаси Марказий Осиё меъморлигига оид муҳим маълумотлар беради. Улар изидан бориб, сайёҳ таъкидлаган ёдгорликларни аниқлаш ва ўрганиш янги-янги илмий кашфларга олиб келишига ишонамиз.

ЗАҲИРИДДИН БОБУР СЎЗИ

Ҳатто афсона ва нақллар унутилиб сукут этганда ўша ўтмиш замин ва замон ҳақида меъморий обидалар сўзлаб бериши мумкин, деган эди Н. В. Гоголь. Худди шундай! Археологик текширишлар натижасида Марказий Осиёнинг қадимги тарихи ва маданиятига оид ҳеч кутилмаган осори атиқалар топилди ва топилмоқда. Ажойиб санъат дунёси гўё янгидан кашф этилмоқда.

Меъморлик обидалари эса мангу эмас, уларнинг ҳам ўз умри бор. Табиатнинг асрлар давомидаги тазйиқи ва таъсири (иссиқ-совуқ, ёз-қиш, ёғингарчилик) ҳар қандай мустаҳкам иморатни, ҳатто тошни емиради, нуратади, вайрон қилади. Даҳшатли қирғин урушлар, талон-тарож босқинлар оқибатида ота-боболаримиз даҳоси яратган қанча-қанча бебаҳо санъат дурдоналари изсиз нобуд бўлиб кетган.

Санъат асари доимо нодир ва ноёб. Бирор техник ва илмий ихтирони бугун бўлмаса эртага кашф этиш мумкин, лекин санъаткор ижодини ўзга санъаткор ихтиро этиши деярлик мумкин эмас. Бухородаги Минораи Калонни Устод Баҳо ижод этган. Агар шу минорани бошқа меъмор бино этганда, унинг кўриниши, бўйи-басти бутунлай бошқача бўлар эди.

Қадимги санъат асарининг сақланиб қолган кичик бир қолдиғи ҳам қадрли, бунинг ёнига яна санъат асари таърифидаги бир-икки қадимги сўз топилса, унинг қанчалик тарихий ва илмий аҳамият касб этиши кўриниб турибди. Ана шундай бебаҳо ва қадрли тарихий сўзларни машҳур адабий ёдгорлик — «Бобурнома»да топдик.

«Бобурнома» саҳифаларини кузатар эканмиз, киши ақлини лол этувчи кенг фикр, чуқур мулоҳаза, оқилона зийраклик ва синчков текширишларнинг шоҳиди бўламиз. Мазкур воқеаномага олимлар турли масалалар бўйича мурожаат қилишган, чунки унда 15- аср охири ва 16- аср бошларига доир қисқа, сермазмун ва аниқ тарихий маълумотлар жуда кўп. Шунинг учун ҳам Бобурнинг меъморликка оид

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўзларини айнан ва тўлиқ келтиришга ҳаракат қилдик. Гарчи меъморлик Бобурнинг касби бўлмаса-да, у ўз даври меъморий услубига (айниқса Ҳиндистонда) муайян таъсир кўрсатган, унинг хотираларида бу соҳага оид махсус терминларни, меъморий иншоотларнинг тасвирини, меъмор санъатига оид фикр ва мулоҳазаларни учратамиз. Нақл этилган ўша давр меъморлик намуналарининг кўпчилиги бузилиб кетганини эътиборга олсак, Бобур Мирзонинг меъморлик тарихига қўшган ҳиссаси янада яққол намоён бўлади.

Айниқса, Бобурнинг Самарқанд меъморлигига оид маълумотлари анчадан бери мутахассисларни қизиқтириб келмоқда. Бобур Самарқанд шаҳрида оз вақт бўлган. «Мен Самарқанд олғонда, ўн тўққуз ёшта эдим. Не кўп иш кўруб эдим, не тажриба бўлиб эди»[1],— деб ёзган эди. Шунга қарамай Бобур Самарқанд ёдгорликлари ҳақида қисқа бўлсада тарихан катта аҳамията молик хабарларни ёзиб қолдирган:

«Рубъи маскунда Самарқандча латиф шаҳр камроқдур... Шаҳри Самарқанддур, вилоятини Мовароуннаҳр дерлар. Ҳеч ёғи қаҳр ва ғалаба била мунга даст топмағон учун балдаи маҳфуза дерлар... Қўрғонини фасилнинг устидан буюрдумким, қадам урдилар. Ўн минг олти юз қадам чиқди» (104- бет). Демак, Самарқанд шаҳрининг ташқи девори 15- аср охирида тахминан 8—8,5 *км* экан. «Феруза дарвозасидин Шайхзода дарвозасиғача фасил устидан от билан юруса бўлур эди. Ўзга ерларда яёқ юрулур эди»,— деб таъкидлайди Бобур. Девор устидан от билан юриш мумкинлиги унинг ҳарбий истеҳком ва мудофаа жиҳатидан қанчалик мураккаб ва катта ҳажмли иншоот эканлигини кўрсатади. 15- аср охири — 16- аср бошларида мавжуд бўлган шаҳар дарвозаларининг номлари ҳам айтиб ўтилган: Оҳанин, Феруза, Шайхзода, Гозуристон, Сўзангарон, Чорраҳа дарвозалари. Бизнинг давримизгача бу дарвоза ва деворлар сақланмаган. Шунинг учун ҳам Бобур кўрсатган жойлар асосида шаҳар атрофидаги девор чегараси, мудофаа учун қулай жойлари ва дарвозалар ўрнини белгилаб, Самарқанднинг тарихий топографиясига оид маълумотларни аниқлаш мумкин. «Самарқанд шаҳри ажаб ороста шаҳредур, бу шаҳрда бир хусусияти борким, ўзга кам шаҳрда андоқ бўлғай. Ҳар ҳирфагарнинг

---

[1] Заҳириддин Муҳаммад Бобир. Бобирнома. Тошкент, 1960, 141- бет. Кейинги цитаталар ҳам шу китобдан олинди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир бошқа бозори бор, бир-бирларига махлут эмастур, тавр расмедур. Хўб новволиқлари ва ошпазлиқлари бордур. Оламда яхши қоғаз Самарқандин чиқар... Гирдогирдида яхши ўланглари бор» (106—107- бетлар).

Бобур шаҳар ичкариси ва атрофидаги диққатга сазовор манзил ва иморатларни кўрсатиб берган. «Темурбекнинг ва Улуғбек мирзонинг иморати ва боғоти Самарқанд маҳаллотида кўптур. Самарқанд аркида Темурбек бир улуғ кўшк солибтур, тўрт ошёнлиқ, Кўк саройға мавсум ва машҳур ва бисёр олий имораттур» (105- бет). Яна бошқа бир жойда «Темурбек солгон олий иморатлардин бири Кўк саройдурким, Самарқанднинг аркида воқиъ бўлубтур. Ажаб хосиятлик имораттур» (95- бет). Афсуски, замондошларини ҳайратда қолдирган тўрт қаватли улкан кўшк — Кўксарой бузиб ташланган. Чамаси аркдаги кўпчилик иморатлар синчкори бўлган, оқибатда ёғочлари чириб, тез бузилиб кетган. Саройнинг тўрт қаватли бўлгани эса зилзила оқибатида тез бузилишига сабаб бўлган. Бобур саройни кўшк деб бежиз атамаган. Кўшк тузилиши жиҳатидан қалъабанд қўрғонлардан анча фарқ қилади. Кўшк одатда мунтазам боғ ичига қурилган парк павильонларидан иборат, асосан синчкори айвон ва хоналардан ташкил топади. Кўшк масаласига кейинроқ яна тўхтаб ўтамиз.

Бизнинг давримизгача Бибихоним масжиди номи билан машҳур бўлган ансамбль ҳақида қуйидаги қисқа маълумотни ўқиймиз: «Яна Оҳанин дарвозасиға ёвуқ қалъанинг ичида бир масжиди жумъа солибтур, сангин, аксар Ҳиндустондин элтган сангтарошлар анда иш қилибтурлар. Масжиднинг пештоқи китобасида бу оятни «Ва из ярфау иброҳимал-қавоида (ило охириҳи) «андоқ улуғ хат била битибтурларким, бир қуруҳ ердин ўқуса бўлур. Бу ҳам бисёр олий имораттур» (105- бет). Бобур масжиднинг тошдан қилинганлигини уқтириб ўтади. Чунки масжид бошқа иморатлардан, айниқса, ўймакор тошдан ясалган 480 та пилпоя — устунлари, дарвозабанд улкан пештоғи ва турли безаклари билан ажралиб турар эди. Археологик қазишлар натижасида тошдан фарш-ланган ҳовли, айвонлар саҳни, жуда кўп устун курсилари қолдиғи топилди. Устунлардан ҳам бир нечаси сақланиб қолган экан.

Маълумки, Бобур Ҳиндистонни фатҳ этгандан сўнг, у ерда катта қурилиш ва ободончилик ишларини олиб борди. Кези келганда Бобур ўзи бошлаган иморатларни Самарқанддаги Бибихоним масжиди кўлами билан таққос-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лайди. Бу 1525 йил воқеаларидан: «Нечунким «Зафарнома»да Темурбекнинг «масжиди сангин» иморатини қилурда Мулло Шараф мундоқ муболаға билан битибдурким, Озарбайжон ва Форс ва Ҳиндустон ва яна ўзга мамолик сангтарошларидан ҳар кунда икки юз киши масжидда иш қилурлар эди. Бир оградa ушбу огранинг сангтарошларидан менинг иморатларимда ҳар кунда олти юз сексон киши иш қилурлар эди. Яна Оградa ва Секрида ва Биёнада ва Дулпурда ва Гувалёрда ва Кўлда минг тўрт юз тўқсон сангтарош ҳар кунда менинг иморатимда иш қилурлар эди» (361- бет).

Яна Бибихоним масжидига қайтайлик. Масжид мутахассислар томонидан ўрганилиб, у ҳақда китоблар ёзилган бўлса-да, унда ҳали ҳал этилмаган муаммолар кўп. Шулардан бирини эслатиб ўтамиз ва уни ҳал этишга ишорани асосан Бобур беради.

Гап шундаки, мазкур масжидни Самарқанд аҳли ҳануз «Мадрасаи хоним» деб атаб келади. Ҳатто Бибихоним мадрасаси таърифида, лекин Бибихоним масжидини назарда тутиб шеърлар ҳам ёзилган. Дарвоқе, тарихий манбаларда Темурнинг катта хотини Сароймулкхоним томонидан мадраса қурилгани ҳақида унча аниқ бўлмаган маълумот бор. Ибн Арабшоҳ (15- аср) меъмор ва муҳандислар ўзаро маслаҳатлашиб масжид қаршисига унга монанд мадраса қуришга режа тузишганлигини айтади. 17- аср охирларида Малиҳо Самарқандий 16- аср воқеаларини тасвирлар экан, Абдуллахон Самарқандда жоме масжиди қаршисидаги хоним мадрасасини ер билан яксон этди, ундан фақат хоним мақбараси сақланиб қолди деб ёзган. Ана шу фактларга асосланиб кўпчилик олимлар (М. Е. Массон, Ш. Е. Ратия, Г. А. Пугаченкова, Л. Ю. Маньковская ва бошқалар) хоним мадрасаси ҳозирги масжид қаршисига қурилган ва катталиги масжиддан улуғроқ бўлган деган фикрга келишади. Хўш, бу ҳакда Бобур нима дейди? Ваҳоланки тарихий хабарларда чалкашлик мавжуд экан Бобур Самарқанддаги ҳар бир диққатга сазовор иморатни кўрсатиб ўтган, жума масжидни «Сангин», «бисёр олий иморат», деб таърифлайди. Ундан ҳам улуғроқ бўлган мадраса ҳақида нима учундир бир оғиз ҳам сўз айтмайди. Барча бошқа тарихий манбаларда эса фақат масжид биноси тасвирланади. Малиҳо Самарқандий ўзи кўрмаган бино ҳақида ривоятларга кўра ёзгани маълум бўлади. 16- аср тарихчиси Ҳофиз Танишнинг далолат беришича, Абдуллахон Самарқанд осори атиқаларини зиёрат қилар экан, биноларни бузишга эмас, аксари «у вилоятда буюк амир ва унинг авлодларидан қолган

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳамда бузилиш ва вайронликка юз қўйган иморатларни тузатишга буйруқ берди... Жаноб Қулбобо Кўкалтош уни тузатиш ва қуришда тиришқоқлик кўрсатмоқдалар»[1]. Умуман, Абдуллахоннинг биноқорликка бўлган баланд ихлоси ва иморат-иншоотлар қуришдаги улкан ғайрат ва машаққатларини назарга олсак, унинг Самарқанд ёдгорликларини таъмир қилдирганига ишонмоқ керак.

Бобур мирзо Самарқанд атрофида Амир Темур томонидан обод қилинган боғларни аниқ кўрсатиб, тарихан муҳим хабарларни беради. «Бобурнома» да ўқиймиз: «Самарқанднинг шарқида икки боғ солибтур, бириким йироқроқтур, Боғи Бўлдудур, ёвуқроғи Боғи Дилкушодир, андин Феруза дарвозасиғача хиёбон қилиб, икки тарафида терак йиғочлари эктурубтур. Дилкушода ҳам улуғ кўшк солдурубтур, ул кўшкта Темурбекнинг Хиндустон урушини тасвир қилибтурлар» (105- бет). Дарвоқе, Боғи Дилкушо таърифида Шарафиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Ғиёсиддин Али каби тарихчилар шавқ-завқ билан ёзганлар. Таърифга кўра, ҳар тарафи 1500 газ бўлган чорбоғ ўртасига жойлашган кўшк уч ошиёнли, баланд гумбазли, ичкариси нақшинкори, ташқариси кошинкори. Ниҳоятда файзли ва жозибали. Кўшк атрофи мармар устунлар қатори билан ўралган экан. Алишер Навоий айтганидек:

«Гоҳ Бўстони Дилкушо ичра,
Қасру айвони жонфизо ичра...
Қилса не ранг ичини наққоши,
Тоши ҳам бўлгай ул сифат коши».

Тарихий манбалар шунчалик эътибор берган ажойиб кўшк асрлар давомида наҳотки бутунлай йўқ бўлиб кетган бўлса? Ҳа, кўпчилик олимларимиз шундай фикрга келишади. Уларнинг тахминича, Кўшки Дилкушо харобалари Самарқанд шаҳридан 6 *км* наридаги «хончарбоғ» номли тепа остида қолиб кетган. Лекин у ерда олиб борилган археологик текширишлар таърифдагидек бино қолдиқларини бермади. Балки олимлар адашгандир? Дарвоқе шундай бўлиб чиқди. Асрлар муаммосини ҳал этишга Бобурнинг икки оғиз сўзи йўлланма берди.

Тарихий манбалар таъкидлашича, Боғи Дилкушо Конигил ўлангининг бир чеккасида жойлашган экан. Бобур Конигилни «Самарқанд шаҳридин шарқ тарафидадур, бир нима шимолға мойил, бир шаръий бўлғой» (107- бет),— деб тасвирлайди. Конигил ўланги кенглиги бир шаръий, яъни тахминан икки километрдан

[1] Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий. Абдулланома, 2-жилд, Тошкент, 1969, 241-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ошмас экан. Демак, Бобурнинг Кўшки Дилкушо ҳақида айтган сўзларини эсласак, кўшк қолдиқларини Самарқанднинг шарқидаги қадимги катта йўл бўйида, шаҳарнинг Феруза дарвозасидан икки километрча наридан қидириш керак экан. Қадимги йўл қолдиқлари бизни ҳозирги даврда мақбара деб таърифланиб келаётган Ишратхона номи билан машҳур бўлган бино олдига олиб келди. Дарвоқе, халқ бежиз бинони Ишратхона деб атамаган. Ҳали-ҳали ҳайрат саволини эшитиб келар эдик: наҳотки, шундай гўзал шоҳона сарой ёш қиз Хованд Султон беканинг мақбараси бўлса? Йўқ, хато кетган экан. Тадқиқотчилар (В. Л. Вяткин, М. Е. Массон, Г. А. Пугаченкова, В. Н. Засипкин) 1464 йил вақфномасида тасвирланган Хўжа Абду Дарун мозорига ёндош Феруза гумбазли мақбара (ҳозир ҳам бор) ўрнига Ишратхона биносини мақбара деб ўйлашган экан. Натижада, кўшк мақбара сифатида талқин қилинган. Агар Бобур «бир шаръий» масофани (фақат — икки сўз) кўрсатмаганда, ҳалигача Ишратхона биносини 1464 йилда қурилган мақбара деб юрар эканмиз, ваҳоланки бу бино 1399 да қурилган боғ ичидаги кўшк — сарой экан.

Бобур мирзо Темурнинг бошқа боғларини ҳам кўрсатиб ўтади: «Яна Пуштаи Кўҳакнинг доманасида Конигилнинг қора суйининг устидаким, бу сувни Обираҳмат дерлар, бир боғ солибтур. Нақши жаҳонга мавсум. Ман кўрган маҳалда (яъни 1497—98- йиллар) бу боғ бузулуб эрди, оти беш қолмайдур эди. Яна Самарқанднинг жанубида Боғи Чанордур, қалъага ёвуқтур. Яна Самарқанднинг қуйи ёнида Боғи Шамол ва Боғи Биҳишттур. Темурбекнинг набираси, Жаҳонгир мирзонинг ўғли Муҳаммад Султон мирзо Самарқанднинг тош қўрғонида — чақарда бир мадраса солибтур. Темурбекнинг қабри ва авлодидин ҳар кимки Самаркандта подшоҳлиқ қилибтур аларнг қабри ул мадрасададур» (105- бет).

Ҳозирги даврда Амир Темур (Гўри Амир) номи билан машҳур мақбарани Бобур мадраса деб атаган. Бу сўзлар кўпчилик тадқиқотчиларни (В. Л. Вяткин, В. В. Бартольд) ҳайратда қолдирган. Фақат 1941—1944- йиллар давомида олиб борилган археологик текширишлар масалага аниқлик киритди. Ҳақиқатдан ҳам Бобур айтганидек, Гўри Амир Муҳаммад Султон номидан қурилган мадраса комплексининг бир қисми бўлиб чиқди.

Бобур буюк олим Улуғбек мирзо даври меъморлигига оид қатор қизиқарли, тарихан муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотлар қолдирган:

«Улуғбек мирзонинг иморатларидан Самарқанд қалъасининг ичида мадраса ва хо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нақоҳдур. Хонакоҳнинг гунбази бисёр улуғ гунбаздур, оламда онча улуғ гунбаз йўқ деб нишон берурлар. Яна ушбу мадраса ва хонақоҳга ёвуқ бир яхши ҳаммом солибтур, Мирзо ҳаммомиға машҳурдур, ҳар навъ тошлардин фаршлар қилибтур. Хуросон ва Самарқандта онча ҳаммом маълум эмаским, бўлғай. Яна бу мадрасанинг жанубида бир масжид солибтур, масжиди Муқаттаъ дерлар, Бу жиҳатдин Муқаттаъ дерларким, қитъа-қитъа йиғочларни тарош қилиб, ислимий ва хитоий нақшлар солибтурлар, тамом деворлари ва сақфи ушбу йўсунлуқтур. Бу масжиднинг қибласи била мадраса қибласининг орасида бисёр тафовуттур. Ғолибо бу масжиднинг қибласининг самти мунажжим тариқи билан амал қилибтурлар» (105- бет).

Бобур таърифлаган ҳозирги Регистон атрофидаги тўрт ажойиб иморатдан шу кунларгача фақатгина Улуғбек мадрасаси сақланиб қолган деб ҳисоблар эдик. Археологлар мадрасанинг ғарб томонидан Мирзои ҳаммомининг қолдиқларини топишди. «Бобурнома» эса бизга Улуғбек хонақоҳини «топишга» ёрдам берди. Шу ҳақда икки оғиз сўз.

Тарихий ёдномаларда қайд этилган «бисёр улуғ» гумбазли хонақоҳ қаерда ва қандай бўлган? Наҳотки бутунлай вайрон бўлиб, бирор қолдиқсиз йўқолиб кетган бўлса? Регистон ёдгорликлари ҳақида тадқиқот олиб борган мутахассислар (М. Е. Массон, Б. В. Веймарн, Г. А. Пугаченкова ва бошқалар) хонақоҳ биноси ҳозирги Шердор мадраса ўрнида бўлган, 17- асрга келиб бино тамоман бузилиб кетган деган хулосага келишган эди. Бу фикр санъат ва меъморлик тарихи китобларида ҳам такрорланиб келмоқда. Ҳақиқатан ҳам археолог С. Н. Юренев Шердор мадраса буюк пештоғи ичкарисидаги деворлар тагини очиб кўрганда, пойдевор остидан қандайдир аввалги бинонинг қолдиқлари топилган. Лекин бу қолдиқ девор йўналиши мадраса деворларига нисбатан бир оз қийшиқ бўлиб, улкан бинога монанд тушмаган. Наҳотки, Улуғбек меъморлари шунчалик катта хатога йўл қўйган бўлишса?

Масалани ҳал этиш учун яна тарихий гувоҳларни жалб этамиз. Абдураззоқ Самарқандий Улуғбек «бир-бирига рўбару мадраса ва хонакоҳ бино қилиб, бу икки мақомни қуриб тамомлаш борасида бир неча йил саъй-ҳаракатлар кўрсатди»[1],— деган экан ва лекин «икки иморат» жойига

---

[1] Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн.— Тошкент 1969, 277- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир вақф ажратганини айтади. Бобур эса «мадраса» ва «хонақоҳ» иборасини бир иморат мазмунида ишлатади. Бобур Самарқандни босиб олганда Феруза «дарвозадин кириб мадраса ва хонакоҳ сари ўқ юрдум. Келиб хонақоҳнинг тоқининг устида ўлтурдум» (140- бет),— деб ёзади. Бобур кўпинча фақат мадраса сўзини ишлатади. «Бу маслаҳат учун шаҳрнинг ўртасида Улуғбек мирзонинг мадрасасининг томининг устида оқ уй тикиб ўлтурдим» (146- бет), «мен мадрасада эдим» (148- бет) каби. Энди бошқа билвосита далилларни кўрайлик. «Самария» китобининг муаллифи Абу Тоҳирхўжа (19- аснинг 1- ярмида яшаган). Улуғбек мадрасасини таърифлар экан, иморатни «мадраса ва масжиди жомеъ» деб атайди. Яъни масжиди жоме деб хонақоҳни назарда тутмоқда. Хонақоҳ эса усти берк масжид демакдур. Худди шунга ўхшаш. Улуғбек мадрасаси ёнидаги иморатни «мадраса ва масжиди жоме Тиллакори» номи билан атайди. Дарвоқе, Тиллакори мадраса номи билан ҳозир танилган мадраса ҳовлисининг ғарб томони бутунлай усти берк гумбазли масжид хонакоҳи билан эгалланган ва бу жой 17—19- асрлар давомида шаҳарнинг жоме масжиди хизматини ўтагани маълум. Мазкур иморатни кўрмаган киши «Самария»ни ўқиса, у мадраса ва масжиди жоме икки мустақил иморат экан деб тасаввур этиши мумкин. Ваҳоланки, сўз бир ҳовли атрофида ўзаро узвий боғланган мадраса ва масжид — хонақоҳ ҳақида бормоқда. бу тасодиф эмас, албатта. Анъанага кўра ҳар бир мадраса таркибида усти берк масжид — хонақоҳ бўлиши зарур ҳисобланган. Шунинг учун ҳам тарихий манбаларда «мадраса ва хонақоҳ»нинг бир иморат таркибида қурилгани кўплаб зикр этилган. Айниқса, Темур ва Улуғбек давридан бошлаб турли вазифани ўтовчи иморатларни ягона комплекс ёки ансамбль тарзида яратиш анъанаси кенг ривож топган.

Юқоридаги далилларни инобатга олсак муаммо ойдин бўлади қолади. Улуғбек мадрасаси ва хонақоҳи ҳозирги тушунчага кўра ягона иморат комплексидан иборат бўлиб, замонамизгача етиб келган. Ҳозирги ҳовлининг ғарб томонини эгаллаб турган учта улкан гумбазли (айниқса ўртадагиси катта ва баланд бўлган) ва ўзаро бирлашган учта катта саройдек хоналар Бобур айтган хонақоҳнинг худди ўзидир. Мавжуд ва маълум хонақоҳлар ичида тарихда бундан улуғроқ хонакоҳ бўлмаган. Демак, хонакоҳ мадрасанинг ташқи қаршисида эмас, балки орқа томонида экан, яъни ҳовлига нисбатан қарама қарши (рўбарў) бўлиб чиқади.

Бобур айтган Муқаттаъ масжиди ҳам сақланиб қолма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган. Лекин ўша давр меъморлигида ёғочлардан териб ишланадиган хотамкори услубининг бўлганлигидан, шу услубда бинолар ислимий ва хитойи нақшлар билан безатилганидан дарак берадики, кейинроқ бу услуб деярлик унутилиб кетган. Фақат баъзи эшик ва шиплар безагида ана шундай услуб белгилари қолганини кузатишимиз мумкин.

Асрлар тажовузи оқибатида ер билан яксон бўлган Улуғбек расадхонасининг вайроналари жойлашган манзил ҳам давр ўтиши билан тамоман унутилиб кетган экан. «Бобурнома» ни ўқиган киши расад харобаларини ҳеч янглишмай топиши мумкин эди: «Яна бир олий иморати Пуштаи Кўҳак доманасида расаддурким, зич битмакнинг олатидур. Уч ошёнликдур. Улуғбек мирзо бу расад била Зичи кўрагонийни битибтурким, оламда ҳоло бу зич мустаъмалдур. Ўзга зич била кам амал қилурлар» (105—106-бетлар). Бошқа жойда Кўҳакнинг ўрни ҳам кўрсатилган. «Бобурнома» да тасвирлаш усулини кузатсак, одатда иморатларнинг ер остидаги қисми — хоналар ҳам бино қаватлари (ошиён — этаж) сирасига кирганини кўрамиз. Шундай экан, Бобур расадхонани уч ошиёнли иморат деганда, унинг ер остидаги сектант қисми ҳам ошиён — қават ҳисобига ўтганмикин? Агар шундай бўлса, расадхона реконструкциясига яна ўзгариш киритишга тўғри келади.

Машҳур расадхона қолдиқларини Абусаид Маҳзум ва В. Л. Вяткин топдилар. Расадхона ўрнида бир неча бор археологик қазилмалар (Л. В. Вяткин, М. Е. Массон, В. А. Шишкин ва Я. Ғ. Ғуломов экспедициялари) олиб борилди. Натижада расадхона пойдеворининг лойиҳаси ва ер остидаги қисми аниқланди. Лекин Бобурнинг икки сўздан иборат хабари («уч ошёнликдур») бўлмаганда, ҳеч қандай археологик текширишлар бинонинг уч қаватдан иборат улкан иншоот эканлигини аниқлаб бера олмас эди. Расадхона кўриниши ҳақидаги олимларнинг реконструкцияларига (Б. Н. Засипкин, В. А. Нильсен, Г. А. Пугаченкова). Бобур айтган ана шу фактлар асос бўлди. «Самарқанднинг қалъасининг ичида яна бир қадимий иморатдур, масжиди Лақлақа дерлар. Ул гунбазнинг ўртасида ерга тепсалар тамом гунбаздан лақлақ ун келур, ғариб амирдур, ҳеч ким мунинг сиррини билмас» (106- бет).

Лақлақа масжиди сақланмаган, ҳатто ўрни ҳам маълум эмас. Балки археологик текширишлар натижасида топилиб қолса, ажаб эмас.

Бобур мирзо Улуғбек бунёд этган боғлар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар беради. У Чилустун номли кўшкни шундай таърифлайдики, унинг айтганлари асосида

www.ziyouz.com kutubxonasi

бино архитектураси ва тузилишини яққол тасаввур қилиш мумкин, айниқса, Чилустун кўшкининг бутунлай бузилиб кетганини назарга олсак, тарихий хабарнинг қадри янада ортади.

«Яна пуштаи Кўҳакнинг доманасида ғарб сари боғе солибтур, Боғи Майдонга мавсум. Бу боғнинг ўртасида бир олий иморат қилибтур. Чилсутун дерлар, ду ошёна, сутунлари тамом тошдин. Бу иморатнинг тўрт бурчида тўрт манордек буржлар кўпорибтурларким, юққорига чиқар йўллар бу тўрт бурждиндур. Ўзга тамом ерларда тошдин сутунлардур. Баъзини морпеч хиёра қилибтурлар. Юққориги ошёнининг тўрт тарафи айвондур, сутунлари тошдин. Ўртаси чордара уйдир. Иморат курсисини тамом тошдин фарш қилибтурлар» (106-бет). Қандай гўзал кўшк! Уни ижод этган меъмор ҳеч шубҳасиз юксак истеъдод эгаси бўлган.

Бошқа бир боғ таърифини эшитайлик: «Бу имораттин пушотаи Қўҳак сари доманада яна бир боғча солибтур, анда бир улуғ айвон иморат қилибтур, айвоннинг ичида бир улуғ тош тахт қўюбтур, тули (бўй) тахминан ўн тўрт — ўн беш қари бўлғой, арзи (эни) еттисеккиз қари, умқи (баландлиги) бир қари. Мундоқ улуғ тошни хили йироқ йўлдин келтурубтурлар. Ўртасида дарз бўлибтур. Дерларким, ушбу ерда келтиргандин сўнг бу дарз бўлғондур. Ушбу боғчада яна бир чордара солибтур изораси тамом чиний, Чинихона дерлар. Хитойдин киши йибориб келтурубтур» (106- бет). Бобур айтган катта тош-тахт, чамаси боғ ташландиқ ҳолга келгандан сўнг Самарқанд аркига кўчирилган. Ўймакор тошни ҳозир ҳам кўришимиз мумкин. У кейинги йилларда Амир Темур мақбараси ҳовлисига келтириб қўйилган.

Султон Аҳмад мирзо бунёд этган бир боғ бундай таърифланади: «Дарвеш Муҳаммад тархоннинг чорбоғича сафолиқ ва ҳаволиқ ва мадди назарлиқ чорбоғ кам бўлғай. Боғи Майдондин қуйироқ, баландининг устида Қулба ўлангига мушриф бир чорбоғ солибтур, тамом бу ўланг оёғ остидадур. Чорбоғда ҳам мартаба-мартаба ерларни сиёқ била тузатиб, яхши норвонлар (қайрағоч) ва сарв ва сафе дорлар тикбтурлар, ҳили саромад манзилидур. Айби будурким, улуғ суйи йўқтур» (106- бет).

Бобур мирзо Самарқанд тахтидан қувилгандан сўнг анча вақт сарсон-саргардонликда юради. Йўл-йўлакай кўргани турли жойларнинг қўрғони, меъморий иншоотлари ҳақида ҳам хабар ёзиб қолдирган. Унинг Шаҳрисабз ёдгорликлари ҳақидаги сўзлари айниқса диққатга сазовордир:

«Яна Кеш вилоятидур, Самарқанднинг жанубидадур,

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўққуз йиғоч йўлдур. Самарқанд била Кеш орасида бир тоғ тушубтур, Итмак добони (ҳозирги Тахта Қорача) дерлар, сангтарошлик қилур, тошларни тамом бу тоғдир элтарлар. Баҳорлар саҳроси ва шаҳри ва боми ва томи хўб сабз бўлур учун Шаҳрисабз ҳам дерлар. Темурбекнинг зоду буди Кешдин учун, шаҳр ва пойтахт қилуриға кўп саъй ва эҳтимомлар қилди, олий иморатлар Кешта бино қилди. Ўзига девон ўлтурур учун бир улуғ пештоқ ва яна ўнг ёнида ва сўл ёнида тавочи беклари била девон беклари ўлтуруб девон сўрар учун, икки кичикрак пештоқ қилибтур. Яна саврун али ўлтурур учун бу девонхонанинг ҳар зилъида кичик-кичик тоқчалар қилибтур, мунча олий тоқ оламда кам нишон берурлар. Дерларким, Кисро тоқидин бу бийикрактур. Яна Кешда мадраса ва мақбара қилибтур. Жаҳонгир мирзо ва яна баъзи авлодининг мақобири андадур» (108- бет).

Бобур тасвирлаган девонхона ҳозир Оқсарой номи билан машҳур. Оқсаройдан фақат бир улкан пештоқ сақланиб қолган холос. Атрофидаги қўшқават уйлар, турли хос бинолар, ҳовузлар бузилиб кетган. Лекин якка пештоқнинг ўзи Оқсаройнинг қанчалик улуғвор, катта ва серҳашам эканлигидан дарак беради. Айниқса пештоқнинг кошинкор безаклари ниҳоятда нозик ва нафис санъат билан ишланган. Малиҳо Самарқандийнинг (17- аср) гувоҳлик беришича, Оқсарой пештоғи китобасида «Агар қудратимизга шак-шубҳанг бўлса, қурган иморатларимизга қара!» деган арабий сўзлар бўлган экан. Дарвоқе, Темур улкан иморатлар қуриш билан сиёсий мақсадларни ҳам кўзда туттани маълум. 1404 йилда Шаҳрисабзни келиб кўрган испан элчиси Р. Клавихо ҳам Оқсарой таърифини қолдирган. Клавихо сўзлари асосида тадқиқотчилар Оқсаройнинг пештоғи девоннинг ташқи дарвозаси деб тушунишган, девон ҳовлисига пештоқ орқали ўтилган, асосий бинолар ичкарида бўлган деб фараз этишган. Лекин Бобур айтишича, саройнинг асосини «бир улуғ пештоқ» ташкил этган. Шуни эътиборга олсак, пештоқ ҳовли олдида эмас, балки ичкарисида жойлашган бўлиб чиқади. Демак, саройнинг бошқа қолдиқларини пештоқнинг олди томонидан қидириш керак экан. Шу вақттача пештоқ орқасидаги ҳудудда олиб борилган археологик текширишлар натижа бермаганлигининг сабаби шунда экан.

Бобур уруш жадаллари қаторида 1505 йил бир муддат Ҳирот шаҳрига келиб, узоқяқин қариндошлари ҳузурида меҳмон бўлиб туради. Ўзи айтганидек, қарийб 20 кун давомида машҳур сайргоҳлардан деярлик ҳаммасини бориб

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўради. Мана уларнинг номлари:

«Гозургоҳ ва Алишербекнинг боғчаси ва жувози қоғоз ва Тахти остона ва Пуликоҳ ва Каҳдистон ва боғи Назаргоҳ ва Неъматобод ва Гозургоҳнинг хиёбони ва Султон Аҳмад мирзонинг ҳазираси ва Тахти Сафар ва Тахти Навоий ва Тахти Баргар ва Тахти Ҳожибек ва Шайхи Баҳоуддин Умар ва Шайх Зайниддин ва Мавлоно Абдурраҳмон Жомийнинг мазорат ва мақобирини ва намозгоҳи Мухтор ва Ҳавзи Моҳиён ва Соқи Салмон ва Биллурийким, асли Абдулвалид экандур, Имом Фахр ва Боғи Ҳиёбон ва мирзонинг мадорис ва мақобирини ва Гавҳаршодбегимнинг мадраса ва мақбарасини ва масжиди жомиъни ва Боғи Зоғон ва Боғи Нав ва Боғи Зубайда ва Султон Абусаид мирзо солғон дарвозаи Ироқнинг тошида Оқсарой ва Пўрон ва Суфаи Тирандозон ва Чарғолонг ва Мирвоҳид ва Пулимолон ва Ҳожа Тоқ ва Боғи Сафид ва Тарабхона ва Боғи Жаҳоноро ва Кўшк ва Муқаввийхона ва Савсанихона ва дувоздаҳ бурж ва Жаҳоноронинг шимол тарафидаги улуғ ҳавз ва тўрт тарафидаги тўрт иморат ва қалъанинг беш дарвозаси: Дарвозаи Малик ва Дарвозаи Ироқ ва Дарвозаи Фирузобод ва Дарвозаи Хуш ва Дарвозаи Қипчоқ ва Бозори Малик ва Чорсув ва Шайхулисломнинг мадрасаси ва Маликларнинг масжиди жомии ва Боғи шаҳр ва Бадиуззамон мирзонинг Жўйи Инжил ёқасидаги мадрасаси ва Алишербекнинг ўлтурур уйлариким, «Унсия» дерлар, мақбара ва масжиди жомииниким, «Қудсия» дерлар, мадрасаси ва хонақоҳиниким «Халосия» ва «Ихлосия» дерлар, ҳаммом ва доруш-шифосиниким «Сафоия» ва «Шифоия» дерлар, борини андак фурсатта сайр қилдим» (254—255- бетлар). Кўриниб турибдики Бобур турли иморат ва боғлар билан жуда қизиққан, уларни катта ҳафсала ва зийраклик билан кузатган, ҳатто уларни номма-ном ёзиб қолдирган. Мазкур иморатларнинг деярли ҳаммаси бузилиб кетгани, аксар қисми атайин вайрон этилганини, уларнинг номлари ҳам унутилиб кетганини назарга олсак, Бобур хотираларининг нақадар аҳамиятли эканлигини яққол кўрамиз.

Боғи Сафиддаги бир кўшкпавильон тасвирини тингланг: «Тарабхона боғчанинг ўртасида воқиъ бўлубтур, мухтасарроқ имораттур, икки ошёналиқ, вале ширинғина имораттур, юққориги ошёнида такаввуф кўпрак қилибтурлар. Тўрт кунжида тўрт ҳужрадур. Ўзга бу тўрт ҳужранинг ўртаси ва мобайнлари тамом бир уй дохилидур, бир уйдурким, ҳужраларнинг мобайни тўрт шаҳнишин йўсунлуқ бўлибтур. Бу уйнинг ҳар зилъи мусаввардур, агарчи бу иморат-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни Бобур Мирзо қилгандур, вале, бу тасвирларни Султон Абдусаид мирзо буюрғондур, масоф ва урушларини тасвир қилибтурлар...» (252- бет).

Ҳирот шаҳридаги Тарабхона кичикроқ бўлсада кўп жиҳатдан Самарқанддаги Ишратхона — Кўшки Дилкушо ва Оқсаройни (Гўри Амир яқинида) эслатади. Тарабхона — Ишратхона типидаги иморатларнинг асосий вазифаси боғдаги уй-жой эканлигининг аниқланиши, меъморлик тарихи учун айниқса аҳамиятлидур. Чунки, баъзи чалкашликлар оқибатида қатор иморатлар (жумладан Оқсарой, Ишратхона) шу вақтгача мақбара деб талқин этилмоқда эди.

Бобур Ҳиротда эканлигида Алишер Навоийнинг уйида истиқомат қилди, унинг қурдирган иморатларини, Неъматобод ансамблини бирма-бир кўриб чиқди. Шу даврда Бобур Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди билан, унинг бинои хайр ишлари билан янада яқинроқ танишди.

«Алишербек назири йўқ киши эди,— ёзади Бобур.— Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай... Устоз Беҳзод ва Шоҳ Музаффар тасвирда бекнинг саъй ва эҳтимоми била мундоқ машҳур ва маъруф бўлдилар. Мунча бинойи хайр ким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай» (233- бет).

Бобурнинг ўзи ҳам Алишер Навоий каби бинокорлик ва меъморликка, боғдорчиликка ғоят қизиққан, ихлос қўйган эди. Унинг бинойи хайр ишлари, айниқса, Афғонистон ва Ҳиндистон ҳукмрони бўлган даврда кенг ривож топди. «Бобурнома» да бу ҳақда ғоят диққатга сазовор хотиралар келтирилган. Бобур буйруғи ва кўрсатуви билан жуда кўп боғлар барпо этилган, турли хил иморат-иншоотлар қурилган. Олиб борилган бунёдкорлик ишларининг кенг кўлами ҳақида Бобурнинг Самарканддаги Бибихоним масжиди қурилиши билан қилган қиёси характерлидир.

Яна баъзи далилларни эслаб ўтамиз.

«Одинапур қўрғонининг олида, жанубий тарафида бир баландида тарихи тўққуз юз ўн тўртта бир чаҳорбоғ солдим. Боғи Вафоға мавсум, рудка мушриф, руд қўрғон била боғнинг орасидадур, норунжи ва турунжи ва анори бисёр бўлур... Ери муртафиъ, оқар суйи муттасил, ҳавоси қишлар муътадил, боғнинг ўртасида бир кичикроқ пушти воқиъ бўлибтур, бир тегирмон суйи бу боғнинг ўртасидин ва боғнинг ичидаги пуштанинг устидин ҳамиша жорийдур. Боғ ўртасидаги чорчаман бу пуштанинг устида воқиъ бўлибтур. Боғнинг ғарби жанубий тарафида даҳи дардаҳ

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳавзедур, атрофи тамом норунж дарахтларидур, анор дарахтлари ҳам бор. Бу ҳавзнинг гирдогирди тамом себергазордур. Бу боғнинг айн ери ушбудур. Норунжлар сарғарғон маҳалда бисёр яхши кўринур, хили яхши боғ воқиъ бўлибтур» (190- бет).

Бомиён тоғи этагидаги Исталиф кенти «Бу кентта Боғи Калон отлиқ Улуғбек мирзонинг бир мағсуб боғи бор эди. Мен эгаларига баҳо бериб олдим. Боғдин ташқири улуғ чинорлар бор чинорларининг туби сабзалиқ, сафолиқ манзиледур. Боғнинг ўртасидин бир тегирмон суйи ҳамиша жорийдур. Бу ариқ ёқасида чинорлар ва дарахтлардур, бурун бу ариқ эгрибукри ва бисиёқ эди. Мен буюрдумки, бу ариқни ража ва сиёқ била қилдилар. Бисёр яхши ер бўлди» (194- бет). Шу қишлоқнинг пастрофида Хожа Сеёрон номли чашманинг атрофини Бобур тош билан ишлатади. «Чашмани гач ва соружа била даҳи дардаҳ қилдурдим. Бу чашманинг чор ҳади сиёқлик, гўниялиқ тахти бўлди, тамом... арғувон гули очилган маҳалда мунча ер маълум эмаским, оламда бўлгай. Сариқ арғувони ҳам бисёр бўлур... Пуштанинг устида улуғ гирд суфа солдурдум. Суфанинг гирдида тамом тол дарахтлари экилди. Хили яхши манзил бўлди» (195- бет).

Бобур тарихий воқеаларни зикр этиб боришнинг монументал шаклидан ҳам фойдаланади. Масалан, 1501 йил тоғларда саргардон бўлиб юрганида Масчо ва Палғар орасидаги чашма ёқасидаги тошга уч байт шеърни ёздиради. «Ул қўҳистонда бу расмдурким, тошқа қазиб абёт ва нималар битирлар» (155- бет). Шу атрофдаги тошларда Бобур номидан ўйиб ёзилган на тўртта тарихий хат ҳозиргача сақланиб қолган[1]. 1507 йили қишда навбатдаги босқиндан Кобулга қайтар экан Бобур Бодиж деган жойда тошга тарих ёздиради: «Ҳофиз Мирак битиди, Устод Шоҳ Муҳаммад сангтарошлиқ қилди. Шитоб учун ободон қазимади» (278- бет).

Бобур Ҳиндистонни фатҳ этгандан сўнг, мамлакатнинг ўз тасарруфи остидаги турли шаҳарларида, айниқса Агарда жуда катта қурилиш ва ободончилик ишларини олиб боради. 1525 йили Бобурнинг Агра, Биёна, Дулпур, Гувалёр ва Кўлдаги иморатларида 1490 сангтарош ишлаганлиги қурилишларининг катта кўламидан дарак беради.

---

[1] А. Мухтаров. Таджикские и другие надписи на скалах и камнях в верховьях Заравшана и их научное значение. Материалы первой всесоюзной научной конфереции востоковедов Издательство Академии наук Узбекской ССР. Ташкент, 1958, стр. 671—672.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бобур бир неча бор Ҳиндистонда оқар сув йўқлигини қайд қилиб ўтади. Шунинг учун «ҳар ерда ўлтурушлуқ бўлса, чархлар ясаб, оқар сувлар қилиб, тарҳлиқ ва сиёқ ерлар ясаса бўлур» (369-бет),— деб маслаҳат беради. Ўзи эса қай жойда боғ барпо этар экан режа тортиб лойиҳали, хушбичим ва ҳушманзара бўлишига алоҳида эътибор беради. Агра шаҳридаги боғни эслайлик: Жўн суви яқинидаги «бесафо ва хароб», «макруҳ ва нохуш» ташландиқ жойни боғ этишга қарор қилинади: «Ул улуғ чоким, ҳаммом суви андиндур, бунд бўлди. Яна бу парча ерким, амбули дарахтлари ва мусамман ҳавз андадур, булардин сўнг улуғ ҳавз ва саҳне бўлди. Андин сўнг тош иморат олидаги ҳавз ва толор бўлди. Андин сўнг «Хилватхона» боғчаси ва уйлари бўлди. Андин сўнг ҳаммом бўлди. Мундоқ бесафо ва бесиёқ Ҳиндта тавр тарроҳлиқлар ва сиёқлиқ боғчалар пайдо бўлди. Ҳар гўшада мақбул чаманлар, ҳар чаманда муважжаҳ гул ва настаранлар мураттаб ва мукаммал бўлди» (369-бет). Шу каби «сиёқлиқ ва яхши тарҳлиқ боғчалар ва ҳавзлар»ни дарё ёқасидаги жойларда Бобурнинг яқинлари бунёд этадилар.

Бобур Агра боғидаги ўзи қурдирган ҳаммомни таърифлар экан, қизиқ кузатиш ва тафсилотларни ҳам айтиб ўтади: «Ҳиндустоннинг яна уч ишидин мутазаррир эрдук: бир иссиғидин, яна бир гардидин, яна бир тунд слидин. Ҳаммом ҳар уччаласининг доифий эрмиш. Гард ва ел худ ҳаммомда не қилар, иссиқ ҳаволарда андоқ совуқ бўладурким, ёвуқдурким, киши совуққа тўнгғай. Ҳаммомнинг бир ҳужрасиниким, қуллатайн ҳавз андадур, тамом тошдин тугатибтурлар. изораси оқ тошдин, ўзга тамом фарш ва сақфи қизил тошдинким, Биёна тошидур» (369- бет).

Бобур шахсан ўз диди ва эстетик майлларига муносиб боғ ва иморатлар барпо этгани табиий. Унинг истак ва талабларини амалга оширган меъмор ва ҳунарманд усталар қаторида етакчи ўринни Марказий Осиё ва Хуросонлик ижодкорлар эгаллаган бўлиши керак. Чамаси Бобур Мовароуннаҳр меъморлиги услуби ва анъаналарини тарғиб ва тадбиқ этган кўринади: «Ҳинд эли бу тарҳ ва бу андом била ерлар кўрмаган жиҳатидин, Жўннинг иморатлари қилғон тарафи ерларга Қобул от қўюбтурлар» (370- бет). Бобур бунинг акси ўлароқ, баъзан «Ҳиндустон тарҳи», «Ҳиндустоний такаллуф», яъни услуб ва безакларни танқид этади.

Бобур Ҳиндистоннинг тарихий ва меъморий ёдгорликларини катта қизиқиш билан томоша қилади, иморатлар ҳақида ўз фикр ва таассуротларини ёзиб қолдиради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1528 йили Гувалёрдаги меъморлик ёдгорликларини бориб кўради, характерли томонларини батафсил тасвирлайди: «Мон Сингнинг ва Бикраможитнинг иморатларини тамом юриб, сайр қилдим, ғариб иморатлардур. Агарчи бўлук-бўлук ва бесиёқдур, бу иморатлар тамом санги тарошидадиндур. Борча рожалар иморатларидан Мон Сингнинг иморатлари яшироқ ва олийроқтур. Мон Сингнинг иморатининг томонинг бир зилъи шарқ соридур. Бу зилъни ўзга зилъларға боқа кўпроқ такаллуф қилибтур, баландлиғи тахминан қирқ-эллик қари бўлғай, тамом санги тарошидадин, юзини гач била оқортибтурлар. Баъзи ерда тўрт табақа имораттур, икки қуйиғи табақаси хили қоронғудур, андак ёруғилуғи муддате ўлтурғондин сўнгра зоҳир бўладур, буларни шамъ билан юруб сайр қилдук. Бу иморатнинг ҳар зилъида беш гунбазтур. Бу гунбазларнинг ораларида кичик Ҳиндустон дастури била чорсу-чорсу гунбазчалардур. Бу беш улуқ гунбазларнинг устига зарандуд қилғон мис тангларини қадабтурлар. Бу томларнинг ташқарисини яшил коши билан кошикорлиқ қилибтурлар. Яшил коши билан гирдо-гирдини тамом кела (банан) дарахтларини кўрсатибтурлар. Шарқ сойлиғи зилъининг буржида Ҳотийпулдур. Пилни «ҳотий» дерлар, дарвозани «пул». Бу дарвозанинг чиқишида бир филнинг суратини мужассам қилибтурлар, устида икки филбон ҳам қилибтурлар; биайниҳи фил, хили мушобиҳ қилибтурлар. Бу жиҳаттин «Ҳотийпул» дерлар. Тўрт табақа иморатким бор, боридин қуйиғи табақасининг бу мужассам фил сори равзани бор, андин фил ёвуқ кўрунадур. Юққориғи мартабаси худ мазкур бўлғон гунбазлардур. Иккинчи табақасида ўлтурур уйларидур. Бу уйлар ҳам чуқур ерларда воқиъ бўлубтур. Агарчи Ҳиндустоний такаллуфлар қилибтурлар, вале беҳавороқ ерлардур (413- бет).

Гувалёрдаги бутхоналар тасвири ҳам диққатга сазовор: «Баъзи бутхоналар ду ошёна, се ошёна, ошёнлари пастроқ, қадимий вазълиқ, изорасида тамом мужассам суратлар тошдин қозибтурлар. Баъзи бутхона мадраса вазълиқ пешоҳида улуқ ва баланд гунбаз, мадраса ҳужраларидек ҳужрариким бор, ҳар ҳужранинг устида танг-танг гунбазлар тарошида тошдин қилибтурлар. Қуйиғи ҳужраларида мужассам тошдин бутлар тарош қилибтурлар» (415- бет).

Бобур шу каби бошқа иморатларни — бутхона, масжид, боғларни таърифлар экан, баъзан уларнинг тузилиши, меъморий услубига доир танқидий фикрларни ҳам айтиб ўтади. Боғча ичидаги ёғоч толор — кўшкчани «пастроқ, баландроқ» дейди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Боғчанинг эшигида Ҳиндустоний вазлиқ бемаза айвонлар қилибтур» (414- бет). «...Ҳунарларида ва ишларида сиёқ ва андом ва ража ва гўния йўқ... Ва иморатларида сафо ва ҳаво ва сиёқ ва андом йўқ» (360- бет) деб хулоса этади. Шунинг учун ҳам Бобур доим ўрнак кўрсатиб, «тарҳлиқ ва сиёқлик» ерлар ясаш, иморатлар қуришга, боғлар бунёд этишга даъват этади.

Бобур суғориш иншоотлари, инженерлик конструкциялари, техника билан ҳам кўп қизиққан, бу соҳадаги ишларни рағбатлантирган. Бу жиҳатдан унинг устод Алиқулининг тўп, милтиқ каби қуроллар ясаш, улкан қозон қуйиши ишларини шахсан бориб кузатгани, иморатлар гумбазларини фарқлаб қайси дастур билан қилинганини кўрсатиши диққатга сазовор. Мана ер остидан сув чиқариш учун ясалган иншоотнинг тасвири:

«...бир ҳоли ер эди, анда ҳам бир улук войин буюрдум даҳидардаҳ (яъни томони 10×10 қари). Ҳиндустон истилоҳи била зиналиқ улуқ чоҳни «войин» дерлар... Тавр войине воқиъ бўлибтур. Уч табақа иморат бу войнинг ичида бўлубтур. Боридин қуйиғи табақаси уч айвондур, йўли чоҳқа тушадур, зинадинўқтур. Ҳар уч айвонга бир йўл-ўқ борур. Ҳар айвон бирбиридин учар зина баландтур. Боридин қуйиғи айвондин сув тортилғон чоғда сув бир зина қуйи тушар. Боридин юқориғи айвонга пашкол вақти сув улғайғонда гоҳи сув чиқар. Ўртанчи табақасида бир қазноқлиқ айвондур. Бу айвоннинг қаринаси бир гунбаздурким, сув чарҳини уюрур, ўй бу гунбазта уюрулур. Юқориғи табақаси бир айвондур, ташқи боқишлиқ чоҳ устидаги саҳндин беш-олти зина қуйироқ, икки тарафдин зинадин бу айвонга йўл борур. Рост тарафиға бобур йўлнинг ўтрусида тарих тошидур. Бу чоҳнинг ёнида яна бир чоҳ қўпорилибтур. Ул чоҳнинг туби бурунғи чоҳнинг ўртасидин бир нима юққарроқ бўлғай. Мазкур бўлғон гунбазта чархнинг ўйи уйрулуб, ул чоҳдин сув бу чоҳқа келур. Бу чоҳқа яна бир чарх ясалибтурким, ул чарҳ билан сув фасилнинг устига чиқар. Фасил усти билан юққориғи боғчаға сув борур. Чоҳнинг зинаси чиқар ерда ҳам бир тошдин иморат бўлибтур» (370- бет).

Бобур ўз даврининг универсал олими, санъаткори ва саркардаси эди. У гўзал ғазаллар, рубоийлар қаторида, тарихий насрий асари — воқеаномани ёзди. Меъморларга меъморликка оид кўргазмалар берди, ўз иродаси ва диди билан иморатлар, боғлар тарҳини белгилашда асосий фикрни айтди, янги алифбе — «Хатти Бобурий»ни ихтиро қилди, ҳатто метрологияга қатор янгиликлар ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

аниқлик киритди. Агра билан Кобул орасини ўлчатиб, ҳар тўққуз қуруҳда (мил) минора қуришни, ҳар ўн саккиз қуруҳда 6 ём оти тутишга буюради, ёмчи ва сойисга маош ва отларга ем тайинлайди. Ҳар миноранинг баландлиги 12 қари бўлиб устига бир чордара ўрнатиш белгиланади. Ўлчаш бирликлари ҳақида «Мубаййин» номли насиҳат ва васият асарида кўрсатиб берганини айтади:

«Тўрт мингдур қадам ила бир мил,
Бир қуруҳ они Ҳинд эли дер бил.
Дедилар бир ярим қари бир қадам;
Ҳар қари билки, бордур олти тутам,
Ҳар тутам тўрт элик, яна ҳар элик
Олти жав арзи бўлди бил бу билик» (423- бет).

Бобур ва унинг меъморлик ҳақидаги сўзлари, Ҳиндистон меъморлигига муносабати ва таъсири устида фикр юритар эканмиз, бобурийлар империяси (1526—1707) давридаги шимолий Ҳиндистон меъморлиги эришган улкан ютуқлар кўз олдимизда намоён бўлади. Дарвоқе, ана шу давр Ҳиндистон меъморлигининг юксалиш даври сифатида тарихда маълум. Жуда кўп ажойиб ва маҳобатли, юксак санъат ва меъморлик асари ҳисобланган иморатлар ҳозиргача сақланиб қолган ва жаҳонга маълум. Шулар қаторида Тожмаҳал ансамблини (1650). Бобурийлар даври меъморлигининг гултожиси десак бўлади. Тожмаҳал меъморлик ёдгорликлари орасида Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ҳиндистон халқлари маданий алоқаларининг тимсолидир. Тожмаҳал пештоқлари орасида устодлардан Муҳаммад Шариф Самарқандий ва Ота Муҳаммад Бухорийларнинг табаррук номларининг зикр этилишининг ўзи ана шу тарихий, асрий ва маданий алоқаларнинг яна бир ёрқин саҳифасидир. Ҳали бу маданий, бадиий алоқа ва таъсирларни илмий ўрганиш каби шарафли вазифа олимларимиз олдида турибди.

Умуман айтганда Бобур мирзонинг Самарқанд, Ҳирот ва бошқа шаҳарлар меъморлигига оид қолдирган маълумотлари бебаҳо тарихий аҳамиятга эга. Хабарлар, таъриф-тавсифлар ниҳоятда қисқа ва лўнда бўлишига қарамай, улар асосида 15- аср охири — 16- аср бошларидаги тарихий ва меъморий иморатларга оид қимматли материал топилди; қатор меъморлик ёдгорликлари ҳақидаги ҳақиқат аниқланди, унутилиб кетган бинолар ҳақида ишонарли ва тўлиқ тасаввур олинди, ниҳоят ўша давр меъморлигининг махсус терминлари, ифода усуллари маълум бўлди. Хуллас ҳали «Бобурнома» га фақат меъморлик тарихи муносабати билан кўп марта олимлар мурожаат этиб, ундан бебаҳо тарихий фактларни топиши аниқ.

Ўзбек халқининг ажойиб фарзанди, замонасининг йи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рик сиёсий ва давлат арбоби, саркарда, истеъдодли шоир, олим ва тарихнавис Заҳириддин Бобур мирзо буюк маънавий хазина яратдики, унинг кўп қиррали ва рангбаранг инжулари давр ўтиши билан янада ёрқин товланмоқда.

ДОРИЛФУНУН ВА ДОРИШШИФО

Яқинда Парижда чиқадиган «Осиё журнали» саҳифаларида араб тилида 11- асрнинг ўрталарида Самарқанд шаҳрида тузилган икки тарихий ҳужжат-вақфномалар эълон қилинди.

Биринчи вақфномадан маълум бўлишича, Тамғоч Буғро Қорахон томонидан Самарқанднинг ҳозирги Афросиёб қисмидаги Боб ал-Жадид, яъни Янги дарвоза мавзеида, шаҳид қабри — Машҳадга ёндош қилиб катта мадраса қурилган экан. Машҳад дейилгани афсонавий Қусам ибн Аббос қабри бўлиб, у ҳозир Шоҳи зинда —«Тирик шоҳ» номи билан машҳур. Вақфномада таъкидланишича, мадраса биноси атрофида чегара сифатида Малика Туркон Хотуннинг уйи, амир Низомуддавланинг хонақоҳи, Аҳмад муқассиснинг уйи, карвонсарой, майдон, ариқ новлари бўлган.

Вақфномада мадрасада илм ва дин аҳлининг дарс ўқиши, таълим олиши, адаб ўрганиши уқтириб ўтилган. Мадрасада истиқомат қилувчи мударрислар — фиқҳ, адаб муаллимлари, қорилар, боғбон, қоровул каби хизматчиларга, талабаларга йиллик маош белгиланган. Масалан, фиқҳ — дин дарсини ўргатувчи муаллим — фақиҳ учун йилига 3600 дирҳам, талабаларнинг ҳар бири учун эса 1800 дирҳам тўлаш тайинланган. Вақфномада таъкидланишича, ўша даврда 47 дирҳам 1 мисқолга, яъни 4 грамм чамаси соф олтин қийматига эга бўлган экан. Мударрислар, хизматчилар ва талабаларни узлуксиз таъминлаб туриш учун Буғро Қорахон мактаб-мадрасага вақф сифатида бир неча карвонсарой, ҳаммом ва турли биноларни, мевазор боғларни ажратган. Буғро Қорахон мадрасанинг биринчи мутаваллиси қилиб олим Абу Тоҳир Абдураҳмон ибн ал-Ҳасан ал-Жазалийни тайинлаган экан. Тарихий маълумотларга кўра мазкур мадраса мўғуллар босқинидан кейин ўз фаолиятини тўхтатган бўлиши керак, чунки босқин оқибатида Самарқанд мадинаси бутунлай вайрон бўлиб, ташландиқ ҳолга келгани маълум. Юз йилча кейин Самарқандга келган араб сайёҳи Ибн Баттута Шоҳи зинда

www.ziyouz.com kutubxonasi

мозорини келиб зиёрат қилар экан, унинг ёнидаги машҳур мадраса ҳақида бирор сўз айтмаган. Чамаси бу даврга келиб, яъни 14- аср 30- йилларида мадраса вайроналари устига бошқа бинолар қурила бошлаган. Демак, ҳозирги Шоҳи зинда мақбараси атрофидаги ер қатламларини кавлаб кўрилса, тупроқ остидан қадимги мадраса қолдиқлари топилиши аниқ.

Ўша мадрасанинг қолдиқлари фақат ер остидагина эмас, балки ҳозирги сақланиб қолган бинолар орасидан ҳам топилмоқда. Шоҳи зинда зиёратхонасига туташ қўш девор орасида ўймакор ёғочдан ясалган бино пиромони-карнизи сақланиб қолган экан. Бошқа бир жойда девор ортидан чиройли бир миноранинг пастки қисми топилди. Хуллас, шу атрофда археологик қазишлар олиб борилса, қадимги мадраса шаклу шамойили ҳақида тўлиқроқ маълумот топишимизга шубҳа йўқ. Шуниси ажабланарлики, ҳозирги пайтда меъморий ансамбль сифатида машҳур бўлган қабристон бундан қарийб минг йил муқаддам жуда обод манзил бўлиб, қатор маҳобатли бинолар орасида мадраса алоҳида ўрин олган экан. Эндиликда бу манзил ҳозиргача маълум қадимги мадраса-университетлар орасида энг нуронийсининг ўрни ва қолдиқлари сифатида алоҳида диққатга сазовор. Энди Шоҳи зинда қабристонидаги меъморий обидалар ҳақида гап кетганда, улар остида ётган қадимги мадраса-университетни фахр билан эслаймиз, таърифлаймиз. Ажаб эмас шу тарзда Бухоро ва Хоразмдаги қадимги университетларнинг ҳам қолдиқлари топилса!

Парижда эълон қилинган иккинчи вақфнома ҳам катта тарихий аҳамиятга эга. Буғрохон иноят этган иккинчи вақфномадан Самарқанд шаҳрида қурилган катта бир бино — бемористон, яъни касалхона ҳақида, уни таъминлаш учун ажратилган қатор уйжой, карвонсарой, кичик касалхона — нимак бемористон, Обигарм номли аёллар ҳаммоми, дўконлар ҳақида маълумотлар топамиз. Барча вақф жойларидан тушган даромад 100 қисмга бўлиниб, 15 қисми бемористондаги касаллар пархез таоми учун, 8 қисми гўшт учун, 16 қисми касал муолижаси учун таклиф этилган ҳаким-табибларга, 5 қисми уйларни иситиш, ошхона ўтин-кўмири учун, 3 қисми имом ва муаззин ва ҳоказога сарф этилар экан. Қолган пулдан 1000 дирҳамига дори-дармон сотиб олиб сақланар экан. Вақфнома ҳижрий 458 йилда, яъни милодий 1065 йилда тузилган бўлиб, бемористоннинг биринчи бошлиғи қилиб Муҳаммад ибн Абдумалик ал-Сафар номли шифокор тайинланган экан. Ҳеч шубҳасиз, Ибн Сино яшаган даврга оид

www.ziyouz.com kutubxonasi

Самарқанддаги йирик касалхона ҳақидаги маълумотлар ҳар жиҳатдан ҳам эътиборни жалб этади.

Биз асосан Ҳирот шаҳридаги Алишер Навоий томонидан қурдирилган «Дорушшифо» ҳақида кенгроқ маълумотга эга эдик. Бухородаги бошқа бир «Дорушшифо» асримизнинг бошларида ҳам табобат фанининг маркази бўлиб келган. Эндиликда эса 1050 йилларда қурилган бошқа бир «Дорушшифо» ҳақида хабар топдик. Ибн Сино таваллудининг 1000 йиллиги арафасида Самарқанд шаҳридаги қадимги бир шифохона бемористон ҳақида тарихий ҳужжат топилгани табобат тарихи мутахассисларини айниқса қизиқтирди. Ажаб эмас қадимги бемористоннинг археологик қолдиқлари ҳам топилиб қолса!

Ҳали кўҳна ўтмишнинг ўқилмаган китоблари, аниқланмаган сирру асрорлари жуда кўп. Олимларимиз асрлар қаъридан, замину замонлар харобаларининг кулга айланган қолдиқлари орасидан ўтмиш маданиятимиз, санъатимизнинг сўнмай қолган учқунларини топмоқдалар: нур толаларини авайлаб йиғиб, халқимизни боқий бойлигини нурафшон этмоқдалар.

ИШРАТХОНА — БОҒИ ДИЛКУШО КЎШКИ

Самарқанд шаҳрининг ноёб ва ажойиб меъморий ёдгорликлари маълум ва машҳур. Уларни кўрган сари завқимиз ошади; кўркам санъат дурдоналарини ярата олган, аксари номаълум қолган халқ усталари, меъмор, муҳандисларнинг ижод даҳоси ва маҳоратига қойил қоламиз. Ўтмиш суронли йиллари гувоҳи бўлган нуроний иморатларнинг ҳар бири бутун бир тарих – уларда баъзан асрий муаммолар мавжуд десак, хато бўлмайди. Меъморий ёдгорликларни синчиклаб, атрофлича ўрганар эканмиз, янги-янги кутилмаган тарих саҳифалари очилмоқда. Ана шундай тарихий муаммолардан бирининг чигилини ечишга муяссар бўлдик. Шу ҳақда икки оғиз сўз.

Ишратхона мақбараси таърифини эшитар экансиз, ниҳоят заргар санъатидек нафис ва нозик улкан иморат қолдиқларини кўздан кечирар экансиз, беихтиёр савол туғилади: Нечун мотам ва қайғу манзили қабр устига махсус қурилган бинони Ишратхона деймиз? Наҳотки шундай гўзал ва файзли шоҳона сарой мақбара бўлса? Бу бино таърифида кўп китоблар ёзилган. М. Е. Массон, Г. А. Пугаченкова, Л. И. Ремпель каби ҳурматли олимларни қайд этишларича, мазкур бино Ҳабиба Султон бегим томонидан суюкли қизи Хованд

www.ziyouz.com kutubxonasi

Султон бека қабри устига тикланган мақбара. Шундай хулоса қилишга В. Л. Вяткин томонидан ўтган асрнинг охирида топилган вақфнома асос бўлган. 1464 йилда битилган Ҳабиба Султон бегим вақфномасида Феруза боғининг ғарбий бурчагидаги Хўжа Абду Дарун мақбарасига ёндош қурилган «Феруза гумбазли» иморат ичига Хованд Султон бека кўмилгани зикр этилган. Шу асосда тадқиқотчилар Ишратхона иморатини мақбара деб қабул этишган.

Энди бошқа тарихий фактларга мурожаат этайлик.

Шарафиддин Али Яздий Самарқанднинг Шарқ томонидаги Боғи Дилкушо ҳақида жуда қизиқ хабар қолдирган. «Зафарнома» да ёзилишича[1], 1397 йилнинг кузида Амир Темурнинг ҳукми билан Конигул ўлангининг чеккасида шундай чорбоғ тузилдики, ундан гўзалроқ боғ бутун салтанатда бўлмаган. Меъморлар хиёбон ва чаманлар тарҳини тузишган. Сангтарошлар ўз асбобларини шай этса, мусаввирлар бўлгуси кўшк сарой безагининг мусаввадасини чиза бошлаганлар. Самарқандда истиқомат қилаётган жамики моҳир меъморлар фикрлашиб, ҳар тарафи 1500 газ квадрат чорбоғга асос солинган, ҳар тарафининг ўртасига баланд пештоқли дарвоза қурилган. Ўртага икки ошиёнли уч тоқ ва олий гумбазли ҳашамдор кўшк қурилган. Ичкариси нақшинкори, ташқариси кошинкори, ниҳоятда файзли ва жозибали. Кўшк изораси мармардан ясалган. Боғнинг кўркидан мамнун бўлган Темур, унга «Боғи Дилкушо» деб кўркига монанд ном қўйган экан.

Тарихчининг таърифи билан Алишер Навоийнинг кўшк-қаср ҳақидаги сатрлари орасида қандайдир яқинлик бордек туюлади:

«Гоҳ Бўстони Дилкушо ичра,
Қасру айвони жонфизо ичра...
Қилса не ранг ичини наққоши,
Тоши ҳам бўлгай ул сифат коши»[2]

Дарвоқе, Алишер Навоий Самарқандга келганда Боғи Дилкушони ҳам зиёрат қилган бўлиши керак.

Темур Ҳиндистон ғазоватидан қайтар экан, 1399 йил 28 апрелда Боғи Дилкушога тантана билан келиб тушади. Подшоҳ хонадонига мансуб бўлганлар, шаҳзодалар ва амирлар ғолиб Темурни зар сочқулар билан кутиб олишади. Тарихчи Ғиёсиддин Али боғдаги иморатни Кўшки Дилкушо деб таърифлайди[3]. Демак, 1399 йилда кўшк иморати деярли қуриб тугатилган десак бўлади.

---

[1] История Самарканда. т. 1, Т., 1969, стр. 192.

[2] Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. Асарлар, 9- жилд, Т., 44,77- бетлар.

[3] Гиясиддин Али. Дневник похода Темура в Индии. М., 1958, стр. 187.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу воқеадан бир неча йил кейин Самарқандга келган Кастилия қироли Генрих III нинг элчиларини Амир Темур 1404 йил 8 сентябрда Дилкушо боғида қабул қилади. Клавихонинг ёзишича, амир фавворали ҳовуз бўйидаги тахтда ўтириб, уларни қабул қилган. Орқасида эса кўшкнинг улуғвор пештоғи кўриниб турган.

Амир Темурнинг алоҳида ихлос қўйган энг гўзал боғи ва ундаги кўшк кейинги подшоҳлар даврида ҳам гавжум ва обод бўлган. 1410 йилда амир шайх Нуриддин Самарқандни қамал қилган вақтда «икки-уч кунни Дилкушо боғида ва Конигилда ўтказади». 1418 йил кузида Улуғбекнинг иниси шаҳзода «Мирзо Жўкий Дилкушо боғига келиб тушди. Мирзо Улуғбек бир неча кун давомида узлуксиз зиёфат шартларини латифлик билан бажо келтирди»[1].

Бобур Мирзо Самарқанд муҳосарасида Феруза дарвозаси орқали шаҳарга кирган эди. «Бобурнома» да ўқиймиз: (Темурбек) «Самарқанднинг шарқида икки боғ солибтур, бириким йироқроқтур, Боғи Бўлдудур, ёвуқроғи Боғи Дилкушодир. Андин Феруза дарвозасиғача хиёбон қилиб, икки тарафида терак йиғочлари эктурубтур. Дилкушода ҳам улуғ кўшк солдурубтур, ул кўшкта Темурбекнинг Ҳиндустон урушини тасвир қилибтурлар»[2]. Яна Бобур Дилкушо боғи билан Самарқанд шаҳри орасида Бўдана қўриғ ўланги борлигини кўрсатиб ўтади.

Тарихий манбалар шунчалик эътибор берган ажойиб кўшк наҳотки бутунлай йўқ бўлиб кетган бўлса? Академик М. Е. Массон Боғи Дилкушо қолдиқлари Самарқанд — Панжакент йўлидаги 6 *км* нарида жойлашган ҳозирги Сочак қишлоғи яқинида деб аниқлайди. У ердаги тепалик ҳали ҳам «Хон чорбоғи» деб аталади[3]. Бизнингча бу Дилкушо боғи эмас. Тахминимизни тасдиқлайдиган икки далил бор: Хончорбоғда олиб борилган археологик текширишлар унда ҳашаматли бино қолдиқлари йўқлигини кўрсатади. Иккинчидан, Ҳиндистон урушидан қайтаётган Амир Темур Самарқандга жануб томондаги катта йўл орқали келар экан, аввал Дарғом яқинидаги Давлатобод боғида тўхтайди. Эртасига эса Боғи Дилкушога ўтади. Агар Боғи Дилкушо Сочак қишлоғи яқинида бўлса эди, Темур Давлатобод боғидан Са-

---

[1] Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Т., 1969, 255- бет.

[2] Бобирнома. Т., 1955, 105- бет.

[3] Мавзолей Ишратхона. Т., 1958, стр. 25.

www.ziyouz.com kutubxonasi

марқанд сари шимолга эмас, балки шарқ томонга юрган бўлар эди. Маълумки, Самарқанднинг Феруза дарвозаси орқали катта йўл жанубга — Шаҳрисабз томонга, иккинчи йўл шарққа — Панжакент томонга олиб борган. Демак, Боғи Дилкушонинг Самарқанддан шарқ томон олти километр нарида деб фараз этсак ва Темур асосий йўлдан юрганини назарда тутсак, унда Темур Самарқанд шаҳрига яқинлашиш ўрнига ундан узоқлашган бўлиб чиқади. Бу ҳол ҳақиқатга хилоф деб кўринади.

Энди ўз кузатишларимизни айтамиз: «Хон чорбоғ» Темурнинг «Боғи Бўлду» си қолдиқлари бўлиши керак. У ҳолда яқинроқдагиси, Бобур айтган «ёвуқроғи»— Кўшки Дилкушо шаҳарнинг Феруза дарвозасидан тахминан 2 *км* жануби-шарқда жойлашган, ҳозирда Ишратхона номи билан машҳур иморат бўлиб чиқади. Шоҳона кўшк-саройнинг кейинги даврларда Ишратхона номи билан айтилиши ҳам бежиз эмас. Чунки, мазкур кўшк бутун тузилиши, нафис ва ҳашаматли безаклари билан, қолаверса тарихан шоҳларнинг ишрат-базм даргоҳи бўлгани билан «Ишратхона» деб номланишига ишонарли асос бор. Темур ва Улуғбек давридаги ишрат базмларини эсланг, шунинг оқибатида Улуғбекнинг руҳонийлар билан бўлган кескин тўқнашувларини эсланг. Хондамир шундай воқеани айтади: катта базм вақтида Мухтасиб Саид Ошиқ Улуғбекка таъна билан «Сен Муҳаммад динини барбод этдинг, кофирлар удумини қилаяпсан»— деб ҳақорат сўзларини айтишга журъат этади[1]. Ёки Улуғбекнинг Мирзо Жўкий шарафига Дилкушо кўшкида берган базмларини эсланг: «Ой юзли соқийлар ва Зуҳра (юлдузи) дек наво қилувчи мутриблар гулранг бодалари уд ва чанг овозига улаб бедил (ошиқ) лар жонидан ақлу ҳушини ўғирлар эди... Мутриб соқий айш-ишратга ундаб, дил оҳангини чалдилар»[2]. Дилкушо кўшкининг кейинроқ халқ орасида Ишратхона деб ном олиши табиий.

Ҳозир ҳам Ишратхона кўшкининг қолдиқлари, гарчи анча қисмини йўқотган бўлса-да, ниҳоятда кўркам ва жозибали. Унинг баланд гумбази 1903 йили кучли зилзила вақтида қулаб тушган. Лекин гумбаз тузилишини 1872 йилда олинган фотодан аниқлаб олишимиз мумкин.

---

[1] Бартольд В. В. Улугбек и его время. Соч. т. II, ч. 2, М., 1964, стр. 131.

[2] Абдуразоқ Самарқандий. Ўша асар, 255- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ишратхона кўшкини кўриб чиқайлик. Илгари Самарқанддан чиққан меҳмон боғнинг кунботар дарвозасига тўғри келарди. Баланд девор билан ўраб олинган боғ ўртасида кўркам иморат — Кўшки Дилкушо. Тўғрида буюк пештоқ — икки қанотида икки ошиёнли хоналар ёндошган. Изораси тошдан йиғилган, безаклари силлиқ ғиштдан, чокларига феруза ва ложувард ранг кошин берилган. Маълум меъёрда кошиндан ясалган гулгун турунжлар қатори. Пештоқ равоғи ичида яна бир кичик равоқ бўлиб, унинг ички деворига изора ўрнатилган. Икки ёнида кичик эшикчалар. Дарвоза орқали ичкарига кирайлик. Чордараю икки ошиён баландлигидаги катта хонақоҳ — сарой. Уйнинг тўридаги эшиги орқали ташқарига чиқиш мумкин, жануб томонидан учта хонали миёнсаройга ўтилади, шимолдан эса меҳробли узунчоқ хонаи хос (баъзи тахминларга кўра, кўшк масжиди) га ўтиш мумкин. Чордарани ташқи бурчакларида тўртта айланма зина бўлиб, улар орқали юқоридаги ошиён хоналарига ва гумбаз томга чиқилган. Кўшкнинг марказий хонақоҳ остидаги саккиз қиррали ер ости хонаси тагхонадир. Одатда бундай хоналардан сарой мулки ва озиқ-овқатларни сақлаш учун фойдаланилган. Тагхона изораси кошин ва тошдан ишланган.

Хонақоҳ — сарой тепаси жуда мураккаб ўзаро кесишувчи равоқлар ва бурчакларидаги қалқонсимон бағаллардан ташкил топган. Сарой безаклари айниқса ҳашаматли: пастда кошинкори изора, унинг тепаси оппоқ ганч устига ишланган ранг-баранг нақшинкор гуллар чаманзорига айланган. Улар орасида бир оз бўртиб турган кундал гуллари хонани янада жилвадор этган. Чордара сарой усти ташқи томонидан иккинчи гумбаз билан бекитилган. Бу гумбаз баланд давра чамбаракка ўрнатилгани учун ҳам қадди расо ва маҳобатли. Чамбарак юзаси гириҳ асосида кошинкори нақшлар билан безатилган. Гумбаз бутунлай феруза ғиштлар билан терилган. Феруза гумбаз узоқ-узоқлардан кўзга ташланиб, теварак атрофдаги бинолардан алоҳида ажралиб турган. Шунинг учун ҳам кўшк кейинроқ «Кўк гумбаз» номи билан аталган. Шоҳруҳ Самарқандга 1411 йил ёзида келиб Конигил майсазорида боргоҳ қуриб тургач, «Кўк гумбаз» га ўтгани ҳақида маълумот бор. «Мирзо Улуғбек ўша манзилда катта бир тўй қилиб подшоҳона туҳфаларни арзга етказади»[1],— деб хабар қилади бу воқеалар-

[1] Абдураззоқ Самарқандий. Ўша асар, 168- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг гувоҳи. Боғи Дилкушонинг кейинроқ Боғи Феруза деб аталишига ҳам шу гумбаз ранги сабаб бўлиши керак.

Умуман кўшкнинг барча қисмлари ўзаро мутаносиб, рангвор тузуми ҳамоҳанг. Бинонинг нозик терилган кошинкори ва сиркори безаклари мусаввирнинг қилқалами билан бажарилгандек. Ислимий ва гириҳ нақшлари, зарҳали кундал безаклари таърифга сиғмайди. Дилкушо кўшки — Ишратхона Марказий Осиё меъморлиги хазинасидаги ажойиб дурдоналардан ҳисобланади.

Кези келганда, Ишратхона мақбара деб белгиланиши ҳақида тўхтаб ўтамиз. Ишратхона биносини мақбара биноси деб эълон қилиниши хатодир. Бундай хатонинг пайдо бўлишига иккита сабаб бўлган: биринчидан, бино ичидаги тагхонада кейинги даврларда кўмилган 20 дан ортиқ қабрларни бўлиши; иккинчидан, В. Л. Вяткин топган 1464 йилда тузилган Ҳабиба Султон бегим вақфномаси бўлди. Вақфномада Хованд Султон бека қабри феруза гумбазли иморат ичида бўлиб, бу мақбаранинг Хўжа Абду Дарун мозори билан ёнма-ён эканлиги ва унинг ғарб томонида Боғи Феруза жойлашгани тўғрисида хабар қилинади. Шу ҳужжатга асосланиб В. Л. Вяткин ва бошқа текширувчилар (М. Е. Массон, Г. А. Пугаченкова ва б.) Ишратхона биносини Хованд Султон бека мақбараси деб қабул қилишган. Ваҳоланки, вақфномада сўз Хўжа Абду Дарун мақбарасига ёндош гумбазли, ҳозир ҳам сақланган бино ҳақида бораётганига ҳеч ким эътибор бермаган. Бу бинонинг ҳам кўк феруза гумбази бўлган, лекин асрлар давомида гумбаз деярлик тўкилиб кетган. Шунинг учун ҳам унинг аслида Феруза бўлган гумбази кўзга ташланмаган бўлса керак.

Яна муҳим фактга эътиборингизни жалб этамиз. Бобур Самарқанд атрофидаги жойларни тасвирлар экан, машҳур ўланг Конигил «Самарқанд шаҳридин шарқ тарафидадур, бир нима шимолға мойил, бир шарںий бўлғай» деб ёзади. Яъни Конигил кенглиги тахминан икки километрдан ошмас экан. Энди Шарафиддин Али Яздий айтган Боғи Дилкушо Конигил ўлангининг чеккасида эканлигини эътиборга олсак, худди Ишратхона жойлашган манзил Темурнинг машҳур боғи бўлиб чиқади. Ишратхона билан Самарқанд орасидаги ўланг Бобур айтган «Бўдана қўриқ» бўлиб чиқади. Тарихий ёдномаларнинг ана шу жузъий кўрсатмалари, яъни Боғи Дилкушонинг Конигил чеккасида ва Самарқанддан ниҳояти икки километрча шарқ томонда жойлашгани ҳақидаги ҳужжат асрий муам-

www.ziyouz.com kutubxonasi

монинг тўғри ечилиши учун қимматли далилдир.

Кейинги йилларда, янглишмасам дастлаб М. Диёрий тахмин асосида, Ишратхона номи этимологик таҳлил асосида бутунлай бошқача талқин этилмоқда. Ишрат — аслида айш-ишратга ишора эмас, балки «Ашарат» яъни арабча «ўн» сўзи маъносида эмиш. Ашратхона — ўнхоналик бино деган мазмунни беради. Бундай талқин ҳақиқатдан анча узоқ: икки қаватли муҳташам бино қолдиқларини диққат билан кузатсак, унда хоналар сони ўнта эмаслиги ошкор бўлиб қолади. Иккинчидан, умуман меъморлик тарихида бино номини хоналар сони билан белгилаш ҳоллари учрамайди. Учинчидан, бино тарихига оид аниқланган ҳужжатлар тарихий воқеалар, жуғрофий таҳлил ва бошқа далиллар бинонинг Амир Темур қурдирган машҳур Дилкушо кўшки — саройи эканлигини исботлаб турибди.

Ишратхона иморатининг Темур даврида қурилган Кўшки Дилкушо бўлиб чиқиши муҳим тарихий аҳамиятга эга. Чунончи, биз 14-аср охири ва 15- аср бошларида қурилган қатор кўшкларнинг бирдан-бир сақланиб қолган намунасига эга бўлдик. Ишратхонанинг 1464 йилда эмас, балки 1397—98- йилларда қурилганлиги аниқланиши умуман Мовароуннаҳр меъморлиги ривожланиши ва услубидаги муҳим манба Ҳиротдан эмас, балки Самарқанддан бошланганини кўрсатади. Бу ўринда аввало машҳур Гавҳаршод бегим томонидан қурилган меъморий ансамблдаги меъморий шакл ва қурилмаларнинг Самарқанд таъсирида белгиланганн ошкор бўлади.

Демак, Темур вафотидан кейин қатор меъморлар пойтахт — Самарқандни ташлаб Ҳиротда қолгани аниқланади. Қолаверса, санаси номаълум бўлиб, Ишратхона биноси услубига ўхшашлиги эътиборан Самарқанддаги Оқсарой каби бинолар ҳам ҳақиқатга яқин тарихий аниқлик олади. Ва ниҳоят, Кўшки Дилкушо — Ишратхона орқали кўшк меъморлиги тараққиёти ва хусусиятларини ўрганишга асос бўлади.

Энди Ишратхонани мақбара эмас, балки Самарқандининг машҳур Дилкушо номли боғидаги зеб-зийнатли кўшк — сарой деб номлашга ҳарқанча асос мавжуд.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУҲАНДИСЛАР СУЛТОНИ

Муҳандиским бу қаср обод қилди,
Бу янғлиғ тарҳини бунёд қилди.

Алишер НАВОИЙ

Халқ меъморлигида бинокорлик илми ва санъатини чуқур эгаллаган, лойиҳа ва нақшлар чизиб ижод этадиган моҳир мутахассисларни меъмор, боний, муҳандис деб улуғлашган. Кенг маънода муҳандис деб ҳандаса-геометрия илмининг билимдони, геометрияни техникага, иншоотлар конструкциясига татбиқ этувчи мутахассис-инженер назарда тутилган. Ўрта асрлар меъморлигида энг мураккаб ва муҳташам сарой ва кўшкларни, мадраса ва масжидларни ўз лойиҳаси асосида бунёд этган мубоширлар кўпинча муҳандис ёки меъмор деб аталгани маълум. Аслида муҳандис ва меъмор унвонлари катта тажрибали, маълум ва мушҳур бинокор усталарга нисбатан кўпроқ қўлланилган.

Кўҳна Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарлар меъморлиги ҳақида ўйлар эканмиз, дастлаб ўша муқаддас манзиллар кўксидаги турли даврларга мансуб беқиёс ва бебаҳо меъморий ёдгорликлар кўз ўнгимиздан ўтади. Халқ даҳосининг нодир намуналари ўтмиш замонлар элчиси ва гувоҳи сифатида қад кўтариб турибди. Ана шундай гўзаллик оламини ярата олган устод муҳандис ва меъморлар маҳорати таърифга сиғмайди.

Мана улкан ва маҳобатли Бибихоним масжид-мадрасаси. Дилни лол этувчи юксак тоқу равоқлар олдида беихтиёр савол туғилади. Бундай беқиёс улуғворликнинг ижодкор-бунёдкорлари ким экан? Тарихнавислардан Ғиёсиддин Али, Ибн Арабшоҳ, Шарафиддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий каби олимларнинг хабар қилишича, Бибихоним масжид-мадрасаси қурилишида Озарбайжон, Халаб, Кирмон, Басра, Форс, Ҳиндистон, Бағдод каби мамлакат ва шаҳарлардан келган моҳир ҳунарманд усталар тинимсиз меҳнат қилганлар. Лекин ана шу кўпчилик усталарни жамлаб, ягона тарҳ-лойиҳа асосида ишни бошқарган бош меъмор ким бўлган? Тарихий воқеаларнинг бевосита гувоҳи бўлган Ибн Арабшоҳ эсдаликларида таъкидлашича, Амир Темур «Жомсъ ишини ўзининг ёрдамчиларидан ва девон бошлиқларидан бири бўлган Муҳаммад Жалд деган шахсга топширди. Муҳаммад

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жалд жомеъ биноси ва унинг рукнларини пишиқлашда жидду жаҳд кўрсатиб, жомеънинг асосий таркиби, тартиби ва зийнатига ҳусн беришда камоли ҳаракатини сарфлади...» Амир Темур олти йиллик узлуксиз муҳориба сафаридан Самарқандга қайтар экан, ўтган муддат давомида қуриб битказилган улуғвор ва беқиёс жомеъ масжидини кўришга ошиққани табиий. Шарафиддин Али Яздийнинг хабар қилишича, Темур масжиднинг ҳовлисига кириши биланоқ, мубошир меъморни ўзбошимчаликда айблайди, асосий бино даргоҳини ташқи дарвоза жойлашган пештоққа нисбатан паст ва тор деб топади, оқибатда Хўжа Маҳмуд Довудни, яъни бино мубоширини дорга осиб ўлдирдилар.

Икки тарихчи жомеъ масжиди мубоширини икки хил номлайди: бири Муҳаммад Жалд деб, иккинчиси Хўжа Маҳмуд Довуд деб ёзади. Шунга кўра кўпчилик олимлар бир вақтда икки олим жазоланган деган хулосага ҳам келишган. Гап шундаки, Ибн Арабшоҳ ҳам, Шарафиддин Али Яздий ҳам ўз тарихий китобларини воқеа бўлиб ўтганидан 20—30 йил кейин ёзганлар. Демак, тарихий маълумотларга бирор хато кириб қолган бўлиши мумкин.

Мубошир меъморнинг тўлиқ номини фақат бир тарихий ҳужжатда учратдик. Бу Амир Темур саройида муншийлик вазифасини бажарган, кўпчилик воқеаларнинг шахсан шоҳиди бўлган Ҳофиз Абруннинг тарихий китобидир. Қўлёзманинг Истанбул шаҳрида сақланаётган нусхасида мубоширнинг номи Хўжа Жалолиддин Маҳмуд бинни Довуд деб ёзилган экан.

Бибихоним масжид-мадрасаси каби улкан меъморий ансамблни яратган улуғ меъморнинг номи жаҳон меъморлигининг аллома арбоблари қаторидан ўрин олса арзийди.

Энди Самарқанднинг фахри ва кўрки, Марказий Осиёда қурилган қадимги мадрасаларнинг энг етук ва беқиёс обидаси бўлган машҳур Улуғбек мадрасасини лойиҳада ижод этиб амалда бунёд этган бошқа бир улуғ меъмор-муҳандиснинг муборак номини аниқлаш йўлидаги баъзи мулоҳаза ва тахминларни айтиб ўтамиз.

Мирзо Улуғбек даврида (1393—1449) пойтахт Самарқанд фан ва маданиятнинг йирик марказига айланди. Тождор олим ҳомийлигида замонасининг фозил олим ва шоирлари бошпана топди. Фан соҳасида Улуғбекнинг ҳамроҳи ва ҳамкасби бўлган қатор олимлар математика ва астрономиянинг жуда мураккаб масалалари устида баракали тадқиқотлар олиб бордилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

15- асрнинг биринчи ярмида Самарқанд устида порлаган ёрқин фан юлдузларидан бири, Улуғбекнинг илмий тадқиқотларида энг яқин сафдоши Самарқанд расадхонасининг бошлиғи Саид Жамшид ибн Масъуд ибн Маҳмуд Ғиёсиддин Коший эди. Машҳур «Зижи Курагоний» нинг арабча қўлёзмаларидан бирининг охиридаги бир қайд айниқса диққатга сазовор. Унда Султон Улуғбек Самарқанд шаҳрида кузатишлар олиб бориб, рисолани ёзди, уни араб тилига таржима ва таҳрир этган Ғиёсиддин Жамшид деб чекилган экан.

Улуғбек астрономия мактабининг олимларидан бири, қатор илмий шарҳлар муаллифи Абдул Али ибн Маҳмуд ибн Ҳусайн ал-Биржоний ўз устози бўлмиш Ғиёсиддин Жамшид Кошийни «Султон ал-муҳандисин», яъни «Муҳандислар султони» деб юксак таърифлаган экан. Бу таъриф ўша давр мутахассис олимларининг якдил фикрини ифода этганига ҳеч шубҳа йўқ. Демак, Ғиёсиддин Коший фақат математика ва астрономия соҳасидагина эмас, балки меъморлик ижодининг назарий асослари билан бевосита шуғулланиб, олимлар, меъмор-муҳандислар орасида обрў ва шуҳрат қозонган «муҳандисларнинг султони» сифатида гавдаланади. Агар Улуғбек даврида Кошийдан улуғроқ муҳандис бўлганида, Биржоний ўз устозини бунчалик юксакка кўтармаган бўларди.

Ғиёсиддин Коший ҳақида маълумотлар жуда оз сақланиб қолган. Коший (Кошоний) нисбаси олим Форснинг Кошин шаҳрида туғилганини билдиради. Бинокорликда безак учун ишлатиладиган сопол-кошин номи ҳам ана шу шаҳар номига нисбатан белгиланган деб тахмин этилади. Лекин олимнинг Коший деб аталишини унинг меъморликдаги энг нозик ва қийин безаклардан ҳисобланган кошинкорликнинг моҳир устаси бўлганлигидан дарак маъносида ҳам тушуниш мумкин. Ғиёсиддин дастлаб Форс ва Хуросонда темурийлар хизматида бўлиб, тахминан 1414—1416- йилларда Самарқандга таклиф этилиб, шу шаҳарда доимий истиқомат этиб қолди. Баъзи манбаларга кўра Ғиёсиддин 1436 йилда, Т. Н. Қори-Ниёзийнинг фикрича 1429 йилда Самарқанд шаҳрида вафот этган.

Ғиёсиддин Кошийнинг «Мифтоҳ ал-ҳуссоб фил-ҳисоб» китоби асосан арифметика ҳақида бўлиб, унинг таркибидаги бино ва иморатларни ўлчаш тўғрисидаги уч бўлимдан иборат махсус бобида бутунлай меъморлик назарияси масалалари ёритилган.

Муаллифнинг айтишича, меъморлик фанини «билган-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар илгари иншоот ва биноларни ўлчаш зарурати ҳақида асар ёзишни ўйламаганлар. Шуни эътиборга олиб, мен зарур билимлар қаторига биноларни ўлчаш илмини киритдим»,— деб таъкидлайди.

Биринчи бўлим — тоқ ва равоқларни ўлчашга бағишланган. Олим устувон цилиндр шаклидаги деворли ҳажмнинг уч хил — фалақа, ҳалқа ва даф каби турларини таърифлаб, қатор меъморий терминларни тушунтиради. Сўнгра тоқ ва равоқ шакллари орасидаги фарқни кўрсатиб беради. «Тоқ ва равоқнинг фарқи шундай: тоқнинг қалинлиги (ард) кенглигидан (вус) кичик, равоқнинг қалинлиги эса (равоқ) кенглигидан катта. Тоқнинг қалинлиги-равоқ узунлиги — тули деб аталади»[1]. Коший тоқнинг турли мураккабликдаги беш хил геометрик ясаш усулини келтиради. Мазкур шаклларнинг ўзи ўша давр меъморлигида лойиҳа чизиш санъати қанчалик илмий асосда бўлганлигини яққол кўрсатади.

Ғиёсиддин Коший тоқ ва равоқларнинг ташқи сатҳини уларнинг қалинлигига кўпайтириб ҳажмини аниқлаш жадвалини ҳам келтирган, ҳисоблаш тартиб ва қоидаларини тушунтирган. Ҳатто эгри ёйлар узунлиги билан боғлиқ ўлчамларни тригонометрик функциялар (синус, косинус) ёрдамида топиш йўлини кўрсатган.

Иккинчи бўлим — қубба-гумбазларнинг шакли ва ўлчаш тартибига бағишланган. Коший гумбазларнинг тўрт хил турини таърифлаб, уларнинг сирт юзасини, ҳажмини таҳминий ҳисоблаш йўлларини кўрсатиб беради.

Учинчи бўлим — муқарнаслар сиртини ўлчаш ҳақида. Муқарнас тоқ ва равоқлар ички томонидаги безак тосак — косачалар системасидан ташкил топиб, устма-уст жойлашган безак нақшдир. У жуда мураккаб чизмали лойиҳа асосида ясалади. Коший муқарнаснинг ташкил этувчи элементлари, уларнинг характерли белгилари, номларини келтиради. Коший муқарнас косачасини — байт, устма-уст жойлашган ҳар бир қаторини табақа, косачанинг энг катта ва асосий модулини — миқёс деб атайди. Муқарнасларнинг тўрт хил тури ҳақида маълумот беради. Коший муқарнас косачасининг такрорланувчи элементларини ясаш тартибини ҳам кўрсатиб ўтади. «Билгинки,— деб ёзади олим,— бинокор усталар тўғри тўрт бурчакнинг асосини муқарнас

[1] Ал-Каши. Джемшид. Ключ арифметики. М., 1956.

www.ziyouz.com kutubxonasi

миқёсига (модулига) тенг олиб, баландлигини ундан икки ҳисса узун белгилашади».

Кошийнинг муқарнас ясашда миқёс — модуль бирлигидан фойдаланиш ҳақидаги маълумоти айниқса қизиқарли ва меъморлик тарихи учун муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, ҳозирги замон меъморлиги ва қурилиш техникаси тараққиёти модуль системасининг нақадар зарур эканлигини тақозо этмоқда. Уни кенг татбиқ қилиш устида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Самарқанд олимлари ва меъмор-муҳандислари модуль-миқёс устида 15- асрдаёқ амалий-назарий ишлар қилиб, илмий китоблар ёзгани янада катта аҳамият касб этади.

Ғиёсиддин Коший математика соҳасида жуда кўп янгиликлар яратди. Айлана узунлигининг диаметрига бўлган нисбати π сонининг 17 хоналик қийматини шу соҳадаги Европа олимларидан қарийб икки юз йил илгари топди. Коший дунёда биринчи бўлиб ўнлик касрни илмий ишларга татбиқ этди. Худди шу каби улуғ математик ва астроном олим замонасининг етук меъмори ва муҳандиси сифатида меъморлик назарияси ҳақида китоб ёзди. Ўзи қайд этганидек, бу соҳанинг баъзи қисмлари ҳақида унгача бошқа олим ҳеч ёзмаган экан. Ғиёсиддин Кошийнинг ўз замондошлари томонидан «Муҳандислар султони» деб улуғлашганини назарга олсак, машҳур олимнинг Улуғбек даврида қурилган Самарқанддаги мадраса, хонақоҳ ва расадхоналар қурилишида бевосита иштироки бўлмаганмикан, деган савол туғилиши табиий.

Агар Ғиёсиддин Кошийнинг Самарқандга 1414—1416- йилларда келиб, муқим жойлашиб қолганини эсласак, унинг ҳаёт вақтида Улуғбек даврининг дунёга машҳур обидалари бунёд этилганини эътиборга олсак, «муҳандислар султони» деган шарафли унвонга муяссар бўлган буюк олимнинг мислсиз бунёдкорлик жараёнида ғоят масъулиятли вазифаларни адо этганлигига ҳеч шубҳа қолмайди. Ғиёсиддин Жамшид Кошийнинг меъморлик соҳасидаги мероси ва амалий ишларини чуқур ўрганиш олимларимизнинг шарафли бурчларидир.

Самарқанд шаҳридаги бирбиридан муҳташам ва муаззам, беқиёс ва беназир икки меъморий обида бунёдкорлиги билан боғлиқ замину замонлар суронида деярли унут бўлиб кетган икки буюк ижодкорнинг ҳаётий тақдирларини, муборак номларини аниқлаш борасидаги дастлабки натижалар ана шундай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШЕР ТАСВИРИ МУАММОСИ

Бундан бир неча йил муқаддам Самарқандда иккита Шердор мадраса бор десак, ҳеч ким ишонмаслиги табиий эди. Чунки шу номда фақат бир мадраса борлиги маълум. Ахир, шаҳардаги меъморий ёдгорликлар довруғи дунёга кетган, улар ҳақида жуда кўп китоблар чоп этилган. Меъморлик ва санъат тарихига оид салмоқли тадқиқотларда ҳам, катта-кичик оммабоп рисолаларда ҳам машҳур ёдгорликлар қаторида албатта Шердор мадраса ҳақида ҳам маълумотлар топиш мумкин. Лекин шаҳарда яна бошқа Шердор мадраса бўлганлиги, ҳатто ҳозир ҳам мавжудлиги хабари ҳаёлий уйдурмадек туюлар эди. Шу баҳона Самарқанд меъморлиги тарихига оид Шердор мадраса номи билан боғлиқ муаммо ва янгиликлар ҳақида бир-икки оғиз сўз айтмоқчимиз.

Самарқанд шаҳрининг меъморий қиёфаси ҳақида фикр юритсак, даставвал кўз ўнгимизда улуғвор Регистон майдонидаги бири-биридан гўзал ва маҳобатли мадрасалар намоён бўлади. Регистон улкан пештоқлар, адил миноралар, баҳайбат тоқу равоқ ва гумбазлардан ташкил топган, ранг-баранг кошинкори либосдаги беқиёс меъморий ансамблдир. Майдондаги Улуғбек мадрасаси, Шердор мадраса, Тиллакори масжид-мадраса Самарқанд меъморлари ижодий даҳосининг нодир намунаси ҳисобланади. Бу қутлуғ заминда неча-неча мутафаккир, зиёкорлар — устоз олимлар қадамининг изи бор. Уч муборак дорулфунуннинг ҳар бири меъморлигимиз тараққиётининг зарварақларини ташкил этади.

Шердор мадраса мисолида баъзи муаммоларни эслаб ўтайлик. Мадраса 1629—1631-йиллар давомида Самарқанд ҳокими саркарда Ялангтўш Баҳодир томонидан қурилган. Ўз даврининг мўъжизаси ҳисобланган иморат таърифида шоирлар мадҳиялар ҳам ёзишган. Мадрасанинг кошинкори безаклари орасида форсий мадҳияни ўқиймиз (таржима):

Ер нуқтаси осмон авжидан афво —
Кўтариб мадраса эттирди бино,
Еру кўк зийнатин бўлди ялови,
Тоқиси — камолот, ақл ўлчови.
Кўп тиришиб, илмдан боғлаб ҳам қанот,
Ақлнинг лочини етолмас, ҳайхот
Минора учига ташлаб ҳам каманд
Фикрнинг дорвози чиқолмас ҳарчанд.
Тоқига муҳандис берганда орой,
Осмон бармоқ тишлаб, деди: «Янги ой!?»

Олимларнинг тахмин этишича, Шердор мадраса ўрнида илгари Заҳириддин Муҳаммад Бобур таърифлаган «бисъёр улуғ гумбазли» хонақоҳ бўлган. Улуғбек номи билан боғлиқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

хонақоҳнинг қолдиқлари мадраса остида қолиб кетган эмиш. Тарихий ҳужжатлардан маълум бўлишича, Улуғбек хонақоҳининг ер остида Туман оқо тимининг пойдевори ҳам қолиб кетган экан. Лекин ҳозирча Шердор мадраса яқинида ва ҳовлисида олиб борилган археологик қазиш вақтида юқорида айтиб ўтилган биноларга мансуб аниқ девор қолдиқлари топилгани йўқ. Хонақоҳ ва тим каби икки улкан иморат қолдиқлари бутунлай изсиз йўқолиб кетиши мумкин эмас, ахир. Ўша бинолар мадраса остида бўлмаса керак, деган фикр ҳам хаёлга келади. Шердор мадрасанинг жануби-ғарбий бурчагидаги гумбазли катта хона ҳам анча илгари қурилган бир бинонинг қолдиқлари, деб эълон қилинган эди. Мадрасанинг ажралмас қисмига айланиб қолган баланд гумбазли бино — мақбара ҳали ҳам аниқланмаган тарихий муаммо.

Аслида Ялангтўш Баҳодир мадрасаси номи билан тарихга кирган бино эл орасида асосан «Мадрасаи Шердор» ёки «Шердор мадраса» номи билан машҳур бўлган. Бунга сабаб бино пештоқ равоғи қаносидаги шер, оҳу-кийик ва қуёш тасвирларидир. Дарвоқе, қуёш нурлари зар сочган ажойиб гуллар чаманида нозик оҳуни қувиб кетаётган барваста шер тасвири шу даражада маҳорат билан ишланганки, у мадрасанинг характерли рамзий белгиси сифатида кўпчилик орасида янада маълум ва машҳур бўлди. Қизиғи шундаки ислом дини авж олган бир даврда, гарчи ҳар қандай жонзот, хусусан, одам тасвири қатъиян ман этилган бир замонда жониворлар реал тасвири қаторида одам қиёфасидаги қуёш берилиши бино меъмори Абдужаббор нақадар дадил ва мустақил ижодкор уста бўлганлигидан дарак беради. Бундай тасвирнинг улкан бино пештоғида ишланиши билан меъмор қандай мақсадни назарда тутган экан? Бу масалада ҳам тайин аниқлик йўқ.

Самарқандлик олим Абу Тоҳирхўжа 19- асрнинг 30-йилларида ёзган «Самария» китобида Шердор мадраса пештоғидаги тасвирларни бир оз бошқача талқин қилади. У тасвир мазмунини мусулмон астрологиясида кенг тарқалган осмондаги юлдуз буржлари билан боғлаб таърифлайди. Абу Тоҳирхўжанинг айтишича, хуршид-қуёш шакли шер буржи (юлдузлар туркуми) билан қўшилиб кетган: оҳуни тутмоқчи бўлган шер ҳамласини қуёш нурларининг тиғи қайтармоқда. Гўёки, нур-зиё офатни даф этмоқда. Ҳар ҳолда, ижодкорлар чуқур ғоявий фикрни рамзий таҳлитда беришгани кўриниб

www.ziyouz.com kutubxonasi

турибди. Лекин ҳозирча, тасвирнинг талқини ҳақида бошқа бирор аниқ тарихий маълумотга эга эмасмиз.

Хўш, Шердор мадрасадаги каби улкан тасвирлар бошқа иморатларда ҳам бўлганми? Ҳа, бўлган!

Тарихнавис Шарафиддин Али Яздийнинг таъкидлашича, Самарқанд яқинидаги 1397 йилда қурилган Боғи Дилкушонинг девор буржлари тепасида кабутарга ҳамла қилган бургутнинг ҳайкалсимон тасвири бўлган. Шаҳрисабздаги Оқсарой (1380—1405) пештоғидаги шер тасвирини испан элчиси Р. Г. Клавихо кўрган экан. Қадимги Анов (Обинав) манзилидаги меъморий ёдгорлик (15- аср) пештоғида афсонавий аждаҳоларнинг тасвири жуда яхши сақланиб қолган эди, афсуски, 1948 йил зилзиласи вақтида бутунлай бузилиб кетган. Бухоро шаҳридаги Нодир Девонбеги мадрасаси (1622) пештоғида афсонавий семурғ тасвирини ҳозир ҳам кўриш мумкин. Ўратепадаги (Тожикистон) бир мадраса пештоғида қандайдир афсонавий махлуқ тасвири бўлган. Хуллас, монументал иморатлар пештоқларида тасвирий безаклар берилиши 14—17- асрлар ёдгорликларида нисбатан оз бўлсада, учрайди. Ҳеч шубҳасиз, булар ичида энг маълум ва машҳури Шердор мадраса пештоғидаги шер, оҳу ва қуёшнинг кошинкори тасвиридир.

Энди тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган бир Шердор мадраса борлиги ҳақидаги тарихий фактларга эътиборингизни жалб этамиз.

«Самария» китобини рус тилига таржима қилган В. Л. Вяткин, китобнинг тожик тилидаги матнини чоп эттирган Н. И. Веселовский ва бу асар ҳақида тадқиқот олиб борган олимлар Абу Тоҳирхўжанинг уч сўздан иборат кичик бир изоҳига нимагадир эътибор беришмаган экан. Муаррих шаҳар ташқарисидаги Нодир Девонбеги мадрасаси номи билан танилган иморат (1630—1635) ҳақида сўз бошлар экан, уни «Мадрасаи Шердори берун», яъни «Ташқи Шердор мадраса» номи билан машҳур деб таърифлайди. Демак, Самарқанд ташқарисида жойлашган Нодир Девонбеги мадрасасининг ҳам иккинчи номи бўлган ва у «Шердор мадраса» деб аталган. Нима учун мадраса бундай ном билан машҳур бўлган ва бу ҳақда илмий китобларда бирор хабар йўқ? Чамаси, бу саволга Абу Тоҳирўжанинг қисқа изоҳига исбот топилмагани, бу ҳақдаги маълумотлар халқ орасида бутунлай унут бўлиб кетгани учун ҳам бирор жавоб топилмаган.

Абу Тоҳирхўжа эътироф этишича, у Самарқанд ёдгорликлари тарихини ёзиш давомида кўп тарихий манба ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўлёзмаларни ўқиб, ҳар бир бинони синчиклаб кўриб чиққан. Демак, у Нодир Девонбеги мадрасасини ҳам ўрганган, ундаги тарихий ёзувлардан фойдаланган. Лекин тарихчи нима учундир бинонинг ташқи Шердор мадраса деб аталиши ҳақида бир маълумот бермайди. Абу Тоҳирхўжа даврида бу масала очиқ-ойдин бўлганига шубҳа йўқ.

Ташқи Шердор жумбоғининг жавобини фақат бир тарихий ҳужжатдан топишга муяссар бўлдик. У Мирза Барот Мулла Қосим ўғлининг «Самария» китоби асосидаги ўзбекча мақоласидир. «Туркистон вилоятининг газети» нинг 1884 йил 26 май сонида «Самарқанд фирдавсмонанднинг баёни» номи билан эълон қилинган мақолада Нодир Девонбеги мадрасаси таърифланар экан, мазкур мадрасанинг биноси, иморати, пештоғи мисли мадрасаи Шердори Ялангтўшдайин, деб ўхшатилади. «Мазкур мадрасанинг пештоғида икки адад кийикнинг суврати ва икки адад шернинг суврати кошин билан нақшинкор безатилган», деб далолат беради. Демак, Мирза Барот Нодир Девонбеги мадрасаси пештоғидаги шер кийик тасвирларини кўрган, ўша даврда кошинкор безаклар анча бутун ва шакли аниқ кўринган бўлиши керак. Маълум бўлишича, қарийб юз йил ўтган давр давомида кошинкор безаклар янада кўплаб тўкилиб кетган, қолдиқлари эса бинонинг 1913 йилдаги таъмири вақтида бузиб, суваб ташланган. Оқибатда йиллар ўтиши билан ташқи Шердор мадраса номи тамоман унутилган, шер ва кийик тасвири бўлганлиги ҳақидаги хабар ҳатто фанда ҳам номаълум бўлиб қолаверган. Агар Мирза Баротнинг кичик бир хабари бўлмаганда, балки мадраса тарихида муҳим ўрин эгаллаган тасвирий безаклар бутунлай эътибордан четда қолиб кетган бўларди. Кошинкор безак қолдиқларида шер ва кийик тасвири борлиги аниқланмай қолиши мумкин эди.

Нодир Девонбеги мадрасаси пештоғида шер ва кийик тасвири бўлишига қандай сабаб ва асос бор? Мадраса ичкарисидаги тарихий ёзув бино ҳижрий 1040—1045- йиллар (1630—1635) давомида Нодир Мирза Тоғой ибни Султон Мирза томонидан қурилгани ҳақида хабар беради. Бухородаги аштархонийлардан Имомқулихон (1611—1642) даврида хоннинг энг ишончли ва яқин кишиси, девонбеги, яъни молия ишлари бўйича вазир вазифасида кўп йиллар ишлаган тадбиркор ва доно саркарда Нодир Девонбеги дастлаб пойтахт шаҳарда бир неча монументал бинолар қурдирди. Бухородаги машҳур Лаби Ҳовуз меъморий

www.ziyouz.com kutubxonasi

ансамблининг таркиб топишида Нодир Девонбеги кўрсатмалари катта аҳамиятга эга бўлган. Худди ана шу даврда қурилган мадраса пештоғида афсонавий семурғлар тасвири пайдо бўлиши ҳам Нодир Девонбеги талабининг натижаси бўлса керак. Икки Шердор мадраса ҳам бир даврда, яъни Нодир Девонбеги ва Ялангтўшнинг мавқеи ортиб, жуда бойиб, довруғи кетган даврда қурилган. Икки мадраса қурилишида ва безакларида меъмор Абдужаббор бошчилигидаги усталар қатнашган бўлса ажаб эмас. Ҳақиқатдан ҳам ҳар икки мадрасанинг кошинкор безакларини диққат билан кузатсак, улар ўртасида бадиий муштараклик яққол кўзга ташланиб туради.

Энди Самарқанддаги иккинчи Шердор мадрасага унинг унутилган образли номини қайтариш вақти келди. Мадрасада таъмир ишлари бошлаб юборилган. Самарқандлик машҳур уста, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Абдуғаффор Ҳаққулов ажойиб бир ташаббус билан чиқди. Унда худди бизни қизиқтирган обида ҳақида, уни таъмир этиш ишларини тажрибали уста ўз зиммасига олганлиги ҳақида сўз боради: «Миллий меъморчилигимизнинг ажойиб намунаси бўлган Нодир Девонбеги ёдгорлигини бошдан-оёқ таъмирлашни ўз оталиғимга оламан,— деб ёзади уста «Ленин йўли» газетасида босилган хатида.— Маълумки, бу нодир кошона салобати, кўркамлиги, ҳандасий ва ўсимликсимон безаклари билан бошқа ёдгорликлардан ажралиб туради. Афсуски, унинг бу гўзаллигига вақт оғир жароҳат етказган. Мен бутун тажрибам, санъатим, билимимни ва куч-ғайратимни ана шу жароҳатга малҳам қилишга, яъни уни асл ҳолига келтиришга сарфлайман. Энг муҳими, таъмирлашда юксак сифат учун курашаман ва кошонанинг ҳақиқий қиёфасини — барча безакларини ўз ҳолига келтиришга, хуллас аслий кўринишини тўла тиклашга бутун қувватимни сарфлайман».

Кейинги қидиришлар натижасида Девонбеги мадрасаси ташқи пештоғининг ноёб фото сурати ҳам топилди. Суратда шернинг шаклу шамойили аниқ кўриниб турарди. Шу ҳужжат асосида лойиҳа тузиш имконияти пайдо бўлди.

Халқ устаси Абдуғаффор Ҳаққуловнинг бошлаган олижаноб хайрли иши муваффақиятли якунланди. Уста Нодир Девонбеги мадрасасига унинг иккинчи номини — «Мадрасаи Шердори берун», яъни «Ташқи Шердор мадраса» номини қайтаришга муяссар бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚАБРДАН ТОПИЛГАН ДАЛИЛ

Ажойиб меъморлик ёдгорликларининг ноёб хазинаси машҳур Шоҳи зинда даргоҳидан ўтар эканмиз беихтиёр ушбу сатрлар эсга тушади:

Ғиштин зиналарга бермасдан озор
Авайлаб кўксига қўяман қадам.
Ўнгда ҳам, сўлда ҳам мудрайди мозор,
Сукунат қўйнига чўккандай олам.
Мармар саганалар бошида гумбаз,
Фалакка қўл чўзиб турибди гўё.
Асрлар ғамидан сўйлагандай роз.
Қалбимга урилар мунгли бир нидо...

(Б. БОЙҚОБУЛОВ)

Дарвоқе, Шоҳи зинданинг ҳар битта тоши улкан тарих гувоҳи, унда боболаримизнинг қалб қўри билан яратилган буюк санъатнинг муҳри бор. Унда Самарқанд меъморий санъатининг қарийб минг йиллик тарихини ўқиймиз. Лекин ҳали ўқилмаган, аниқланмаган сиру асрорлар, тарихий муаммолар жуда кўп. Ахир кўриб турганимиз бир-биридан гўзал бинолар остида яна минг йилдан ортиқ тарихнинг обидалари ётибди десак, қаватқават қабрлар остида Тамғоч Буғрохоннинг 1066 йилда қурилган катта мадрасаси қолдиқлари мавжуд десак, баъзилар ҳатто ишонмаслиги мумкин. Лекин археологик текширишлар натижасида деярли ҳар йили қадимий ёдгорликлар топилиб, кўҳна тарихнинг унут бўлган саҳифалари қайта ўқилмоқда. 1977 йил кузида аниқланган ва исбот этилган бир тарихий-меъморий жумбоқни эслаб ўтамиз.

Дастлаб Шоҳи зинданинг чилзинаси олдида экскурсоводнинг бир мақбара ҳақидаги ўша вақтдаги ҳикоясини тинглайлик:—«Мана бу қаршингиздаги қўш гумбазли улкан иморат Улуғбекнинг устози ва сафдоши, йирик математик ва астроном олим, ўз даврида замондошлари томонидан «Афлотуни замон» деб шарафланган Қозизода Румийнинг қабри устига қурилган мақбарадир. Иморат Улуғбек даври меъморлигининг етук намунаси ҳисобланади...».

Ҳеч шубҳасиз, экскурсовод илмий китобларда қайд этилган маълумотларни хабар қилмоқда. Лекин аслида бутунлай бошқача экан. Самарқанд меъморлик ёдгорликларини атрофлича ўрганиш бизни бутунлай кутилмаган бошқа хулосага олиб келди.

Ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон меъморлиги тарихига оид китобларда Шоҳи зинда ансамблидаги қўш гумбазли иморатни «Қозизода Румий мақбараси» деб таърифланади. Бундай фикр дастлаб М. Е. Массоннинг 1941 йилда чоп этилган Улуғбек расадхонаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳақидаги рисоласида эълон қилинган эди. Кейинроқ В. А. Шишкин иморатдаги арабий ёзувлар мазмунига асосланиб, М. Е. Массоннинг фикрини қатъиян тасдиқлаб чиқди. Энди маълум бўлишича, биринчи олим фақат тахмин билан мақбарани Қозизода Румий номи билан боғлаган бўлса, иккинчи олим эса шу тахмин таъсири остида тарихий ёзувни бир оз нотўғри таржима этган экан.

Энди тарихий маълумотларга мурожаат қилайлик.

Дарвиш хирқасида Самарқандга 1863 йилда келган венгриялик олим Герман Вамбери Шоҳи зинда чилзинаси ёнида Амир Темур саройининг харобалари қолган деб хабар қилади. 1871—1872- йилларда тузилган «Туркистон альбоми» да қўш гумбазли иморат фото расми остига «Темурнинг энагаси ва унинг қизи мақбараси» деб ном қўйилган экан. 1883 йилда Самарқандга келган рус сайёҳи В. В. Крестовский ҳам шундай маълумот қолдирган. В. А. Шишкиннинг таъкидлашича, маҳаллий аҳоли иморатни 1940 йилларгача «Она ва қиз мақбараси» деб номлаб келган. Хўш, бу афсона каби туюлган номларда бирор ҳақиқатнинг изи бормикан? Наҳотки, халқ таъбири бутунлай хато бўлса? Оғзаки маълумотлар тасдиғини тарихий ҳужжат ва ашёвий далиллардан топдик.

Биринчи далил. Катта гумбазли хона пештоғи ичида арабий сулс ёзуви парчаси сақланиб қолган. Ёзувни бошланиши ва охири кошинлари тўкилиб бузилиб кетган. Қолган қисмидаги сўз анча бахсларга сабаб бўлди. Ўша сўзни «умм», яъни «оқа» деб, ёки «амр»— буйруқ маъносида тушуниш мумкин. Дастлабки тахминларда биз ўша ёзувда аёл исми зикр этилган деб тахмин этган эдик.

Иккинчи далил. Табиийки, дафн этилган аёл шахси ким, деган савол туғилади. Бу саволга бошқа бир тарихий ҳужжат —1404 йилда испан элчиси Руи Гонзалес Клавихо сафарномасидан жавоб топдик. Клавихо ёзади: Сентябрь ойининг 29- ида якшанба куни амир (Темур) Самарқанд шаҳрига томон йўл олди ва шаҳар дарвозасига яқин ташқаридаги бир уйга қўнди. Бу уйни амир ўз хотини Канье (яъни Бибихоним) нинг онаси шарафига қурдирган. Хотинининг онаси бино ичкарисидаги мақбарага дафн этилган. Бу уй жуда гўзал ва серҳашам. Улар

www.ziyouz.com kutubxonasi

одатда ўз уйларини унчалик ҳашамдор қилишмайди, лекин бунда (безак) жуда кўп. У ҳали тугалланганича йўқ, унда ҳар кун иш давом этмоқда»[1]

Клавихо кўрган уй ва мақбара ҳозирги қўш гумбазли иморатнинг худди ўзи эканлиги кўриниб турибди. Чунки у шаҳарнинг Оҳанин номли дарвозасининг ташқарисида жойлашган бўлиб, унинг ичкари хонасида фақат бир қабр бор, бино безаклари жуда серҳашам ва Темур даври наққошлиги намуналарига жуда ўхшаш. Шу вақтгача тадқиқотчилар Клавихонинг мазкур сўзларини бутунлай бошқа бир бино, яъни шаҳар ичкарисидаги «Бибихоним мақбараси» номи билан аталадиган бинога таллуқли деб ўйлаб келишган. Ҳолбуки, гап шаҳар ташқарисидаги кичик хонали мақбара ва катта хонали уйхонақоҳ ҳақида бормоқда экан.

Учинчи далил. Юқорида келтирилган икки ҳужжат далилларининг янада ишончли ва исботли бўлиши учун кичик хона ичидаги қабрни очиб кўриш зарур бўлиб қолди. Ниҳоят 1977 йилнинг 5 ноябрь куни Ўзбекистон Маданият министрлигининг Санъатшунослик институти, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Археология институти ва Самарқанд таъмир устахонаси мутахассисларидан иборат комиссия қабрни муаллиф бошчилигида текшириб кўрди. Ундан тахмин этилгандек фақат аёл кишининг қолдиқлари топилди. Антрополог олим Тельман Хўжаевнинг аниқлашича, бу скелет 30—35 ёшлар чамасидаги Марказий Осиё учун характерли монголоид тип аёл суяклари экан. Демак, мақбара ичига Бибихонимнинг онаси кўмилгани аниқ исботланди. Онаси боласига нисбатан анча ёш пайтида вафот этган экан. Тарихий манбаларда аёлнинг исми Ўлжаойим деб кўрсатилган.

Ўша тарихий воқеадан кейин Шоҳи зиндага томоша учун келган туристларга экскурсовод мақбара ҳақида аниқланган янгиликларни айтиб бераётгани табиий. У энди ҳар гал гапни бошқача бошлайди:— Мана бу қаршимиздаги қўш гумбазли улкан иморат Амир Темур амри билан катта хотини Бибихонимнинг онаси учун уй-хонақоҳ сифатида қурилган. Ичкари хонага уйнинг эгаси Ўлжаойим дафн этилганидан сўнг, бино мақбарага айланди. Бу иморат 1404 йилда тугалланиш арафасида бўлган

[1] Руи Гонзалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко дворцу Темура (1403—1406).— М., 1990.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва Темур даври меъморлигининг етук намунаси ҳисобланади.

Энди Қозизода Румий қабри ва мақбараси қаерда деган савол туғилади. Унга ҳозирча аниқ жавоб йўқ. Бу ўринда турк адмирали Сейди Раиснинг «Миръотул мамолик» номли сафарномаси диққатни жалб этади. Сейди Раис 1555 йилда Самарқанднинг машҳур кишилари мозорларини зиёрат қилар экан, у ўз ҳамюрти Қозизода Румийни ҳам эслаб ўтади. Сайёҳнинг зиёрат йўналишига диққат билан қарасак, Қозизода Румийнинг мақбараси шаҳарнинг ташқарисида, Расадхона ва Чўпонота оралиғидаги қабристонлардан бирида бўлса керак, деган хулосага келамиз.

Хуллас, Шоҳи зинда ансамблидаги қўш гумбазли иморат тарихига оид аниқланган янги маълумотлар жуда муҳим илмий аҳамиятга эга. Бу эса Самарқанд меъморлиги тараққиёти тарихига қатор ўзгаришлар киритишни тақозо қилади. Халқ даҳоси яратган меъморий дурдонадан асрлар гардини олар эканмиз, у янада муаззам ва муҳташам, сержило ва жозибадор кўринмоқда.

Тарихий маълумотлар ва иморатдаги ёзувлардан қўш гумбазли иморатни Бибихоним онасининг мақбараси деб ҳисоблашга ҳамма асос бор. Иморатнинг кошинкор ва сиркор либоси, феруза гумбази, тузилиши, муқарнас ва нақшин безаклари, ҳатто ғиштлари ҳам Амир Темур даврида қурилган Туман оқо масжиди ва Бибихоним масжид-мадрасаси меъморлик услубига, шаклу шамойилига жуда яқин туради.

Хўш, қўш гумбазли иморат Бибихоним онасининг мақбараси бўлса, у ҳолда Бибихоним масжид-мақбараси қаршисида сақланиб қолган, ҳозирча Бибихоним мақбараси деб юритилаётган иморатни қандай тушунмоқ керак? Қизиғи шундаки, мазкур иморат Клавихо хабарини нотўғри тушуниш ва чалкаш ривоятлар асосида Бибихоним мақбараси деб аталган бўлиши мумкин. Аслида бу бино Амир Темурнинг иккинчи хотини, Клавихо айтганидек, «кичик она» (кичик эна) Туман оқонинг истиқомат жойи хонақоҳидир. Амир Темур жоме масжиди қурилишидан олдин шу хонақоҳга келиб турган, шу жойдан туриб қурилишни кузатган. Иморатнинг кенг, баланд ва ёруғ хонаси, катта ва очиқ дераза — тобадонлари, серҳашам безаклари — буларнинг ҳаммаси бинонинг аввало шоҳона яшаш учун мўлжалланганлигидан дарак беради. Бинонинг олд томони жоме масжиди тарафига қараган.

Демак, бу иморат аслида Бибихоним мақбараси эмас, балки 14- асрнинг охирлари-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да қурилган машҳур Туман оқо хонақоҳидир. Бино сардобасидаги тош сандиқлар кейинги даврларга мансублиги аниқланди.

Юқоридаги тарихий ҳақиқатларнинг аниқланиши Самарқанд меъморлиги тараққиётини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур биноларнинг меъморий услуби, нақшин безаклари, конструкциялари тараққиёти, ўзаро таъсири, бино бунёдкорлари — меъморлар ижоди масалалари ҳақида энди тўғри ва ҳаққоний тарихни аниқлаш мумкин.

---

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Муқаддима 3

I. Меъморий луғат . . . 5

II. Меъморий хазина: . . . 71

Меъморий ёдгорликлар . 74

Меъморлар. 142

III. Меъморий сўз-мозийдан дарак:

Меъморий қонун . . .163

Абу Наср Форобий сўзи .168

Муҳаммад Наршахий сўзи . 173

Алишер Навоий сўзи . . 185

Ибн Баттута сўзи . . . 193

Заҳириддин Бобур сўзи . 197

Дорилфунун ва Доришшифо 215

Ишратхона — боғи Дилкушо кўшки 217

Муҳандислар султони . . 224

Шер тасвири муаммоси . 229

Қабрдан топилган далил . 234

www.ziyouz.com kutubxonasi

П. Ш. ЗОҲИДОВ

МЕЪМОР ОЛАМИ

Қомуслар Бош таҳририяти
Тошкент — 1996 й.

Етакчи муҳаррир — Моҳина Аширова
Муҳаррирлар Мавлуда Ғаффорова, Шоира Олимова
Бадиий муҳаррир — Асомиддин Бурҳонов
Техник муҳаррир — Мирзиёд Олимов

Теришга берилди 6.03.95. Босишга рухсат этилди 07.02.1996 й. Қоғоз бичими 84X108 1/32. Нашриёт ҳисоб табоғи 11,4 Босма табоқ 7,5. Буюртма № 6213. Тиражи 10.000 Баҳоси шартнома асосида.

Қомуслар Бош таҳририяти. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30- уй.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси. Ижарадаги Тошкент Матбаа корхонасида босилди. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

www.ziyouz.com kutubxonasi